


Муҳаммад
ИСМОИЛ

КЎКСИМНИ
КУЙДИРГАН
АЛАНГА



4-81
Муҳаммад Исмоил


КЎКСИМНИ КУЙДИРГАН АЛАНГА

ҲИКОЯЛАР, ШЕЪРЛАР, БАДИЛАЛАР



Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2008

84(5Ў)6
И81



Исмоил, Муҳаммад. Кўксимни куйдирган аланга:
Шеърлар. Ҳикоялар. Бадиалар/М.Исмоил. - Тошкент: Фафур
Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2008. - 320 б.

Ушбу китоб, асосан, ёшларга мўлжалланган. Унинг барча қаҳрамонлари бугунги кун нафаси билан яшайди. Бугунги кун ўзгаришлари, изтироблари, интилишлари сизнинг дўстингизга айланишга шай қисфаларда акс этади.

Зеро, китобнинг бош мақсади — шу. Инсон қалбини тушуниш, унинг оғриқларига ошно бўлиш, шижоатли ёшларнинг истакларига ижобат тилашдир.

Қолаверса, китобнинг жавҳарини — инсоният яралганидан бўён барча асрларда, барча халқларда тинмай куйланиб келинган мавзу — муҳаббат мавзуси эгаллаган.

ББК 84(5Ў)6

И 4702620201-15 2008
M352(04)-2008

ISBN 978-9943-03-116-6

© Муҳаммад Исмоил
Фафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи
2008 й



ЯРАЛГАНДИР ҲУСНИНГИЗ НУРДАН...

Ҳикоя

Бирдан совуқ тушди. Биқинимдаги жароҳат санчий бошлади.

Дарахтлар сарғиш-қизил тусга кирди. Сарғиш-қизил гуллардек. Бирам чиройли. Фақат бу гуллар катта, улкан, баҳайбат. Кўтариб бўлмайди. Мабодо, бу гуллар кичкина бўлиб қолса, гулдаста ясаб кимнидир қутласа бўлади.

Бир пайтлар севган қизимга энг чиройли гуллардан тухфа қиламан, деб орзу қилардим. Шундай ҳам бўлди. Энг гўзал гуллардан гулдаста ясаб, дунёдаги энг улкан бахтга муносиб қизга севги изҳор қилдим.

Ўшанда уч курсдош бир хонадонда ижарада турардик. Уй эгасининг бир ўғил, бир қизи бор эди. Бизга, асосан, унинг онаси, сергап ва сержаҳл кампир қарар, бошқаларнинг иши йўқ эди.

Мен эса Гулҳаёдан кўз узмасдим. Тўғрироғи, уни уйдан кўра телевизорда кўпроқ кўрардим. Унинг кўзлари катта-катта, овози жарангдор, шиддатли ва жўшқин эди. Эшитган одамнинг юраги ҳаприқиб кетарди.

Мен ўшанда инсоннинг кўзи унинг юзига қанчалик кўрк бағишлашига, инсондаги энг гўзал аъзо кўз эканлигига иқрор бўлгандим. У чиққанда, телевизор тагида орзиқиб, энтиқиб, қалтираб турардим. Ногаҳон ҳовлида дуч келиб қолганда маст одамдай, гандираклаб кетар, бош ирғаб, салом беришдан нарига ўтолмасдим.

У Маданият институтида сиртдан ўқир, мендан бир-икки ёш катта бўлса ҳам, йигирма ёш каттадай туюлар, «юлдуз» бўлишга улгурган, уни ҳамма танир, ҳамма яхши кўрарди. Худо уни гўзал қилиб яратган, овози

ҳам, қадди-қомати ҳам, юриш-туришлари, кулгилари ҳам олимақом юксалишда яратилган, назаримда, у юзта институт дипломини олганлардан ақллироқ эди.

Унга ҳеч қачон гапирмаган бўлсам-да, ҳаммаси кундай равшан эди. Дунёда, ўзи ҳақида ким нимани ўйлаётганини билмайдиган биронта қиз бормикан?! Ҳар одамнинг фариштаси бўлади. Балки мана шу фаришталар ўз эгаси ҳақида ким нима ўйлаётганини сирли тарзда етказар.

Назаримда, нимани ўйлаётганимни у ботиний туйғулари орқали биладигандек эди. Лекин у ҳеч нарса билмагандек юрар, билишини эътироф этишга, балки гурури йўл қўймасди.

Аслида унинг отаси ҳам оддий хизматчи. «Москва — Тошкент» поездида «проводник» — кузатувчи, ўн беш кун ишлаб, ўн беш кун уйда бўлар, баъзида Москвадан «ноёб» кийимлар келтириб сотар, ўртамиёна ҳаёт кечирарди. Биздан тушадиган пулларнинг соатини ҳам кечиктирмай олувчи, ҳар бир қадамимизга кўз қулоқ, ҳар бир хатти-ҳаракатимиздан нуқсон топадиган, танбеҳ берадиган, сийлаганда эса «хасис» бўлиб кетадиган, лекин ҳеч биримиз ёмон кўрмайдиган, соддалиги кулгимизни қистатиб, меҳримизни оширадиган — кампир буви эди.

Хонамиз, дарвоза олдида бўлса-да, ошхона умумий эди. Лекин улар овқат тайёрлаганда биз ошхонага бормасликка ҳаракат қилар, биз овқат тайёрлаётганимизда улар кўз қирларини ташламасликларига тиришардик. Талабанинг овқати нима бўларди? Гоҳ гўшт бўлса, ёғ кам, ёғ бўлганда картошка етишмай турар, гоҳида пиёзнинг ўзини қовурган вақтларимиз ҳам бўларди. Иззат-нафсимизга тегмаслик учун улар ҳам чурқ этишмас, биз ҳам улардан бирор нарса сўрашни ёки ўмаришни ор деб билардик.

Мен Гулҳаёга ҳар куни биттадан хат ёзардим. Ҳам-хоналарим кимга ёзаётганимни билиб қолишмасин, деб хат бошига унинг исмини ёзмас, ёзиб бўлгач,

хатни узоғи билан бир кун кўтариб юрар, кун давомида қайта-қайта ўқир, сўнгра ўртоқларим ўқишмасин, деб йиртиб ташлардим.

Мен у пайтда уйланиш нималигини билмасдим, уйланиш ҳақида ўйламасдим ҳам. Уни яхши кўрар, уни яхши кўришимнинг ўзи мен учун оз эди, у ҳам мени яхши кўришини ва буни очик билдиришини истар, шунинг учун севишимни билдиргим келмас, токи билдирганимда, йўқ демаслиги керак эди. Унинг «йўқ» дейиши мен учун ўлим билан баробар эди.

Ҳар бир бошланган ишнинг якуни бўлади.

Бир куни уларнинг оиласида қаттиқ бақир-чақир бошланди. Биз уларнинг оилавий ишларига аралашмаслик учун «чурқ» этмай, нима бўлаётганини ойнадан кузатиб турардик. Гулҳаё дод солиб йиғлар, уни юпатиш учун ойиси парвона, буви эса қаттиқ овозда кимнидир қарғарди. Узуқ-юлуқ гаплардан Гулҳаёни ишдан бўшатиб юборишганини, у кўпчилик олдида шарманда бўлиб ишдан кетгани, унинг айби йўқлиги, айб Фатхулла деганда экани, Фатхулла студия раҳбари бўлишига қарамай, унинг ортидан юргани, шу туфайли гап-сўз кўпайгани, ҳар куни маст келиб, студияда тўполон кўтаргани ва натижада... уни ишдан бўшатиб юборгани, энди у телевизорда чиқмаслигини... билиб қолдик. Бориб кўнгил сўраш ноқулай эди. Шундай бўлса-да, бирор хизмат бўлса, биз тайёрмиз дегандек, бир-икки кўриниш бердиг-у, кампирдан ҳеч қандай имдод бўлмагач, ўзлари гап бошлашини кутиб, хонамизда ўтиравердик. Бироқ ярим кечагача уйку келмади.

Ярим кечаси қаттиқ шовқин-сурондан, ҳовлига отилиб чиқдик. Кампир дод солиб бақирар, «вой боламлаб» уввос кўтариб йиғларди. Учаламиз ҳам Гулҳаёнинг хонасига кирдик ва унинг беҳуш ётганини, ерда, стол устида сочилиб ётган дори доналарини, Гулҳаёнинг ойиси ҳаприққанча «Тез ёрдам» машинасини чақираёт-

ганини кўрдик. Гулҳаёнинг ранги оппоқ оқариб кетган, ўқчир, ҳар ўқчиганда оғзидан битта хаб дори тушарди.

— Нима бўлди, ойи, — дедим.

— Тухматга қолдик, тухматга, қизим шўрликни шарманда қилишди, — деди Гулҳаёнинг ойиси йиғлаб, — қизим бечора номусига чидаёлмай, бир шиша уйқу дори ичибди. Ўлиб қолса нима қиламан, адасига нима деб жавоб бераман?

— Дўхтир чақирдингизми? Ё такси ушлаб келайми?

— Дўхтир чақирдим. Дўхтир келгунча болам бечора ўлиб қолмаса бўлди. Мен тентак, нима жин уриб, қизимни ёлғиз қолдирдим-а...

Кампир буви тинмай Фатхулла деганни қарғар, ҳозироқ уйига бориб, оғзидан қонини келтирмоқчи бўлар, ўғли келиб қолса, бу ишларнинг охирига етмай кўймаслигини айтиб, тинмай ўзига ўзи жаврар, дам ҳовлига чиқиб кетар, дам ичкарига кириб, Гулҳаёни силкирди.

Ниҳоят, «Тез ёрдам» ҳам етиб келди. Шу ернинг ўзидаёқ, Гулҳаёнинг оғзига шланка солиб, марганцовка билан ичини ювишди. Сўнгра шифохонага олиб кетишди. Ойиси улар билан кетди. Биз ҳам эргашгандик, қолаверинглар дея, рухсат бермади.

Мен эса қолганимдан кўра кетганим, Гулҳаёга қараб туришим яхшийди. Мен ҳам йиғлардим-у, овозимни чиқаролмасдим. Мен унинг ким биландир «юргани»га ишонмасдим, тасаввуримга сиғмасди. Тасаввуримда у фақат меникидай эди. Мен учун яшар, мен учун нафас олар, мен учун телевизорга чиқадигандай эди. Унинг бирданига «бегона» бўлиб қолиши мумкин эмасди. То тирик эканман, уни бировга бериш ҳаёлимга ҳам келмасди. Мен фақат унинг ўзи менга келишини, бунинг учун фурсат етишишини, унга лойиқ бўлишни, унга гапиришга ҳаддим сиғишини кутардим, холос.

Тонг отгач, бувижонни шифохонага олиб бордим. Гулҳаё бошини кўтариб қарамади ҳам. Мен уларни

ёлғиз қолдириб, чиқиб кетдим. Гулҳаёнинг йиғлашини кўришдан ортиқроқ азоб йўқ эди. Чидолмасдим. Пастда, бувини кутиб, анча вақт турдим ва ниҳоят, Гулҳаёга севишимни айтишга қарор қилдим. Энди, менга унинг нима деб жавоб беришининг фарқи йўқ эди. Инкор этса ҳам, бироз кўнгли кўтарилса, бироз таскин топса, уни жонидан ҳам ортиқ кўрадиган бир инсон борлигини билса бўлди эди...

Хонага келдим-у, ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, хат ёзишга ўтирдим. «Салом! Аҳволларингиз яхшими!» — дея ёза бошладим-у, нима деб давом эттиришни билмай қолдим.

«Ҳаммаси ўғиб кетади, кўп куюнаверманг, ўзингизни уринтирманг» қабилидаги гаплар жуда оддий, унинг дардларини англамай айтиладиган гапларга ўхшаб туюлар, унинг кўнглига ёқадиган гап излардим. Кимдир, болага кўшилиб йиғласанг, у йиғлашдан тўхтайди, деган эди. Бу болани овутишнинг энг аниқ йўли эди. Аслида, бу нафақат болани, катталарни ҳам овутишнинг энг аниқ йўли экан. Қанийди, шундай пайтда Шварцнеггер бўлиб душманларни бирма-бир қириб ташласанг. Ёки кўринмас қиёфада, рақибларнинг ошига захар солсанг.

У тушқунликка тушган мана шундай дамда далда бўлишни, кайфиятини кўтаришни, руҳини чўктирмаслигини, иродасини синдириб қўймаслигини истардим. Хаёлан қўллаб-қувватлар, узоқ-узоқ хаёлан гапириб чиқардим.

«Сиз дунёдаги энг гўзал қизсиз,— дердим. — Сиз иродаси кучли, юраги ўта нозик, одамнинг ҳар бир сўзини аниқ ва теран англаб оладиган ўта фаросатли, ноёб истейдод эгасисиз. Сиз дунёдаги энг кучли муҳаббатга лойиқсиз ва албатта, инсоният яралганидан бери энг бахтли қизлардан бири бўласиз. Сиз кўрган бахтни, Сиз етишган саодатни, сиз топган муҳаббатни миллион-миллион одамлар орзу қиладилар, афсона деб ўйлайдилар. Сиз улар учун бахт тимсоли, муҳаббат

тимсоли, гўзаллик ва юксаклик тимсоли бўлиб қола-
сиз. Йўлингизга тўғоноқ бўлувчилар бутун ҳам, эртага
ҳам топилади. Сиз уларни кучли ирода билан, жасорат
билан енгиб ўтинг. Улар ҳаммаси сизда мужассам.
Зулмат кўйнидаги минглаб одамларни қутқаргандай,
ўзингизни тушқунлик зулматидан қутқаринг. Ўзин-
гизни асранг. Авайланг. Сиз ҳар қандай одамдан минг
баробар кучлисиз. Мингта одамдан қадрлисиз».

Аmmo бу хаёлларимни, бу гапларимни хатта туширол-
мадим. Эртаси куни шифохонага ёлғиз ўзим бордим.

— Келинг, — деди Гулҳаё. Шундай оҳангда
гапирдики, нега келганимни, нима учун келганимни
биладигандай эди. Мен ҳам нега келганимни айтиб,
изоҳ бериб ўтирмадим. Миждовланишнинг вақти
эмасди. Ортиқча такаллуфга ҳожат йўқ эди. Гапимга
кулоқ солиши учун ўзимни ундан каттароқ, ақллироқ
кўрсатишим шарт эди.

— Ирода ҳам қанотга ўхшайди. Синмаса, ўн
баробар оғир юкни кўтариб кетаверади. Кўнглингиз
чўкишига, иродангиз синишига ҳеч қачон йўл
кўйманг, — дедим кўзларига тик қараб.

— Бунга амал қилиш қийин. Бу ҳаётда ҳеч қачон
йиқилмаган одамнинг гапи. Ҳозир шу қадар ғариб-
манки, сизга гапиряпман-у, худди овозим чиқмаёт-
ганга ўхшайди.

— Ўзингизни шу қадар айбдор, деб ҳисоблай-
сизми?

— Бор-йўқ айбим, унга эътиборсиз бўлганим. Лекин
нимаям дердим. Шу қадар қаттиқ йиқиламан, деб ўйлама-
гандим. Энди бошимни яширишга жой йўқ. Қаёққа
қарама, нега телевизорга чиқмай кўйдинг, нима бўлди,
қардасан, сингари сўроқлар. Қанийди, шундай бир ичим-
лик бўлса-ю, ичганимдан сўнг, хотирамдан айрилсам.

— Хотира — бу энг катта бойлик. Унақа ичимликни
орзу қилманг. Бўш келгани бўри босар. Сиз омадлисиз
ва ҳамиша ғалаба қозонишингизга ишонаман.

— Йўқ. Бу сафар ютқаздим. У телевидениеда мен ишлайдиган студиянинг раҳбари эди. У менга йўл-йўриқ кўрсатиб, ўргата бошлади. Унинг илиқ муносабатлари ёқарди. Эфирга чиқа бошлагач, бирдан ҳамма танийдиган, кўча-кўйда ким кўрса, жилмайиб кўядиган, танимайдиганларим ҳам сўрашадиган бўлиб қолди. Кейин у севги изҳор қилди. Рад этдим. Биринчидан, уни севмасдим. Ташқи кўриниши салобатли бўлгани билан, ўзи кўрқоқ ва бефаросат бола эди. Иккинчидан, у оилали, иккита боласи бор эди. Шундан кейин у берган ёрдамларини рўкач қиладиган, ишхонада йўлимни тўсиб, севгисини айтадиган, бу ҳақда ҳаммага очикдан-очик билдирадиган, ичиб, тўполон кўтарадиган одат чиқарди. Нима қилишни, ундан қандай қутулишни билмасдим. Бир кун, монтажхонада ўтирсам, келиб қолди. Оёқда зўрға турарди. Кўпчилик ичида тегажожлик қилди. Йўқол, деб силтаб ташладим. У: «Сенга ёрдам берганман, сени одам қилганман, энди «звезда» бўлиб, унутиб кўйдингми? Сени йўқ қилиб «юбораман!» — дея бақира бошлади. Мен уни озгина ҳурмат қилсам, мана шу ёрдамлари учун ҳурмат қилардим. Индамай туравердим. Шунда, бош эгганимни кўриб, қучоқлаб ўпмоқчи бўлди. Жаҳл устида, тарсаки солиб юбордим. Ё тарсакиданми ё қоқилиб кетдими, полга йиқилиб тушди. Шовқин-сурон, бақир-чақирдан хонага ёпирилиб одамлар кирди. Аксига олгандай, ўша пайт, телемарказга юқоридан келишган экан. Улар ҳам хонага кириб келди. Ҳеч нарсани яшириб бўлмасди. Шу билан иш жиддийлашиб кетди. Эртасига сўроқ қилишиб, аризамни олишди. У эса ҳамма айбни менга тўнкади. Гўёки раҳбарга бўйсунмайдиган, айтганини қилмайдиган, буйруқларини бажармайдиган, билганидан қолмайдиган ходим эмишман. Севаман, деб юрган одам, мансабидан ажраб қолмаслик учун, бир кунда ўзгариб, бўйнимга оғир тўхматларни ағдарди,

ёмонотлиққа чиқарди. Агар у индамай турганда, ёки мен билан бирга ишдан бўшаб кетганда, уни ҳурмат қилган бўлардим. Ҳолбуки, у ҳимоя ҳам қилиши мумкин эди. Ҳа, майли, бўлар иш бўлди, бўёғи кўчди. Кемали келса, қайиқли қочар, дейишади-ку.

— Хафа бўлманг. Сиз жуда гўзалсиз. Битта севмайдиган чиққани билан, мингта севадиган бор.

— Авваллар, мени гўзал дейишса, ишонмасдим. Бошимга шунча гафго олиб келгандан кейин ишониб қолдим. Ҳусн ҳам оловга ўхшаркан. Назоратсиз қолса, ёндириб юбориши мумкин экан.

— Хафа бўлманг. Энди ўзим назоратга оламан.

Гулҳаё жилмайиб қўйди. Унинг жилмайиши ҳам шу қадар гўзал эдики, яна соатлаб суҳбатлашиб ўтириш иштиёқи туғилди.

Лекин, шифохона ҳамшираси кетишимни қайта-қайта талаб қила бошлади. Оғриниб ўрнимдан турдим.

— Нега хафа бўлаяпсиз? — деди Гулҳаё.

— Кетгим келмай кетаяпман-да — дедим.

— Хафа бўлманг. Ирода ҳам қанотга ўхшайди. Синмаса, ўзидан ўн баробар оғир юкни кўтаради, — деди у, гапимни ўзимга қайтариб.

— Сизга айтиш осон, — дедим мен ҳам, унинг гапини ўзига қайтариб — Кетиш олдидан, шу қадар ғарибманки, сизга гапираяпман-у, овозим чиқмаётганга ўхшайди.

— Нима, ўзингизни бирор нарсада айбдор ҳисоблайсизми?

— Бор-йўқ айбим сизга эътибор берганим. Бу қадар қаттиқ йиқиламан, деб ўйламагандим.

— Ҳали йиқилганингиз йўқ, — деди Гулҳаё.

— Йиқилмайман ҳам. Бўш келганни бўри босар!

Унга қўл силкидим ва кула-кула хонадан чиқиб кетдим. Бироз бўлса-да, кайфиятини кўтарганимдан хурсанд эдим.

Ўзимнинг ҳам кайфиятим кўтарилиб кетганди. Худди шу пайтгача лиёда юрганман-у, энди муҳаббат отлиқ машинага мингандай, ишларим юришиб кетди. Ўзимни қўйишга жой тополмасдим. Кечкурун бир ўтиришда, бир қоғоз тўла шеър ёздим. Ҳамма билан қувноқ ва хуш кайфиятда сўрашардим. Ҳаммага яхши муомала қилар, доимо норози бувижонни ҳам олдига бориб мақтагим келаверарди. Ўзимни ўн баробар мард, ўн баробар кучли ҳис қилардим. Мана шу ўн баробар баландликда, Гулҳаё йиқилиб, пасайган пайтда, юқорилаб, унга етишиб олгандай эдим.

Кундузлари Гулҳаёнинг олдида ҳаммиша одам бўлгани учун, кечкурун ҳеч ким йўқ пайтда борардим. Лекин, бўлим «асаб касалликлари» бўлими бўлгани учун кечкурун ҳаммани қўяверишмасди. Ҳамширага тавалло қилиб, зўрға кирардим. Ўша учрашувдан икки кун ўтиб, Гулҳаёнинг олдига борсам, бир йигит ўтирибди.

У ҳадеб кечирим сўрарди. Мен, ноқулай вазиятда келиб қолганимни англаб, Гулҳаёга қарардим.

Агар унинг юзида ноқулайлик вазиятини кўрсам, хонадан чиқиб кетмоқчи эдим. Гулҳаё, «келинг» ишорасини қилди. Йигит менга ўгирилиб, «Бир минутга холи қўеласизми?» — деди. Мен Гулҳаёга қарардим. Гулҳаё «ўтираверинг», ишорасини қилди. Йигит, яна Гулҳаёга қараб, сўзини давом эттираверди:

— Мени кечиринг, рост, ўшанда аҳмоқлик қилдим. Ишда қолсам, бир кунмас-бир кун яна сизни чақириб оламан, деб ўйладим. Кечиринг, қайта бундай қилмайман. Бироз вақт ўтсин, яна жойингизга тикланасиз.

— Фатхулла ака, кетинг. Сизни кўришга кўзим йўқ. Сиз кўрқоқсиз. Истаган пайтда, истаган одамнингизни сотиб кетасиз. Сизни ҳеч қачон кечирмайман, — деди Гулҳаё мардонавор овозда.

— Айтинг, нима қилсам кечирасиз. Сизга бу гапларни шунчаки айтаётганим йўқ. Мен сизга уйланаман. Хотинимнинг жавобини бераман. Агар уларни уйимдан ҳайдасам, ишонасизми?

— Менга, ажралишингиз ҳам, ўзингиз ҳам керак-массиз. Йўқолинг, кўришга кўзим йўқ. Сиздан нафратланаман.

— Гулҳаё, айтинг. Нима қилсам кечирасиз. Айтинг, ўзимни ўлдирайми?

— Ўлдилинг ўзингизни. Мана пичоқ. Ўлдилинг! Биламан ўлдиролмайсиз. Чунки, кўрқоқсиз. Кўрқоқларнинг энг кўрқоғи ва энг катта сотқин, энг катта хиёнаткорсиз.

— Ўлдираман ўзимни. Ўлдирсам ишонасизми?

— Ишонаман.

Фатхулла қўлига пичоқни олди ва нима қилишини билмай талмовсираб қолди. У қалтирарди. Аъзойи бадани титрарди. Оғзи қуруқшаб, тили оғзида гўладай қотиб, гўлдиарди.

Ўтирган жойимдан туриб кетдим.

Гулҳаё нафрат ва газаб билан қараб турарди. Фатхулла пичоқни билагига олиб борди-да, кўзини юмиб, кучи борича тортиб юборди. Ерга шариллаб қон тўкилди. Пичоқ ерга отилиб кетди. Фатхулла билагини қисганча, ерга букчайиб олди.

— Ҳой, бола, тур ўрнингдан, — деди Гулҳаё. У таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган, жаҳл ва аламдан бўзариб турарди. — Мана, ол пичоқни, қорнингга тик. Ол, деяпман! — деди ҳайқириб.

Фатхулла итоаткорона бўйсуниб, қўлига пичоқни олди-ю, инграб, яна ташлаб юборди. Унинг инграшида сохталик бор эди.

Шунда, унинг сочидан кўтариб, қаддини ростладим. Ердан пичоқни олиб, қорнига тирадим.

— Сиз мардлигингизни кўрсатмоқчимисиз?! — деди Гулҳаё, менга тажовузкорона қараб.

— Ҳа, — дедим қатъий.

— Бировнинг қорнига пичоқ тиқибми? — дея бақирди Гулҳаё. — Олинг пичоқни.

— Агар мен шу пичоқни ўзимга тиксам, ишона-
сизми, — дедим.

Гулҳаё менга сохта мулозамат дегандай, беписанд қараб турарди. Мен, Гулҳаёни ростдан яхши кўрардим ва унинг ишончини қозониш учун, пичоқни қорнимга санчдим. Лекин, мўлжални хато олган эканман, пичоқ қовурғаларимга тақалди, то ғарчиллаб кесиб ўтгунича, жон-жаҳдим билан босиб туришга тўғри келди.

Пичоқ қовурғамни кесиб, жигаримга урилганда, ичимга нимадир санчилиб кетди ва ҳушимни йўқотиб ерга йиқилдим.

...Ўша воқеанинг бўлиб ўтганига ҳам ўн йилдан ошибди. Кузги шамол этимни жунжиктиради. Биқинимда санчиқ бошланди. Дарахтларнинг сариқ-қизғиш барглари учиб-учиб йўлақларга сочилган. Дарахтларнинг ўзи эса улкан сариқ-қизил гулларга ўхшайди. Шу дарахтлардан гулдаста ясаб севгилингга туҳфа этсанг, арзийди.

Ўша кунги воқеадан сўнг мени ўша шифохонанинг бошқа бўлимига ётқизишди ва операция қилишди. Наркоз қилишган, биқинимга сезгиларни ўлдирувчи дори суртишган бўлса-да, ўткир пичоқ билан қовурғамни биттасини қандай қиртишлаб кесиб ташлашганини, жигаримнинг кесилган жойини малҳамлаб ямашганини сезиб ётдим. Қовоқларим юмук бўлса-да, зийларидан кўз ёшларим тинимсиз оқиб тушарди.

Реанимациядан умумий хонага олишганда, мени кўриш учун Гулҳаё келди.

— Кема келса, қайиқ қочар, — деди у жилмайиб.

— Бўш келганни бўри босар, — дедим мен ҳам.

У кулиб юборди.

— Қандай, аҳволларингиз яхшими?

— Яхши. Ўзингиз-чи?

— Ўзим ҳали ўзимга келганим йўқ.

— Душманлар-чи?

— Душманлар ўша куниёқ тура қочганидан буён қораларини кўрсатмай кетишди.

— Қораси ўчгани яхши. «Зато», қорасини ўчирмайдиганлари ёнингизда қолди.

— Хўп, нима кераги бор эди ўша ишни. Нимани исботламоқчи бўлдингиз?

— Ўша ишни қилмаганимда, кейин биронта гапимга ишонмас эдингиз.

— Сиз айтиб кўрдингизми?

— Мана энди айтаман. Ўша ишни қилганимдан кейин айтаман. Биқинимни очсам, гапим ростлигига далилим ҳам бор.

— Хўп, нима демоқчисиз?

— Сал оёққа туриб, куч йигиб олай. Бу гапни айтиш мендан катта куч талаб қилади. Ҳеч бўлмаса Тайсондай кучли бўлишим керак.

— Нима, нокаут қиладиган гапми?

— Ҳа, дунёдаги энг зўр қиз анграйиб қолиши керак.

— Хавотир олманг, анграймайман.

— Сиздан эмас, ўзимдан хавотирдаман. Сиз мени нокаут қилишингиз мумкин.

— Вой-вў! Шунчалик кўрқоқ экансиз, қайси юрак билан пичоқ ўқталиб юрибсиз.

— Мен, дунёда фақат сиздан кўрқаман.

— Кўрқманг, — дея шивирлади у. Сўнгра энкайиб юзимни силади. Аъзойи баданим жимирлаб кетди. Бутун вужудимда кучли эҳтирос жунбушга келди. Сархуш бўлиб бошим айланди. Ва уни қучоқлаб, лабларидан ютоқиб ўпа бошладим.

Ўшанда йигирма икки ёшда эдим. Қиз болани биринчи бор ўпишим эди. Унгача ўпишишни билмасдим, тасаввур қилолмасдим. Унинг лабидан ўпишимнинг сабаби... менга кимдир, қўлдан ўпиш — бу салоқат рамзи, юздан ўпиш — эҳтиром рамзи, пешонадан ўпиш — улуглаш рамзи, лабдан ўпиш — муҳаббат рамзи дея ўргатганди.

Мен уни бир умр ўтли муҳаббат билан севишни истардим. Ва севган одамингга албатта уйланишинг керак, деган эътиқодда эдим ва севгини бошқача тасаввур қилолмасдим.

Севиш ва уйланиш мен учун битта нарса эди. Худди, қорачиғингизда ўнг кўзингиз ва чап кўзингиз битта нарсани кўрганидай, севиш ва уйланиш тушунчалари мен учун битта нарса эди.

Ўша куни унинг лабларидан аччиқ ичимлик таъми келарди.

Бир ойларга яқин вақт ўтиб шифохонадан чиқаришди. Мен ижарада турган уйимга боролмасдим. Шифохонадаги воқеалар уй эгаларига, Гулҳаёнинг ойисига, кампир бувига аллақачон етиб борганди. Уйдаги воқеалар тафсилоти ҳам, ўртоқларим орқали менга бот-бот келиб турарди. Кампир хола, ўртоқларимни ҳам чиқиб кетинглар дея, қистовга олаётганди. Ўртоқларимнинг айтишича, Гулҳаё уйда кун бўйи ётар, кеч бўлганда кўчага чиқиб кетар, алламаҳалда уйга маст қайтаркан.

Ойиси ҳам, кампир хола ҳам унга индолмас, у бошини ёстиқ орасига беркитганча йиғлагани йиғлаган экан.

У олдимга ҳеч нарса билмагандай келар, ўз изтиробларини яшириб, ҳеч нарса бўлмагандай кувноқ ва шодон яйраб куларди. Менга у шундай ҳолатда ёқар, унинг кўз ёш тўкишига бир дақиқа тоқат қилолмас, аҳён-аҳёнда, севгим, худди кичик шам қоп-қоронғу бўлган улкан хонани ёритолмаганидек, унинг қайғули юрагини ёритолмаётганига иқрор бўлардим. Унинг қалбининг мен билмаган қоронғу томонлари бордек эди.

Шифохонадан чиқиб, қаерга боришни билмасдим. Ўша куни қор ёғиб, йўллар музлаган, туфлим сирпанчиқ бўлганидан, йиқилишдан қўрқиб кўчага чиқдим. Агар кўпроқ кўчада қолиб кетсам, зўрға тузалган жароҳатимни шамоллатиб қўйишим мумкин эди. Шу-

нинг учун ўзим истамасам-да, Гулҳаёнинг бир танишиникида ижарада туришга мажбур бўлдим. Бу қиз боладан биринчи бор кўмак олишим эди. Одатда, кинода ҳам, ошхонада ҳам, автобусда ҳам ҳеч қачон қиз бола мен учун тўлов тўлашига йўл қўймас, шунинг учун Гулҳаёнинг кўмагига рози бўлишим, мен учун гайритабиий эди. Лекин ёқимли томони ҳам бор эди...

Ёқимли томони, мен у билан ҳеч ким йўқ жойда, ҳеч ким йўқ уйда ёлғиз қолишим, у билан бирга бўлишим мумкин эди. Мен, бор-йўғи, уни яна бир бор ўпишни ўйлардим, холос.

— Мана, шундай қувғинда ва дарбадарликда яшайсиз энди, — деди у квартиранинг эшигини базўр очаркан.

Ичкарига кирганимизда, дид билан ясатилган хоналарни кўриб, қувониб кетдим.

— Ёмон ўтга тушган одамман.

Балки яна тушарман минг бор

Чунки,

сиз гўзалсиз ҳаммадан,

Чунки,

сиздан кечмасман зинҳор.

— Ўҳ-ў, шеърлар ҳам қуюлиб келяптими?!

— Сизни севганларга

айламанг шафқат

Ғазаб ва нафрат-ла ўтда ёндирилинг.

Фақат

менда сизга лойиқ муҳаббат

Ёнингизда фақат

мени қолдирилинг.

— Ростданми?

— Нетай ҳамон хастаман

Дардинг дилимда ғамдай.

Ва юрибман касалдан
Тузалмаган одамдай.

— Йўқ, йўқ, ҳеч касалга ўхшамайсиз!
— Жигарим тузалдию, юрагим касал.
— Юрагингизга нима қилди?
— Юрагим оғрийди. Уни тузатинг. Сиз шифо-
коримсиз. Битта сўз айтинг. Бор-йўғи битта сўз.
Илтимос сиздан.

- Нима дей?
- Айтасизми?
- Айтаман.
- Сизни яхши кўраман денг.
- Йўқ.
- Айтинг, илтимос.
- Илтимос билан иш битмайди.
- Ялиниб-ёлворайми, бошимни ерга урайми?
- Йўқ, йўқ, йўқ.
- Ахир яхши кўрасиз-ку?!

— Мен сизни севаман қачон
Туяни думи ерга текканда,
Туяқуш қуёнга эрга текканда,
Бўғирсоқнинг кучи шерга етганда
Мен сизни севаман, жоним.
Африкадан олиб келсангиз гар қор,
Маймунлар концерт бериб,
чалганда дутор.
Нинанинг учуда бино қурсангиз,
Бир пиёла сувда сузиб юрсангиз,
Бир ой овқат емай тирик турсангиз
Мен сизни ўшанда, севаман жоним.

Унинг навозишлари юрагимни титратиб юборди.
Ўзимни бошқаролмай қолдим ва уни маҳкам кучоқ-
лаб, лабларидан ўпа бошладим...

Бу мен учун фавқуллодда бахт эди. Иқболим бу қадар
ярқираб кетишини кутмаган, ҳазинага йўлиққан

тиланчидай довдирардим. Унинг танаси қўл тегиб бўлмас даражада муҳтарам туюларди. Ҳушёр ва хотир-жам ҳолатимда мен бу танага қўл югуртиришга ҳеч қачон ҳаддим сиғмаган, Гулҳаёнинг қаттиқ жазосига гирифтор бўлишдан чўчиган, унинг танига қўл югуртиришдек шоҳона ҳуқуқ менга берилмаганини англаб турган, бу ҳуқуқни қўлга киритиш учун, неча йиллар сарсон-саргадонликда минг ўту чўққа уришга ўзимни шайлаб турган ва бу йўлда ҳеч қачон ҳеч нарсадан қайтмасликка ўзимда кучу қудрат тўплаб бораётган, тўғоноқларни бирма-бир чамалаб, енгиб ўтишнинг чора-тадбирларини зимдан ҳисоблаётган, мен ҳали бу тўғону довуллар олдида ўзимнинг ожизлигимни, заифлигимни, кучсизлигимни тан олиб турган бўлардим. Шунинг учун, бу сўнгсиз саодат салтанати қопқалари тўсатдан очилиши фавқулодда бахт эди.

У гўзал ва нафис қўллари билан кўйлагим тугмаларини ечаётганда, юрагим ҳалприқиб кўзимга ёш келди. «Наҳот Гулҳаё шундай илтифот кўрсатаётган бўлса?! Мен қайси мамлакат шаҳзодасиманки, бундай олий марҳаматга мушарраф бўлдим, неча мингта ёвуз девни бошидан жудо қилдимки, ғалаба нашидасини суришим учун, соҳибқудрат саркардаларга инъом этилажак лаззат майи менга тутқазилмоқда?! Йўқ, мен ҳали бундай эҳсонга арзимаيمان, булар ҳаммаси менга олдиндан, ҳаё сифатида, Гулҳаёнинг сўнгсиз сахийлигининг, чексиз яхшилигининг мўъжизавий тухфаси сифатида фавқулодда берилмоқда.

Мен ҳали унинг марҳаматларига арзимаيمان. Мен ҳали Гулҳаёга лойиқ эмасман, муносиб эмасман. Лекин бир кун ундан бу қарзларимни узаман. Унга лойиқ бўламан. Унга муносиб бўламан. Унинг оёғи остига миллион-миллион гулларни ташлайман. Дунёдаги энг бахтли қиз бўлиши учун қатра қоним қолгунча курашаман. Ҳамма суядиган, ҳамма ардоқлайдиган, ҳамма суянадиган инсон бўламан, ўшанда Гулҳаё, мана мен

танлаган йигит яхши одам бўлди, унинг ғойибона куч-қудратга эга эканлигини бошиданоқ билардим, ниҳоят, ишончим оқланди, дейди. Ишон, Гулҳаё, мен ҳақиқатдан ҳам зўр одам бўламан, менга ишонганингдан, мени севганингдан ҳеч қачон афсусланмайсан».

Бу хаёллар, бу изтироблар қанчалик кўпдай туюлмасин, бир сония ичидаги туйғулар, изтироблар, кечинмалар эди. Балки, ҳаммаси ҳам эмас, ловуллаб ёнаётган ҳаяжон чаманидаги турфа гулларнинг айримларинигина нўноқларча таърифлаб ўтдим, холос.

— Бунчалар чиройлисиз, Гулҳаё. Ҳам гўзалсиз, ҳам меҳрибонсиз, ҳам шафқатлисиз, ҳам мени одам ўрнида кўриб турибсиз...

— Ундай деманг. Сиз менга ёқасиз. Сизда юракни тилиб юборадиган, кўнгилнинг ич-ичига ўрнашиб, одамнинг эс-хушини ағдариб оладиган сеҳр бор. Бунчалик тез фурсатда, бунчалик устакорлик билан танимдаги миллиардлаб ҳужайраларни бирма-бир куйдириб, ҳеч ким сизчалик таслим этолмаганди.

— Гулҳаё, мен билан бир умр бирга бўлишга, бирга яшашга, бахтингизни мен билан боғлашга розимисиз.

— Рози бўлмасам келармидим. Рози бўлмасам, ақалли тирноғимнинг учини ушлатишга рози бўлармидим. Сиз, ҳамма жиҳатдан менинг «размеримсиз».

— Сиз, «юлдуз» бўлсангиз. Мен бир фақир одам бўлсам. Эртага менга бўйсунушга бўйнингиз ёр берадими? Сиз фақат ва фақат меники бўлаоласизми? Сизни ҳаммадан телбаларча қизганиб, кеча-ю кундуз ёнимда бўлсангиз ҳам, кеча-ю кундуз, ҳар дақиқа, ҳар сония, ҳар соатда сизга минг бор термулиб, атрофингизда минг бор айланиб-ўргилишимга, сиздан сониянинг мингдан бир фурсати ўтганчалик вақт ичида ҳам ажралмаслигимга, жону жаҳонингиз бўлишимга, еру-осмонингиз, тўрт томонга қараганингизда тўртала томонингиз бўлишимга розимисиз?

— Розиман. Розиман.

— Илтимос, бир бора сизни яхши кўраман, денг.

— Сизни яхши кўраман, — дея шивирлади Гулҳаё.

Унинг бошқа гапирришга иложи ҳам, мажоли ҳам йўқ эди. Унга тобора чирмашиб борар эдим. Кўнгли, кўнглимда эди, қўли бўйнимда эди, кўкси кўксимда эди...

Мен нега бу воқеа содир бўлаётганидан ҳайрон эдим. Лекин эҳтирос мени жинни қилиб қўйган эди. Мен, бу воқеанинг бўлишини, хаёлимнинг қайси бир четида истамай турар, лекин барибир унга уйланаман-ку, яхшиси, у айниб қолмасидан, унга эгалик қилиб олай, уни ўзимники қилиб олай деган қизганчиқ хаёл, фурсатни бой бермаслигимга ундар, унинг рўй бериши мумкин бўлган ҳодисага эътирозсизлиги, одамнинг кучига куч қўшиб юборадиган, иштиёқни жўштириб телбалантирадиган ишвали, тийиқсиз карашмали, ёввойи жўшқинлик селини бошлаб келадиган қаршиликлари, мени туганмас завқу шавқ гирдобига етакларди. Мен унинг барча кийимларини ечиб, «қуролсизлантириб» бўлган эдим.

— Келинг, — деди у, қулоғимга шивирлаб. Ҳолбуки унинг қўли кўлимда эди, бўйни бўйнимда эди, кўкси кўксимда эди... Мен унга янада яқинроқ жипслашдим. Вужудим унинг вужудига янада сингиб кетди. Биз битта одамга, битта танага, битта вужудга, битта юракка, битта эсу ҳушга айландик. Бу лаҳзаларда бизни ҳеч нарса ажрата олмас эди. Агар, Ер шари ҳозир қоқ иккига бўлиниб кетса ҳам, қоқ ўртаמידан қилич кесиб ўтса ҳам, дунё остин-устун бўлиб кетса ҳам, кимдир келиб, бир лаҳзалдан кейин, жарга қулаб кетасизлар, ҳозир ўрниларингдан туриб, қочиб қолинглар деса ҳам, биз ҳаётимиздаги энг юксак ютуққа эришиб бўлдик дея, бу ютуқни қўлдан бермасликка тиришган, ҳеч бир таҳдид, ҳеч бир чорлов, бу нашъали лаҳзаларни алмашинувига бизни рози қилолмаган бўлур эди.

Лекин, мана шундай воқеа юз берди. Мен, унинг ҳаётида бир марта бўладиган воқеани... кимнингдир

хувиллаган уйида, енг учида, унга оппоқ либосларни кийдирмай, ота-онамнинг дуосини олмай, шодлигимни дўстларим даврасида нишонламай ўтказиб юбормоқчи эмас эдим. Оҳанрабодан ўзини юлқиб чиқазгандай ўрнимдан турдим ва кўшни хонага чиқдим. Эҳтиросларимни жиловлашим шарт эди. Бармоқларимни эшик қопқалари орасига қўйиб, бор кучимни тўплаб, иккинчи қўлим билан эшикни шаҳд билан ёпдим. Ўзим кутмаган ҳолатда бақриб юбордим. Бармоқларимдан тўртта тирноқ кўчиб тушган, қон тизиллаб оқарди. Шу заҳоти Гулҳаё югуриб келди. Букчайганча, унга кетинг ишорасини қилдим. У «кетмайман», дея йиғлай бошлади.

— Агар кетмасангиз иккинчи қўлимни ҳам, мана шундай ҳолатга келтираман, — дедим. Ҳозир сўзларимга изоҳ бериб ўтиришнинг мавриди эмасди.



Орадан кунлар ўтди. У билан ҳар куни кўришишни истардим. У ҳар сония хаёлимда эди. Лекин молиявий ночорлигим бунга йўл қўймасди. Стипендиям ҳам, уйдан келиб турадиган унча-мунча пул ҳам фақат ўз тирикчилигимдан ортмасди. У эса, оддий қиз эмасди. Уни автобусда олиб юролмасдим. Оддий кафеларга таклиф қилолмасдим. Асосийси, унга... ишига тикланишига ёрдам беролмасдим.

Бир кун Фатхуллани унинг уйи ёнида кўриб қолдим. Ўзи шундай одатим бор эди. Унинг уйи атрофида қўп айланиб юрардим. Хаёлан у билан гаплашар, хаёлан ночорлигимни тушунтирар, соғинчларимга бироз таскин топиб яна қайтиб кетардим. Дастлаб, қани нимани гаплашаркин, деб қараб турдим. Агар бу суҳбатга Гулҳаёнинг майли бўлса, ҳатти-ҳаракатидан маълум бўлади деб, қараб турдим. Фатхулла

ниманидир тушунтирарди. Сабрим чидамай, уларнинг олдига бордим. Жаҳлим бўғзимда ловуллаб турарди. Истамайгина қўл узатдим.

— Нима гап?

— Мен тўғриси айтаяпман. Бу гапни сизнинг олдингизда ҳам айтишим мумкин. Бирор фараз ниятим йўқ. Тўғри, мен сизнинг олдингизда хато қилдим. Энди шуни тузатмоқчиман. Ишга қайтинг. Жойингиз турибди. Нима шароит керак бўлса, ҳаммасини қиламан. Яна аввалгидай кўрсатув олиб борасиз. Ҳеч ким сизга тегмайди. Ҳеч ким сизга гапирмайди. Буни сиз учун эмас, ўзим ўз хатомни тузатиш учун қиламан. Телевидениедагилар ҳаммаси сизнинг қайтишингизни кутаяпти. Мени у ишхонада йўқ деб ҳисоблайверинг. Мен сизга умуман гапирмайман. Яқинингизга йўламайман.

Мен, Гулҳаёга қарадим. Агар у рози бўлса... демак, Фатхуллада кўнгли бор. Демак, мен... ўз-ўзидан четда қоламан.

— Ҳаммаси тугади. Телевидениеда то сиз бор экансиз, у ерга бормайман. То сиз бор экансиз, у ер мен учун энг ифлос жой бўлиб қолаверади. Энди санъатдан кетаман, оила кураман, намоз ўқийман. Сиз орзуларимни бошини олган жаллод бўлиб чиқдингиз. Сизни ҳеч қачон кечирмайман. Қанийди, шароит кўтарса, сиздақаларни шаҳарнинг ўртасига олиб чиқиб, дорга осишса...

Мен, бу гаплари учун Гулҳаёнинг оёқлари остига тиз чўкишга рози эдим. Ич-ичимдан ундан миннатдор бўлиб турардим.

— Гапни эшитдингми, қани энди туёғингни шикиллат, — дедим Фатхуллага.

Фатхулла бироз саросимага тушиб турди-да, жойидан қимирлаб қолди.

— Ўзингиз биласиз, — деди. — Мен айтдим... Яна ўйлаб кўринг...

— Ўйлайдиган ҳеч нарса қолмади. Йўқоласанми, йўқми, — дедим ҳайқириб.

Яна бироз турса, вазият ўзгариб кетишини билиб, кетишга чоғланди. Менга қараб:

— Ўзингни бос... — дейишни ҳам унутмади.

Аммо менга шу гапнинг ўзи кифоя эди.

— Ўзимни босмасам нима қиласан, — дедим ва жавоб ҳам кутмай, юзига мушт солдим. Иккинчи мушт тушишидаёқ оғзи-бурни қон бўлди.

Тўс-тўполонни эшитиб, кўчага буви чиқди. Мени танигани учунми, қўлларимдан ушлаб, ажрата бошлади. Буви пўписа қилишни қиёмига етказар эди. Фатхуллани чунонам қарғади.

Орадан икки йил ўтиб Гулҳаёга уйландим. Тўйимиз мен кутгандан ҳам ортиқ бўлди. Худодан астойдил сўрасангиз, ҳаммасини берар экан. Қандай қилиб уйланаман экан, деб кўрқиб юргандим. Худо етказди. Гулҳаё мени деб, ҳамма нарсадан воз кечди. Мен ҳам энди уни деб, унинг ҳамма истакларини бажо келтираман деб, яшаяпман.

Совуқ тушган чоғлар, биқинимдаги жароҳат санчий бошлайди. Тирноқларим эса ўсиб, ўрни қопланиб кетди. Ўша кунлардан эсдалик бўлиб қолган шеъримни гоҳо-гоҳо Гулҳаёга ўқиб бераман. Унга бу шеър жуда ёқали.

...Сизни севганларга

айламанг шафқат

Ғазаб ва нафрат-ла

ўтда ёндириб.

Фақат менда сизга

лойиқ муҳаббат,

Ёнингизда фақат

мени қолдириб.



КЎКСИМНИ КУЙДИРГАН АЛАНГА

Ҳикоя

Мен сизга айтиб бермоқчи бўлган ҳикоя ҳозир бўлаётган воқеалардир. У билан бундан икки йил олдин Самарқандда, ижодий учрашувда танишган, кўрганим-даёқ ёқиб қолган эди. Шундан буён гоҳ электрон почта, гоҳ хат, гоҳ телефон орқали боғланиб турардик. Икки йилки, олий ўқув юртини тугатиб, тузук иш топиш мақсадида елиб-югурар, топганим қорнимдан ортмас, минг азобда ижара пулини тўлар, уйдагилар эса, қачон уйланасан дея, дағдаға қилишдан чарчашмасди. Мен эса, аксига олиб, даромад келтирмайдиган иш — шеър ёзиш билан эрта кунни кеч қилар, бир китоб ўқишга тушсам, икки кунлаб бош кўтармас, гоҳида унга атаб хатлар битардим. Умидим, у Тошкентга келса-ю, бирор олий ўқув юртига кириб кетса, ўқиши битгунча, ўзимни ўнглаб уйланиш эди. Лекин у ўтган йили киролмади. Айбдорга ўхшаб қолдим. Унинг отаси вилоят университетига ректор эди. У ўша университетга ҳужжат топширмоқчи бўлганда, Тошкентга чорлаган, албатта кириб кетасиз, дея телбаларча ишонтирган эдим. Кўнгилсиз натижадан у ҳам, мен ҳам бир-биримизга билдирмай хижолат торгардик.

У Тошкентда бор-йўғи бир ҳафта турди. Келган кунидан, бир сония ажралмадим. У менга ўзини дўстдай тутар, ошиқлигимни мен ҳам яширардим. Мен ўйлаётган нарсани у ўйлаяптими, йўқми, билмас эдим. Қолаверса, у билан истаган пайтимда кўриша олмас, юрагим жўш уриб, ҳозир ҳаммасини айтаман,

дея журъатга тўлган, муҳаббатим бўғзимга тикилган пайтларда у узоқ-узоқларда юрарди. Бор-йўғи хат ёзиш билан кифояланар, муносабатларимиз тарихи хатлар қатига яширинганди. Азиз ўқувчи, бу тарих ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишингиз учун, гарчанд бу хатлар шахсий ёзишмаларимиз бўлса-да, тўлалигича эътиборингизга ҳавола қилишга жазм этдим.

«Ассалом алайкум Голибшер ака!

Соғ-омон юрибсизми? Ҳамма ишларингиз жойида бўлса хурсандман!

Олдинги хатимни олдингизми? Электрон почтани кўрдингизми? Ҳозир нима юмушлар билан бандсиз? Мен бекорчиликдан зерикдим. Кўлим ишга бормай қолди. Тушқунликдан чиқолмаяпман. Сиздан илтимос, мен учун умид чироғи бўлинг. Ўзим истаган ҳаётга қайтишим, ишонч ва куч-қудрат таянчини топишим учун ёрдам беринг. Биласизми, энг яхши туйғу — бу ишонч. Сиз ҳам менга ишонинг. Вақти келганда албатта оқлайман. Давримизнинг етук инсонларидан бири бўламан. Яшашга иштиёқим сўнмаса бўлгани.

Танам соғ-саломат экан, олдинга интилишни ва сабру тоқатим метиндек бўлишини истайман.

Сиз яхши инсонсиз. Сизга дардимни дoston қилганим учун узр. Сизни ранжитишдан кўрқаман. Эзгу қалбли қадрдонлар учрашгандек, соғинчли юз билан кўришиш насиб этсин.

Эҳтиром билан Лоларуҳ».



Лоларуҳнинг бу хатига жавоб ёзолмай ўйланиб юрдим. Дунёда бировнинг ғамига шерик бўлиш осон эмас. Ҳатто ғамгин бўлишда «ҳисса»нг бўлса ҳам. «Яхши бўлиб кетади», «ўтиб кетади», «хафа бўлманг» қабилидаги гаплар, масхаралаб айтиладиган, баланд-

парвоз гапларга ўхшайди. Бу пайтда, бир зумга бўлса-да, унинг ҳолатига тушиш, у билан тенгма-тенг гам чекишни истардим. Унинг ҳолатига тушиб йиғлашни, афтодалигимдан хўрлигим келиб ўкиришни, йиқилган одам жойидан туриши учун қанча шиддат билан ҳаракат қилса, унинг юрагига шунча шиддат бағишлашни истардим. Зеро, йиғлаётган одамга тасалли бериш, қўшилиб йиғлашдан бошланишини тушунардим. Зеро, унга уйланиш ҳаракатида бўлганим учунми, унинг омадсизлигини ўз мағлубиятимдай ҳис қилардим. Унинг таъна қилмаслиги ҳайратимни оширарди.

«Салом Лоларуҳ!

Самимий хатингизни ўқиб, хурсанд бўлдим. Вақтида жавоб ёзмаганим учун узр. Худди, кўчада биров салом берди-ю, алик олмагандек хижолатдаман. Бир кун ўтиб, жавоб мактуби ёзяман-у, елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлаяпти. Чунки, саломга алик олмаслик бировнинг омонатини қайтармаслик билан тенг.

Болалигимда, онам билан қариндошларимизни-кига кетаётгандик. Шофёр бошқаларни миндирди-ю, бизга келганда жой йўқ деб туриб олди. Жой борлиги учун ҳарчанд илтимос қилмайлик, кўнмади. Ярим соатлардан кейин уларнинг ортидан йўлга тушдик. Ўн чақиримча юрмасдан ўша машинанинг жарга қулаб кетганини кўрдик. Ишим юришмаган пайтлар ўша воқеани эслайман. Худонинг ҳикмати дейман. Бу йил ўқишга киролмаганингизнинг ҳам ҳикмати бордир. Сабр — шодлик калити дейишади. Ростини айтсам, имтиҳонлардан ўтолмаганингиздан буён кўнглим ёришгани йўқ. Осмон йироқ, ер қаттиқ, чидаш керак. Бахтсизликка дош беролмайдиган одам — бахтсиздир.

Дунёда сиздай беғубор ва оташқалб қиз борлигидан, сиз билан хат ёзишаётганимдан хурсандман. Менга ишонганингиздан, кўнглингизни очиб гапирганингиздан мамнунман. Агар чўккан кўнглингиз тоғ бўлганда, албатта уни кўтарган бўлардим. Ишонингиз кўнглингизда ўзимга нисбатан хайрихоҳлик уйғотиш учун бор кучимни, қобилиятимни, қалб кўримни аямайман.

*Мангу бахтли бўлинг, деб
дўстингиз Фолибшер!»*



Бу хат унга айтадиган гапларимнинг юздан бири эди. Мен ҳамма гапларни очиқ айтмоқчи бўлардим. Лекин ундан ажралиб қолишдан, хат ёзмай қўйишидан кўрқардим. Бу ҳақда шеър ҳам ёзгандим.

Кўлларимда турган каби чўғ —
Сизга атаб ёзган хатларим.
Аммо гўё бошлаганим йўқ,
Қолиб кетди айтар гапларим.

Салом дедим, сўрадим соғлиқ,
Ёздим барча ёлғонларимни.
Ёзолмадим дилдаги оғриқ —
Сизни севиб қолганларимни.

Ўз ичимга ўзим ўт қалаб,
Куйиб ёздим, кераксиз хатни.
Бу шунчаки хат дедим алдаб,
Ёниб ёздим, юраксиз хатни.

Хат ёздингиз, сиз ҳам ҳарқалай,
Ёзувингиз кўнглим ўртайди.

Гўё тилсим яширингандай,
Минг бор ўқиб кўзим тўймайди.

... Гўё жангда юрган каби мен,
Атрофимда зув-зув учар ўқ.
Қанча ўқлар ўтди қалбимдан,
Мен бу ҳақда ҳеч ёзганим йўқ.

Мен унга шу шеърни жўнатишга ҳам кўрқардим. Хатни жўнатардим-у, бир кун ўтиб жавоб кутардим. Интернет кафега кириб электрон почтамни текширардим. Хабар топмай хуноб бўлардим. Бу ҳолат, унинг юрагида менга айтадиган гапи йўқдай таъсир қилар, ўртанардим. Ниҳоят, сабрим тўлиб-тошган куни хат келарди.


«Салом Фолибшер ака!

Аҳволларингиз яхшими? Чарчамай юрибсизми? Ўйлайманки, ишларингиз жойида. Хатингизни олдим. Лекин уни мендан олдин ойим ўқибдилар. Бундан кейин ноқулайликлар бўлмаслиги учун, яхшиси электрон почтага ёзинг. Ҳамма нарсага вақт даво деганларидек, вақт ўтишини кутаяпман, ўзимни сабр-тоқатли деб ўйлардим. Ундай эмас экан. Қолаверса, бу ёқда сабримга боғлиқ бўлмаган ташвишлар чиқаяпти. Уйимиздан совчиларнинг кети узилмаяпти. Ойим, Тошкентга юбормоқчи эмаслар. Борганимда ҳам ким ўқишга кирасан деб, юз фоизлик кафолат беради. Тошкент ушалмаган орзуларим макони бўлиб қолади, шекилли. Ўқишга кириб, буюк ишлар қилмоқчи эдим. Ҳозир армон деган нарсани алвасти қиёфасида бўлса керак деб, ўйлаяпман.

Ҳали анча ёзишим мумкин. Сизга айтадиган гапларим саҳродаги кумдан кўп. Олдингизда ўзимни эркин ҳис қиламан, сиз билан ўзим билан гаплашгандай гаплашаман, лекин барибир ҳамма гапни ай-

толмайман. Мени тушунинг. Агар сиз ҳам тушун-
масангиз мен учун бундан ортиқ жазо йўқ. Хайр; сов-
бўлинг, яхши кунда кўришгунча.

Лоларух!



Унинг совчилар ҳақидаги гапи гангитиб қўйди.
Тошкентга келмаслиги хавотир уйғотарди. Лекин хат
сўнггидаги эркалашлари, ўзини яқин олиши руҳлан-
тириб юборди. Утириб, жавоб ёза бошладим.

«Салом Лоларух!

Мана бир ой бўлаяптики, сиздан на бирор хат бор,
на хабар. Нега жимсиз?! Тинчликми? Ёки хат ёзишга
рағбатингиз йўқми? Ёки нима ёзишни билмаяпсизми?
Шундай бўлса, қўлингизга қалам ва қоғоз олинг-у,
ўзингизни мен билан учрашиб қолгандай ҳис этинг
ва хаёлингизга келган гапларни ёзаверинг. Агар
ёнингизда бўлиб қолсам, тинмай гапирган ва тинмай
гапга тутган бўлардим. Афсуски, кўп гапларни эҳтиёт
бўлиб гапираман ва сиз рухсат берган, сиз лозим
кўрган гапларнигина гапира оламан. Сиз жуда зийрак
ва таъби нозик қизсиз. Хафа бўлишингиздан қўрқаман.
Ва сиздан, ҳар гапиришимдан олдин, ич-ичимдан узр
сўрайман ва ичимда қолиб кетган кўпгина гапларнинг
навбати қачон келар экан, деб кутаман. Ва бир кун
инсофга келишингизга ишонаман. Шу ишонч менга
куч бағишлайди, завқлантиради ва сиз томон талпи-
нишга туртки бўлади. Агар сизга ишонмаганимда бу
хатни ёзмаган, кўнглимдаги гапларни тўкиб солмаган
бўлардим. Сизга осон. Истасангиз, бу хатни йиртиб
ташлайсиз, истасангиз, жавоб ёзмай юраверасиз. Сизга
бўлган ишончимгина мени, бир кунмас-бир кун жавоб
ёзишингизга, кутишим кераклигига ишонтиради.

Ва менга айтадиган гапингиз йўқлигига, индамай кетсангиз ҳам бўлаверадиган даражадаги инсон эканлигимга ва юрагингизда менга нисбатан ҳароратли туйғунинг йўқлигига ишонмайман. Бундай бўлиши мумкин эмас.

Аммо, ҳар кун почта қутисини очар эканман, бўм-бўш кўриб юрагим орзиқади. Почта қутисининг бўшлиги умидларим олови устига сув сепгандай, бўшашиб кетаман. Почта қутисининг бўм-бўшлиги юрагингиз менга нисбатан бўм-бўшлигига ишонтирмоқчи бўлади. Мен эса барибир ноумид бўлмайман. Ҳар кун қайта-қайта почта қутисини очиб кўравераман. Охирги хатингизни 24 декабрда ёзган бўлсангиз, ҳозир февраль бошланиб кетди. Ахир ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришлар, янгиликлар, янги фикрлар, ўй-хаёлларимизнинг юздан бирини ёзганимизда ҳам, камида ўнта мактубга жой бўларди. Ўтган қирқ кун ичида озмунча ўзгаришлар, кечинмалар бошимиздан ўтдими? Наҳот шулар ҳақида гапиришни истамасангиз. Айтаяпман-ку, мен учун ҳатто қулоғингизни қандай қашлашингиз ҳам, эснашингиз ҳам, эринчоқлигингиз ҳам қизиқарли. Бурнингизни жийиришингиз ҳам қизиқарли. Агар эринмасдан эллик бетлик хат ёзсангиз ҳам, эринмасдан мароқ билан ўқийман. Лекин мен учун энг муҳими, сизнинг дилбар туйғуларингиз, масъум кечинмаларингиз, маъсуд хаёлларингиз. Уларни ҳар доим эшитишни хоҳлайман. Улар билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлишни хоҳлайман. Улар билан бирга олдинга интилишни истайман.

Сизга жавоб хати ёзаяпман-у, қўлларим негадир қалтираяпти. Ҳеч унақа бўлмасди, ўзимни тўхтатиб туришга тўғри келаяпти. Ҳаяжоним босилармикан деб, ўрнимдан тураяпман. Аммо, ярим соатки, бу ҳолат ўтиб кетгани йўқ. Балки эрта ё индин ёзаман деб, ўйлаяпман. Лекин бунга сабрим етармиди. Ахир сиздан хат келишини қанчалар кутган эдим.

Хатимни ойингиз ўқиганларидан хафа эмасман. Бундан кейин ҳам ўқисалар майли, муносабатларимизни сиз сир тутмасангиз, менинг яширадиган гапим йўқ. Сиздай қизни тарбиялаб вояга етказётган аёл фақат таъзим ва эҳтиромга лойиқ.

Уйимизга совчилар келаяпти, дебсиз. Турмушга чиқишда асло хато қилманг. Кўнглингизга ёқадиган, сизни севадиган кишини танланг. Дунё адабиётининг 80—90 фоизи муҳаббат ҳақида. Агар муҳаббатга ишонмасангиз, демак, инсоният яралганидан буён муҳаббат ҳақида ёзганларнинг ҳаммаси аҳмоғ-у, сиз ақлли экансиз-да. Мана сиз билан беш юз чақирим узоқликда турибмиз. Лекин кўнглимиз яқин. Беш қадам наридаги одам билан кўнглингиз яқин бўлмаса, ҳағто сўрашгингиз келмайди. Ўнта дўст бир хонага сиғиши мумкин. Икки душман бир шаҳарга сиғмайди. Алишер Навоий ҳам:

Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун, —

деб бекорга айтмаганлар. Хайр, соғ бўлинг. Сизни хаёлида олиб юрувчи

*Ғолибшер!**



Хатни жўнатдим-у, ўзимни койидим. Ҳамма гапни яна очиқ айтолмаганим учун ўзимни кўрқоқ, ландовур ҳисобладим. Лекин тўсатдан нима дейман. Уни менда кўнгли борми? У менга ўзини ким деб ҳисоблайди? У ўзини дўст деб билса-ю, томдан тараша тушгандай севги изҳор қилсам, нима деб ўйлайди? Уни севганим учунгина у мени севиши керакми? Бу туйғу иккимизда бир пайтда бошланиши, фақат мен эмас, у ҳам мени севиши, иккимиз бу туйғуни бир хил бошимиздан кечиримиз керак эмасми? Менинг изҳорим билан

юрагида муҳаббат пайдо бўлиб қолмайди-ку. У севмай туриб, турмушга чиқ, дейишга ҳаддим сиғармиди. Агар у мени севмаса, уйланмайман. Қолаверса, уйланиш учун ҳали ярим чақа пулим йўқ.

Ўша кундан бошлаб унга хат ёзгим келмай қолди. Уни кўргим келарди. Уни олдига бормоқчи, ҳамма гапни айтмоқчи ва севиш-севмаслигини сўрамоқчи бўлардим. Бир куни «Жоним фидо» деган шеър ёздим:

Бир исёнга тайёр юрагим,
Қаршисида ойдан баланд дор.
Борай дейман, етмас журъатим
Ҳар кун юз бор, бўлсам ҳам тайёр.

Юрагимнинг бу кўри билан
Ибтидоий замоналарда,
Олишардим кўк бўри билан
Қолар эдим афсоналарда.

Ё, юрт сўраб, душман келса гар,
Олға — дердим, энг аввал, ишон.
Ишқинг учун,

голиб, музаффар
Қайтар эдим, кўксимда нишон.
Мени ўртар, бормоқ...
ёнингта

Ундан кўра...
тўкилса ҳам қон.
Дуэлда қасд қилиб жонимга
Шарафингни асрамоқ осон.

Қани эди, бўлсам шаҳзода,
Ишқим сўйлар эди, асрлар.
Сенга атаб, мангу даъвода
Қурар эдим, кўркам қасрлар.
Аммо ҳозир... не қилай дилдор,
Боролмайман ёнингта ҳатто.

Қилолмайман ишқимни изҳор,

Ёролмайман кўнглимни

аммо...

Аммо кимдир, ўн баробар мард,

Ўн баробар жасур,

у бугун

Бўриларни бўғизлайди шарт

Ва қасрлар қураб сен учун.

Кўнглингдан жой олмоқ қасдида

Туну кундуз излайди имкон.

Сенга битар минглаб қасида

Кўкрагида тутагунча қон.

Аммо ундай бўлолмайман мен,

Ташлолмайман битта қалам ҳам.

Жасоратга тўлолмайман мен,

Гарчанд қалбда,

ҳасрат ҳамда ғам.

Бир исёнга тайёр юрагим.

Йўлларингда янграб хур нидо:

Фақат бир сўз айтар, журъатим

Сенга жоним фидо, жон фидо.



Орадан икки ойлар ўтгач, кўнғироқ қилиб Тошкентга келганини айтди. Учиб бордим. Ҳали тузук-қуруқ сўрашиб улгурмай шошилиб турганини, кетиши кераклигини, бутун оила аъзолари билан бирга келганини айтди. Айтди-ю, кўзларимга тикилди. Мен ҳам тикилдим. Унда мунг бор эди. Унинг кўзлари ҳар доимгидек кулиб турмасди. Мен, бу сўнги учрашувимиз эканлигини тушундим. Рухиятим тушиб кетди. Айтмоқчи бўлган гапларим қаёққадир ғойиб бўлди. Негадир унинг олдида ўзимни мағрур тутгим кела бошлади. Ниҳоят, у ўрнидан турди ва эътирозга ўрин қолдирмай хайрлашиш учун қўл чўзди. Итоаткор

қулдай қўл узатдим. У кетди. Тун бўйи иситмалаб чиқдим. Ўртанардим. Айрилиқ азобига дош беролмасдим. Гоҳ гапирар, гоҳ жимиб қолардим.



Орадан бир ойга яқин вақт ўтди. Соғинчим шу даражага етдики, кўнглимдаги гапларни очиқ айтишга қарор қилдим. Зеро унинг, «Бир илтимосим, ўзим истаган ҳаётга қайтишим, ҳаракат қилишим учун умид ва ишонч чироғим бўлишингизни истардим», деганлари мени руҳлантирар, менда кўнгли борлигидан қувонардим. Унинг гапларини ҳар хил талқин қилиш мумкин бўлса-да, ўз фойдамга мослаштириб маъно берар эдим. Ниҳоят, хат ёзишга тушдим.

«Салом Лоларух!

Нега жимсиз? Нега хатимга жавоб ёзмаяпсиз? Ахир, хатингизни кутмаслигим мумкинми? Ёмон нотиқ лақма бўлади, деганларидек эзмадан-эзма хатларим жонингизга тегдими? Гоҳида ёзган хатларим ўзимга ҳам бемаъни туюлиб кетади. Чунки асосий гапларнинг ҳаммаси кўксимни куйдирган алангадай юрагимда қолиб кетаверади, уларни сизга айтолмасдим. Бугун айтишга қарор қилдим.

Сиз қалби беғубор, фикрлари теран қизсиз. Сиз тақиллатган ҳар бир эшик, хоҳ у бахт эшиги, хоҳ омад эшиги, хоҳ фароғат эшиги бўлсин, очилмай қолмайди. Сизнинг боришингиз ҳар бир остона учун шараф.

Бир куни пешинда масжидга бордим. Одам кўплиги учун, оёқ кийим счиладиган жойда туриб қолдим. Таҳиятул — масжид, яъни масжидга салом бериш маъносида ўқиладиган икки ракаат намоздан сўнг, имомнинг намозни бошлашини кутиб туриб, пойабзаллардан бирига кўзим тушиб қолди. Пойабзалнинг товон тарафи тешик, асфальт кўриниб турарди.

Иккинчи пойи ҳам шундай эди. Ишонқирамай кўтариб кўрдим. Пойафзал икки бармоқ сигадиған даражада тешик эди. Дастлаб, нега дурустроқ туфли кийиб келмади экан, деб ўйлай бошладим. Сўнгра бўлганида, албатта кийиб келарди, деган фикрга келдим. Сўнгра пойабзалим йиртиқ бўлганида келармидим, деб ўзимга савол бера бошладим. Аниқ биланманки, пойабзалим йиртиқ бўлганида келмаган бўлардим. Суннатни бажармаган, жамоа билан намоз ўқишдан воз кечган, йигирма етти баробар савоб олишдан ўзимни тиярдим. Азиз жоним азият чекишидан кўрқардим. Ўзимни авайлардим. Бу бола бўлса, жони офришидан, одамлар масхара қилишидан чўчимай офир аҳволига эътибор бермай Оллоҳ розилигини истаб жамоат билан бирга намоз ўқишни устун кўйиб, товони шилинишидан, ўткир зирҳли темирлар кесиб кетишидан чўчимай ночор ҳоли билан ибодат қилишга, Худо олдидаги бурчини бажаришга келибди. Иймони мустаҳкамлигидан юрагим орзиқиб, кўзимга ёш келди. Намоз тугагач, уни маҳкам кучоқладим-у, чўнтагимдаги бор пулни узатдим. Аммо у олмади. Салом-алик қилди-ю, кўздан ғойиб бўлди.

Ушбу ҳикояни баён этишимдан мақсад, одам ўз эътиқодига қаттиқ суянар экан, уни бу йўлдан на қашшоқлик, на қийинчилик, на одамларнинг масхара-ралаб кулиши қайтара олади.

Мен ҳар куни Худодан ўзимга муносиб оила ато этишини, юрагимнинг дуру гавҳари бўлган фарзандлар, бутун умримни, келажак йўлимни ёритадиған, номимни, шарафимни улуғлайдиған ўғил-қизлар беришини, мен севган ёр бахт-у саодатим бўлишини, у билан бир умр шод-хуррамликда ҳаёт кечиришни, ўзимни унга бағишлашни Худодан сўрардим. Қалбим ҳеч қачон адашмайди. Сизни биринчи кўрганимдаёқ ёқиб қолганингиз. Самарқанддаги биринчи учрашувимиз ёдингиздами? Ўшанда буюк бобомиз Амир Темур

мақбараларини зиёрат қила туриб, танишлигимиз, дўст-лигимиз, бир-биримизга яқинлигимиз бир умрлик бўлсин деб онг ичганимиз ёдингиздами? Ўшанда ҳали мени танимасдингиз, мени билмасдингиз. Ўша куни нега бундай онг ичганимни билмайман. Балки Худо кўнглимга солгандир. Мана орадан икки йилга яқин вақт ўтди. Бу икки йил ичида кам кўришган бўлсак-да, бир-биримизни етарлича биламиз. Адашмаган эканман. Сиз орзуимдаги қизсиз. Келажакимни сиз билан боғламоқчиман. Лозим топсангиз синанг. Ҳар қандай шартингизни бажаришга, бир умрлик турмуш ўртоғи бўлишга, қалбингизда муҳаббат оловини ёқишга тайёрман.

Ушбу хатни ёзаётганимнинг яна бир сабаби, муҳаббат чўғи сизни ҳам юрагингизда бор, деб ишонганимдандир.

Юқорида туфлиси йиртиқ одам ҳақида ёзганимнинг сабаби, ҳозир мен ўшандай камбағалман. У эътиқоди мустаҳкам бўлгани учун масжидга борган бўлса, мен муҳаббатим кучли бўлгани учун севги изҳор қилмоқдаман. Катта-катта тўйлар қила олмасман. Данғиллама ҳовлиларга сизни келин қилиб тушира олмасман, лекин ишонинг, сизни бахтли қилиш учун қасам ичаман. Бир куни оёғингиз тагига бутун дунё бойлигини олиб келишга, оиламиз энг бекаму кўст оила бўлишига, сизга бутун дунёни кўрсатишга, истаган олий ўқув юртларидан бирида ўқишингизга, орзуларингизни тўла-тўқис амалга оширишингизга, қимматбаҳо тақинчоқлар тақингизга, ўз орзуингиздаги инсон бўлишга, биз етти ухлаб тушимизга кирмаган омад эшиклари қаршимизда лангиллаб очилишига ишонаман ва бу йўлда бутун меҳру муҳаббатимни аямайман. Илтимос, йўқ деманг, ночор аҳволимдан кулманг. Сизгача ҳеч кимни севмаганман, сизгача ҳеч кимга сўз бермаганман. Айтинг, йўқ демасангиз нима бўлади? Биладан, мендан бошқа ҳеч кимингиз йўқ, биладан, ҳеч кимни севмайсиз. Ҳозиргача севмагансиз. Агар севган йигитингиз борлигини

билганимда, сезганимда, сиз айтмасингиздан олдин узоқлашган бўлардим. Мен юраги дераза ойнасидан ўн баробар юпқа одамман. Бир сўз, бир ишора билан бу юрак парча-парча бўлиши мумкин. Лекин сизга ишонганим учун икромимни, кўнгил изҳоримни баён этаётман. Яна нима деяй, айтинг?!

Тўғри, сиз шахзодаларга лойиқ қизсиз. Лекин мени Худо шахзода қилиб яратмаган бўлса нима қилай? Бир кун албатта шахзода бўламан. Сизни маликага айлантираман. То сўнги нафасгача шу аҳд учун курашаман, балки сўзларимни қуруқ гап деб қабул қиларсиз. Лекин, одамлар нега бир-бирларига ишонишади, нега бир-бирларига сўз беришади, нега бир-бирларини дуо қилишади, нега бир-бирларига тилаклар билдиришади?! Агар улар бир-бирларига ишонмай, бир-бирларига берган сўзни қуруқ гап деб ўйлашганида бизга сўзнинг нима кераги бор эди. Ҳайвондан фарқимиз қолмасди-ку. Юрагимдаги бу сўзларни авайлаб-асраб, шу сўзлар учун яшаб, курашиб уларга амал қилмасам, ҳаётга тadbиқ этмасам, сизга — юрагимнинг эгасига хиёнат қилган бўламан-ку?!

Лоларуҳ, йўқ деманг. Биламан, сиз мендан кучли, чиройли, мендан устун йигитларга лойиқсиз. Уларга йўқ денг. Уларни танламанг. Уларни севиб, мени оловга ташламанг. Умидларимни хазонга айланторманг. Шиддатимни шамолга совурманг. Қанча бўлса кутишга тайёрман. Синанг. Муҳаббатингизни қозона олмасам, бу майдондан чиқиб кетаман. Шунда ҳамма айб ўзимда, ношудлигимда, нўноқлигимда бўлади. Кўнглингизга озор берган бўлсам, узр сўрайман. Мен учун дунёдаги энг меҳрибон, энг гўзал, энг сарвқомат қизсиз!

Жавобингизни интизор кутаман. Ушбу хатни йиртиб ташламаслигингизни, никоҳ куни ўқиб беришимни талаб қилишингизни сўрайман.

Хушхабар кутгувчи
Ғолибшер!»



Хатни ёздим-у, почтахонага югурдим. Файри-ихтиёрий равишда шошилардим. Шунча гапни тоқат билан ёзганимга ажабланар, гўё бу хат қандайдир балоқазодан қутқарадигандай эди. Афсуски, бу хат камида ўн кун йўл юради. Дастлаб электрон почтага бормоқчи эдим. Кейин бир гапни ҳадеб такрорлайверишдан истиҳола қилиб, бу фикримдан қайтдим. Уяли телефон дадасиники бўлганидан бемалол гаплашиб бўлмасди. Шунча кутган, яна озгина сабр қилай-чи! Хатимни олган куни, телефон қилиб, у ёққа учиб бораман дея хаёл сурардим. Ва беихтиёр учрашувга ҳозирланардим. Ахир энди аввалгидай дўстгина эмас, куёвликка даъвогар эдим. Энди қаддимни баланд тутар, ҳар кун эрталаб соқолларимни қиртишлаб олар, галстуклар тақиб, дунёни ярмини забт этган саркардадек атрофга мағрур кўз ташлар, ўсмоқчилаб гапирардим. Ҳар куни ижара пулини сўрайдиган кампирга ҳам илжаявермас, фалон куни тўлайман, деб гапга нуқта қўяр эдим. Ахир мени севадиган, мени одам деб турмушга чиқадиган, бахтли этадиган, севиб эркалайдиган, қалбининг энг гўзал туйғулари билан хушнуд этадиган бир қиз хаёлимда яшарди-да. Энди гапи кўчада қоладиган, ҳеч кимга севимли бўлмаган Ғолибшер эмасман. Ахир у ишониб ўзини топшираётган экан, нега у ишонгандай жиддий, удабурон ва салобатли бўлмаслигим керак.

Аmmo ундан бир ойки жавоб йўқ эди. Бу хавотирлантирар, ичимга гулгула солар, бу йўқ дегани, мендан юз ўгиргани, бутунлай алоқани узгани бўлса керак дея куярдим. Ёнига ўзим бормаганимдан, гапимни қабул қиладиган даражада кайфияти бормийўқми раъйига қараб гапирмаганимдан афсусланардим.

Тез кунда хавотирларим барҳам топди. Ундан мактуб олдим.

«Салом Фолибшер ака!

Яхшимисиз? Кайфиятгингиз жойидами? Хатингизни тўйимдан уч кун олдин олдим. Мана тўйдан уч кун ўтиб жавоб ёзаяпман. Ҳаммаси яшин тезлигида ўтди. Тошкентга аслида келин сарполар олишга боргандим. Тўй ҳақида гапиришга бир неча бор чоғландим-у, аммо айтолмадим. Чунки у пайт хатингиздаги гапларни бу қадар батафсил билмасдим. Хатингизни олганимда кеч бўлганди. Тўй ташвишида эдим. Биласизми, бу тўй тўй эмас, жаноза бўлди. Мен ўлдим.

Келинг, бир бошдан гапириб берай. Бу балки сўнгги мактубимдир, балки бу чўкаётган одамнинг сўнгги қичқирғидир. Билмайман. Мен сўнгги куним яқинлашаётганини сезиб турибман.

Хуллас, кейинги икки, уч ой ичида кўшни туман прокуратурасида ишлайдиган терговчи боладан совчилар серқатнов бўлиб қолди. Уйимиздагилар даставвал йўқ дейишди. Орага нозик одамлар, шаҳар ҳокими, маҳалла оқсоқоллари, узоқ-яқиндаги каттакичик, ёр-биродарлар аралашди ва дадам розилик бериб юбордилар. Мен ҳам у бола билан учрашдим. Бўйи бўйимдан паст, сочлари жингалак, бидиллаб гапирадиган, жағи-жағига тегмайдиган бола экан. Олдимга бирданига гапдан тоғ-тоғ олтин уйиб ташлади. Нима дейишни билмай жим қолавердим. У ўқитадиган, машина олиб берадиган, умримнинг охиригача барча талабларимга хўп дейдиган бўлди. Ўша куниеқ тилла узук олиб берди. Ҳали эс-ҳушимни йиғиб улгурмай, уйимизни кўй-кўзилар, келинга бериладиган гиламу кўрпа-тўшаклар босиб кетди. Отаси бой ширкат хўжалиги раиси экан. Тайёргарлигимиз йўқлигини кўриб, кўп сарф-харажатни ўз бўйнига олди. Тўй ҳам яқинлашди.

Ишонасизми, тўй либосини кийганимда шундай ярашдики, ўзимга қараб тўймасдим. Мен сиз таърифлаган қиз бўлган эдим. Мени ўша пайтда кўришингиз-

ни қанчалар истаганимни билсангиз эди. Ўша пайт ҳақиқий малика эдим. Ўша пайтда сизга лойиқ эдим. Ёнимда йўқлигингиздан, сизга тегмаётганимдан, сизни бахтиёр эта олишим мумкин бўла туриб, мутлақо бегона одамга тегиб кетаётганимдан, ўзимни ерга урганимдан, хор қилганимдан ўкиндим. Ўша пайтда сизни севишимни, қанчалар ардоқли, қанчалар азиз эканлигингизни англадим, юрагим титраб йиғладим. Мен оппоқ либосда дунёдаги энг гўзал қизлардан гўзалроқ эдим. Ва сиздан муҳаббат талаб қилишга ҳақли эдим. Нега шу пайтгача қадримни билмаганимга ҳайрон эдим. Бу кун ҳаётимнинг чўққига чиққан пайти бўлиб қолди.

Кейин жуда катта тўй бўлди. Бир қиз орзу қилса арзийдиган дабдабали тўй. Юзлаб одам қатнашди. Тилаклар билдирилди. Машхур хонандалар давранинг гултожи бўлишди. Армон йўқ эди. Ўша лаҳзаларда сизни унутишни, менга шундай тантанали онларни ҳадея этаётган йигитдан миннатдор бўлишни истадим. Бу лаҳзаларда ҳаётимда бурилиш ясалиши кераклигини, никоҳ фақат ЗАГС қоғозига қайд этиладиган ёзувгина эмас, кўкда, Лавхул-Маҳфузда қайд этиладиган, бизни бир-биримизга мангу боғлайдиган тақдир битиги эканини, ерда одамлар базми- жамшид қуришаётган бўлса, кўкда фаришталар жам бўлиб муборак маросимни нишонлашаётганини англаётган ва энди орқага йўл йўқлигини, ўзимни ўзгартиришим кераклигимни англаётган эдим. Агар ўша пайт сўраганда эди, ўзимни мажбурлаб бўлса-да у йигитга бир умрлик садоқатим ҳақида шаҳодат берардим. Аммо у ўзи билан банд, ўтирган жойида тўйни бошқарар, қадаҳ уриштириб, тинмай ичарди.

Ниҳоят, шодиёна тугади. Тўй ўтди. Чимилдиққа олиб киришди. Катта уй меники эди. Ўша кеч ойим, синглим, барча қариндош хотин-халажлар янги уйда тунадик.

Биз томонларда куёвни келиннинг ёнига тўй кечаси эмас, эртаси куни киргизишади. Энг даҳшатли воқеа эртаси куни тунда бўлиб ўтди.

Мен, чимилдиқда келин саломга шай бўлиб турардим. Янгам патнисда чой, қанд-курс қўйиб кетдилар. Кейин куёв келди. Салом берди. Уч бора таъзим қилдим ва чой қўйиш учун чўккаладим. У гапира бошлади. Қўрқув ва ҳаяжонда эдим. Ундан шафқат кутардим. Бу кеч тинч қўйишини сўрамоқчи бўлардим. Қалбимда унга нисбатан илиқлик пайдо бўлишини, меҳрим товланишини кутардим. Унинг ўрнига сиз бўлиб қолсангиз қанчалик эрқаланишимни, севинчим тўлиб-тошишини ҳис қилардим. Шу пайт бирданига деразамиз очилиб қорага ўранган икки кўланка пайдо бўлди ва пичоқ тираб иккаламизнинг оғзимизга скоч ёпиштириб ташлади. Қўл-оёғимизни боғлаб, шўрлик куёвни тепа бошладики, кўрқиб қолганимдан типирчилашга мадорим йўқ эди.


«Нима, мени қамоқда ўлиб кетади деб ўйлаган-мидинг, — дея зуғум қиларди қорага ўранган одамлардан бири. — Сендан ёрдам сўраб борган хотинимни ашдаб ўзингга ўйнаш қилиб олдинг. Энди, кўз олдингда бу қизни зўрлайман», деди у...

Бу ишлар ярим соатда бўлиб ўтди. Хона ичкаридан қулф эди. Улар яна деразадан чиқишди-ю, кетишди. Ҳозир куёвим реанимацияда беҳуш ётибди. Ўша тун катта тўс-тўполон бўлди. Ҳамма қариндош-уруғларимиз йиғилиб келди. Уриш-жанжал бошланди. Мени ажратиб олмоқчи бўлишди. Куёвни ўлдирамиз дейишди. Бир кечада ҳамма нарсамдан, бокиралигимдан, келинлик иззатимдан, келажагимдан айрилган эдим. Номимга доғ тушганди. Мен ҳақимдаги овоза етти иқлимга тарқалди. Маҳалла оқсоқоллари никоҳни бузмасликка қарор қилишди. Биз тарафни шунга кўндиришди. Ҳеч қачон оғриманган дадам юрак хуружи билан шифохонага тушди. Жиноятчиларга қидирув эълон қилинди.

Мен айбсиз айбдор эдим. Куёвнинг ишларидан ҳамма хабардор экан. Куёв жиноятчининг хотини билан бир йилдан ошиқ вақт давомида яшаб юрганини бутун туман аҳли биларкан. Куёвнинг отаси тўйни бу қадар тезлатишининг сабаби бу ёқда экан. Мен тузоққа тушган ўлжа эканман.

Энди кеч бўлганди. Энди уйимга қайтиб боролмас, қайтиб боришим — бу шармандаликнинг кенгайишига олиб келарди. Куёвнинг ота-онаси оёғимиз остида ялиниб-ёлворди. Ҳануз шу ердаман. На бировнинг юзига қарай оламан, на сўзлай. Бахтим қаролигидан туну кун йиғлайман. Вақти келиб албатта бу ердан қочиб кетаман. Бир кунлик келин бир кечада ўзим билмаган ҳолда шумшукка айландим. Балки мендан ҳазар қилишар, лекин менинг ҳам ҳазар қилишга ҳаққим бор. Ўч олишга ҳаққим бор.

Хатимни тугатар эканман, барчаси учун кечирим сўрайман. Фалокатга йўлиққан ҳаётим, куйиб кул бўлган орзуларим, ўнганмайдиған умидларим ер билан яксон бўлди.



Бу сизга ёзаётган сўнгги мактубим. Энди сизга мактуб ёзишга ҳаққим йўқ. Севгингизга жавоб беришга ҳаққим йўқ. Энди сизга нолайиқман. Излаб келишни хаёлингизга келтирманг. Чунки, тўйга розилик берган куним сизга хиёнат қилган эдим. Севгингизни бу қадар жиддий деб ўйламагандим. Энди тақдир йўлларимиз ҳар томонга кетди. Энди улар ҳеч қачон кесишмайди. Сиз билан алоқамни узиб ҳаётга бўлган сўнгги

умид ришталаримни қирқмоқдаман. Ҳаётдан кўз юмганим хабарини эшитсангиз кўп. куйинманг, кўп оғринманг. Бир яхши дўстим бор эди, деб эслаб юринг.

Дуо қилинг. Қиёматда қалби яқин кишилар бирга бўлади, дейдилар-ку. Албатта яқинларингиз орасида бўламан. Сизни севаман. Сиз ҳаётимдаги энг азиз инсонсиз. Барча азиз туйғуларим сиз билан чамбарчас. Хайр. Алвидо! Афсуски, кўришгунча деёлмайман. Жафо исканжасига ўранган,

Лоларух!

Хатни ўқиб чиқдим-у, йиғлаб юбордим. Юрагим алам ва изтиробдан ҳапқирарди. Мен севиб ардоқлаган, қалби худди кўзгудаги аксидай қалбимга ўхшайдиган инсон хору зор, ўзини ўлим оташига отмоққа шай турарди. У нажот қутаётгандек, чорлаётгандек, ҳаёт сўраётгандек, ҳозирнинг ўзидаёқ етиб бормасам қоронғулик кўйнига яшириниб йўқ бўлиб кетадигандек эди. Ундан юз ўгирмаслигимни айтиш, таскин-тасалли бериш ва абгор қилганлардан ўч олиш учун ўрнимдан кўзгалдим. Мени бу йўлдан ҳеч нарса қайтаролмасди. Муҳаббат алангаси кўксимни тобора куйдирарди.





КУТИЛМАГАН КҮНФИРОК

Бадиа

Мана, сен кетдинг. Бегоналардай хайрлашдинг. Гапиришимга йўл қўймадинг. Нима дейишимни сезиб, эшитишни истамас эдинг. Бу гаплар, гап эмас, дардим, тақдиримни сен билан боғлашга аҳдим, қоронгулик қоплаб олган келажагимни ёритишга бўлган шахдим, мотамсаро кунлар қўйнидан нари кетишга ҳаракатларим, сен билан бирга бўлишни истовчи ҳасратларим эди. Ҳаммаси барбод бўлди. Сен кетдинг. Бутун бир келажак ҳақида ўйлаб қўйилган тақдир йўллари улкан гулханга қаланган ўтиндай бирма-бир ёниб, ўртаниб, куйиб кул бўлди.

Ярим кечаси юрагимни сиқиб, симиллатган оғриқдан уйғониб кетдим. Бошимда ўлим шарпаси турарди. У кечаси билан менинг ихтиёримсиз, фикру ўйларимни, ҳис-туйғуларимни авраб уларни ўз оёғи билан жар ёқасига олиб борган, энди мени уйғотиб, тубсиз чоҳга итқитиб юбормоқчидай эди. Мен шу қадар оғир мусибат изтироблари, азият хору зорликлари исқанжасида эдимки, хўрлитим келиб, ўлсам қутуламанми? — дея инграб юбордим.

Энди билсам, муҳаббат — ҳаёт деган уйнинг эшигини очувчи калит экан. Мен шу калитни йўқотган эдим. Бора-бора дунёда севган одамларинг бўлишигина яшашга чорлашини, уларсиз ҳаётнинг қизиғи йўқлигини, уларсиз ҳамма нарсага бефарқ судралишингни, оғриқларни кўтаролмай қолишингни англаб экансан.

Исломда, инсон ўзини ўзи ўлдириши гуноҳ ҳисобланади. Лекин, тушкунликка тушган одамнинг ҳолати ухлаб ётган одамнинг уйғонмай туриб, дорилбақога кетишидан фарқ қилмас экан. Ухлаб ётган одам, ҳеч

нарсани сезмаганидай, тушкунликка тушган одам ҳам нима қилаётганини, нимани истаётганини, атрофида олам борми-йўқми билмас экан.

Марина Цветаева, ўзини ўзи дорга осадди. Бироқ, арқон узунлигидан, оёқлари ерга тегиб қолади. Шунда у алам билан ўзини ўзи бўғади.

Сергей Есениннинг сўнгги маҳбубаси Галина Бениславская шоир қабри тепасида ўз пешанасига тўппонча тираб ўқ узади. Аммо биринчи садокдонда пистон йўқ эди. Бу ҳолат беш бора такрорланади. У оқ қоғозга «Наҳотки олтинчиси ҳам отилмаса?» деб ёзиб кўяди. Аммо олтинчи пистон бенуқсон эди.

Қиролича Мария Тереза эри вафотидан сўнг ўн беш йил қоп-қора мотам либосини ечмади. Бугун саройни қоп-қора рангга бўяттирди. Империя ишларига аралашмай кўйди. Бўкканча овқат ер, эрининг ертўладаги қабрига тушар, дуо ўқир, вазни эса икки юз килога яқинлашиб борарди. Бир куни у: «Бўлди, энди мен шу ерда қоламан, у мени чақираяпти», деди.

Хизматкорларнинг уринишлари зое кетди. Уни юқорига кўтариб чиқишолмади. Орадан икки кун ўтиб, у ертўлада жон берди.

Худди шунингдек, француз ёзувчиси Луи Буссенар ҳам хотини вафотидан сўнг ўзини очликка маҳкум қилди. У тинмай ёзар, ёзганларининг ҳаммаси таниш-билишларига: «Жанозамда қатнашишингизни шараф деб биламан... Хотинимнинг вафотидан сўнг яшашга кучим қолмади», қабилдаги таклифномалар эди. Кўп ўтмай унинг тинка-мадори қуриди ва дорилбақога юз бурди.

Худди шунингдек, машҳур рассом Пабло Пикассо ҳам ўлимидан олдин хотинидан бир сония кўзини узмади. У ўлганида кўзларида хотинининг акси қотиб қолганди. Худди шунингдек, машҳур балерина Анна Павлова хасталаниб ётар экан, унга оққуш либосини кийдиришларини сўради. У «Оққуш кўли» балетининг энг моҳир ижрочиси эди. У либосни кияр экан: «Буни Сен учун ижро этаман», деди. Бу унинг сўнгги сўзлари

эди. У шифохона йўлаклариди оққушдай айланиб-айланиб, енгилгина жон берди.

Тарихда бундай мисоллар жуда кўп. Мен уларни оқламоқчи ҳам, қораламоқчи ҳам эмасман. Ундайлар кеча ҳам бор эди, бугун ҳам бор, эртага ҳам бўлади. Мен бор-йўғи муҳаббатнинг кучи қанчалигини таъкидлаб ўтдим, холос.

Мана тонг отди. Яна яшаш керак. Яна кўзга кўринар-кўринмас ташвишларим, рақибларим, қилишим керак бўлган ва қилишим керак бўлмаган ишларим зуғум билан ҳужум қилмоқда.

Сен эса кетдинг. Мен ҳозир уларга таслим бўламан. Мен ҳозир уларнинг оёғи остига ўзимни ташлайман. Байроғини ҳам топшираман. Куролини ҳам кўшқўллаб тутаман.

Чунки, сен кетдинг. Чунки, ўзимнинг ўзимга керагим йўқ. Сен — мен учун, мен эдинг. Сен — мен учун ўзим эдинг. Сен бўлсанг, сени ҳимоя қилар эдим. Сен учун яшар эдим. Сен учун курашар эдим. Сен бўлсанг, курашишимда бир мазмун бўлар эди. Мақсад бўлар эди. Сен бўлмасанг, кечаги куним билан бугунгисини, эртангисини фарқи йўқ. Мақсадсиз голибликни кимга кераги бор. Мақсадсиз голибликнинг мақсадсиз мағлубликдан фарқи йўқ.

Тонг ёриша бошлади. Ҳамма уйқудан уйғона бошлади. Уйқу, ўлимни эслатувчи элчи, дейдилар. Бу элчи ўз хабарини етказиб, яна ўз юртига равона бўлди. Мен эса хонада карахт кезар эканман, ҳали уйғонмагандай эдим. Ногаҳон, кўнғироқ жиринглади. Уни бориб кўтаришга мажолим йўқ. Хонада ўзимни қаерга қўйишни билмай талмовсирайман. Кўнғироқ қайта-қайта жиринглайверади. Сен эмасмикансан, деган хаёл яшиндай шууримда чақнайди. Гўшакни кўтараман. Маъсум овозинг эшитилади: «Яхшимисиз». Бу овоз эмас, руҳ ато этгувчи жонбахш нафасга ўхшарди. Мен ҳаёт остонасига қайтаётган, кўнглимда ёнган умид чироғи музлаб қолган вужудимни илтифатланди.



ЁШЛАРГА АЙТГАНЛАРИМ

Қорни тўқ, оч билан ўинамас экан
Унинг қорни оч деб, ўйламас дерлар.
Недан кўнглингиз тўқ,
сокинсиз недан,
Ўз эмас эл гамин ўйлайди эрлар.
Ҳамиша олдинда кўкрагин керар,
Ўт кечган, эл деган
Энг сардор шерлар.

Гоҳида хотиржам тортдим ўзим ҳам.
Гоҳида шукрона айтдим беадад.
Ўтган кунларимни ўйлай бошласам,
Куйилиб келади бешафқат нафрат.
Йўлларимни тўсган юз йиллик кишан
Ахир кўлларимдан
узиб ташланган.

Улуғ жанг олдидан янграган такбир,
Ошиқлар соғинчдан айтгандай алёр.
Қасамёд ичгандай юракдан, ҳайқир,
Ҳақ кўшин қилгандай ҳужумга қарор
Бақир, енгмоқ учун тўсиқларини
Айтгил, мустақиллик кўшиқларини.

Тангрим, одамзотни яратмиш лойдан.
Шу юрт тупроғидан жисмидаги қон.
Кўзларин, кўкрагин, юрагин қорган
Не-не буюкларга бу тупроқ — ошён.

Муқаддас тупроқдан қорилган қонсиз.
Қандай яшаяпсиз, шонсиз, исёнсиз?!

Музаффар йўлдаги шу Ватан учун
Агар кўймасангиз,

кундага бошлар.

Кўллари мушт бўлган,

юраги бутун

Эртага туғилар

миллион ёшлар.

Орқада қолмайди улар замондан

Қалблари машъалдай ёнгани ёнган.

Кўлни кўлга бергин,

қадрдон, олға!

Дилни дилга боғла,

ортга йўл йўқдир!

Юксак кўтар сенга

ишонган чоғда

Олға! Мустақиллик, энг буюк туғдир.

Олға! Шу Ватанга Мангу шараф-шон.

Олға! Жон қурбондир, унга жон қурбон.





ИЛТИЖО

Хуррият шиддати гувлар долгали,
Тошқин ҳайқириқлар чўзилмиш кўкка!
Исёнлар гупириб қалбда ёнади,
Худойим, мангулик шон бер ўзбекка.

Кўлловчи руҳ, ота-бобом зафари,
Бу юртда яшайди боқий бир нусрат.
Ўзбек миллати бу — олам сарвари,
Худойим, сен унга қилгин мурувват!

Йўригингдан ўзга йўли йўқ борар,
Сендан ўзгага ҳам топинмас асло.
У бутун жон-жаҳди билан ёлворар,
Бизни энг юксак эт, Тангри таоло!

Дуолару жони фидолар ҳаққи,
Келиб кетмас давлат айлагин нисор.
У сени жонидан севгувчи халққи,
Энг аввал ўзбекни сев, Парвардигор!

Қадимий миллатмиз миллион-миллион,
Ҳар юрак зарбида янграр ҳур нидо.
Бизлар шу бахт учун тикажакмиз жон,
Энг аввал музаффар ҳаёт бер, Худо!



ШОИР

Сафарларга ўчман болалигимдан,
Файзи, кўрки бўлак ҳар қишлоқнинг ҳам.
Улкан шаҳарлари, даштлари билан
Гулшан ўлкаларга чорлайди олам.

Ким суйса, ул элга шоирман эрка,
Қадр қилганларга қалбан қариндош.
Гоҳида Лондонни соламан шеърга,
Гоҳида Боғдодда тўкаман кўз ёш.

Севганман, Тожмаҳал остонасида
Никоҳдан ўтганман садоқат учун,
Бобур ҳаққи, Қобул вайронасида
Тиловат қилганман адолат учун.

Миср эҳромларин савлати аро
Кеча ўтган каби минг йиллик замон.
Нью-Йорк, Токио ҳайбати аро
Юз йил илгарилаб кетгандай даврон.

Маҳаллангдан нари ўтмаса шеъринг,
Товусларни сўйиб еган дажжолсан.
Оламини оралаб юрмаса эркинг,
Қора қалб орқалаб юрган ҳаммолсан.

Каъбага бормоқни истайман гоҳ-гоҳ,
Чўнтакмас, юракнинг етмас журъати.
Қалбимдан покроқ ул муқаддас даргоҳ,
Оримдан ортиқроқ унинг ҳурмати.

Йўлим оқ, кўнглим оқ, бормоқлигим фарз,
У, Оллоҳ қошига бормоқдан осон.
Букун, олам узра бошимдаги қарз —
Она-Ер шаънига битмоқлик дoston.

Тобора даврамиз бўлаётир кенг,
Энди инсоният нотифидирман.
Чунки, мен дунёда тенглар ичра тенг
Мустақил диёрнинг шоиридирман.





ХАВОТИР

Кетаяпман яна саргардон,
Дилни тўкди ғуссаларингиз.
Сизга нима бўлди, онажон,
Бунча чўкди жуссаларингиз.

Қартайибсиз. Кўзим ўяр ғам.
Жазолама, кўкда қодир Зот.
Худо, бергин онамга малҳам,
Яна бир йил бахш этгин, ҳаёт.

Ҳар дам учун шукрона айтай,
Ҳар дам учун бўлай қарздор.
Ҳар дам учун бошим кўтармай,
Сажда қилай, токи онам бор.

Унга ўн йил умр бер, Тангрим,
Унга юз йил ҳаёт бер, Худо!
Мукка тушиб минг йил сўрардим,
Минг йил бизни этмасанг, жудо.

Кетаяпман, аммо биламан
Айирасан бизларни бир кун.
Тириклайин дорга иласан,
Олисларга кетганим учун.

Сўнгра дорда ўтади умрим,
Балки бир йил, ўн йил... осилиб.
Қайгулардан қораяр турқим,
Қора кунлар нуқси босилиб.

Бизни боғлар ердан Худога
Она берган жоннинг риштаси.
Она лойиқ мангу дуога,
Она-кўкнинг хур фариштаси.

Кетаяпман, яна саргардон
Билолмайман, қайтаман қачон.





ДУСТ

«Яхши бўлиб кетар, яхши бўлиб кетар»,
Бу дардсиз сўзлардан юрак тўлиб кетар.
Гар дўстим экансан, бугундан сўзла,
Яхши бўлгунча то, одам ўлиб кетар.

Фамхўрлик қилишга ўзга сўз йўқми?
Сўниқ кўзларимни кўрар кўз йўқми?
Синиқ тоқатимни тиклай олмасдан,
Абгор турганимдан ё кўнглинг тўқми?

Ҳол сўраб келганда дўстнинг олдига,
Дўст деган тушади, дўст аҳволига.
Бир нафас ўтиргай, бирга хўрсиниб,
Қарар минг бир ёниб ўчган ҳолига.

Ҳеч қачон сўзлама ёлғон сўзлардан,
Бўлмагин бегона, ёмон дўстлардан.
... Дўст бўлсанг, ўлмасман, умид шамимни
Минг биринчи бора ёқмай сўнмасман.





* * *

Йўрға отим, йўрғалаб тур, чўккалама,
Оғриқ бор-у, яра жойни тополмасман.
Ўнта қашқир изимладир, ўпкалама,
Ўнгламайсан, қолсанг агар, чополмасдан.

Хатойим кўп, кўпдир менда қусру нуқсон,
Ўлгунимча тuzалмайди, ўзгармайди.
Ўлиб ҳамки, қутулмайман, тўлаб товон,
Тирик экан токи бирор ўжар байтим.

Йўрға отим, то умид бор йўрғалайсан,
Токи жон бор, ер айланиб, кун ўтади.
Тўрттагина дилбандим бор, кўз қадаган,
Чўккаласанг, кўтаролмай хун ютади.

Йўрға отим, қанотинг бор, сен ҳам хурсан,
Сен учқурсан, нурдан бўлган ҳаётинг бор.
Айбинг—мендек, бир дўстинг бор ерда юрган,
Кўкда турсанг, дурдан бўлган баётинг бор.

Йўрға... бир кун нур таратиб, чақна учқур,
Шиддатингдан ёниб битсин, танимда жон.
Яшиндай ён, ёруфингда айлай ҳузур,
Сўнгра майли... зулмат аро қолмай омон.



ТАРЗ

Хавfli менинг
яшамоқ тарзим,
Зардаларим ўзга-ўзакка.
Мен шодликни гамдан
ахтардим,
Заҳар бердим
хаста юракка.

Мен ҳаётни севмоқлик
учун
Ўлим билан ўйнашдим
маҳтал.
Кўзларимда йўқ эди учкун,
Чақнади у
келганда ажал.

Қаршилаи деб,
саҳарни
Тунда уйғонган каби.
Зафар учун хатарни
Яратмоқдир матлабим.

Умрим сўқмоқларида,
Менга асло йўқ нажот.
Сен борсан, сиртмоқларда,
Сени севаман, ҳаёт!



* * *

Мен билмайман бу қандайн ёзиқ бўлди,
Қисмат йўлсиз сўқмоқларда қилди сарсон.
Йўл тополмай кўзларимнинг нури сўлди,
Пешонамни бир силагин, эй онажон!

Мен кимман-у дийдиёлар қилдим нечун,
Йўқ бўлсам ҳам, ким изларди истаб нишон.
Мен дунёга бир жилмайиб боқмоқ учун,
Пешонамни бир силагин, эй онажон!

Мен ҳам бахтни кўрган эдим қайлардадир,
Кўрмаганда яшар эдим, балки осон.
Бол ўрнига қум тутмоқда гоҳо тақдир,
Пешонамни бир силагин, эй онажон!

Балки йўлим очилади шунинг билан,
Балки менга берилмаган ортиқ имкон.
Кўзларимни бир кун ёпиб қўймасингдан,
Пешонамни бир силагин, эй онажон!





МАҲКУМ

Милтиқнинг кўзларига қараб,
ўйиқ кўзлари, куюк кўзларига қараб
сўзлайман.

У тик қараб турар
кўзларимда ўзини кўрар.

Мен ҳам у кўзларда ўзни кўрмоқ
бўламан.

Ўзимни одамга йўймоқ бўламан.

Бир бор қара, қўшотар!

Оламда борман ахир,

Яшашга зорман ахир.





* * *

Кетмоқдаман, аста-аста қадам ташлаб.
Кетмоқдаман, маҳзун-маҳзун, юрагим хун.
Кун санадим, ўтаётган кунга қараб.
Сўнгги кундай бўлиб қолди, ҳар келар кун.

Ўт ёқаман туни бўйи, тонгга пешвоз.
Кўксимда чўғ, бу ҳаётга тўйганим йўқ.
Кечагина мен кўлимга олганман соз.
Ҳали уни ерга ташлаб қўйганим йўқ.

Умр — жар бўйида яшамоқ кулиб.
Бир кун зирҳли тошлар сари куламоқ бор.
Кўкка учмай, аммо ҳали кетмай ўлиб.
Кетмай ўлиб, раҳм қилгин, Парвардигор.

Ҳолсиз совиб бораётир баданим ҳам
Заҳдан сўниб тинаётир танимда қон.
Юзинчи бор, мингинчи бор ёққанча шам
Яшайман деб, юрагимда инграб исён.

Кетмоқдаман аста-аста ташлаб қадам.
Барибир бор, йўл сўнггига етмоқ, етмоқ...
Бу дунёнинг бор азоби — кичкина ғам.
Дунёда энг катта азоб — кетмоқ, кетмоқ...



* * *

Гўзаллигинг сингари
ўткинчидир муҳаббат.
Олиб қочма юзларинг,
муҳаббатдан кутма бахт.

Дилимизда ёнган ишқ,
Балки ёнмас бундан сўнг.
Минг ичида икки ошиқ,
ишқигина келар ўнг.

Улар Тангри ёрлақан
ҳақиқий ишқ гунчаси.
Нега менга зорланасан,
ахир бизлар шунчаки...

Олиб қочма юзингни,
бир кун ўтади бари.
Ёшлик биздан ўзини
Олиб кетган сингари.





ХАТО

Кўза синмайди кунда,
Тутмоқ учун сўроққа,
Олиб кетишди тунда,
Ёш қизчани қамоққа.

Қўл синса қолар енгда,
Тиш синса яширар лаб.
Ёйилди бутун элга,
Бир зумда бу совуқ гап.

Ота борди дод солиб,
Ота кўтарди фарёд:
«Ўрнига мени олиб,
Қизимни этинг озод.

Қизим — номусим, орим,
Қизим — жоним жавҳари.
Ардоқлаган қароғим,
Қизим — кўзим гавҳари».

Дўстни ажратар гумон,
Шубҳа чиқарар диндан.
Ёмон сўзга ҳам илон,
Ҳам қилич чиқар қиндан.

Энди тўйи ҳам бўлмас,
Энди узатолмайман.
Қаро юзни ҳам ювмас,
Энди тузатолмайман».

Уч кун эшик тагида,
Ота юрди бағри қон.
Юрак исканжасида,
Сўнг йиқилди чалажон.

Кимдир адашиб гоҳо,
Тош отганда кимгадир.
Тош негадир бехато,
Адашмасдан тегадир.

Тасодиф туфайли гоҳ,
Фалокат рўй берган он.
Янглиш юз берар бироқ,
Янглишмасдан чиқар жон.

Кичкина тухмат тоши
Ота бошига етди.
Сўниб сабру бардоши.
Ҳақнинг қошига кетди.





ОҚ ЙЎЛ

(Севара Назархонни хорижга кузатаётиб)

Хайр!

Хайр сенга Худо ёр бўлсин!
Паноҳида асрасин, қўллай!
Осмон оппоқ беғубор бўлсин,
Сен кўкда уч,
кўкка кўрк тўлгай!

Сен кўклан боқ,

Она-Ер шаффоф
Юрагингдай уриб турибди.
Бориб айтар, тилакларинг — соф,
Тангрим шоҳид, кўриб турибди.

Эзгуликнинг овози бўлиб,
Кўшигингга тўлсин ҳар чаман.
Сенга қучоқ очса гар кулиб,
Ўша ўлка мен учун Ватан.

Ўзбек созин севса — ватандош,
Сўзига жўр бўлса қадрдон.
Биз — дунёда эзгуликка бош.
Қабоҳатга душман — беомон.

Самовотнинг юраги шу Ер,
Одамларга тафт улашамиз.
Сайёралар тиргаги шу ер,
Юлдузларга бахт улашамиз.

Кўлни-қўлга берайлик токи,
Дилларимиз кетсин сирлашиб.
Кўшиғимиз, сўзимиз ёки,
Йўлларимиз кетсин бирлашиб.

Ватан бўлсин шу она Замин,
Америка ё Европада,
Дўстлар бизга очишсин бағрин,
Ўзбек каби хуш қиёфада.

Хайр!
Сенга ёр бўлсин Оллоҳ.
Ёвузлар бор, бешафқат, гаддор.
Улар ҳар он, огоҳ бўл, огоҳ
Дунёга ўт қўймоққа тайёр.

«Салом» сўзи каби мунаввар
Кўшиқларни куйла оламга.
Замин тақдирига, музаффар
Ўзбек — масъул, ҳар кун, ҳар дамда.

Хайр!
Оқ йўл эзгулик қадар
Қалбдан куйла, жўр бўлсин дунё.
Кўшиғингга жўр бўлмаса гар,
Бу бизнинг куй эмасдир, асло!





ДРАМАТИК ҲАЗИЛ

Хотин ботиб терга
 ўшқирар эрга:
— Кимгасиз эрка?
Ҳайдашди ишдан,
 ўзингизга ичдан,
 ўзингиз душман.
Кеча-ю эрта,
 бошни эгиб ерга,
 ботгансиз шеърга.
Кечинг бу юмушдан,
 чиқолмай қишдан,
 ўлмайлик очдан?!
Дедим: — Хотин кўп
 урма дўқ,
 кўнглим тўқ.
Чеки йўқ армоннинг — кулиман,
 Эрки йўқ инсоннинг — дилиман,
Тилиман — давроннинг,
Шеър билан кўксим чўғ.
То кимки сўзлашга топмайди илож,
То борки қорни оч, то борки муҳтож,
Хаттоки бошида бўлса ҳамки тож,
Барчаси шоирга сезар эҳтиёж.
Сўз билан яралган олам азидан.
Сўзидан қайтмаган одам аталган.
Қайдаки бор бўлса юксалган Ватан,
Шоирга эҳтиром билан қаралган.

Гар кимда дард бўлса — дармондир шоир,
Гар кимки мард бўлса — қалқондир шоир.
Ким маош тўлабди асаларига,
Табиат яратган — бир жондир шоир.

Элим айтиб юрса қўшиқларимни,
Шеърим сурур берса, наҳорга ўхшаб.
Чечакдай гуллаган туйғуларимнинг,
Баҳосин ҳеч қачон бўлмайди ўлчаб.

То ўлмай қирқилмас қулидан ризқ ҳам,
Дарё — беминнатдир,
Илоҳий ишқ ҳам.
Шоир иши қай баҳор
хизматидан кам,
Пулим йўқ деб, булбул чекибдими ғам?!
Эй, ёр йиғлайверма, тўкмагин кўз ёш,
Ризқ истаб, ҳар касга урмагайман бош.
Холис хизматимга қилмай эътироз.
Худо ўзи ҳар ой тўлагай маош.

Биз кутмаган чоғда, нурли товоқда
Хурлар ризқимизни ташир ҳар ёқдан...





АНЖУМАН

Улкан анжуманга йиғилган ёшлар.
Ҳар нотик Ватан деб, халқ деб сўз бошлар.
Ҳар нотик сўзига гулдурос қарсак,
Сўнг эса, бир-бирин алқаб кўз ёшлар.

Биров аста келди сўнг минбар томон.
Деди: «Жасоратдан гапирмоқ осон.
Кеча Андижонда ёнганда олов
Қайларда эдингиз бўлгани қалқон!

Бола отасига берган жароҳат,
Ўнта ёт ургандан оғир қабоҳат.
Ташқи душманни шарт, ўлдирмоқ қасос
Нетарсан, ичингдан чиқса разолат.

Нетарсан, Оллоҳнинг номидан шайтон,
Иймон, давронталаб қилса ғалаён.
Ўша чоғ жонидан азизроқ кўриб,
Элим деб, юртим деб чиққай қахрамон!»

Анжуман аламдан ўртанди, бироқ,
Йиллар ўтса ҳамки, яшар у сўроқ.
Яшамоқда ўзга ниқобда душман,
Қанча лоқайд бўсанг, шунча яқинроқ.


Масалан, порахўр гуллаб юрар у,
Ватанни бир пулга пуллаб юрар у.
Уни йўлини кес, бўлгин қаҳрамон.
Хоин иллатларни қўллаб юрар у.

Оқмас сой сасийди оққандан кўра,
Жанг осон, тинчликни сақлашдан кўра.
Кўйнингдан шайтонни қувмоқ қийинроқ,
Бўйнингдаги битни боғлашдан кўра.

Анжуман тугади, сўроқ бор ҳамон,
Шиддат билан олдга кетмоқда замон.
Сокин ҳаёт асли — нотинч жанггоҳдир,
Ҳар он, ҳар соҳада керак қаҳрамон.

Улкан анжуманга йиғилган кезлар.
Ватан деб, юракдан қалққанда сўзлар,
Ким бор эди дея, йўқлаган чоғда
Мен дея мағрур қад кўтаринг дўстлар.

Ватанга жон тикиб яшанг ҳаммавақт,
Қурбонлик учунмас, асло бу даъват.
Ватан она каби, фақат омонлик,
Фидойилик сўрар, сўрар муҳаббат.





ЗАМОН СЕНГА БОҚМАСА

Замон сенга боқмаса, сен замонга боққайсан,
Умидлардан айрилиб, бир хас каби оққайсан.
Ўз қурбингни кишанлаб, кетсанг агар азобда,
Ҳар яхшига ёмон-у, ҳар ёмонга ёққайсан.





ДУО

Эй Холиқи муҳтарам!
Қуръон шарафи билан,
Тавҳид зафари билан,
Раҳм эт бизларга ҳам,
Раҳм эт бизларга ҳам!

Шафоат келтиргувчи,
Ҳидоятга элтгувчи,
Ҳам ҳимоят этгувчи
Расул насаби билан
Айла бизни муаззам!

Умр йўлимиз аро
Кўзимизга тўтиё,
Сўзимизга раҳнамо
Сунний мазҳаби билан
Айла бизни муҳаррам!

Туннинг қоронғусида
Кундузнинг ёруғида,
Аросат қутқусида
Ислом матлаби билан
Айла бизни мукаррам!

Сенга талпинган диллар
Сенга топинган эллар
Сенга тортилган йўллар
Иймон талаби билан
Бўлаолсин мужассам!
Эй Холиқи муҳтарам!



Бирор-бир режани бировга айтсам,
«Худо хоҳласа» деб, бошлашим тайин.
«Бўлади, гар худо хоҳламаса ҳам»,
дер шу дам ичимда, шайтони лаъин.

«Худо хоҳламаса бўлмайди», дейман.
Бўлмай қолди қанча керакли юмуш.
Сабаби тургандим, индамай, енгмай,
Келганда ичимдан шайтоний товуш.





* * *

Кулфат улоқтирса чоҳга одамни,
Ё синиқ кўнглингга сиғмаса дунё.
Ё бошинг эгилиб, енголмай ғамни,
Ёш келса кўзингга, бор қодир Худо.

Мағлуб оринг учун, шарафинг учун
Очилган ярангни яширсанг элдан.
Малҳам бўлиб заиф тарафинг учун,
Тангри у, билдирмай ғорингга келган.

Ўзингнинг борингга қилмагин шукур,
Шукур қил. У бордир ёлғиз эмассан,
Тортиб кетса ҳамки қаъри йўқ чукур,
Ҳеч қачон тубида қолиб кетмассан.

Аммо бўзлар бўлсанг сарсари ёлғиз,
Лойдан бино этган келмаса ўйга.
Бундай танҳоликда ёвудан ёвуз,
Топилмайди душман ўзингдан ўзга.



ТАШАККУР

Йиғлайвердик, ёзилмади ғам,
Босилмади изтироб, изҳор.
Энди йўқдир, ғамхўрим отам,
Қиёматга қолди ул дийдор.

Қиёматда интиқ, интизор,
Кўришамиз юзма-юз бир кун.
Танграм, шукур, ташаккур минг бор,
Шундай нурли ваъданг бор учун.





ҲОМИЛАЛИ АЁЛ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Қалб эди, қалб эди жисмли энди,
Жисмидан ажралиб келди зурёди.
Она ўзин билар тилсимли энди,
(Ўзини билмаган билмас Худони).
Ҳали жисмидадир пайванди унинг,
Унинг жигарига бош қўйиб ухлар.
Бир оз чўзилганда вақти уйқунинг,
Ички товушига айланар руҳлар:
«— Кўзғалиб ол, болам, тура қол, болам,
Қаттиқдир жигарим, бошингга ботди.
Бу ёнга ёнбошлаб ухлаб ол, болам,
Қисматдан жигарим тош каби қотди».
Бола уйғонади, кўзғалиб эмин,
Она буйрагига қўяр бошини.
Соатлар ўтаркан, ташвишда лекин
Она тиёлмайди, кўзин ёшини.
«— Замон келди, енгди, мени хўрлади,
Буйрагимнинг бигиз каби тузи бор.
Унда қотмиш пешонамнинг шўрлари
Тур болам, бошингга у бергай озор».
Бола бошин олар юракка яқин,
Онанинг юраги тўзғиган башар.
Бола тиланади оромин, шавқин —
Она эса ором тополмай яшар.



Тирикликда йўқ малҳам.
Сен — само яратган «оҳ».
Ўзингга ишончинг ҳам,
Ўзингга бўлмас паноҳ.

Қисмат ихтиёринг олар,
Совуради елларга.
Жавоб излаб зоринг қолар:
«— Яшайманми эртага?»





* * *

То туғилдим, тарк этмади минг бир савол,
Хаёт нима, умр нима, ўзим кимман?
Кечагина бор эдимү мисли хаёл,
Эртага бир тутун қолмас ҳаётимдан.

Мен ҳам севдим, бу дунёнинг шодликларин,
Чирой нима, ҳузур нима, нима баҳор.
Мангу қолсин дедим меҳр тошқинларин,
Аммо бари кетди, ҳайрон, боқдим абгор,

Қирлардаги майса каби униб яна,
Қовжираркан миллион кўлин кўкка чўзиб.
Аммо инсон излар мангу бир бошпана,
Нима кулфат йўлларини чиққай тўсиб.

Яшамоқни билолмасдан бўлиб сарсон,
Хаёт йўлин ўргатувчи билмай ким бор.
Ғамгин бошим урдим сенга ушбу замон,
Ёлғиз ўзинг устоз экан, Парвардигор!

Сен юракдан аламларни кетказувчи,
Хаётнинг ҳам ҳаётлигин энди кўрдим.
Сен бор экан, мағлублик йўқ ўртагувчи,
Сен бор, ҳечдир жаъми офат ё ўлим.


Сен бор энди ҳаётимда қодир Эгам,
Ҳам йўлимга, ҳам кўнглимга келди мазмун.
Ҳам умримга, ҳам ўлимга, тақдирга ҳам,
Боқажакман энди қолиб, энди мамнун.



Дунё ҳам қариди. Хуши ариди,
Йўли-йўригига бўлмас тушуниб.
Қуръонни ўқимас, айтиб дардини
Ўзига қайтара олмас хушини.

Одамзод қариди. Йўқдир меҳвари,
Айниган, савдойи одамлар жони.
Келса гар чўкмоққа лойиқдир бари
Нуҳ алайҳис-салом даври тўфони.

Одамзод қариди. Бўлари бўлди,
Борар даргоҳи йўқ, Худодан бошқа.
Одамзод қариди. Бўлари бўлди,
Борар даргоҳ излар Худодан бошқа.





* * *

Юлдузлар ёнганда мисоли гулхан,
Пайғамбар кўксига тўлганди исён:
— Шундай юлдузларни яратиб қўйган
Оллоҳга не учун ишонмас инсон!

Бугун ҳам самода юлдузлар ёнар,
Кўнгил тунларининг юлдузлари йўқ.
Улар — ўқ. Ўкинчдан йилт-йилт тўлғонар,
Улар ўкинтириб ўлдиргали ўқ.

Ҳамонки самода юлдузлар ёнар,
Дилнинг минг таъзимли нуфузлари йўқ.
Самода кўк ёнар, офтоб тўлғонар,
Олам ёруғ, иймон кундузлари йўқ.

Ғофилга берилган ҳар лаҳза, ҳар он
Сомон йўлларидай узун муҳлатдир.
Юлдузлар эгасин билмаган инсон—
Бу ёруғ дунёда юрган зулматдир.





* * *

Айбим кўп, азоби ҳоритар гоҳо,
Қурб етмай гоҳ ўзни айблай олмасман.
Айбда қайта-қайта яшайман ҳатто,
Терскай тушларимни ҳайдай олмасдан.
Ана ўраб турар мени халойиқ,
Ғазаб кўзларида, тош қўлларида.
Кимдир ўқирар: «У қатлга лойиқ,
Айб ўзида кетар у ўлганида».
Лекин бир сас келар ҳукми Холиқдан:
— Ким Тангри қошида пок ва беғуноҳ
Аввал у тош отсин, отса розиман,
Унинг борлигидан бўлайин огоҳ.
Қуёш нур сочарди, кўк эди сўнгсиз,
Ҳаётбахш ҳаволар таралар эди.
Мен қанча кутмайин муте, ўкинчсиз,
Оломон тош отмай тарқалар эди.
Сўнгра ёлғиз қолдим жазогоҳ аро,
Отилмаган тошлар қолди уйилиб.
... Ўзимни айблашдан чарчасам гоҳо,
Шу бўшлиқ азоби келар қуйилиб.
Ожиз бўлиб элнинг ожизлигидан,
Тангрига ёлворгум тўкиб кўз ёшлар.
Қанчалик ёлборсам ҳақ илинжида,
Бошимга шунча кўп ёғилгай тошлар.



* * *

Қартайган онаси ва етим, оч боласини
боқиш йўлин тополмай ўзгача чорасини,
қаноат қондирмаган, бева қолган ул аёл
биргина либос билан ардоқланувчи, ҳалол
вужудини энди-да кимларгадир кўрсатиб,
кийинар, эвазига кўрк очиб, кўз ўйнатиб,
биноқ уй тўридаги қолган-қутган қадрни,
гўё аёл кўйлагидан йиртиб бир парчасини,
фаҳш ҳар кун учиради, қадр учар ҳар куни,
аёл эса, кўча кезар, бўяганча турқини,
барча қарар: қават-қават кийинса ҳам ул аёл,
яланғочдай ҳаммаёғи кўринарди бемалол.






ТАҚҚОС

Кулоқ эшитмаган, кўз ҳам кўрмаган,
Узоқ диёрларга қилгандим сафар.
Мени ҳайрон қилиб, бизга ўхшаган,
Кутиб олди минглаб одамлар.

Бир кун, худди бутун бўлган сингари,
Ўлим ўз домига кетганда ютиб.
Не ажаб, у дунё кенгликлари,
Лим-лим одам билан олса гар кутиб.





* * *

Эй Худо! Йўлимдан кетдими омад,
Ташвиш тутунидан қайтар нафасим.
Ишларимдан кетмас фалаж аломат,
Юролмай йиғлайди хаста Жавҳарим.

Эй, Тангрим, маъзур тут! Онгсиз,
билмасдан,
Ёки билиб қилган гуноҳларим кўп.
Бугун бошим узра чарх қиймалаган,
Роҳатимдан кўра қийноқларим кўп.

Эй, Тангрим! Ёлворай, мушкулимни еч,
Бардошимдан ортиқ айлама таҳқир.
Кўзим кўтаролмас кўргуликдан кеч,
То руҳим сингунча бермагин таъзир!

То кўрқиб кутмайин ҳар келар кунни,
То менинг қасдимга чиқмасин куёш.
То бўғзимдан чиқар энг сўнгги унни
Малҳингга қўллайин, мушкулимни ёз...





РИВОЯТДАН

Жоҳиллик ибтидоси бир уйда эрур,
Ким фано ишқибози, шул уйга келур.
Оллоҳ йиғмиш яхши ишнинг ҳаммасини,
Тарки куфр этган киши топгай уни.

АЙИРИБ ҚЎЙСАЛАР...

Оқни қародан-да ажратиб бўлмас,
Ажратиб бўлмайди чинни риедан,
Инсон минг йил яшар, ҳеч қачон ўлмас,
Ажратиб бўлмайди динни дунёдан.

ВАҚТ ДОМИДА

Вақт домида емирилиб, эшигимас фарёдим,
Биз маънисин билгунча гушлар учиб кетдим,
Дунё баҳорларида кўкармоққа ҳаётим,
Охиратни ўйласам, ҳушлар учиб кетдим.





Пахтада тун бўйи, тун бўйи ишлаб
йўлга чиқдик.

Рулда эди амаким.

Алвастиси чарчоқнинг тишлаб,
унинг қурбин қиларди ҳазм.

Чарчоқ алла айтар:

«Ҳеч ким йўқ,

сен ҳам, йўл ҳам йўқ.

Кўнглинг бўлсин тўқ.

Уйкуга чўк,

уйкуга чўк,

уйкуга чўк».

«— Кўзингизга қаранг амаки!»

У очади қип-қизил кўзин!

Қонли пахта даласи —

— Меҳнатнинг қонли юзи,

Мўлтираб кўринади.





* * *

Ёнингга бораман
келганда баҳор,
Алвон адирларда
ёнганда лола.
Кўнглимни ёраман,
ўшанда илк бор,
Сўнмас истагимни айлаб ҳавола.
Сўнги нафасгача бўлмасмиз айро,
Сенга жоним фидо,
сенга жон фидо.
Ёнингга бормасман, ёққанида қор,
Кузда йўлакларни қоплайди хазон.
Ёзда ҳам ишқимни
қилмасман изҳор,
Ёнган юрагимни эзмасин ҳижрон:
Сўнги нафасгача бўлмасмиз айро,
Сенга жоним фидо,
сенга жон фидо.
Баҳорнинг чечаги,
куртаги яхши,
Юракда гуллайди
ишқ тўла ҳаёт.
Бу ҳаёт истаги, тилаги яхши,
Тилиннга келмайди
ўзга қасамёд:
Сўнги нафасгача бўлмасмиз айро,
Сенга жоним фидо,
сенга жон фидо.
Ёнингга бораман,
келганда баҳор,
Алвон адирларда ёнганда лола...



* * *

Сизни ардоқлашди,
Сизни суйишди.
Қўл чўзиб қолдилар
кўкка кўтариб.
Кўз тикиб толдилар,
кулдай куйишди.
Васлингиз ахтариб,
ўн мингга ғариб.
Юракни тилдилар,
тилишар ҳамон,
Суякка қадалди
Санчилган пичоқ.
Сизга етмоқ армон,
сиздан кетмоқ армон,
Бироқ ечилмас сиз
бойлаган сиртмоқ,
Сиз жуда гўзалсиз,
бўлмайди чидаб,
Кутурар, ингранар
ўртанган жонлар.
Бир лаҳза тин олмоқ учун
чинқираб,
Қақшаб, Сиздан изн
сўрар бўронлар.
Сизни севиб бўлмас,
севиб қолгандан,
Пойингизга қулар
симёғочлар ҳам.

Томоғда чўр ёнган,
дард ўтиб жондан
Симоб симирмоқда
тўқ ҳам, очлар ҳам.
Сизга тараф йўқдир,
бас келгувчи йўқ,
Баҳс қилгувчи йўқдир,
қилолмагай арз.
Сизга бир боққанга
ёғар мингта ўқ,
То нафас узгунча,
узолмагай қарз.
Сиз — хурсиз, хуснингиз
нурдан яралган,
Машхурсиз, расмингиз
минг-мингларда бор.
Сиз кетган тоғларда
қорлар қорайган,
Сиздан дастхат сўраб
излайди баҳор.
Минг бор танг қолдирган
ҳоритган, қувган,
Таҳликада тутган
пойлаб саҳарда.
Қуёшсиз. Умид ва
қўрқувда турган,
Туни бўйи нажот
кутган Қайсларга.
Сизни севганларга
айламанг шафқат,
Нафрат ва газаб-ла
ўтда ёндилинг.
Фақат, менда сизга
лойиқ муҳаббат,
Ёнингизда фақат
мени қолдилинг.



ГУЛХАН

Оппоқ булут оралаб
Ой сузарди осмонда.
Юрагимни яралаб,
Ёр сўзларди армонда.

Ҳисларим ёнди тошиб,
Бағримни қон қилгандим.
Лабларига лаб босиб,
Жоним қурбон қилгандим.

Қайга кетдинг айрилиб,
Сенга эггим келар бош.
Қарамайсан қайрилиб,
Кўзларимга келар ёш.

Ҳеч сўнмас маёқ экан,
Ёнгин экан бешафқат.
Ўша сен олов ёққан,
Оқшомдаги муҳаббат.

Ўзимга бўлдим душман
Тан олганман айбимни.
Неча йилки у гулхан,
Куйдиради қалбимни.



СЕВГИ БЕКАТИ

Қаҳвахона ойнаси
Кўринарди ярақлаб.
Келар эдим. Келардинг.
Кулар эдинг, чарақлаб.

Тек турардим, қаршингда
Фақат сени кўрардим.
Кўрқардим, қарашингдан
«Севмайди» деб кўярдим.

Қаҳвахона ўшанда
Севги бекати эди.
Кетдинг қайси гулшанга,
Топгим келади энди.

Келаман. Сен бор каби.
Йўқсан. Йўқсан. Кўрқаман.
Куламан. Сўнг асабий,
«Севарди» деб кўяман.

Нетай ҳамон хастаман,
Дардинг дилимда ғамдай.
Ва юрибман касалдан
Тузалмаган одамдай.



МУҲОКАМА

Баланд уйнинг бағрида
Яшарди юз хонадон,
Бир бола, уй тагида
Кимнидир излар сарсон.

Ишқни қилмоқлик изҳор,
Эскирмаган сингари,
Тун бўйи юрди бедор,
Кўлларида гуллари.

Тонг ҳам отди у эса,
Гоҳ юрар, гоҳ тўхтайди.
Кимдир:— Бу севги — деса,
Кимдир ҳамон ухлайди.

Шу кеч аёлу-эркак
Бўлинди икки томон.
Эркаклар дер:—Бу, тентак...
Аёллар дер:—Қаҳрамон...



* * *

Мени кучлироқ сев,
кечагидан ҳам,
Керагидан ортиқ,
кечагидан кўп.
Кеча қолмас эди юрагимда гам.
Кеча севар эдинг
керагидан кўп.
Ҳар лаҳза юз бора мени сўзлардинг,
Ларзага тушардинг
ҳар лаҳза юз бор.
Юзларинг кўкариб, юз бор бўзлардинг,
Юз бор улуғлардим,
юз бор бўлсанг хор.
Бугун ҳам сен мени кечагидай сев,
Кеча буни сендан сўрамагандим.
Эртага емасин юрагимни дев—
Кечани қўмсаган азиятларим.
Кеча сен мен билан эдинг хонзода,
Мен ҳамон муҳаббат элтган ойдаман.
Мен билан бирга бўл сархуш фазода,
Кечагидай сев ва
кетма самодан.
Қоқ икки бўлиниб кетмасин фалак,
Гоҳ икки бўлиниб, бўзламасин ой.
Фақат сени дея уради юрак,
Фақат сен учундир
кўксимдаги жой.



УМИДЛИ УМР

Умид билан дунёда,
Яшамасанг бўлмайди,
Яшамасанг бўлмайди.
Умид улкан самода
Юлдуз каби сўнмайди,
Юлдуз каби сўнмайди.


Ҳаёт кўшигин айта
Униб чиқди куртаклар.
Агар куртак бўлсайди,
Барг ёзарди юраклар.
Барг ёзганда юрагим,
Талпинмасди қуёшга
Нур истаб ялинарди,
Сендай юраги тошга.

Яна баҳор қайтгандан,
Шохларга куртак тўлди,
Шохларга куртак тўлди.
Куриган дарахтдайман,
Айт, менга нима бўлди,
Айт, менга нима бўлди.

Қайтса эдинг бағритош,
Бунча тез қаримасдим,
Бунча тез қаримасдим.
Бунча тез тарк этмасди ёш,
Умидлар аримасди,
Умидлар аримасди.

Умид билан дунёда,
Яшамасанг бўлмайди,
Яшамасанг бўлмайди.

Дея кутдим ҳар баҳор,
Дея кутдим ҳар баҳор.





ЧИРОЙЛИДИР, ЧУНКИ У...

Ёлғиз қолдим афтода, тушкун,
Юрагимни ўртайди қайғу.
Севги изҳор қилганим учун,
Бугун мени ташлаб кетди у.

Қора кўзлар қаърига чўкдим,
Кетолмайман бу қора ғамдан.
Қанча яхши қизга йўлиқдим,
Бир ёмонни севган одамман.

У ҳуснда тенгсиз ва танҳо,
Севма асло, дедим-у, ўзим.
Гўзал қиздан изладим вафо,
Ўзгаларни кўрмади кўзим.

Ўзгалари доим беозор,
Ақли расо, дилкаш, меҳрибон,
Ташлаб кетмас дўстдир вафодор,
Алдаб кетмас, дилни қилиб қон.

... Ёлғиз қолдим афтода тушкун,
Юрагимни ўртайди қайғу.
Севги изҳор қилганим учун,
Бугун мени ташлаб кетди у.

Ёмон ўтга тушган одамман,
Балки яна тушарман минг бор.
Чунки, у гўзалдир ҳаммадан,
Чунки, ундан кечмасман зинҳор.



ҲАРБИЙДАН ХАТ

Ёзни кўриб қиш дема,
Қишда нима ишинг бор?
Сен ўзгани излама,
Сени йўқлар кишинг бор.

Гуллар чирой очади,
Елга атрин сочади.
Тақдир исмингни ёруғ,
Пешонамга ёзади.

Ховучингни тўлдириб,
Довча териб бергандим.
Мен узоққа кетганда,
Эслаб юргин дегандим.

Ҳарбийда етилади,
Эр йигитнинг камоли.
Кўнглини чор қилади,
Севимли ёр хаёли.

Мен Ватанни кўриқлаб,
Жон тикканман қишин-ёз.
Ёнингга мард қайтарман,
Қадамингни ўйлаб бос.

Ёзни кўриб қиш дема,
Қишда нима ишинг бор?
Сен ўзгани излама,
Сени йўқлар кишинг бор.



ЯККА ДАРАХТ

Якка дарахт боғ бўлмас,
Якка одам соғ бўлмас.
Тоғлар мағрур турар-у,
Қор ёғмаган тоғ бўлмас.

Қирда унган лоласан,
Мен куйланган ноламан.
Сенсан чиройда танҳо,
Мен уйланган боламан.

Ҳавонинг тафтига боқ,
Одамнинг афтига боқ.
Сени кўриб қолганда,
Юракнинг забтига боқ.

Куйган қул куйчи бўлар,
Куйламаса қул ўлар.
Сенга севгим айтолмай,
Кўнглим куйиб қул бўлар.

Севмаса дил юракмас,
Телбага тил керакмас.
Севгим айтар эдим-у,
Фожеадир, эртакмас.

Тугаган чоралар ҳам,
Куйланган нодалар ҳам,
Нетай севиб қоларкан,
Уйланган болалар ҳам.



ҲАДИК

Мени йўқлаб келдинг, сен.
Шўхчан ўйнаб келдинг, сен.
Нени ўйлаб келдинг, сен.
Келишинг бунча яхши,
Кулишинг бунча яхши.

Менга ёқасиз, дейсан.
Эрка боласиз, дейсан.
Кимни оласиз, дейсан.
Куюнасан, куясан.
Қовоғингни уясан.

Айт, кўнглингда нима бор,
Кўнглим айтиб борсам зор.
Кулмайсанми қилиб хор.
Хўрламаганинг яхши.
Сўзламаганим яхши.

Айтмайман аҳдингизни,
Сақлайман гапингизни,
Дилдаги дардингизни,
Яшираман ҳаммадан.
Авайлайман, асрайман.

Товонгача куйганман,
Қачонгача қулдайман,
Айтсам, ҳозир ўлгайман.
Баланд дорга осилиб.
Баланд дорга осилиб.

Мени йўқлаб келасан,
Шўхчан ўйнаб келасан.
Нени ўйлаб келасан...



* * *

Ўз қаърига
тортар наъра-а
-а-а-а-айй.
Қоп-қора нур тезлигида
ичим тойди шовуллай.
Уйғонаман, мен —
муз устида тойғонолмаган
уюм қум сингари мавҳум кўланка.
Қайишқоқли ўрган сабримни жабр.
Вазнини йўқотган севги муаллақ.
Ундан кечмоқ — ёсуманликдир,
ё ўзга ишқ керак, шаърий муштарак.
Рашк — рак.
Кўз теккан харсангдай майда ва майда
тикланмас кўкрак.
Бу тонг,
мен уйғониб уйғонмайдиган.
Бу таниш — мен таниб, таний олмаган.
Бу хониш — хомушдир талоғи куйган,
хайри йўқ.
Айрилиқ — бири икки бўлмайдиган уй.
Мисралари айри маснавий.
Ахир ортга қандай қайтариламан?
Мени алмаштир, алмаш негизим!
Мен не учун умид қиламан?
Ёлпа ҳаракат-ку авзойим, ўзим
ишқ отининг тақасидай!



* * *

Димикқан садолар сиртидаги чанг
мужмал севгиларга кўнар талабчан.
Қинсиз дил суроби симобдай пастга
оғади
ўзига тенгкур салафдан.
Алам —
сезгиларим сезмас ёзга,
кўзгуларим қамашгувчи минтақалар,
ўзлигимдан оздиргувчи имтиёзга,
ихтисосга бошлаб кетар,
бошлаб кетар.
Севги сайёрасин фаслларига,
мен иқдим эмасман.
Соврилмам
уларнинг битимин наслларига,
ёт жинс, мени севмаслардан келган илҳом.
Илоҳ деган умум ўлка бор.
Юрак кетарди,
Аммо ҳис, бутунлик миннати йўқ.
Бор, вужудийлик улкан муддати,
мавҳумликнинг ажралмас юрти.



МАРИНА ЦВЕТАЕВАДАН

Энди мени ўйламайсиз, уйланмайсиз,
Энди сизни куйламайман, куймагайман.
Шу Ер шари айланарди, энди афсус,
Айланганин туёлмайсиз, туёлмайман.

Армон бўлгай, энди билмай кўллагайсиз,
Ёмон йўлга йўллагайсиз, уялмайман.
Аро йўлда, қаро дилда бўлмагай ҳис,
Адашмоқдан яна ўзни тиёлмайман.

Бағрингизга ўзга қизни кўз олдимда
Олганингиз менга жуда-жуда ёқар.
Дўзахий тарз тилаб юрманг рўзгоримга,
Сизни эмас, мен ўзгани ўпсам агар.

Садо янглиғ жарангловчи сўз бор унда,
Настарин бор, исмимдир у, у энг анвар.
Менга ёқар, сизга никоҳ қилган кунда,
У исмни такрор-такрор айтмагайлар.

Сизга чин кўнгилдан ташаккур ва таъзим,
Шу учунки ўзингиз билмай, истамай.
Шу қадар севасиз: Кечалари айшим
Бузилмас. Шомларни ўтказдик учрашмай.

Ойдинда сайр қилмадик, раҳмат, азизим,
Тепамизда турмаганди офтоб, хайрият.
Раҳмат, сизга куймагайсиз, эй воҳ! — мени деб,
Раҳмат, сизга куймагайман, эй воҳ! — сизни деб.



Дунёда яшамоқ илми бор,
Уни топмай яшаб бўлмайди.
Мен тополмай ахтардим абгор,
Ҳар келар кун мени алдайди.

У яширин, на ақл етар,
На юрак, ботиний илғайди.
Ҳамма уни билмасдан кетар!
Ва дунёга қайтиб келмайди.





* * *

Энди сўнгги тўхтамга келдим,
Энди сендан кетаётирман.
Қайдан куйиб шунчалар севдим,
Ўз бошимга етаётирман.

Не ҳам дейин кетар маҳали,
Кечир мени севганим учун.
Йўл тополмай бадар кетгали,
Шафқат сўраб келганим учун.

Кетма десанг, тамом бўламан,
Кетма десанг, уйим куяди.
Кетма десанг, ўзим ўлмасдан,
Аза бўлиб, тўйим куяди.

Кечир мени, нега севилдим,
Нега бунча ошиқ бўлдим мен.
Сенинг учун қайта тирилдим,
Ўзим учун нега ўлдим мен.

Кетма дема, дунё тескари,
Айланмасин ишқий уммонда.
Тугамайлик бош билан юриб,
Оёғимиз бўлиб осмонда.



* * *

Шунчаки бир қизиқиб, қувонсин деб кўзларим,
Фақатгина ҳуснингга бўлган эдим ошуфта.
Бу телба вужудимнинг савдойи жунбушлари
Сенинг ҳузуринг томон бошлайверди оҳиста.

Имкони йўқ дегандим, майин қўлларингдан ҳам,
Тотли лабларингдан ҳам минг бор бўса олдим мен.
Наҳот севги шу бўлса, сени севмоғим мубҳам,
Кўнгилхушлик бу деган аросатда қолдим мен.

Энг азиз сенсан дедим, кўксингга бошим қўйиб,
Оқиб ўтди жон-тандан ўтли юрак меҳвари.
Аммо сева олмадим мен сени шунча суйиб,
Сенга оқиб ўтмади кўнгилнинг меҳрлари.

Севгимга ишонди деб, ўз-ўзимдан бўлиб шод
Ўйлар эдим:— Фидойи, бир ошиққа йўйдинг сен!
— Сиз кўнгил бермасангиз, биз ҳам кўнгил
бермасмиз, —
дея, маҳкамроқ кучиб, кулиб қараб қўйдинг сен.

Шунчаки бир қизиқиб, қувонсин деб кўзларим...



* * *

Аёзли кун айланди,
Булутли кун буралди,
Кўринарли, тушунарсиз
Кўникмалар яралди.
Арча барги шапалоқ,
Баргда лахтак қор.
Таназзулда яшамоқ,
Яхтак-яхтак ор.
Хў, совуқда музлаб қолган
Нур, шовқин-у, соялар
Тушиб маҳкум аҳволга,
Сархушликни соғинар.
Ҳей,
ҳаво илгагига
юрагимни осаман.
Олиб кетсин керагича
кимки ўтса кўчадан.
Муסיқавий хаёл, ёху,
бахт куйини таратди.
Самовий ишқ сароб, оғу,
Нега уни яратдик?
Шундай бўлди. Токи севсам
Сизга қайтар йўлларим берк.
Севмасликка қўймас аммо
Рухдаги куч, дилдаги эрк.



Сенга кўнглимни тикиб
Сазоларга тўйганман.
Мен бугун сен чалмаган
Наволарга ўйнайман.
Садолардан сархуш, шод
Ўзин ўнглар хаста дил.
Куй сеҳридан ўзга зот
Яралади мустақил.
Куй — кўнгил афсунгари
Жоду айлар, яйрар жон.
Баланд янграган сари
Дил ҳаприқар беармон.
Куёш аравасида
Оҳанг бўлганда ғойиб,
Юрак йиғлар:— Мени бунда
Ташлаб қўйма, кет олиб...





ХИРГОЙИ

Бирпас руҳни уйғотиб
дилда қолмай даъвоси
товушлар тинаяпти,
сўнаяпти садоси.

Эркин нигоҳ ташлар қиз
кўча-кўйда, ўтарда,
энг ожиз, энг баҳосиз
изҳорни унутарман.

Куни бўйи кўрганим
тасвирларнинг хотирин
бандиси бўлсам ҳамким
унутилар охири.

Танбал лошдан ҳайдалиб,
таъмасиз туман бўлсам,
ё учқунга айланиб
лаҳзалик кўрдай сўнсам.

Сокин елнинг эпкини
қўзғар масъум истакни
севдим ёввойи эркини
ва қайғусиз қисматни.

Дунё хаёлларининг
заррасин қолдирмайин
дарди йўқ эпкин бўлсам,
элни севсам нурдайин.



* * *

Келар кундан йўқ умидимиз,
Лек керакмиз бир-биримизга.
Қовушмоқ-чун йўқ вужудимиз,
Биз юракмиз бир-биримизга.

Агар сени севмаган бўлсам,
Ўпар эдим қўлингдан бир бор.
Сен азизсан севинчимдан ҳам,
Етказмоқдан қўрқаман озор.

Биз севдигу юракларимиз,
Учиб юрган икки фаришта.
Оёғингга бош урай десам,
Оёғинг ҳам кўкнинг аршида.

Дунё бунча ёруғ, севгилим,
Нега бунча азиздир ҳаёт.
Чунки, бизга осмон бегона,
Чунки, энди ер ҳам етти ёт.

Келар кундан йўқ умидимиз,
Ва эртага кетсак ҳам ажраб,
Севгимизни юракларимиз,
Кўк тоқида юришар асраб.


Биз фалакнинг нурли аршида,
Ҳали минг йил сурамиз даврон.
Юрагимиз икки фаришта
Фаришталар ўлмас ҳеч қачон.



ХАТО

Гўзал эди, навниҳол, эрка,
Жуда эрта беришди эрга.
Эр, ниҳолни йиққандай эди,
Чизигимдан чиқмайсан деди.
Кўчаларда эриб битса қор—
Уйда банди ётгандай баҳор—
Ўчиргандай шовқинин сойни—
Туширгандай осмондан ойни—
Кун ботгандай гўё эрталаб—
Ёққан каби гулни эркалаб—
— Ётишса ҳам битта тўшакда
Кўнгил кўёлмади эркакка.
Ким уйланса эсида қолсин,
Аввал ёрнинг кўнглини олсин.
Шунда,

— Қачон эриб битса қор
— Қанот ёзиб келади баҳор.
— Завққа тўлиб чулдирайди сой.
— Кезиб юрар кўкда кўркам ой.
— Офтоб чиқса, қочмас эрталаб,
— Ҳеч ким гулни ёқмас эркалаб.
Гўзал эди, навниҳол эрка,
Жуда эрта, беришди эрга.
Эр ниҳолни қайириб кўйди,
Ёр кўнглини айириб кўйди.





Мени диддан Худо қисмаган,
Шоир бўлмоғимни истаган.
Шундан кўзим болалигимдан
Ҳар кун гўзалликни излаган.
Гулми, кўкда ё учган каптар,
Булбулми ё сеҳрли шаҳар.
Ё денгизда қуёш ботиши,
Ёки файзли мунаввар саҳар.
Гвинея чакалаклари
Ё Мирзачўл ҳандалаклари
Ёки ақлу ҳушимни олган
Кўркам Кашмир капалаклари.
Кўрдим,

тинмай кезганман олам.

Голливуднинг гўзалларин ҳам.
Истанбулда ёки Парижда
Кўпдир кўркам, гулсанам...
Аммо...

Сени кўрдим, кўксимда — куюн
Гўзалликнинг шоҳисан — гулгун,
Бор ҳунарин кўрсатмиш Тангрим,
Сенинг тенгсиз, жамолинг учун.
Арастуда қанча заковат
Искандарда қанча жасорат
Бўлса агар,

ҳадсиз, мукаммал

Сенда шунча ҳусну латофат.

Президент сайловига хос,
Тўлдиргандай қутини қоғоз,
Сен учун борини тикиб
Янграр эди миллион овоз.
Сен юз йилда бир бор туғилган
Нодира ё Бибихонимсан,
Сенинг хуснинг таърифи ҳали
Ошиб ўтар замонамиздан.
Сени қайдан учратдим дилдор.
Товоним йўқ, тўлашга бирор.
Қўшиним йўқ, ишғол этгали
На сардорман ва на ҳукмдор
Сен ўтганда,
этилар тоғлар,
Булутларда сузар қишлоқлар
Буркангани боғу бўстонга
Ойга қараб учар ирмоқлар
Сен — баҳорсан, тенги йўқ асло
Шоирман-у, бошда
тожим йўқ.
Сени севиб яшайман аммо.
Уйланмоққа ҳеч иложим йўқ.





ЯНГИ ЙИЛ УМИДИ

Янги йил оқшоми.
Бу айём аро
Яна бир сарлавҳа очмоқда ҳаёт.
Сен кўшиқ айтасан, жўшқин, дилрабо
Тушкун юрагимда,
ёнмоқда фарёд.
Янги йил келмоқда
мен эса ҳамон,
Эски ғам-аламнинг сиртмоғидаман.
Гўё ўлим олди қилгандек армон,
Титрайман,
янги кун муштоғидаман.
Гул ўсса ер кўрки,
қиз ўсса элнинг,
Гўзаллик яшашга чорлайверади.
Умрим шаъми сўнар
чоғда сен келдинг,
У шаъм, то сен бор,
порлайверади.
Янги йил эшигин,
очмоқда ҳаёт
Сен ҳам қисматимда
оч янги замон.
Кўллагин, кўнглимда сўнмасин баёт
Умримни ўнглагин эй қоши камон.
Ўлим, эшик қоқиб келгунга қадар
Ўзини бахтдан маст қилаолган мард.

Бор будим гаровга кўйдим, бу сафар
Бу сафар, энди мен ютмоқлигим шарт,
Азизам, ҳофизам бер менга имкон.
бер янги ҳаётнинг тантанасини.
Токи ўз умримга тўламай товон,
Эҳсон эт, саодат салтанатини.
Янги йил оқшоми.
Бу айём аро,
Ишқ изҳор қиламан,
пойингда такрор
Балки юз, ё минг бор
рад этдинг аммо,
То сен бор, то борсан
ҳали умид бор.





КЕЧКИ САВДО

Қари эди жуда ҳам,
Қалтирарди қўллари.
Билмасди энди қанча,
Қолган умр йўллари.

Ёш қизни севиб қолди.

Мол-мулкани ортди у,
Бор-йўғини сотди у.
Қизнинг номига олди,
Бир машина, битта уй.


Ёш қизни севиб қолди.

Босиб келаётир ғам,
Умр қолди жуда кам.
— Менга ҳаёт бер, — деди,
— Яшай бир кун бўлса ҳам.

Ёш қизни севиб қолди.

Қизча мағрур шўх эди,
Кўнгли, кўзи тўқ эди.
Тайёр уйда чол билан,
Яшагиси йўқ эди.

Ёш қизни севиб қолди.



Қиз дер:— Ҳаёт баҳосин,
Қиммат нарху навоси.
Худо нени ҳоҳласа,
Мен шу савдога рози.

Ёш қизни севиб қолди.

Еру кўкка куй тўлди,
Жуда катга тўй бўлди.
Бир йил ўтмай орадан
Севги қолди, чол ўлди.

Қиз чолни севиб қолди.





КҮШИК

Сен үн етти ёшдасан
Гулсан — агир сочмаган.
Бунча хушсан, бунча ширин
Нурсан — кўзим ёшлаган.

Эслолмайман ўзимни,
Сўзлолмайман сўзимни.
Бу — кўрк, бу — хусидан
Узолмайман кўзимни.

Мингта гулдан гўзалсан,
Мингта ойдан афзалсан.
Сен — битгасан чиройда
Мингта хурдан яралган.

Бўл, кўнглим титроғида,
Бўл, кўзим қароғида.
Сени тангрим асрасин,
Доимо паноҳида.





* * *

Жоним аразлама, қовоғинг уйма
Бунчалар қизарди юзинг, уятдан.
Мени севмайди деб, ўйлама, куйма,
Нима қилиб қўйдим, ўзим билмайман.

Гир-гир минг ўргилиб, бўлибман мафгун
Айт нега юзингда, кўзларингда дур.
Бехос ўпиб олдим, шу айбим учун,
Керак бўлса юз йил сўрайман узр.

Ёки айт, сен менга ишонмайсанми?
Сенинг ишончингга ўзимман-ку зор.
Ёки айт, мен билан яшолмайсанми?
Изнингда турибди бизнинг ихтиёр.

Мени кечир жоним, жилмайгин етар
Кечир, билмай қилган гуноҳим учун.
Мени кечир жоним, бошингни кўтар,
Изн бер, яна бир ўпмоғим учун.

Жоним, аразлама қовоғинг уйма.
Бир куни меҳрингни қозонмайманми?
Мени севмайди деб, ўйлама, куйма
Ёки айт, мен сенсиз, яшолгайманми?



Бир сир бор оташдир чўғ каби
У асло бўғзингдан кетмасин.
Севгининг, бор ёлғиз талаби,
Сев, аммо севаман демагин.

Ишқ — асли азалдан дард эрур,
Хасталар ҳеч қачон енгмаган.
Чоҳ ичра аламли шарт келур,
Шоҳ каби демагин — “Севаман”

Шодлигинг ортмайди айтсанг гар,
Ва ёки камаймас дилда ғам.
Сохтага айланар муқаррар,
“Севаман” демагин севаманг ҳам.

Айтилар у севги сўнганда
Ё йўқлиги бўлганда аён.
Ва ёки поймана тўлганда
Бу калом айтилар, сен, ишон.

Мен ҳам кўниб қалбим арзига
Ишқим сўзлаб, қилгум бор даъво.
Аммо айтмоқ севги ҳақиқа
Хиёнат ва энг оғир жазо.



ДАЪВАТ

Барча синфдошим
Ховосда қолди.
Бари ўз йўлини
топгандир бутун.
Бир пайтлар туну-кун
имтиҳон олди.
Қизгин дарс қилардик
“беш” олмоқ учун.
Ўқитувчи эса, этиб
ҳангу манг.
Дерди, “беш” олганлар
сафига қараб:
Сиз “беш”га ўқиманг,
сиз зўр ўқиманг,
Доҳиёна ўқинг,
қиларман талаб!
Доҳиёна ўқиш
қилмади насиб,
Бизларда йўқ эди
ундай истеъдод.
Аммо бошимизда
нажот ахтариб,
Ўша талаб билан
юрибди ҳаёт.
Мен тенгги шоирлар
эй, сафдошларим
Бутун синфдошим,
партадошимсиз.

“Беш” баҳо кўйсин деб,
устозим — халқим,
туну-кун шеър ёзган
сафардошимсиз.
Биламан, сизда йўқ
ўзга бир матлаб,
Фақат яхши шеърлар
қиларсиз даъво.
Яшайсиз, шеърят
раъйига қараб,
Ўзингизни устун
қўймайсиз асло.
Биламан, умрингиз
мазмунидир шеър,
Дунёни шарҳлайсиз
шеърий ўй билан.
Шеър битилган қоғоз,
Сизнинг учун Ер,
Ё бир парча осмон
Ерга қўйилган.
Аммо вақт кечирмас,
у оташ нафас.
Замон бошимизда
турибди қараб.
“Беш”га ёзмоқнимас,
зўр ёзмоқнимас,
Шоҳ асар битмоқни
қилмоқда талаб.
Чунки, мангуликда
бермоғи-чун сас,
Ҳар сатр шеър учун,
шарт қўймиш ҳаёт.
Яхши шеърлар эмас,
зўр шеърлар эмас,
Доҳиёна шеърлар яшар умрбод!



* * *

Менинг ёрим қани деб,
Сўрагандим йўллардан
Йўллар юз буриб кетди,
Менга йўлдош бўлмасдан.

Йўлдошим бўлмаганин,
Сабаблари бор экан.
Ёримнинг севган ёри,
Ёш ва бахтиёр экан.

Ёрнинг остонасига
Борган эдим уриб бош.
Юрагимни қон қилди,
Манглайимга теккан тош.

Тош тегса зарда билан
Беаёв тегар экан.
Ёшлигинг кетгандан сўнг,
Бахтинг ҳам кетар экан.

Ёшлик ўтгандан сўнг ҳам,
Ҳаёт яхши, ёмонмас.
Аммо, мен зўрман десанг,
Ҳеч ким сенга ишонмас.

Менинг ёрим қани деб,
Сўрагандим йўллардан.
Йўллар юз буриб кетди,
Менга йўлдош бўлмасдан.



* * *

Ошиқ аҳлига асли,
Айрилиқсиз замон йўқ,
Ёнганда ҳижрон фасли,
Ҳайқириқсиз забон йўқ.
Юрак ўртанар гамда
Не кўрмадим оламда.
Ёрдан айрилмоқлик ҳам,
Бор экан пешонамда.
Ўтиб кетар дегандим,
Баҳор фасли ёғди қор.
Қанча ёниб севгандим,
Шунча хорман, шунча хор.
Қанча бахтга зор бўлсам,
Шунча эдим бахтиёр.
Тақдиримга ташлаб гам,
Энди ёғаётир қор.
Ёрга етмоқдан ўзга
Ишқ аҳлига армон йўқ.
Ишқни тартиб этмоққа
Қоида йўқ, фармон йўқ.
Севги дарси бўлганда,
Олар эдим сабоқ ман.
Мағлубдирман бу фанда,
Саводсизман, муҳтожман.
Гам тубига чўкканман,
нажотдирсан - муҳаббат,
Сен келмасанг йўқдайман
ҳаётдирсан — муҳаббат.



ХУМОР

Бугун қандай яхши кун
Кунларим нақши бугун.
Келишингга ишониб,
Менман ҳаётдан мамнун.

Юрагимда ҳаяжон,
Ўйларимда галаён,
Йўқ эди танимда жон —
Сенсиз юрганим учун.

Кўнгли чоғ-у, кўкси тоғ,
Олам аро менман шоғ.
Дилимдан кетмоқда доғ,
Минг йил яшадим маҳзун.

Кутмоқ ҳамки, ярим бахт.
Йўлларингда — борим, бахт.
Бўлди оғриқ — зорим, бахт
Турибман бағрим бугун.





Айборман айбдор,
Айблманг, илтимос
Барчага келса баҳор.
Менга келгани аёз.

Келди ишқ гуссалари
Кўнглим каби — ой ярим.
Уйқусиз кечалари,
Кўчаларни пойладим.

Учрашганда кулди у.
Сўраб кўринг ўзидан.
Севишимни билди у,
Ўпганимда юзидан.

Юрагимни ўртар ғам
Ёришимни билмайман.
Бу ишқ билан қайга ҳам,
Боришимни билмайман.

Айборман айбдор,
Айблманг, илтимос.





СОҒИНЧ

Кетдинг. Айт, келасан айт, яна қачон?!

Ёки айт, ёнимга ўзинг кел, дегин.

Тайёрман, минг бора

бермоқ учун жон.

Кел, жоним. Кел яна,

эркалаб севгин.

Кел, ўптир юзингда

гуллаган гулдан.

Юзингда юз милён

гулнинг хусни бор.

Кел, ўптир кўзингда

ўйнаган нурдан —

— Ишқимиз ўтида

ёнган нурни ёр.

Сенсиз мен, кесилган

бир дарахт эдим.

Бор тани тупроқда

ётган қоришиб.

Қайтадан кўкартди

кўксимни севгим,

Қалбим гулламоқда

сенга зориқиб.

Кетдинг. Бир лаҳза ҳам

кетмагин асло.

Кел энди, мен сенсиз

нафас олмасман.

Балки, менсиз қолар

бу олам, аммо

Энди мен, бир нафас

сенсиз қолмасман.



* * *

Кунимнинг бор-йўғи беш фоизида
сен билан бўлгайман.
Аmmo қолган тўқсон беш фоизида
сени ўйлайман.
Кунимнинг беш фоизида
сени кўргайман.
Аmmo тўқсон беш фоизида,
сени кўмсайман.
Сен билан кунимнинг беш фоизида,
кўкдаман.
Аmmo, қолган тўқсон беш фоизида,
йўқдайман.
Кунимнинг беш фоизида,
сента тўймайман.
Тўқсон беш фоизида ҳам ёддан
кўймайман.
Кунимнинг беш фоизида,
сен билан кўча кезаман.
Қолган тўқсон беш фоизида ҳам,
фақат сени севаман.

* * *

Сиз менга кўёшсиз,
Мен сизга кимман?!
Мен сизни севаман,
Сиз-чи? Билмасман...
Бу севги бағримни
Тилгани тилган.
Сизни деб телбаман,
Сиз-чи? Билмасман...

Бир сизни деганман
Ташлаб кетмасман.
Хиёнат қилмасман,
Сиз-чи? Билмасман...



ЭҲЛОН

Диққат, диққат! Солинг кулоқ,
осинг кулоқ!
Соғлиқ сақлаш вазирлиги,
этар огоҳ!
Ишқ вирусн шаҳарда кенг
тарқалмоқда,
Бу касаллик қўшиқларда
таралмоқда.
Ифор сочиб, ниш урмоқда
куртакларда
Найза бўлиб, санчилмоқда
юракларга.
Томоқ қақраб иссиғингиз
ошса агар,
Жон безовта, кўздан уйқу
қочса агар.
Сиз бу дардга чалингансиз,
кўрқманг, аммо
Бу касаллик сизни касал
қилмас асло.
Бошингиздан ўтқазинг бу
бош оғриқни
Бу касаллик тиклагайдир
тан соғлиқни.
Диққат, диққат! Шошилинг, бонг
янграмоқда
Огоҳ бўлинг! Ишқ вирусн
тарқалмоқда...



ҚИЗ ЁЗГАН СМС

Самодан фаришталар
Тушиб гар ахтарсалар.
Дунёда ким энг зебо,
Гўзал қиз деб айтсалар?
Қилишса минг илтижо,
Тилло беришса ҳатто,
Менинг қайдалигимни
Айтиб қўйманглар, асло!



Куёш нур сочмоқни
балки унутар
Балки осмон ерни
чиқарар ёддан.
Дарё ҳам оқмоқни
балки унутар,
Балки Ширин унут
бўлар Фарҳоддан.

Балки бизни эсдан
чиқарар ҳаёт
Минг йилдан кейин ҳам,
учратолмасман.
Аммо мен ҳеч қачон
сен билан, ҳайҳот.
Ўтган кунларимни
унутолмасман.



ҚИЁС

Сен севасан мени жуда-жуда ҳам оз.
Қанчалик кўп севишимга айтай қиёс:
Сенинг севгинг битта томчи бўлса агар,
Сенга севгим, тинмай ёққан ёмғир қадар!

СМС

«Зиқна» деган дастурга ўтдингизми, эй ўртоқ
На СМС ёзасиз, на қиласиз кўнғироқ.
Бундай телефонни сиз тошга урмоқ ўрнига
Кўтариб юрибсизми ёки хўжакўрсинга.

* * *

Ойга

куёш, ерга осмон,
инсонга ҳаёт керак.
Балиққа сув, қушга само,
беморга нажот керак.
Бир-бирига муҳтож дунё,
бир-бирисиз хор дунё,
Аммо барча-барча учун,
Яратувчи зот керак.

ДУО

Танграм, бир юрак бер, оташ бер қайноқ
Меҳру-муҳаббатим билмасин поён.
Шу элни, шу юртни, алқаб беадоқ,
Севиб яшай ҳар он, ҳар кўн, ҳар қачон!



СМС

Муҳаббат ҳам, туғилгани чоғ,
Бир парча эт, жажжи чақалоқ.
Аста-секин очар экан кўз,
Жилмаяди, айтмоқ учун сўз.
Тили чиқса, айта бошлар гап,
Гоҳ эркалаб, гоҳо эрмаклаб...
Сенинг севгинг, айтгин қай хили
Соқовми ё, чиққанми тили?!.

Бу гап сизга омонат
Мени қилманг маломат.
Кўнглимда йўқ ҳаловат
Ортиқ алдасам бўлмас.

Ранг рўйим бўлди сомон,
Қийналиб кетдим ёмон.
Қолмасам керак омон.
Сирни сақласам бўлмас.

Яшириб келдим қанча,
Бўғзимдан жон қайтганча.
Сизга биров айтганча,
Ўзим айтмасам бўлмас.

Севсам севдим, дегандим.
Алдаб кетдим, дегандим.
Энди келар уйлангим,
Сизга қайтмасам бўлмас.



ТАЗАРУУ

Ҳаёт узра учгайман
Бир лаҳзалик бу имкон.
Бир кун ерга тушгайман
Аммо кўкдаман ҳамон.

Кўкларда не изладим?
Ҳамон изларман сарсон.
Маҳшар кун бор қисматим,
Этилгайдир намоён.

Тақдир йўлларим йўлдан,
Тасмаларга айланар.
Тирноқ учидай бўлган,
Жавоҳирга жойланар.

Аён инсон бошида
Борлиги каби офтоб.
Кун келиб ҳақ қошида
Ҳар ким бергайдир жавоб.

Тақдир йўли битгайдир.
Мангу эмасдир зинҳор.
Бошдан кўриб чиққайдир,
Аршида Парвардигор.

Тангрим бир-бир кўраркан.
Пинҳон қолмас бирор сир.

Ҳар лаҳзада ўтаркан,
Ўтмиш очилар бир-бир.

Тангрим, ҳаёт саҳнингда
Мен ҳам ожиз бир банда.
Изним сенинг дастингда,
Қилма мени шарманда.

Ўтга тушганман, аммо.
Пок яшашдан тонмасман.
Сувга чўкмасман асло,
Гулханда ҳам ёнмасман.

Иймон шавқи ярашгай,
Шердай яшамоғим шарт.
Ҳақ йўлида адашмай,
Шайтонларни енггай мард.

Шавқат қил, сен ўнглаган
Ҳаёт йўлин топай шод.
Кечмишимдан кўркмасдан,
Кўзларимни ёпай шод.

Музтарман зарра қадар
Ишонганим бир сенсан.
Фақат сендандир зафар,
Банданг бўлай сен севган.

Бугун ҳаётим рўй-рост.
Бир кун бўлганда ошкор.
Азоблардан эт халос,
Шавқат қил, Парвардигор!






КЕЧИККАН МАКТУБ

Башиа

Мени Ҳиндистон элчихонаси-га чақириваётганини айтишди. Бош консул дўстим эди. Унинг қиёфаси кўз олдимда намоён бўлиб юзимга табассум югурди. Биз у билан бирваракайига ўзбекча, ҳиндча, русча, инглизча аралаш-қуралаш гаплашар, расмий суҳбатимиз аския айтиш билан яқунланар, унинг самимийлиги, сўзамоллиги хуш кайфият уйғотар, биқинимиз санчиб қолгунча кулишардик.



Аммо бу сафар ундай бўлмади. У кўлимга ташриф қоғозини узатаркан, қоғоз устига ёзилган зарҳал ёзув-ни ўқиб, бир зум жойимда қотиб қолдим. Унда катта-катта ҳарфлар билан «Соҳиб Алишер Ҳамроевга» деган сўзлар битилганди. Бу кечиккан мактуб эди...

Алишер Ҳамроев.

Бу актёр билан 1998 йилда танишган эдим. «Янги ой чиққан кеча» фильмига бош қаҳрамон излаётгандим. Бизга мард, танги, ҳатто нохуш хатти-ҳаракатлари ҳам кечириб юборилаверадиган, одамлар бир кўрганда ёқтириб қоладиган, сумбати келишган, драматик қиёфа-га эга қиличдай актёр керак эди. Киносиновга келган-лар орасида Алишер кўзга яққол ташланиб турар эди.

Тасвирга олиш жараёнларида унинг интилиш-ларини кўриб, у кино учун туғилганини, бутун ҳаёт-мамоти кинода роль ўйнашга қаратилганлигини, у ҳаётда кинодан бошқа ҳеч нарсани ҳеч қачон ўйлама-

ганини, қадди-қоматини ҳам, қиёфасини ҳам актёр бўлиш учун парваришлаганини англаб етдим. У ҳатто қадам ташлаганда ҳам қайсидир машҳур актёрга тақлид қилар, суҳбат чоғларида ҳам кинодаги диалоглардан парча келтириб одамларни кулдирадди. Мабодо, режиссёр унинг тасвирга олиш жараёнларидаги маҳоратини мақтаб қолса, қувонар: «Профессионал дефуа», дея илжайр, «Ё тавба, бу ким, Иннокентий Смоктуновскийми ё Бондарчукнинг ўзими?!»— дея оппоқ тишларини кўрсатиб, оғзи қулоғида иршайрди. «Шоҳ саройида тартибсизликлар қилишингизга йўл қўймайман», дея ўдағайлаб қоларди баъзида режиссёр.

«Атрофимда маликалар гирдикапалак бўлишди, лекин сизга ҳеч қачон хиёнат қилмадим, Марфа Васильевна!»— дея тиз чўкарди Алишер, гоҳида кинодаги «турмуш ўртоғи»га.

... Гоҳида у кинога суратга тушган жойларга бориб қоламан. Қизиқ, мана у суянган дарахт, у очган эшик, ҳаммаси жой-жойида, у ушлаган қилич ҳам бус-бутун. Фақат нега у йўқ?!

Нега унинг дилбар қиёфаси кўз олдимда намоён бўлаверди. Нега у йўқ? У ҳали ёш эди-ку? У ҳали яшаши керак эди-ку? Ҳамма тенгдошлари, дўстлари ижод салтанатига кириб, машҳурлик мақомига эндигина эришадиган, буюклик тожига даъво қилаётган қизгин паллада нега у йўқ? Эсимда бир кун бир мухлис қизча: «Алишер Ҳамроевни қаттиқ севиб қолгандим. У киши мени танимасалар-да, хаёлан у киши билан суҳбатлашардим, юрагимдаги ҳамма гапларни у кишига айттардим. У кишини ўлганларини эшитганимда етти кун ҳушимга келмадим. Ҳатто туғишган акам ўлганларида ҳам бу қадар изтироб чекмагандим. Актёр сифатида у менинг бутун борлигимни сеҳрлаб олган эди. Унинг ҳар бир сўзини, ҳар бир хатти-ҳаракатини севардим. У менинг жону жаҳоним эди. Айтинг, нега айнан у, айнан мен севган, мен муҳаббат қўйган инсон

ўлиб қолди. Нега?! Нега мен борман-у, мен севган одам бу дунёда йўқ?!» — деган, тақдир отлиғ зотнинг кўкрагига муштлаб ургандай, қўлчаларини силтаб, дағдаға билан гапириб, йиғлаганди.

...Алишер кинода ўйнаган бир саҳна бор. Унда Алишер уйдан чиқиб кетиш саҳнасини ўйнайди:

«Қосимхон: — Кечирмасанг йўқол бу ердан!

Малика: — Керак бўлса сиз йўқоласиз бу ердан.

Қосимхон: — Агар сен мен билан тенглашмоқчи бўлсанг, хато қиласан. Билиб қўй, эр киши адашса аёл ҳаммавақт кечиради. Лекин аёл адашса эркак ҳеч қачон кечирмайди.

Малика: — Менда энди сизни кечирадиган сабру тоқат ҳам, раҳм-шафқат ҳам қолмаган.

Қосимхон: — Ҳали шунақами?

Малика: — Шунақа!

Қосимхон: — Шунақа бўлса, энди ўзингга бошқа эр топиб ол.


Қосимхон костюмини елкасига илди-да, эшикни тарақлатиб чиқиб кетди».

Бу саҳнани неча бор такрор-такрор суратга туширган эдик. Алишер костюмини елкасига илиб, эшикни тарақлатганча чиқиб кетар, режиссёр «Бўлди, стоп!» дегандан сўнг, бояғи жаҳлдор ҳовридан тушиб, ёқимли илжайиб, хушнуд кириб келар, Маликадан «Қаттиқ туртиб юбормадимми?» дея гуноҳкорона узр сўрарди. «Яхшиям, сенга хотин эмасман», дея ўшқирарди «турмуш ўртоғи». Шундан сўнг Алишер мендан муҳаббат саҳнасини кўпроқ ёзиб беришимни, одамларнинг юрак-юрагини зирқиратувчи эҳтиросли саҳналар кўпроқ бўлишини илтимос қиларди. Ўзи, табиатан ҳинд киноларининг шайдоси эди. «Биласизми, — дерди у, — ҳиндларга жуда кўп ўхшаш томонларимиз бор. Фидоийликда, садоқатда, муҳаббатда ҳиндлардан қолишмаймиз. Балки, улардан ҳам ўтказиб юборамиз. Бизда фақат изҳор этиш санъати етишмайди. Севгимизни бўлса бўлди, бўлмаса йўқ дегандай

дангал айтиб қўя қоламиз. Кимнидир бир умр севамиз-у, севган одамимизга бир оғиз айтмай юраверамиз. Меҳримизни, муҳаббатимизни ошкор этолмаймиз. Бир умр кимгадир фидойи бўлиб ўтамиз-у, лекин буни ҳеч ким билмайди. Садоқатимизни ҳаммадан яширамиз, ҳаммамиздаги мана шу жавоҳир фазилатларни, муҳаббатни, мардликни, жасоратни оламга ёйишдан тортинамиз. Соқовдай жим тураверамиз. Бундай ҳолатда ошиқларга гап ўргатиш ёзувчиларнинг иши. Сизлар ёзинглар, биз актёрлар қойилмақом қилиб ижро этайлик. Биз ўзбеклар ўзбек киноси довуғини ҳинд киносидай оламга таратмас эканмиз, довуғи оламга дoston бўлишга лойиқ буюк халқимиз олдида шу хизматни бажармаганимиз учун қарздор бўлиб қолаверамиз».

Алишер Акшай Кумарга ўхшаб кетарди. Гавдаси, юз тузилиши, сочлари, кулишлари. Мабодо, у Бомбеида туғилган бўлганида, Болливуд чўққисини забт этган бўларди. Мен буни фақат ташқаридан туриб бир ўзбек зиёлиси сифатида эмас, Болливуддаги бир қанча кинотасвирга тушириш майдончаларида бўлган ва кинога олиш жараёнларида актёрларимизни қобилияти қай даражада намоён бўлишини билган киши сифатида айтаяпман. Мен, Бобби Деол, Приянка Чопраларнинг кинога тушиш жараёнларида иштирок этганман ва фавқулodда айрича бир истеъдодни кўрмай ҳайрон қолганман. Кўпинча Акшай Кумар ўйнаган фильмларни кўриб Алишер ҳам мана шундай ўйнай олармиди, дея хаёлан ҳар иккисини таққослаб кўраман ва таққослай туриб уларни иккаласини бир-биридан адаштириб юбораман. Кинода Акшай Кумар ўйнаётган бўлса, кўз олдимда Алишер намоён бўлаверади ёки Алишернинг фильмларини кўриб туриб, қаршимда Акшай Кумар пайдо бўлаверади. Ва Алишер ҳам Акшай Кумардай ўйнай оларди, деган қарорга келаман.

Ҳиндистонга сафарларимдан бирида Алишер тушган фильмларни, унинг суратларини, инглиз тилидаги библиографияси ёзилган дискетни ўзим билан олиб кетдим. Мақсадим, ҳинд киномагнатларига у ҳақида маълумот бериш, уни таклиф этишларини сўраш эди. Дастлаб бу орзуим хомхаёлшек туюлганди. Лекин Болливудда Америка, Европа, Осиё давлатларидан, Африкадан келган кўплаб актёрларни учратиш мумкинлиги менга далда берарди.



Унинг расмий ҳужжатларини, фотосессиясини Болливуд маъмуриятига топширганимда ҳам мени бу иккиланиш тарк этмаганди. Минглаб одамлар ҳужжатлари орасида қумга тушган тилладек йўқолиб кетса керак, деб ўйлагандим. Лекин қайтганимда бу шубҳаларни Алишерга билдирмаган, «жавобини кутайлик-чи», дея гапни қисқа қилгандим. Аслини олганда, унинг юрагида ҳам, менинг юрагимда ҳам умид учқунлари милтираб турарди. «Мен у ерга тайёр сценарий билан бораман. Менга шундай бир сценарий ёзиб берингки, у буюк ва абадий мавзу — муҳаббат ҳақида бўлсин. Мен ўзбекнинг юраги нақадар улғу эканлигини жаҳонга кўрсатай. Ундай севги бизда кеча ҳам бор эди, бугун ҳам бор, эртага ҳам бўлади. Фақат нега бугун ёзувчиларимиз бунни ёзмаяпти, ахир кеча «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» дostonлари ёзилганди.

Улар ҳаётимизда бугун ҳам бор, фақат адабиёtimизда уларнинг образи йўқ. Нега? Нега шундай асарлар ёзилмаяпти? Сиз шундай бир асар ёзиб берингки, ўзбекнинг муҳаббати, садоқати, буюклиги тилларда дoston бўлсин. Дунёда шундай бир халқ борлигидан дунё аҳли фахрлансин. Агар ёзолмасангиз, юринг

Бухорога. Мен муҳаббат учун жонини қурбон қилган йигитларнинг қабрини кўрсатаман. Муҳаббат учун ўзини дарёга ташлаган қизларнинг қабрини кўрсатаман. Наҳотки, муҳаббатни ўз ҳаётларидан устун қўйган одамларнинг қабри ҳам, «Фарҳод ва Ширин»дай асарларни ёзишингиз учун кафолат бўлолмаса?! Уруш тутаганига 60 йил бўлаётган бўлса, ўз турмуш ўртоқларини кутаётган момоларнинг фидойилиги наҳотки илҳом беролмаса? Бир-бирларини ўн йиллаб, йигирма йиллаб кутган, сўнгра топишиб турмуш қуриб бахтли яшаётган, Фарҳоднинг жасоратини, Мажнуннинг девоналигини такрорлаганлар бугун ҳам минглаб топилади. Сиз буларни ёзишингиз шарт. Ўзбекнинг буюк юрагини кашф этиш сизу бизнинг қарзимиз, бўйнимиздаги бажаришимиз фарз бўлган қарзимиз», дея бутун вужуди титраб гапирарди у...

У кунлар ҳаммаси ортда қолганди. Уларни қайтариб бўлмасди.

Элчихонадан шалвираб чиқар эканман, Болливуддан келган ташриф қоғозини ўқиб кўзимдан ёш сизиб чиқарди. «Соҳиб Алишер Ҳамроев», — дея ёзилганди хатда. — Сизнинг қисқача биографиянгиз билан танишиб чиқдик. Ўзбек ва ҳинд кино санъати ҳамкорлиги бир неча ўн йиллардан буён давом этиб келмоқда. Ана шу анъана янада мустаҳкамланиши тарафдоримиз. Йўл харажатларини барчасини зиммамизга олган ҳолда яқин кунлар ичида Мумбай шаҳри, Болливуд кино шаҳарчасига ташриф буюришингизни сўраб қоламиз. Тегшли маълумотларни Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонасидан олишингиз мумкин.

Ҳурмат билан Манабендра Мукерджи».

Хатни чўнтагимга солиб, бошим оққан томонга юра бошладим. Одамларнинг қиёфасига разм соламан. Худди қаршимдан Алишер чиқиб қоладигандай. Ҳаммага бирма-бир синчиклаб назар ташлайман. Юзларини кўролмаганларимнинг ортидан чопиб бориб, юзларига тикиламан.

Баъзилари менга телбага қарагандек ҳайратланиб қарашади. Мен уларга қайта-қайта қарайман ва Алишерга ўхшатомай йиғламсираб нари кетаман.

«Алишержон, айт, бугун энди сени қаердан топай? Энди мен бу хатни кимга ўқиб бераман? Энди Ҳиндистонга ким боради? Алишержон, энди бу хатни қабринг тепасига олиб борайми? Бу хатни қандай кўтариб юраман? Бу хатни кўтариб юришга кучим етмайди. Алишержон, юрагим дош беролмайди. Сендан умидимиз катта эди. Сен миллатимнинг бир умиди эдинг, гули эдинг, шиддат-шижоати эдинг.

Нега миллатимнинг сендайин оташқалб фарзанди қора тупроққа йўл олди. Нега ёруғ нур бўлдинг-у, сенинг нурунгни интиланларнинг умидини сўндирдинг. Бу хат кўлимни куйдирмоқда. Бу хат қалбимни кул қилмоқда. Агар, сен бугун ҳаёт бўлганингда, қанот чиқариб учмасмидинг, сени кучоқ-кучоқ гуллар билан кузатмасмидим. Ишонаман, сени шода-шода мой-чечаклар ўрами билан кутиб олишиб, бўйнингга ташлашарди. Ишонаман, сен Болливуднинг эркаси бўлардинг. Ишонаман, сени кутиб олганлар орасида Акшай Кумар ҳам бўларди. «Ия, менга ўхшаш одам яна битта бор экан-ку, кел, ака-ука тутинамиз», деган бўларди.

Уйга ярим кечаси кириб бордим. Чўнтагимда хат. Шу кўйи ўзимни каравотга ташлаб ухлаб қолибман. Тушимда «Янги ой чиққан кеча» фильмидаги Алишер ўйнаган сахна кирибди: «Малика деразадан ойга маҳлиё бўлиб турар экан, эшик кўнғироғи жиринглаганидан чўчиб тушди. Ким экан? Онасими, Марямми, Шуҳрат Аҳадовичми, хаёлига ҳеч бир ёмон фикр келмай югуриб бориб эшик зулфини бўшатди. Ташқарида Қосимхон турарди.

Малика эсанкираб ортга чекинди.

— Келинг.

— Мана, мен келдим! — Қосимхоннинг кўлида Амир Олимхон давридан қолган қилич ялтирарди. У ичкарига кириб эшикни беркитди...»

Туш бўлса-да, мен унинг чақноқ кўзларини худди ўнгимда тургандек яққол кўрардим. Худди менинг уйимга кириб келгандай, туриб унга жой кўрсатмоқчи, хатни қўлига топширмоқчи бўламан. Хат, оппоқ каптарга айланиб, қўлимдан учиб кетади.

Алишер Ҳамроев бугун ҳам тирик. Мен, кабутарлар унга кечиккан мактубни етказишларига ишонаман. У ўзбек кино санъатида мангу қолажак.





МУЗАФФАР САРҲИСОБ

2007 йил 26 ноябрь - 1 декабрь кунлари Тошкентда «Келажак овози» Республика кўрик танлови якуний босқичи бўлиб ўтди. Йил давомида бу кўриқда қатнашиш учун 32 мингта 15 ёшдан 22 ёшгача бўлган навқирон ва заковатли



талабгор йигит-қизлар етти йўналиш бўйича дастлаб туман, сараланганлари вилоят босқичларида қизгин иштирок этишди ва ниҳоят, Республика финал босқичида юксак салоҳиятларини синаб кўриш учун маҳобатли пойтахтга келишди. Шу жумладан, «Бадий ижод» йўналиши бўйича дастлаб 9792 нафар ижодкор куч синашиш учун маънавий бел боғлаган бўлсалар, 60 нафаргинаси марра атрофига келиб, ғолиблик даъвосига шай турдилар. Ва ниҳоят, улардан ўн бир нафари шиддат билан биринчилик шоҳсупасига тантанавор кўтарилди.

Биз қуйида мана шу йўналиш, шу йўналишнинг зафарли ва заҳматли йўли, ғолиблар ва улар эришган ва келажакда янада авж пардаларда ҳайқаришлари учун эришиши зарур манзиллар, фазилатлар ва юлдузли юксакликлар ҳақида сўз юритамиз.

Мана, қўлимда бир даста — шеър! Бир даста — тугён, бир даста — ҳаяжон! Бир даста — ҳайқирик! Бир даста — адабий гулдаста!

Мана шу беш кун ёшлар адабиёти байрами, адабиётимизга янги ижодий ҳаракат, янги ижодий тўлқин кириб келишининг музаффар сарҳисоби бўлди.

Шоирлар ҳар куни туғилавермайди. Шоирни — халқнинг юраги туғади. Шоирлар — миллат қалбининг қўшиқчиларидир. Миллатни улуғлаш шарофати — шоир кийган тожни ярқиратади, тождаги олмоснинг ҳақиқийлигига кафолат беради. Миллат қадриятларини самимий қадрлаш уларнинг жозибадор шеърларини қадрли ва қимматли қилади, қалбларга қувват бағишловчи руҳий мўмиёга айлантиради. У ўз шеърларини миллатнинг маънавий қони билан ёзгандагина бу илоҳий каломнинг вазни, сиёҳ билан ёзилган минг-минг ашъор вазнидан вазминроқ ва файзлироқ бўлади. Ер юзида ҳақиқий шоир зотининг қолмаслиги, заминдаги жамики табиий гулларнинг муаттар атри йўқолмоғидан кўра аянчли ва фожиалидир!

Пешонасига истеъдодсизлик битилган шоир, фикрлашдан, ўткир туйғулар, изтироблар алангасидан, ҳаяжон гирлобидан кўрқади, лоқайдлик, ҳафсаласизлик кўланкасида умргузаронлик қилади ва сохта, рангсиз, атирсиз қоғоз гулдасталар яратиш йўлига ўтиб олади.

Менинг кўлимда эса бир даста оташин туғён, шеърият деб аталмиш минг йиллардан буён барқ уриб яшнаб келаётган тароватли бўстоннинг бир даста шоирона ҳайқириги — самимий фикрлар вулқони... Мафтункор гулдастаси...

Бу гулдаста эгалари — фарғоналик Дишшода Ҳалимжонова, қашқадарёлик Отабек Раҳимов, жиззахлик Гулноза Мамарасулова, бухоролик Марҳабо Умидова, тошкентлик Юлдуз Файз, самарқандлик Машхура Ҳасанова, Қорақалпоқдан Гулойим Айимбетова, навоийлик Иброҳим Жўра...

Нурнинг сохтаси бўлмайди, у қоронғуда ҳам ялтирайди. Ушбу «Келажак овози» кўрик танловида, ҳақиқий истеъдод эгалари, шуҳрат шоҳсупасига кўтарилишди. Албатта, шуҳрат — улкан рағбат. Рағбат — ҳақиқий истеъдодларга толмас қудрат бағишлайди, сунъий истеъдодлар кўйинини пуч ёнғоққа тўлдиради.

Истеъдод, ҳар куни илм меҳробига жон-жаҳди билан ўзини уришдан чарчамайди. Истеъдодсизлар эса, опшоқ қоғоз узра битилган кўринмас ҳарфларни бир лаҳза ўтириб қайд этишдан бўйин товлайди, қулоғига айтилаётган ғойибона товушлар нима ҳақда эканлигини англашга қунг қилмайди, бекорчилиқни афзал билади... Ёлғизликдан қочади. Ўзига энг яқин инсон ўзи эканлигини билмайди. Соатлаб телевизор кўришдан чарчамайди. Кўлига китоб тушганда эснайди.

Кези келганда айтиб ўтиш жоизки, радио-телевидение, интернет ҳар қанча ривожланмасин. хусусан, ислом олами буюк китоб — Қуръони Карим қуёшидан баҳра олиб, кунларини ёруғда ўтказмоқда. Китобим—офтобим, деган сўз балки мана шу тариқа пайдо бўлгандир.

Офтоб умумбашарий бўлганидай, адабиёт ҳам, миллат сарпосига ўраниб, пешонасида миллат тугриси кўрк сочиб, кўкрак кериб турмоғи, аммо қалби бутун инсоният учун Одам Атонинг жамийки болалари учун умумбашарий бўлмоғи лозим.

Шонли адабиётимиз шундагина жаҳон саҳнасига чақади ва оламшумул муваффақият қозонади. У қайсидир шахс югурдаги, қайсидир фирқа яловбардори, ғайриинсоний кучлар хизматкорига айланса, бу адабиёт ўша давр адабиётчилари ўлмасидан бурун ўлади, жонсарақ титраб ётади, кўмилмай қолиб кетади.

Бунга яқин ўтмишдаги тарих гувоҳ.

Шўро тузумини алқаган қанчадан-қанча романлар, достонлар, балладалар, газаллар эгалари ўз ёзганларини қайси бутанинг тагига яширишни билмай, ўзларини пана-пасқамга урганлар. Бу сўзларим зинҳор уларнинг устидан кулиш эмас, уларнинг хатоларидан сизларни огоҳлантириш, бу хатони такрорламасликка сизларни даъват қилишдир.

Дунё адабиётини ўрганишнинг ўзиёқ, адабиёт умумбашарий эканидан сабоқ бера бошлайди. Турли хил

ёзувчиларнинг асарларини ўқиш, турли хил адабиёт мактабларидан воқиф бўлиш, турли хил тажрибаларни ўзлаштириш, турли хил маҳоратлардан сабоқ олиш, огоҳ бўлиш демакдир. Қанча кўп тажриба тўпласангиз ва турли хил воқеа-ҳодисаларни ёзишда, шунча кам қийналасиз, шунча кўп усулларга, услубларга эга бўласиз. Ҳазрати Алишер Навоийнинг «Агар огоҳсен, шоҳсан сен...» деган сатрлари бор. Бу тушунарли. Сиз шоҳ бўлмасангиз-да, ҳар бир шоир, ўз шеърияти салтанатининг — шоҳидир. Мадомики, у шеърият мулкида шоҳлик даъвосида яшар экан, бу кўз қамаштирувчи бўстондаги ҳар бир янгиликдан, янги шаклдан, янги сўздан, янги йўналишдан огоҳ бўлмоғи, гафлатда қолмаслиги лозим.

Гарчанд, шеъриятга тааллуқли бўлмаса-да, огоҳлик ҳақида, Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратларининг хабардорлик борасида ўрнатган тартиблари ўта ибратлидир.

Руи Гонсалес де Клавихо ёзади:

«Чопарлар мамлакат сарҳадларидан тинимсиз хабар етқазиб турарди. Темурбек шундай тартиб ўрнатган эдилар.

Кимки уч кунлик йўлни икки кунда босиб, хабарни илгари келтирса икки баробар, бир кунда келтирса уч баробар ошиғи билан ҳақ оларди.

Мабодо йўлда чопарнинг оти ҳолсизланиб ўлиб қолса, у истаган одамни отдан тушириб, отини миниб келишга ҳақли. Ҳатто у, империя ҳукмдори Амир Темурнинг ўғли, шаҳзода бўлса ҳам. Ҳатто у Соҳибқироннинг хотини бўлса ҳам... отдан тушишга мажбур...»

Албатта, бугунги кунда ҳам муҳим сиёсий ахборот танқислиги, ўзининг долзарблигини йўқотмаган, лекин дунё адабиёти жараёнларида рўй бераётган энг янги хабарларни жуда катта куч сарфламасдан ҳам топиш мумкин.

Биз, бор-йўғи Соҳибқирон бобомизнинг огоҳлик борасидаги тугумларини эслаб ўтдик, холос. Биз бугун

фарзанд сифатида, Соҳибқирон бобомизнинг авлоди, меросхўри сифатида бундай ҳикматли иш юритиш услубларини ўрганишимиз лозим. Камдан кам миллат бошида бундай буюк зотлар ўтганлигини инобатга оладиган бўлсак, фахрланишимизга янада улканроқ асос топамиз. Айтгандай, Клавиходан кейин, орадан беш юз йил ўтса ҳам, Европадан қадим Турон ерларига биронта элчи тайинланмади. Беш асрдан кўпроқ вақт ўтгачгина, шонли Ватанимиз Мустақилликка эришгачгина, Ўзбекистондан Европага, Европадан Ўзбекистонга элчилар тайинланди.

Сизу биз бугун мана шундай паллада Ўзбекистон дунёга юз бураётган паллада яшамоқдамиз. Демакки, сизу биз бугунги кун, бугунги давр адиблари эканмиз, елкамизда адабиётимизни Дунё адабиёти шоҳсупасига олиб чиқишдек шарафли ва масъулиятли вазифа турибди.

Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳазратлари ўн беш ёшида илм истаб Боғдодга йўл оладилар. Энг катта ҳадисшунос уламолардан сабоқ ола бошлайдилар.

Дарснинг биринчи куни ҳеч нарса ёзмай ўтирадилар. Сабоқдошларининг ҳаммаси ҳайрон. Иккинчи куни ҳам ҳеч нарса ёзмайдилар. Сабоқдошлар унга ачиниб қарайдилар. Учинчи кун ҳам ёзмагач, масхара лаб куладилар. Ўн бешинчи куни ҳам ёзмагач, мударрис имтиҳон олиш пайига тушади ва сўроққа тутади. Муҳаммад ибн Исмоил ҳазратлари шу кунлар мобайнида ўтилган ўн беш минг ҳадисни ёддан айтиб берадилар. Сабоқдошлари ўз дафтарларига қараб ёзган хатоларини тузатиб ўтирардилар.

Бизнинг бобомиз бугунги кунда ҳам дунё мала-нияти бешигини тебратувчилардан ҳисобланади. Бундай боболаримиз битта эмас, иккита эмас, юзлаб... Уларнинг маърифати, заковати, салоҳияти, иқтидори оламшумул. Биз эса уларнинг тўғридан-тўғри ворислари, меросхўрларимиз.

Бугунги кунда жаҳон шахмат тожини кийган Рустам Қосимжонов, Олимпия чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев, профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаевлар Мустақил диёримизда бугун дунёга танилиш фасли бошланганига, улар мана шу баҳор сингари фаслнинг қалдирғочлари эканлигидан далолат беради. Қўлига қалам олган ҳар бир ёзувчининг, ҳар бир шоирнинг мақсади, ўз халқи ҳақида ёзган китоби дунё бўйлаб миллион нусхаларда тарқалмас экан, у ёзувчи ўз халқи олдида қарздор, ўз халқи берган нон-тузни, ўз халқи билдирган умидни оқламаган бўлиб қолаверади. Шунингдек, дунё адабиёти сахнасига чиқишни орзу қилмаган ёзувчи, саводи шаклланмаган, ақлан баркамол бўлмаган, оёғидаги тушовни ечмай югураётган югурувчини эслатади. Тўғри, чўққига чиқишни кўпчилик орзу қилади, лекин сайҳонликда яшашни афзал кўради. Фақат, мард, жасур, қатъиятли ва истеъдодлиларгина бу чўққига чиқишни орзу қилибгина қолмай, амалга оширишга киришадилар. Чунки, қанча юқорига чиқилса, шунча узоқни, шунча кенг борлиқни кўриш имконияти туғилади.

Ҳар ким ўз адабиётини ёлғизликда яратади. Лекин, адабиёт бирликда, ёзувчиларнинг аҳиллигида юксалади. Қачонки, ёзувчилар бир-бирларининг ижодларини қўллаб-қувватламас экан, аксинча, бир-бирларининг ижодидан нуқсон қидирар, бир-бирларини камситиб, бир-бирларига сотқинлик қилишар экан, бундай адабиётнинг боши мағлубиятдан чиқмайди.

Бир арслон иккита ҳўкиз билан олиша кетибди. Ҳўкизлар аҳиллик билан ҳаракат қилганликлари учун, арслон фақат уларнинг шоҳларига дуч келиб, енга олмайди. Шунда арслон айёрлик билан енгиш мақсадида, бировига яқинлашиб, секингина: «Агар шеринггни ҳимоя қилмасанг, сенга тегмайман», дебди. Ҳўкиз арслоннинг ваъдасига ишонибди. Арслон эса

бамайлихотир аввал бирини, кейин иккинчисини ўлдирибди.

Мана шундай, ҳар бир адибнинг бошида унинг душмани, ҳар бир тўғри сўз бошида унинг кушандаси туради. Ер юзида душмани йўқ одам бўлмаганидай, душмани йўқ адиб ҳам, адабиёт ҳам йўқ. Юксакликка кўтарилганингиз сари бу душманлар сафи кўпайиб бораверади. Аммо... Худо инсонга фаришталарга бермаган улуғ мақомни — илм олиш, жаҳолатга қарши курашиш, эзулик йўлида фидойилик қилиш, шайтони лаъйинни енгиб, савобга дохил бўлиш сингари улуғ фазилатларни берган эканки — бундай улуғ марҳаматдан энг кўп фойдаланиш ҳуқуқи энг аввало шоир, ёзувчиларга берилгандир.

Тобора даврамиз бўлаётир кенг

Энди инсоният нотифидирман.

Чунки, мен — дунёда тенглар ичра тенг,

Мустақил диёрнинг шоиридирман.

Сўзимни ушбу тўртлик билан якунлар эканман, адабиётни севинг, унга фидойи бўлинг, унга муҳаббатингиз қаламингизнинг учиди эмас, жонингизнинг ичиди бўлсин, дея ёлвориб қоламан, токи сиз Фарҳод бўлсангиз, у Ширин бўлсин, токи сиз Ширин бўлсангиз, адабиёт сизнинг Фарҳодингиз бўлсин. Токи, сиз ва сизнинг адабиётингиз ҳақида сўрашганда, ушбу ривоятни ўхшатма сифатида келтирсинлар.

«Шириндан сўрайдилар: Хусравнинг шунча шону шавкати бўлса ҳам уни севмай, бечора Фарҳодни нима учун севасан?» Ширин жавоб бериб деди: «Чунки Хусравнинг менга нисбатан бўлган севи даъвоси тилининг учиди, Фарҳодники эса жонининг ичидадир».



ЗАРНИГОР

Бадиа



Қобул Саланг тоғ тизмаларига жойлашган шаҳар ҳисобланади. Бир неча йиллик урушлардан сўнг, вайронага айланган пойтахт ҳаёти аста-секин жонланаётгани. Бу жонланиш барча Шарқ мамлакатларида бўлгани сингари, савдо расталарида, бозорларда бош кўтараётгани. Лекин, кўчалар, бинолар, йўллар шу қадар кўп талафот кўрган, ёндирилган, портлатилган эдики, уларга кўз тушган сайин юраклар зир-зир қақшарди. Бу одамлар ҳам инсон сингари яшашга ҳаққи борлиги, лекин, айти пайтда, инсоний ҳуқуқдан маҳрумлиги аянчли оғрик уйғотарди.

Уйлар, иморатлар шунчалик талафот кўрган бўлса, одамлар аҳволи янада аянчлироқ бўлса керак, деган ҳаёл билан шаҳардаги энг катта шифохоналардан бирига йўл олди. Лекин шифохонада одамлар сийрак эди. Фақат протез кўл, оёқ ясовчи бўлимгина гавжум эди.

Мен, афғон қизи Зарнигор билан мана шу ерда танишиб қолдим. У чодрага ўраниб турар, фақат кўзларининг гардиши очик, энги ҳилпираб турганидан бир кўли йўқлиги билинарди. У афғон дўстларимиз ёрдамида, ўз бошидан кечирган қуйидаги воқеани гапириб берди:

— Бир куни отам дўконга бориб ~~...~~
Кўчала кетаётгандим. Азини тегиниб ~~...~~
тушган оғир зарбадан ерте ниқошдими ~~...~~
бўлди. Чодрам отилиб кетди. ~~...~~
бир толибон милитани ~~...~~
намоз пайғи, намоз ўқимасди, ~~...~~
юрибсан», деб бақирди. Мен ~~...~~
жимни ёпиништа қўйиндим. ~~...~~
биқинимга тирих — ~~...~~
дағлага қили бемилди. Мен отамни ~~...~~
қайтиб намоз ўқинишни айтдим. Бирор ~~...~~
қадар ҳақорат жинмайганимдан, орқаси суяк суягини ~~...~~
ўтиб кетганлигимдан, шу қадар аччиғам чиққандан,
толибон орқага ўтирилган заҳоти, орқам бош олиб,
бошига урдим. Бундан қутуриб кетган толибон, мени
аёвсиз дўшасдай бошлади, ерга қумлатиб тегди ва
қўлимни оёқлари остига олиб, милтиқдан ўқ узди. Мен
хушимдан кетдим.

Хушимга келганимда, бир қўлим йўқ эди.

Отам ҳам, акаларим ҳам бу ҳолдан ҳаттиқ қий-
гуришди.

Лекин ўша пайтда толибонларга қарши ҳеч ким
бош кўтаролмасди. Улар намоз ўқимасанларни шалар
ўртасидаги майдонга чиқариб отиб ташлар, соқол
қўймаганларни қамчилар, паранжисиз юрган аёл-
ларни тошибўроқ қиларди.

Ҳатто ўн йил, йиғирма йил уруш кўрган афгон
генераллари ҳам қаёқларга бир қочиб кетганди. Қосулга
яшовчи уч милитон аҳосилининг бир милитони қоло-
ятларга, инебатанг тинчроқ бўлган жанубий район-
ларга бош олиб кетганди. Мени эса, ён олиши туғуси
тарк этмасди. Кеча-ю кундуз ўша мени урди «толи-
бон»ни қидира бошладим. Азини ҳақуни ҳам кўз
олидимида қаттиқ ўрнатиб қўйганми. Уни аниқат ~~...~~
қачон кўрмаган эдим. Наринжи ўрнинг, масжидларми,

бозорларга, уларнинг ҳарбий ўқув майдонларига борардим. Ва бир куни уни топиб олдим. Лекин, бу ҳақда ҳеч кимга айтолмасдим. Мабодо, отам ёки акам у толибонни таниб қолса, уруғлар ўртасида қонли можаролар бошланарди.

Ёшим 19 дан ошиб, уйимизга Масъуд деган йигитдан совчи кела бошлади. Албатта, бир қўли йўқ қизни ҳамма ҳам келин қилишни истайвермайди. Лекин мен Масъуд билан биринчи учрашувдаёқ, ҳали у билан икки оғиз сўзлашмаёқ, ҳатто унинг туриш-турмушига тўла разм солмаёқ, ўз шартимни айтдим:

— Агар, менга уйланмоқчи бўлсангиз, розилигимни олмоқчи бўлсангиз, мени хўрлаган, мажруҳ этган ўша толибондан ўч олишимиз керак, унинг уйини портлатамиз, — дедим.

Бу албатта оғир синов эди. Масъуд менинг кўзларимга жуда узоқ термулди. Менинг кўзларимдан эса дув-дув ёш тўкиларди. Мен ортиқ гапиролмас эдим. Орадан қанчалар вақт ўтиб, кўзларимни унга тикиб қараганимда, қаршимда мен учун жонини фидо қилишга тайёр йигит турганлигини кўрдим ва бўлган воқеанинг ҳаммасини бирма-бир гапириб бердим.

Ўша кундан бошлаб Масъуд билан ҳар куни пинҳона учрашадиган бўлдик. Мени унга унаштиришди. Толибон биздан икки маҳалла нарида, бир муҳожир пуштуннинг уйини тортиб олиб, ўша ерда яшарди. Режамизни Масъуд ва мендан бошқа ҳеч ким билмас, Қобуллагани ҳар бир хонадонда етарлича қурол-яроғ, миналар борлиги туфайли бир куни ярим тунда тиш-тирноғимизгача қуролланиб, йўлга тушдик. Масъуднинг қўйнида ўндан ортиқ бомба бор эди. Ўша куни тунда Масъуднинг мардлиги, жасорати мени дол қолдирди. Бу лаҳзалар ҳаётимнинг энг бахтли, энг шиддатли, кўрқув ва изтиробга тўла лаҳзалари эди. Мен Масъудни мана шу лаҳзаларда жонимдан ортиқ яхши кўриб қолдим. Мен ўша тунда, мени бир умрга

ногирон қилган, ҳаётимни азоб-уқубатга тўлдирган, хўрлаган ва ҳақоратлаган кимсадан ўч олдим.

Лекин бу ўч бизга жуда қимматга тушди. Эртасига толибонлар ўнлаб бегуноҳ одамларнинг ёстиғини қуритди. Кўшниларнинг уйларини ёқиб юборди. Кимдан гумон қилишса, аёвсиз қирди. Бу ҳол то тинчликпарвар кучлар уларни тор-мор этгунча давом этиб турди. Биз ҳам кўрқув ва таҳликада яшаб юрдик. Муҳаббат бизни бу балолардан эсон-омон олиб чиқди. Ҳозир, Масъуд билан биргамиз. Турмуш қурдик. У мени протез қўл олишга кўндирди. Ҳар қалай йўқдан кўра бори. Мени шу госпиталга ишга олишса, минглаб афгон ногиронларига ёрдамим тегарди. Ҳар қалай майибларнинг дардини мажруҳлардек ҳеч ким тушунмаса керак.

Биз госпиталдан узоқлашар эканмиз, гавжум турган ногиронларга кўзимиз тушди. Ҳар бирининг инсоний қисмати, тақдири, ҳар бирининг қалбида қанчадан-қанча аянчли изтироблар, фожиа ва кечмишлар борлиги, уларнинг ҳар бирига буюк инсон деган тушунча билан қараш лозим эканлигини англайман. Ер юзида инсон зоти борки, ҳаммаси бахтга, саодатга, яхши яшашга бирдай тенг ҳуқуқли. Ҳеч кимни камситишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Мабодо, бу тенглик бузилар экан, Ер юзидаги тинчлик мувозанати бузилаверади. Ер юзидаги ҳар бир одам бирдай тенг ҳуқуқлидир. Ер юзидаги ҳар бир инсон хоҳ у гадо бўлсин, хоҳ қашшоқ бўлсин, хоҳ ҳуқуқсиз бўлсин, лекин у ҳамиша буюк инсон бўлиб қолаверади. Чунки унинг қалби бор, заковати бор, инсонийлик ор-номуси, шаъни, идроки бор.

Мен Зарнигор билан хайрлашар эканман, унинг кўзларидаги шиддат мени завқлантирарди.

— Сени ҳамиша ўз синглимдай эслаб юраман, — дея қўл узатдим. — Тинчлик-тотувликда, бахтли яшашингни тилайман.

— Тинчлик-тотувликни ҳеч ким бизчалик орзу қилмаса керак, — деди у, энди биттагина бўлиб қолган қўлини узатаркан.

Мен ҳарбий госпиталдан узоқлашар эканман, дабларим Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг ушбу мисраларини такрорлар эди:

Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз,
Унда миллат яшар, унда тил яшар.
Аждодлар гурури яшайди шаксиз,
Унда истиқомат қилади башар.

Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз,
Унда она яшар, яшайди Ватан.
Уни жўн нарса деб, атаманг ҳаргиз
Ҳайҳот, кўзғалмасин, бу қалб дафъатан.





МЕНИ КЕЧИР, МУКЕШИ!

(Ҳиндистон хотиралари)

Самолётимиз Деҳли шаҳрига кўнганида ҳаво очик, ҳарорат 27—30 даража иссиқ эди. Деҳли кўчалари ям-яшил дарахтларга бурканган, кўча бўйларида эришчюк маймунлар галаси тамшаниб, ўтган-кетганларни томоша қилиб ўтиришарди. Бизни кутиб олишига чиққан ҳинд дўстларимиз, бўйимизга шода-шода мойчечаклар гулдастасини осийди. Уларнинг ҳушбуй ва музақта хиди димоғимизга урилиб, беихтиёр ҳинд киноларини ёдимизга туширди.



Дарҳақиқат, кўнглимда туғилган биринчи ҳаво ҳам шундай эди: «Ҳиндистондаги ҳаёт, ҳинд киноларидагига ўхшайдими?»

Гуруҳимизни шаҳар марказидаги меҳмонхоналарда бирига жойлаштиришди. Эрта тонда балкондан шаҳарни томоша қилар эканман, бу ер 10 млн аҳоли яшайдиган шаҳар эмас, қуюқ ўрмон зорга ўхшашини кўрдим. Албатта, Ҳиндистоннинг Деҳлидан кўра аҳоли кў яшайдиган шаҳарлари ҳам бор. Масалан, Бомбейда 1 млн, Калкуттада 12 млн аҳоли яшайди. Ҳиндистонда 2 та миллионер шаҳар бор. Умуман олганда, Ҳиндистонда 4 мингдан ортиқ шаҳар бўлиб, жисми мамлакат аҳолисининг 26 фоизи шаҳарда истиқомат қилади.

Меҳмонхона атрофи катти гулдор бўлиб, гулчи ранг-баранг гуллар чамачи тиллашди.

балкондан туриб бу манзарани томоша қилар эканман, ҳинд киноларидаги гуллар водийси ёдимга тушиб, уларни тасвирга тушира бошладим.

Айтишларича, Ҳиндистонда бир соатда 4 млн дона гул ҳада этилар, ёинки уйлар, меҳмонхоналарни безаш учун узилар экан.

Бир кун меҳмонхона деворига тақаб қурилган кападан бир болакай имлаб мени чақираётганига кўзим тушди. Эътибор берсам, у турли ўйинлар кўрсатмоқчи ва уларни тасвирга туширишим мумкинлигини имо-ишоралари орқали тушунтирмоқчи бўляпти.

«Дайди» фильмидаги болакай ёдингиздами, ёинки «Зита ва Гита» фильмидаги қизалоқни эслайсизми? Уларнинг кийими, ногора чалиши, дорда ўйнаши, ҳайратлантирувчи жисмоний машқлари худди мана шу болакайни эслатар ва уларнинг оиласи суратга олингандай эди. Шаҳарда бундай болакайлар ва бундай оилалар минглаб учради.

Уларни тасвирга туширар эканман, болакай билан ҳам танишиб олдим. Исми Мукеш экан.

Болакай, ҳар гал меҳмонхонага келганимда ёки кетаётганимда кўл кўтарар, «Мистер, янги ўйинларимдан кўрсатайми?» дея сўрарди. Мен унга 100 рупий узатар ва тасвирга олишни бошқа кунга қолдирардим.

Ҳиндистон аҳолиси кейинги 100 йил ичида 240 млн дан 1 млрд кишига кўпайди. Аҳолининг 80 фоизи индуизм динига мансуб. 140 млн мусулмон яшайди. Бу ерда бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг сулоласи 350 йил мобайнида ҳукмронлик қилган.

Ҳозирги вақтда Ҳиндистон чой, шакар, ерёнғоқ, мурч етиштириш бўйича жаҳонда биринчи ўринда туради. Ҳиндистонда 200 млн бош қорамол бўлиб, бу жиҳатдан ҳам у жаҳонда биринчи ўринда туради. Лекин, ҳинд халқи жон бошига бир йилда атиги 1,5 кг гўшт, 1 кг қорамол ёғи, 55 литр сут, 24 дона тухум истеъмол қилади, холос.

Ҳиндистонда 30 дан ортиқ машина ишлаб чиқарувчи заводлар ишлаб турса-да, кўчаларда асосан, велосипедлар, мотоцикллар, рикшаларни кўриш мумкин. «Бобби» фильмидаги Чопра минган рикша ёдингиздами? Ёинки, Раджу Боббининг ортидан излаб, миниб кетган автобус-чи? Ҳа, Ҳиндистонга келиб, ўз болалигингизни хотирлай бошлайсиз.

Ҳиндлар ҳам ўз киноларини севишармикан, деган хаёлда бир куни кинога тушдим. Кинотеатрда одам гавжум, чипта нархлари осмонда. Шоҳруххон ижросидаги янги фильмни томоша қилар эканман, бир неча қатор олдинда йиглаб ўтирган Мукешга кўзим тушди. У кинога берилиб кетган, чақиримга кулоқ солмасди. Кино тугагандагина ёнимга чақириб олдим.

— Нима, сен ҳам бировни яхши кўриб қолган-мисан? — дедим ярим ҳазил, ярим чин аралаш.

У менинг таажжубимга жавобан тасдиқловчи равишда бошини қимирлатди.

— Кимни?

— Кўрсатайми?

Мен, «Ҳа», дедим ва:

— Нима, у сенга рад жавобини бердими? — дедим.

— Ҳа, — деди у.

— Мен ўзим айтиб қўяман, сен яхши бола экансан, «йўқ» демайди, — дедим.

Мукеш кинотеатрдан чиқаётган одамларни кўриб, тиланчилиги эсига тушиб кетди шекилли, кетишга шайланди.

Қизиқ, кинога чипта олиш учун у неча кун тайёрланди экан? Умуман, тиланчининг кинога тушиши ғайритабiiийми ёки оддий ҳолми?

Шундан сўнг, меҳмонхона эшиги олдида ҳар тонг Мукеш мени пойлаб турадиган, яхши кўрадиган қизининг ёнига олиб боришини тайинлайдиган бўлиб қолди. Гўёки, мен бориб Мукеш севиб қолганлигини айтсам, у қиз кўнадигандай эди. Лекин, мен қизнинг

олдига боришни ҳар гал кейинга сурар, албатта боришимни, Мукешнинг кўнгил изҳорларини етказишимни ваъда бсрардим. Мен ярим яланғоч бу болакайнинг қалби ниҳоятда тозалигига аллақачон иқрор бўлгандим. Махатма Ганди ҳам, ярим-яланғоч кийимда қалбининг тозалиги, тафаккурининг буюклиги билан миллиардлаб одамларни ўз ортидан эргаштирмаганмиди? Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Ананд ҳам, чемпионлик тожини кийиш учун ФИДЕ минбарига чиққанида оёқяланг эмасмиди? Нобель мукофоти лауреати Рабиндранат Тагор ҳам оилада ўн тўртинчи фарзанд бўлиб туғилган ва кейинчалик Шантиникетонда университет ташкил қилганида, ярим-яланғоч болаларни талаба қилиб олмаганмиди?

Ҳиндистон бугунги кунда ўз ядро қуролига эга қудратли давлатлардан бири. Фазода ўзининг бир қанча сунъий йўлдошлари бор. Компьютер ишлаб чиқариш бўйича ҳам дунёда биринчи ўринларда туради.

Ҳиндистон бутун дунё бўйлаб, бетарафлик ва тинчлик сиёсатини ишлаб чиққан ва бугунги кунга келиб ўз атрофига 120 давлатни бирлаштирган энг буюк мамлакатлардан ҳисобланади.

Ҳиндистон билан хайрлашар эканмиз, буюк бобомиз қуриб кетган Тожмаҳал яна қалбимизга гурур ва ифтихор туйғуларини солди. Дунёда бобомиз сингари ўз севгилисига мана шундай буюк ёдгорлик қолдирган яна бир инсон борми? Ўзининг буюк муҳаббатига боқий тимсол ўрнатган, муҳаббатнинг мангулик қасрини қуриб, улуғлай олган, Ўзбекнинг муҳаббати абадулабад яшашини кўрсата олган яна ким бор? Ўзбекнинг қалбини, ўзбекнинг муҳаббатини, ўзбекнинг буюклигини Тожмаҳал тимсолида қайта-қайта кўриб ким ҳайратга тушмайди, ким тасанно айтмайди?!

Деҳли аэропорти одамлар билан гавжум. Бу ерга бутун дунёдан оқиб келаётган турли хил миллат ва элат вакиллари — оқ, сариқ, қизил, қора танли одамларни

кўриш мумкин. Улар Ҳиндистонни кўриш учун, аминманки, кўпчилиги Тожмаҳални кўриш учун келаётган, ёинки зиёратлари тугаб қайтишаётган сайёҳлар эди.

Мен ҳам кинода кўрганларимни ўз қўлларим билан тасвирга туширганимдан, Ҳиндистондаги ҳаёт, ҳинд киноларидаги ҳаёт билан бир хиллигига амин бўлганимдан хурсанд эдим.

Бир пайт аэропорт ойнасини қаттиқ-қаттиқ уриб, мени чақираётган Мукешни кўриб қолдим. У мени имлаб чақирди-да, бақириб сўроққа тута бошлади:

— Қачон у қизга мен ҳақимда айтасан, мен билан нега хайрлашмай кетаяпсан, унинг олдига борамиз деб ваъда берганинг-ку?!

Мен нима дейишимни билмай қолдим. Мукешнинг кўзидан дув-дув ёш тўкила бошлади:

— Ахир бориб айтаман, деганинг-ку?

— Нима, у менинг гапимга киради, деб ўйлайсанми?

— Билмадим. Ўзим айтолмасам, нима қилай?

— Мен янаги сафар келганимда анча катта бўлиб қоласан, балки ўшанда айтармиз.

— Фақат мени алдаб кетма. Келишингни интиқиб кутаман.

— Хайр, Мукеш. Албатта, кўришамиз.

Микрофондан, Деҳли—Тошкент йўналиши бўйича йўловчиларни рўйхатдан ўтишларини сўраб, чорлай бошладди. Мукеш билан шу ерда хайрлашдик. Хайр, Мукеш! Хайр, Ҳиндистон!





БОШИМДАГИ ТОЖИМ – ОНАМ

Бадиа

*Ер юзидаги барча оналарга
бағишланади.*

Сўз боши

Бир куни муҳаррир дўстларимдан бири: «Онангиз ҳақида чиройли бир асар ёзиб беринг», деб қолди. Хўп дедим-у, кўлимдан келмайдиган ишга ваъда бериб юборганимни кейинроқ, онам ҳақида ёзишни бошлаганимдан сўнг билиб қолдим. Ўйлаб қарасам, онам ҳақида кўп жойда интервью берибман-у, лекин бирон жўялироқ асар ёзмаган эканман. Кейинчалик, негалигини ўйлаб қарасам, бу жуда қийин иш бўлгани, кичкинагина ҳикоялар ёзиб юрган ҳаваскордан роман ёзишни, шабададан бўрон бўлишни, мусичадан бургутдай учишни, ариқдаги ой аксидан оламини ёритишни, ниначининг кўзларида ёш кўришни талаб қилишдай гап экан.

Мен, Америкада бор-йўғи ўн беш кун бўлиб, Америка ҳақида китоб ёзган одам, Европа, Африка, Осиё давлатлари, Хитой, Ҳиндистон, Афғонистон, Индонезия, Янги Гвинеяда бўлиб, шунчаки таассуротлар туфайли ўнлаб бадиалар ёзган одам, ҳар бир ўй-хаёлим, фикрларим, туйғуларим тугашиб кетган, жону жаҳоним бўлган онам ҳақида ростдан ҳам шу пайтгача ҳеч нарса ёзмагандим. Мени ўлим бўсағасига етаклаб борган, яна ўзи шафқат қилиб қайтариб келган ва ҳали-ҳанузгача юраги мен учун сирлилигича қолган бир дилафгорни мадҳ этиб, ўнлаб шеърлар ёздим-у, мени ҳамиша ҳимоя қилувчи фариштадай бўлган онамни мадҳ этиб, икки қатор шеър ёзмабман. Ҳамиша нотинч, саросимали, эртанги куни жумбоқ бўлган алфов-далтов

ҳаётим ҳақида, ўзим ҳақимда ўнлаб асар ёзибман-у, лекин мени тетапоя қилган, йиқилганимда суюган, юрганимда йўлдош бўлган, қувонганимда алқаган, ўзимдан ҳам, ўзидан ҳам мени кўпроқ суйган онам ҳақида ҳеч нарса ёзмабман. Нега?

80-йиллар Афғонистонга ҳарбий хизматга чақиришганда, онамнинг кўз ёшлари тўкилмасин деб, вокзалдан қайтмаганимдими? Беш йиллик виза бериб, Америкага ишга чақиришганда онамни соғиниб қоламан деб, йўлдан қайтган мен эмасмидими?! Бир умрлик орзуим бўлган Москвадаги Жаҳон адабиёти институти эшикларидан қайтиб, у ерда ўқигандан кўра кекса онамнинг дуоларини олиб қолай деган менмасмидими?! Қирқ йил яшаб, ҳаётда бирон марта сўзини қайтармаганим, кўзига тик қарамаганим, қилча шодлигимни ҳам, қилча қайғуимни ҳам қирққа бўлиб кўрсатганим, қирқ бор хабардор қилган, қирқ бор қайғуртириб, қирқ бор қувонтирганим, болаларимга билдирмаганимни билдирганим, болаларимга бермаганимни берганим, яхшидан яхши, якка-ю ягона инсоним бўлган онам ҳақида ёзишим учун, нега ўзимда куч қудрат тополмайман. Қачонгача тополмайман?!

Ҳаёт менга абадий бериб қўйилганми? Қирққа кирганимда кирмаган ақлим қачон киради?

Дўстимга бирон баҳонани рўкач қиларман. Аммо ўзимга қандай баҳона топаман? Ўзимни қандай алдайман. Ўзимнинг виждоним йўқми? Ўзимни ўзим алдасам, дунёда мендан ҳам разилроқ одам бўладими?!

Ўйлаб кўрсам, ўзимни ўзим шу пайтгача алдамаган эканман. Шу пайтгача буюк одамлар ҳақида буюк асарлар ёзиш керак, деган ўйда бу мавзуларга қўл урмаган, четлаб юрган эканман.

Бу сафар эса, юрак ютиб, шу мавзуга қўл ураяпман, ёзгандан кўра, ёзмаган яхши деювчилар учун олдиндан, бир ҳикоятни айтиб бераманки, мени ёзишим ҳам худди мана шу чумоли ҳақидаги ҳикоятга ўхшайди:

...Одамлар йўлда кетаётса, бир чумоли қаршисида турган тоғнинг тошларини елкасига ортиб, четга чиқараётган эмиш. Ундан нега бундай қилаётганини сўрашибди.

— Тоғнинг нариги ёғида онам бор. Онамнинг олдига бориб-келишим учун тоғнинг ўртасини ёриб, ўзимга йўл қиляпман, — дебди.

Одамлар:

— Бу сенинг кўлингдан келмайди-ку, — дейишса:

— Кўлимдан келмаслик баҳона бўлолмайди, — деган экан.

Мен учун ҳам худди шундай. Онам ҳақида буюк асар ёзишга ҳаракат қиламан. Буюк асар ёзолмасам, буюк меҳр-муҳаббат билан ёзишга ҳаракат қиламан. Меҳр-муҳаббатимни бор бўйича изҳор қилолмасам, яхши ёритолмасам ҳам, барибир ёзаман. Яхши ёзолмаслигим энди баҳона бўлолмайди.



Улкан дарёларнинг боши қаердан бошланади?

Булоқ қайси жойда кўз очади? Ватанни мадҳ этган кўшиқлар алифбосини шу юртнинг одамлари қалбидан олинадими, чўлларнинг сукунатиданми, боғлардаги шитирлашларданми, тоғлардаги гулдуросларданми? Унинг алифбоси дарёларнинг тошқинлариданми, шаҳарлардаги шиддатданми, йигитларнинг жасоратиданми? Ё оналарнинг меҳри-ю, қизларнинг хусну латофатиданми? Мана шуларни сўзга айлантиролмаган одам Ватанни мадҳ этувчи кўшиқлар ёза оладими? Мана шу алифбони ўрганган одам шоир бўладими?

Мен учун Ватан онамнинг юрагидан бошланган. Менинг шоирлигим шу юракнинг тарбиясида вояга етди. Шу юрак ҳароратидан тафт олди, шу тафт кўлимга қалам тутқазди.



Онам қишнинг узун кечалари оёғини сандалга тикқанча, пахтани чигитдан ситиб ўтирарди. Мен эса онамнинг сочларига турмакланган Николай тангаларни ўйнаб шилдиратардим.

— Алҳамду, дегин-чи, — дерди онам.

— Алҳамду, — дердим мен.

— Лиллаҳи.

— Лиллаҳи бу нима дегани, — дердим, нима деяётганимни тушуинмай.

— Бу ҳамма билиши керак бўлган калима. Пайғамбаримиз форда ўтирганларида, фаришта Жаброил «Ўқи» деб буйруқ берган.

— Фаришта қанақа бўлади?

— У ҳар бир одамнинг ўнг ва чап елкасида бўлади. Ким уришса, сўкишса, сингилларини туртиб ўтирса чап елкасидаги фаришта, ким катталарни кўрганда «салом» берса, молга хашак солса, мактабдан «беш» олиб келса, ўнг елкасидаги фаришта ёзиб ўтиради. Кейин иккови ҳисоблаб чиқади. Сўнг одам узун арқон тортилган дордан юргизилади. Ким яхши бола бўлса дордан ўтиб кетади. Ёмон бола эса дордан йиқилиб, оловнинг устига тушади.

— Хой, Жуман сўфининг қизи, ёш болани кечаси кўрқитма, — дерди мудраб ётган отам, у ёқдан-бу ёққа ағдариларкан.

— Эси кўп бола дордан ўтиб, бир боққа тушади. Бу боғда бир ариқда сут, бир ариқда асал оқиб ётади. Ким қанча хоҳласа шунча ичади.

— Сигирнинг сутими?! — деярдим тамшаниб.

— Ундан ҳам ширин сут. Қани энди «Алҳамду» дегин-чи!

— Алҳамду.

— Лиллаҳи.

— Лиллаҳи.

— Роббил алабийн.

— Роббил алабийн.

Мен, онам менга алла айтганларини эслолмайман. Чақалоқ бўлганим учундир, онам айтган аллалар эсимда қолмаган. Юқоридаги сўзлар хотирам саҳифасига ёзилган биринчи сўзлардир.



Болаликдан каптар ишқибози эдим. Мактабдан келдим дегунча, каптархонага югурар, қафас эшикларини очиб, уларни учирардим. Учишда, ўйнашда, кўркамлиқда каптарларимга тенг келадигани бу яқин атрофда йўқ эди. Ховоснинг ҳамма каптар ишқибозлари каптарларимнинг ишқибози эди. Улар, каптарларим учинини пойлаб ўтиришар, солланиб, қарсиллатиб ўйнашини мароқ билан кузатишар, завқланишар, жўшиб кетганидан ҳуштак чалишар, тўп-тўп болаларнинг ҳуштакбозлиги оламни бузарди. Гўё ўзим учгандай, чарчоғим тарқаб кетарди.

Бир кун каптархонани тозалаётганимда қаттиқ шамол эсиб, тўфон кўтарилди. Галалашиб учаётган каптарларим ҳар томонга тўзғиб кетди. Шамол шу қадар кучли эдики, баъзиси зўрға етиб келиб, кўноқ ёғочларига қапишиб ўтириб олди, баъзилари ҳар қанча пастлаб учсалар-да, етиб келишолмасди. Уларни ахтариб кўчага отилдим. Не кўз билан кўрайки, каптарларимнинг тожи ҳисобланган ёлдор каптарим симёғоч устунни тагида қонга беланиб ётарди. Уни қўлга олар эканман, кимдир рогатка билан уриб ўлдирганини билдим. Аламдан инграб юбордим. Икки кун туз тотмай юрдим. Ким ўлдирганини билсам, қаттиқ ўч олиш ниятида эдим. Шунда онам ёнига чақириб:

— Тахтга эришишдан кўра, уни тутиб туриш қийин. Чиройли хотинга уйланишдан кўра, у билан рўзгор қилиб кетиш қийин. Яхши каптарга эгалик қилишдан кўра, асраш қийин. Ҳасад қилувчилар, кеча ҳам бор эди, бугун

ҳам бор. Улар эртага ҳам бўладилар. Шуни яхши билгинки, сув қаттиқ жойда туради. Олма шохи кўчага чиқиб ҳимоясиз қолдим, тамом, унга қўл чўзгувчилар албатта топилади. Агар, қуёш ҳамманики бўлмай, кимникидир бўлганда, ё қуёшни уриб туширишган, ёки ўша одамни аллақачон ўлдиршган бўларди.

Шеър ҳам каптарга ўхшаркан. Тарих такрорланмоқда. Ҳаётимнинг довулли кунларида гоҳ энг яхши шеъримдан ажраб қоламан, гоҳида бирор асарим икки кишига ёқиб қолса, бунинг учун кимдир бошимга тош отишини биламан. Гоҳида ёзган асари минглаб одамларга ёққан ёзувчининг ёзган асарига эмас, унга отилган тошларга бардош берганига қойил қоламан. Шунда онамнинг сўзлари яна ёдимга келади: Ҳасад қилувчилар кеча ҳам бор эди. Бугун ҳам бор...



Бу воқеанинг ўтганига ўн беш-йигирма йиллар бўлди. Эсимга тушганда, беихтиёр: «Эй, Художон, бу балодан қутқариб қолганинг учун минг бор миннатдорман, ўшанда асраб қолмаганингда, ҳозир азоб-уқубатда юрган бўлар эдим», дейман. Бу воқеа бир кунда беш марта эсимга тушса, беш бор, ушбу тавба-тазарруларимни такрорлайман. Бир ойда юз марта ёдимга тушса, юз бор, бир йилда минг бор ёдимга тушса, минг бор такрорлайман: «Эй, Художон, мени бир балодан асраб қолганинг учун минг бор миннатдорман, агар асраб қолмаганингда, ҳозир азоб-уқубатда бўлар эдим».

У пайтларда ўн беш-ўн олти ёшли ўспиринман. Мактабдан кейин, эшак миниб, Ховос атрофидаги шлюз бўйлаб ўтга кетардим. Қаерда қалин, барра қамиш бўлса, ўша ерда тўхтаб, ўрардим ва икки боғ қамишни эшакка орғиб, қоронғу тушмасдан уйга қайтардим. Ўша кун, мўлжалдагидан каттароқ боғлаб юборган эканман,

эшакка ортишга роса қийналдим. Аламдан кўзимга ёш келди. Эшак ҳам, орттиришни истамай, қимирлаб кетаверди. Қийналиб-қийналиб, бир амаллаб ўтни ортиб олдим. Подалар қайтаётган пайт эди. Чарчоқ ва ҳолсизликдан, аламим бурнимнинг учида турар, кимдан ўч олишни билмай келардим.

Кўча ўртасида, бир болакай қамишимдан юлқилаб торта бошлади ва бир тутамини суғуриб олди. Мен эшакка баланд ортилган қамиш устида эдим, мункиб кетдим ва болага қараб: «Йўқол, ҳозир тушсам, калтак ейсан», — деб бақирдим. Бироз юрганимдан сўнг, кимдир ўтни тортқилаётганини сезиб, ортга ўгирилдим ва яна ўша болани кўрдим. Бола қамишдан тортиб, ерга сочиб ташлаётганди. «Йўқол, деяпман», деб бақирдим яна.

Бола қочиб қолди. Аммо, бироз юргач, яна қайтиб келиб, ўтни қаттиқроқ тортган эди, ағдарилиб тушдим. Эшагим ўрнидан туролмай ётиб қолди. Қўлимда катта, ўткир ўроқ бор эди, болани қува кетдим ва етиб олиб, бор кучим билан сермадим, не мўъжиза рўй бердики, қочиб кетаётган бола, орқасига ўгирилмаёқ, энкайиб қолди, ўроқ устидан визиллаб учиб кетди. Аниқ биладан, агар у энкайиб қолмаганда, бошини сапчадай бўйнидан узиб ташлаган бўлар эдим. Қотиб қолдим ва бу мудҳиш воқеанинг рўй бермаганлиги учун Худога шукроналар қилдим. Балки, ҳали, ҳанузгача у боладан кўпроқ мен, тавба-тазарру қиларман. Агар бу воқеа рўй берганда, тақдир йўлим ўзгариб кетган, болалар ахлоқ тузатиш колониясига олиб кетилган, бир умр қотил деб ном олган ва яна мана шу сингари тақдир йўлининг қора чизиклари азоб-уқубатлар исканжасида кўп кечмишларга бошлаган бўлар эди.

Кейинчалик, орадан бир неча йиллар ўтгач, бу ҳақда онамга айтиб берганимда, ҳозир сўзма-сўз аниқ такрорлолмасам-да, мазмунан адабий тилда ифода-лайдиган бўлсам, қуйидаги маънода гапиргандилар: «Шайтон одамнинг қон томирида бўлади. Одамнинг

жаҳли шайтон васваси туфайли чиқади. Аммо одамни ҳамиша фаришталар кўриқлаб туради. Ёш бола бир кунда неча марта йиқилади, аммо туриб кетаверади. Лат емаган бўлади. Бу — фаришталар уни авайлаб, асраб турганидан. Катталар ҳам, бир кунда неча марта хавф-хатардан омон қолади, аммо ўзи билмайди, ўзи билганида, «Э, Худога шукр, омон қолдим», дейди. Худо, уни ҳам, сени ҳам бир балодан асрабди. Йўқса, бир боғ ўт учун йўқ бўлиб кетар эдинг. Ҳар бир қаламингни ўйлаб бос, ҳар бир айтган сўзинг, ҳар бир қилмишинг учун жавоб берасан.

Бир кун бир камбағалнинг уйига ўт кетибди. Шунда, қалдирғоч тумшугида бир томчи сув олиб, олов устига ташлабди ва у мана шу кичкина амали билан, жаннатга тушган ва савоб дафтарига, бир умрга, «бир мискиннинг уйини ёнғиндан қутқаришда қатнашган», деган шарафли сўз ёзиб қўйилган экан. Ўша пайтда, бойўрли ўт устига бир дона хас келтириб ташлаган ва ёнғиннинг янада каттаришида хизмат қилган экан. У шу қилмиши учун, дўзахга тушган ва унинг амал дафтарига: «бир мискиннинг уйи ёнишида иштирок этган», деган тавқи-лаънат ёзилган экан. Шу кичкина беҳосият амали билан бир умр бадном ўтган экан. Кичик калит катта уйни очар деб, шуни айтадилар. Кичкина эҳтиётсизлик, катта фалокатни етаклаб келади. Кичкина хато учун катта жазо берилиши мумкин-у, катта хато учун кичкина жазо берилмайди».



Отам қазо қилган йиллар эди. Биз уч киши Тошкентда ўқир, қолганлар мактаб ўқувчиси, онам, акам билан деҳқончиликка чиқиб кетган, ер олиш, уруғ экиш, ариқ қазиш, чопиқ қилиш, ҳаммаси катта харажат талаб қилади, бу ёқда илик узилди пайт келган, қозон сувга

солиб ўтирилган вақтлар эди. Ҳали қовун пишиғига анча фурсат бор, даромад кутиладиган жой кўринмасди.

Рўзғор биргина сигир орқасидан ўтиб турарди. Суғи пешма-пеш ичилар, қатиғи ивитилар, ёғи овқатга ишлатиларди. Ҳаммамизнинг эс-ҳушимиз шу сигирда, сув берардик, ўт ташлардик, нимаики емиш топилса оғзига тутардик. Бир кун эрталаб туриб, донг қотиб қолдик. Сигир қорни шишиб, оёғи осмонда бўлиб ётарди. Яқин қариндошимиз ўлиб қолгандай, ҳамма қий-чув, йиғи-сигига тушди. Маълум бўлишича, пахтазорга қўйилган, селитра солинган сув кечаси ариқларни бузиб, сигир боғланган жойгача келган ва сигир сувдан ичган-у, заҳарланиб ўлган.


Айниқса, сингилларим, онамнинг рўзғор тебратиш учун қийналаётганлигини билганидан, ҳамма оғирлик яна онамнинг бўйнига тушаётганидан, юраклари эзилиб йиғлашарди.

— Кул ўлмай ризқи камимас. Ризқимиз шу сигир орқасидан келиб турганди. Энди бошқа ёқдан келса ажабмас. Худонинг ризқ беришига ишонмаслик, Худога ишонмасликдир, — деди онам.

Ҳаёт экан, йиқилганимда, гоҳ кимдир алдаб кетганида, гоҳ бир оғиз илиқ сўзга зор бўлиб қолганимда, дунё кўзимга қоп-қора кўриниб яшашдан маъно қолмаганида, яшаш фақат азобдан иборат экан деган хулосага келиб, бир ёруғ кундан умидим узилган кезлар онамнинг ўша пайтдаги ҳолатини, матонатини, айтган гаплари (сигир)ни эслайман ва ўзимда яшашга қайтадан иштиёқ уйғотаман. Ҳа, кул ўлмай ризқи камимас экан. Бир кун саодати ҳам йўқлаб келар экан.

Ўша йили шундай бўлди. Бизнинг қовунларимиз ҳамманикидан олдин пишди. Ярим машина қовунни Андижон бозорига элтгандик, расталар бўшаб турган пайт экан, акам иккаламиз олиб борган қовунларимизни кечгача сотиб тугатдик.

Қайтиб келганимиздан кейин, акам, онамнинг кўнгли жойига тушсин, уйимиздагиларнинг хотирасидан ўчиб кетсин деб, бўй-басти, ранг-рўйи худди ўлган сигиримизга ўхшаб кетадиган сигир сотиб олди.



Нега адабиётга кириб келдим, нега шеър ёзаман, бунга ўзим ҳам билмайман. Бунга адабиётни яхши кўрганим сабабдир. Онам, баъзида: «Бизнинг уруғимизда бўлмаган, сендан шоир чиқмайди, шоир гана-гана одамлардан чиқади, улар туғма бўлади, гап қуюлиб келаверади уларга», дерди. Бу гап мени ҳозиргача ўйлантиради.

Шунинг учун ҳеч бир жойда шоирлик ҳам, ёзувчилик ҳам даъво қилмайман. Гоҳида ёзганларимни мақтаб қолишса, шубҳаланиб қарайман. Лекин ёзувчи бўлмаслигим мумкинмиди?! Тасаввур қилолмайман. Ёзувчи бўлмаганимда ҳаёт йўлим издан чиққан, ичкиликка берилган, оиласи бир неча бор бузилган, абгор ва руҳий дардманд одамга айланардим.

Мен ростдан ҳам туғма шоир эмасдирман, лекин мени адабиётга етаклаб келган биргина нарса, бу одамларга бўлган чексиз муҳаббатимдир. Болалигимдан жўшқин, эҳтиросли, завқу шавққа тўла, кўнглим ҳаммага очиқ ва кўнглимда нимаики гап бўлса ҳамма билан очиқ-ойдин ўртоқлашадиган бола эдим.

Ҳеч кимдан яширадиган сирим йўқ эди. Мени бу кўнгли очиқлигимни кўрганлар, самимий гапларимни эшитганлар, бундан албатта шоир чиқади деярд эди. Ҳолбуки, у пайтда шеър ҳам, ҳикоя ҳам ёзмасдим. Ёзиш нималигини билмасдим. 7-синф пайтларимдаёқ, мен ўқиган романларнинг сони 500 дан ошган. Бутун оиламиз қора меҳнатдан қишин-ёзин бўшамасди. Пахта чопиғи, йиғим-терим, полиз ташвишлари бир-бирини қувиб келарди. Онам мени аяб, кўп ишлатма-

са-да, кетмон судраб умримни ўтказмайман, деб ўз-ўзимга сўз берардим.

Мирзачўл одамларининг заҳматли меҳнати, тонг ёришмасдан қаро тунгача даладан бери келмасликлари, содда ва тўпори турмушлари, қалбларининг чўл кенгликларидай улканлиги, болалигимданоқ эсимни танир-танимас улар билан биргалигим ва уларга чексиз эҳтиромим, муҳаббатим, мени қўлимга қалам тутқазган биринчи туртки эди. 7- синфдалигимдаёқ туман газетасида чўл одамлари ҳақидаги биринчи мақолам босилди. «Сахрои гуллар» деб аталган биринчи ҳикоям ҳам айнан мана шу одамлар ҳақида бўлди.

Деҳқон ўз даласида кетмон чопиб қанча меҳнат қилса, мен ҳам қоғоз устида шунча меҳнат қилиб чарчамадим. Зеро, бу мен учун шу қадар мароқли меҳнат эдики, қанчалик тер тўксам, шунча ҳузур қилганман.

Мен ўқишга кирган йилим, отам тўшакка миҳланиб қолдилар ва ҳаётларининг сўнгги куни мени ёнларига чақириб:

— Мени куним битганга ўхшайди. Худо умр берганда яшардим. Сенинг шоир бўлиб юрганингни кўрадим. Сендан умидим катта эди. Ёзган шеърларингни ўқиб юрмоқчи эдим. Энди қиёматда кўришамиз. Шеърларингни ўқиб берасан. Нафас олишдан тўхтасам, кўзларимни ўзинг ёпиб қўй! — дедилар.


Негадир ўшанда, ўлим ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаганимданми, отамнинг гапларини, ўлим олдидан айтаётган сўнгги сўзлари деб ўйламаганман. Отамга таскин беришга ҳаракат қилганман:

— Ота, сиз ҳали ўлмайсиз, ёшсиз, бақувватсиз, мен сиз билан ҳамма жойда фахрланиб юраман. Сиздай отам борлигидан ҳаммага мақтаниб юраман. Сизни Тошкентдаги катта дўхтирларга қаратамиз. Ҳали кўп йиллар яшайсиз. Қизларингизни узатасиз. Гала-гала неваларингизни етаклаб юрасиз. Менга

Ўзингиз келин танлаб берасиз. Сиз айтган одамнинг қизига уйланаман. Тошкентдаги катта шоирларнинг олдига ўзингиз етаклаб борасиз. Сиз мени суянган тоғимсиз!

Сизчалик менга ишонган одамни кўрмаганман, отажон! Менинг шоирлигимдан сизчалик қувонган одамни кўрмаганман, отажон! Мени шоир бўлади деб юрган битта сизсиз-ку, отажон!

Отамнинг тобора музлаб бораётган қўлларини кўксимга босиб иситолмасдим. Унинг юмуқ кўзларидан ёш сизиб чиқарди. Отамнинг кўксига бошимни қўйиб қанча йиғладим, билмайман, онамнинг қаттиқ ўкиригидан ҳушимга келганимда, ҳаммаси тугаганини тушундим. Хонага одамлар ёпирилиб кирди ва аянчли қий-чув кўтарилди.



Эрта кўкламда қовун экиш учун чўлга кетардик. Апрель, май, июн ойлари жўякларни ёввойи ўтлардан тозалар, палаклар яхши отиши учун катта кесакларни майдалаб, пушталарни юмшатиб чиқардик. Экинлар яхши сув ичиши учун ариқларни чуқур қазирдик. Чопиқ пайти онам мендан илгарилаб кетар, укув-сизлигимдан, дангасалигимдан ўнғайсизланардим. Бийдай чўлда қатор-қатор чайлалар турар, кун тиккага келгач, жазирама иссиқда юзимизга тер қуйиларди.

— Ҳамма ишлаб ётибди, мунча тайсаллайсан, — дея ўпка қиларди онам. — Ҳаммаям сенга ўхшаган. Бир ишни бошини қаттиқ ушламасанг, биринг икки бўлмайди. Косанг оқармай ўтасан. Ҳамма ишдаям, ҳамма жойдаям шу. Бир йигитга қирқ ҳунар оз, деган гап бор. Сен битта ҳунарни эгаллаб, шу ишнинг устаси бўлиш пайига туш. Қачонки, бир ҳунарнинг қирқ йўриғини ўргансанг, одам бўласан. Гаяксиб, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ўзингни ураверсанг, ҳеч нарсага

мондимайсан. Қайси касбни ушласанг, шу касбни изига туш, шу касбнинг энг яхши устаси бўл!

Биз йигирма беш йилга яқин деҳқончилик қилиб, фақат қовун-тарвуз етиштирганмиз. Қовунлардан ҳам фақат бир хили, оқуруғдан фақат оқпар, қирқмалардан — ҳошим уруғ қовун, тарвuzдан — мирамир. Уларнинг бир қанча янги, ҳеч кимда йўқ навларини яратгандик.

Қовун-тарвузларимиз кўркамлиги, ширинлиги билан ажралиб турарди. Буларнинг бари шарафли, заҳматли меҳнат самараси эди. Онам бизни ғайратлантириш учун, гоҳида ушбу мақолни такрорлаб кўярди:

— Тиндим тунда, тинмадим кундузи,
Бўлди қўй теллагим кундузи.

Биринчи муҳаббатим

Болаликда, мактабни битираётган пайтларим, бир синфдошим бор эди. Бир-биримиздан бир сония ажралмас, мактабда бирга юрар, дарсдан кейин ҳам ё у бизникига, ё мен уларникига бориб кунни кеч қилардик. Тақдир ўйинини қарангки, иккимиз бир пайтда, битта қизга кўнгил кўйдик.

У буни очик айтар, мен эса билдирмасдим. Қиз ҳам буни билар, лекин кўнгли кимга мойиллигини яширарди. Вақти келиб, улар орасидаги сир ҳаммага ошкор бўлгач, четга чиқишга қарор қилдим. Юрагим эса, бунга бўйсунмас, севишда давом этарди. Кейинчалик мен уйланганимдан сўнг у қиз дўстимнинг ялинишларига қарамай бошқа бировга тегиб кетди. Учаламиз мана йигирма беш йил ўтдики, шу ажралганча бирон марта кўришмадик. Менинг унга бўлган муҳаббатим эса, бир сония бўлсин сўнгани йўқ. Биз ҳозиргина ажралишгандай, юрагимдаги жароҳатлар қони силқиб турибди. Мен уни ҳамон севаман, мен ўзимдан ҳали ҳамон нафратланаман. Мен дўстимни

деб муҳаббатга хиёнат қилгандим. Дўстлигимиздан ҳам кучлироқ бўлган муҳаббатни оёқости қилгандим. Мен муҳаббатни эъзозлаганимда, дўстлигимиз балки бундан ҳам кучайиши мумкин эди, билмайман, аммо ҳали-ҳануз юрагимда севгилимнинг ўрни бўм-бўш эканлигини, ҳеч ким эгаллолмаслигини, ҳеч ким мен учун унингчалик қадри ва севимли бўлолмаслигини билман ва ёлғиз қолган чоғларим бу айрилиқ ҳасратидан кўзимга ёш келади.



* * *

...Ўн тўрт-ўн беш ёшли пайтим. Отам билан узоқ сафардан қайтаётган эдик. Поезд деразасидан дашту далалар ғир-ғир айланиб, манзаралар дам-бадам ўзгариб турар, ғилдиракларнинг бир маромда шақирлаши эшитиларди. Купёда биздан бошқа ҳеч ким йўқ, эрмакка чой ичиб ўтирардик. Бир пайт отам ўсмоқчилаб сўраб қолдилар.

— Ҳой бола, катта бўлсанг ким бўласан?

Биз отам билан камдан-кам ҳолатда юзма-юз гаплашардик. Мен, отамдан асосан топшириқлар олардим. Бирор зарур гапим бўлса, онам орқали айттирардим. Бемалол гаплашиб ўтиришга ҳалдимиз сифмасди.

Отам, мени одам ўрнида кўриб бераётган саволидан юрагимда гурур пайдо бўлди, ўзимни катта чоғлаб, қаддимни кўтариб, жиддий тарзда:

— Шоир, — дедим.

— Катта бўлсанг, шеър тўқийдиган шоир бўласанми, — дея, қутилмаганда жонланиб кетди отам.

— Ҳа, — дедим. Отамнинг севинчи мени икки бора қувонтириб, дадиллантириб юборган эди. Мен отамдан доимо ҳайиқиб турардим. Умримда бирор марта уришмаган, тутиб олиб уриш у ёқда турсин, бирор марта койимаган, қулоғимни чўзиб танбеҳ бермаган. Ваҳимали гаплар менга онам орқали келарди. «Ўлдинг, тур отанг келаяпти! Отангнинг қўлига тушсанг, майда-майда қилиб, пачағингни чиқариб ташлайди! Отангга айтаман, жонингни суғуриб олади!» дея қўрқитарди онам. Бир зумда тартибга келишим учун, шу гаплар кифоя қиларди. Сингилларим билан ёқавайрон жанглар тинар, сувсизликдан бетиним мўъраётган сигирларнинг овози ўчар, мактабдан келасолиб ҳовлига итқитилган сумкани излаб топишга мажбур бўлардим.

Бугунги кунда ўзимнинг ҳам ўғилларим бор. Гоҳида жаҳлим чиқиб кетганда, қулочкашлаб соламан, гоҳида ғазаб билан койийман. Кейин, нега отам мени, бутун ҳаётлари давомида бирор марта урмади, сўкмади, нега отам тутган йўлни тутишга менда салоҳият йўқ, улуғворлик йўқ, юксаклик йўқ, дея ўйланаман. Отам, бор-йўғи, тўртинчи синфни битирган, уруш бошланиб, мактаблар ёпилиб кетгач, отам, сағир бола бўлгани учун, тирикчилик ташвишида чўлга келиб, деҳқончилик қила бошлаганлар ва кейинги ҳаётлари ҳам, асосан Мирзачўлни ўзлаштириш билан ўтган. Мен эса нафақат ўрта мактабни аъло баҳоларга, балки олий ўқув юртини ҳам имтиёзли диплом билан яқунлаганман, ундан кейин ҳам, минг-минг китобларни ўқиганман, лекин отамдаги салобат нега менда йўқ, отамдаги кенглик, донишмандлик нега менда йўқ, дея ўйланаман.

Гапим, отам учун янгилик эди. Бу гапни шу пайтгача ҳеч кимга айтмагандим. Юрагимнинг туб-тубида сақлаб юрардим. Бошқа одам сўраганда, албатта яширган, хаёлим кўчасига келувчи турли хил орзулардан бирини зувиллатиб юборган бўлар эдим. Ахир ўспирин боланинг хаёлига бир кунда неча хил истагу хоҳишлар келиб кетмайди, дейсиз. Машхур актёрни кўрганда гоҳ унга тақлид бошланади, гоҳ дала-даштга ашулани варанлатиб кўйиб юбориб, энг сўнгги урфда кийинган ҳофиз бўлгингиз келиб қолади. Лекин бу ҳою ҳаваслар, менда ўткинчи эди. Буларни отамга айтолмасдим. Отамга ростини ва асосийсини айтишим керак эди, айтдим.

— Отамнинг отаси, Умнат бобом шоир бўлган, — деди отам. — Отам орқасига мингаштириб, йўл-йўлаккай шеър тўқиб кетаверарди. Кўлида дўмбираси бўларди, қайси қишлоққа борса, одам гуж-гуж куршаб оларди. Қаерга борса, тўй бошланиб кетарди. Қайси уйда тўхтаса, шу уйга ёпирилиб одам келарди. Шу жойнинг ўзида, шу одамларнинг ўзига шеър тўқирди. Сен шунақа шоир бўласанми, — дея ҳайратланиб сўради отам. Гапнинг рости, унақа шоирликни тасаввур қилолмасдим. Мен янги мактабда ўқиган, шоир деганда, тасаввуримда янги замон шоирлари гавдаланарди: Пушкин, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов...

— Ҳа, лекин мен қоғозга ёзаман...

— Қани, ёзганларингдан битта ўқиб бер-чи?

— Кўзи юмуқ дераза
Тушлар кўриб, ором ол.
Қани у қиз демаса,
Келган ўткинчи шамол.

Кўзингни оч, дераза
Кўнглим гулга айланган.
Қиз кўнглимга қараса,
Гулим унга аталган.

Қараса, дунёда энг
Зўр гулни у олади.
Қарамаса, гулларим
Шўра бўлиб қолади.

Бу ҳаётимда ёзган биринчи шеър эди. Бу илк изтиробларим, илк муҳаббатим, ишқ кўйи алангали гирдобига чорлаб, ижод сари йўналтирган чоғлардаги изланишларим маҳсули эди. Юрагимга дастлаб шеър кириб келганми ё муҳаббат, буни билмайман, балки бу ҳам товуқ биринчи пайдо бўлганми, ё тухум дейиладиган жумбоқлардан бири бўлса керак, ё шоирлик кўнглимга муҳаббатни етаклаб келган, ё муҳаббат кўнглимда шеърятга ҳавас уйғотган, буни аниқса ҳозир, шунча йиллар ўтгач, аниқлаб бир нарса дейиш қийин. Аниғи, ўша пайтда, бу шеър оддий шеър эмас, унинг ортида, шеърда айтилган муҳаббатнинг ўзи ҳам турар, мен отамга шеърни айтиб берар эканман, ҳаётимдаги сирларни ҳам ошкор этаётган эдим.

Хайрият, отам бу шеърни, фақат шеър сифатида қабул қилди, ёинки унинг орқасидаги ҳақиқатни билиб билмасликка олди.

— Ие, ўғлим зўр шоир бўлибди-ку! — дедилар отам қувониб. — Сен ростдан шоир бўласанми, Фафур Фуломларга ўхшаган шоир бўласанми, — дедилар қайта-қайта ўсмоқчилаб.

Мен: — Ҳа, — дедим хижолатда.

Хижолат тортишимнинг сабаби, Фафур Фулом қаёқда-ю, мен қаёқда. Фарқ, Ер билан Осмонча бўлиб ётибди-ю, бош лиқиллатиб кўниб ўтирибман. Энди билсам, ҳар қандай ота учун, бегонанинг боғ яратганидан кўра, ўз ўғлининг битта кўчат ўтқазганини кўриш мароқлироқ экан. Ота, ўғлини қалтираб кўчат ўтқазаётганини кўрса ҳам, тасавурида моҳир, уста боғбон ўтқазаётгандай, ўз ўғлини жуда катта боғбон чоғлар экан. Ва ота учун бундан катта қувонч йўқ экан. Буни мана энди кўриб турибмиз.

... Буни мана энди тушунаямиз.

Лекин ўшанда ваъда берган эдим. Ўшанда катта шоир бўламан деб ваъда берган эдим. Отам бунни жиддий қабул қилгандилар ва сўнгги нафасларигача мени ўғлим шоир бўлади, деб ишониб ўтгандилар. Ҳирқираб жон беришларидан аввал, кўзларимни ўзинг ёпиб қўй, шоир ўғлим, дегандилар. Мен у пайтда, ўлим нималигини билмайдиган, тасаввур қилолмайдиган ёшда эдим, ҳатто отам бутун кетди, эртага қайтиб келади, деган хаёлларга борардим. Кейин билсам, ўтган одам қайтиб келмас экан, бу видолашув, бизнинг бу фоний дунёдаги сўнгги кўришувимиз экан.

Мана неча йиллар отам билан қайта кўришмадик, зеро, отамнинг улуғвор сиймоси кўнглим ойнасида ҳар лаҳза ярқираб кўриниб турса ҳам, бу сувратга термулишдан, қарашдан ўзимни бир лаҳза тиёлмасам-да, бу суврат билан бот-бот суҳбатлашиб, бот-бот кучқувват олиб турсам-да, камситилган, қийналган, чора излаган, бир мададкор қўлдан химо ахтарган кезларим, отам нақадар қудратли суянчиқ эканлигини, мени жар тубидан олиб чиқиб кетиши мумкинлигини англаган чоғларим, у кишининг йўқликлари алам қилиб, жар тубида кўзимга ёш келарди. Бу гапларни сўз билан тушунтириш қийин. Бунни ёшлигидан сағир қолган, меҳрибонидан, ғамхўридан, мададкоридан айрилган, бошидан ўтқазган одамлар, айтсангиз ҳам, айтмасангиз ҳам тушунади. Отангизнинг йўқлиги, нафақат ғамгин кунда, шодиёна кунда ҳам билинаверади. Отангизнинг, шодлигингизга шерик бўлолмаслиги ҳам сизни камситади, сизни хўрлайди, сизга алам қилади. Шодлигингиз ҳам татимайди.

Биричи ойлик олган куним. Уйга келдим. Овқат келтиришди. Дастурхон бошида ўтирибман. Кўлимга бир бурда нон ололмайман. Қалтирайман. Қалтирайман. Сўнгра ўкириб йиғлаб юбордим. Отам, отажоним,

кўлимдан бир бурда нон сёлмай, ўтиб кетдилар-а?! Мана одам бўлиб, бир бурда нон топганимда, одам бўлиб турганимни кўриб қувонадиган отам қани, ўғлим ҳам одам бўпти, дейдиган отам қани, униб-ўстирган, емай едирган, киймай кийдирган, бўй етишимни кутган, ўғил ўстираялман деб қувонган отам қани? Энди мени бу топганларим кимга? Нега ҳеч бўлмаганда, қанча заҳмат чекиб катта қилганларининг ҳисобига, минг-минг ғамхўрликларининг, оталикларининг ҳисобига, лоақал жавоб сифатида кўлимиздан бир бурда нон емай кетдилар. Ахир у киши ҳам одам эди, болаларимни роҳатини кўрай деб, орзу қилардилар. Болаларимнинг даврида кўкрак кериб юрай деб, ният қилардилар, ҳар дуоларида сўрардилар. Нега дуоларингиз мустажоб бўлмади, отажон! Нега дунёни бунчалар тез тарк этдингиз? Нега биз йўл қараган чуғурчुकдай бўзлаб қолдик.

Отам савлатли, бўйи баланд, гаплари йирик-йирик, нияти бутун одам эди. Нукул раислар билан бордикелди қиларди, суннат тўйимга, ўша даврнинг ҳам, ҳозирнинг ҳам машҳур ҳофизи Комилжон Отаниёзовни олиб келгандилар, янги чиққан Газ-21 «Волга» минганларида бу яқин обрўда, бундай машина ҳеч кимда йўқ эди. Икки қаватли уй солганларида, отамни ишдан олиб ташлаш керак деб, устларидан роса ёзишган, лекин отамда олиб ташланадиган ишнинг ўзи йўқлиги туфайли, ичи қоралар пишанг еб қолаверганди.

Бирор даврада ўтирсалар, унча-мунча жойда тўрға чиқиб кетар, кўпчилик отамнинг авзойига қараб турарди.

Отам шундай давраларда кези келганда, гапни албатта менинг шоирлигимга қаратиб қистириб ўтар, гурурланар, жиддий туриб катта шоирлигимни, бизнинг авлодимиз, ота-боболаримиз катта шоир ўтганлигини баён қилар, кўриниб қолсам, ана ўзиям келаяпти дер, аниққи, ўша заҳоти, қочишга жой

тополмай қолардим. У чоғлар афсонавий замонлар экан, ҳаммаси ўтди-кетди.

Мен эса, мана қирқдан ошаяпман. Ҳали ҳам шоирликдан дарак йўқ. Қандай қилиб қирққа кириб қолдим, буни ҳам билмайман. Биладиган нарсам, кўз очиб, юмгунчалик фурсатда, қирқ йил ўтиб кетибди. Яна шунча фурсатда, мабодо Худо умр берса, яна қирқ йил ўтади, бир кун қиёматда отам билан юз кўришсак, отамга нима деб жавоб бераман? Берган ваъдаларим, катта кетишларимни қайси шамоллар учириб кетди.

Нега ёлғончи бўлаяпман? Нега берган ваъдамни бажармаяпман?! Нега, ўлган ўлди, ким мени сўроқлаб турибди, дедимми? Нега умримни ҳавога совурдим. Нега шоир бўлолмадим? Нима қилишим керак эди. Нега илгарироқ бу саволни ўзимга бермадим. Нега шоир бўлишликни Худодан сўрамадим, бу йўлда қатъий, бутун жон-жаҳдим билан олға юрмадим, олдинга интилмадим, ахир Худодан, отам истагандай катта шоир бўлишни сўраганимда, Худо йўлимни кенгроқ, тафаккуримни ўткирроқ, қалбимни булоқроқ қиларди-ку.

Қилган хатоларим, гуноҳларим, савобларим ҳақида Худонинг олдида жавоб берарман, бунинг учун алоҳида тайёргарликларим бор, ҳисоботим бор, илоё, қиёмат кун мушкулларимни осон қил, Сирот кўпригидан эсон-омон ўтиб олишимда мададкор бўл. Балки, отамга берган ваъдамни оклаш ҳам, Тангри таолога берадиган ҳисоботимни бир бўлагидир, балки отамга берган ваъдамни бажариш, ўзимнинг олдимда, виждоним олдида берадиган ҳисоботимнинг бир бўлагидир. Ўз ҳаётим олдида берадиган жавобгарликка тайёрланиш учун, дастлаб отамга ҳисобот беришдан бошлаётгандирман. Хуллас, нима бўлганда ҳам отамнинг олдида ёлғончи бўлмаслигим, ўз олдимда ўзимнинг ёлғончи бўлмаслигим, Худонинг олдида ёлғончи бўлмаслигимдир.

Хўш, нима қилиш керак. Шоир бўлиш учун нима қилиш керак? Бу энди жиддий масала. Бу энди катта савол.

Шоир бўлиш учун Худодан шоирликни сўраш керак. Худо берган бўлса, уни намойиш қилиш керак, бермаган бўлса, бер, дейиш керак. Ҳалиям кеч эмас. Ақлу заковатни чархлаш, руҳни кучайтириш, қалбни тозалаш керак — шоир бўлиш учун.

Худодан одамлар қалбига йўл сўрашим керак.

Худодан ўз қалбимга йўл сўрашим керак.

Хуллас, бу энди бошқа мавзу.

Хуллас, Худодан отам билан учрашувимиз хайрли ўтишини сўрашим керак.

Хуллас, энди бу учрашувга тайёрланишим керак.



Қишнинг изғиринли кунлари эди. Бу изғирин ҳаётимизга ҳам кириб келган эди. Қаҳратон бўлишига қарамай, отамнинг қабрига бориб юм-юм йиғлардик.

Онамнинг сочлари бир кунда оқариб кетди. Бўшбаёвгина, лалайиб юрадиган акамнинг қадди бир кунда кўтарилиб, турмуш ташвишлари елкасига тушган, жиддий одамга айланди. Акам эндигина институтни битирган, ҳали бирон жойда ишламасди.

Иккита опачам ва мен Тошкентда ўқирдик. Сингилларим мактабда эди. Отам уйни сотиб бўлса ҳам, болаларимни ўқит, дегани учун онам бизни ўқишдан кетишимизга йўл қўймади. Ўзи мактабга фаррошликка ишга кирди. Акам ишга кирди. Тошкентга ўқишга бораман деб юрган синглим, 8-синфни тугатиб, ишга кирди.

Гоҳида ёмон шеър ёзган кунларимда ўша вақтларни эслайман. Бор-йўқ ёзганим шу бўлар экан, ўшанда ўқишимни сиртқига ўтқазиб, ишга кириб кетсам бўларди, ўшанда онамнинг пол ювиб, бизнинг ўқи-

шимизни давом эттириш учун юборган пулимизга бу шеърлар арзийдими, дея ўзимни койийман. Сянгимизни мактабни ташлашига арзийдими, дея ўйтайман. Ўшанда бизга кўпгина қариндошларимиз ёрдам қўлини чўқинди. Лекин онам бунга йўл қўймади. «Эртага, отасини бизнинг пулимизга кўмганди, маъракасини биз кўтаргандик, дея юзимизга солади», — деди. Ҳамма маъракани эл қилди, камайтмай қилди. Жаноза маросимларининг ҳарқилиги тўйникидан кўпроқ бўлар экан.

Ўшанда, ўқишга кетишимиздан олдин, онам бир ҳикоят айтиб бергандилар:


— Бир қишлоққа ёв бостириб келибди. Қишлоқда ёшу қари эркаклар, ўз юртларини қўриқлаш учун жангга шайланибдилар. Ҳамма кетиб бўлган, бир ёш бола: «Мен ҳам бораман!» дебди-да, отни кеттирибди, аммо ҳарчанд уринмасин, отга минолмабди. Шунда, қишлоқ оқсоқолларидан иккита чол келиб, болага оёғидан кўтариб, отга мингазиб қўйибдилар. Бола, отга қамчи уриб, шиддат билан жойидан қўсқатар экан, бир-иккита майиб-мажруҳ одамлар унинг устидан кулиб:

— Сени иккита одам отга зўра миндириди-ки, жамия қандай ярайсан? — дебди.

Шунда бола:

— Мени иккита одам отга миндирган бўлса, энди бу отдан мени минг киши ҳам туширолмайдди, — деган ва мухорабага отни учириб кетган экан.

— Одамнинг бошига тушган кулфат ҳам бостириб келган ёвга ўхшайди. Одам қабирида ёшса ётсан, десанглар, яхши ўқинглар, токи бирок устидан кулмасин, токи биров отаси ўлиб, булар оғуш бўлиб кетди демасин, — дедилар онам. — Одамнинг ор-



номуси тирик бўлганда, ўз бўйнида эди, энди унинг шаъни ҳам, ор-номуси ҳам, номи ҳам сизларнинг бўйниларида. Дунёда марҳумнинг шаънини ҳимоя қилиш ҳам, оқлаб, кўкка кўтариш ҳам жасорат. Тирик одамнинг юзини ерга қаратишдан кўра, ўтган одамнинг юзини ерга қаратиш оғирроқ, аянчлироқ, кечирилиши қийинроқ. Ҳаётда кўз кўзга тушиб хурсанд бўлишдан кўра, қиёматда бир-бирига ёруғ юз билан қараш қувончлироқ. Отангнинг юзига ёруғ юз билан қараш ҳаммамизга насиб этсин!

Дўстларим

Мен ҳаётда дўстларим кўплигидан, болаликдаги дўстларимдан ҳам, кейин орттирган дўстларимдан биронтаси билан ҳам ажралишиб кетмаганимдан фахрланаман. Онамнинг бир ривоят айтиб берганлари эсимда:

— Бир одам иморат қураётганда, фаришта Азроил келиб, жонини олишини айтади. Одам, қураётган уйим битай деб қолди, фақат меҳмонхонагина битмаган, одамлар келиб-кетиб туриши учун, бироз муҳлат бер, сендан ўтиниб сўрайман, — дебди. Фаришта Азроил Оллои таолодан маслаҳат сўраш учун кўкка кўтарилибди. Оллои таоло бандасининг ўзи учун сўрамаётганидан, меҳмондўстлигидан мамнун бўлибди ва:

— Бориб айт, ер юзиде дўстлари қанча бўлса, Ер юзиде сўнгги дўсти қолгунча яшайверсин деб, розилик билдирибди. Фаришта Азроил келиб, у одамга бўлган гапни айтиб берибди.

Шунда ҳалиги одам:

— Кел, жонимни ол, қанчалик разил эканман, шунча яшаб, бирорта дўст орттирмабман. Дўстликнинг мартабаси шунчалик улуғлигини билмабман. Бу кунимдан, ўлганим афзал, — дея жонини ҳаққа топширган экан...

— Ҳаётда дўст орттириш ҳам катта гап. Худо, одамга битта ё иккита дўст беради, шуни ушлаб қолса, ушлаб қолди, бўлмаса, умри сўппайиб ўтади, — деганли онам. Онаминг шу гапларидан кейин, ҳамиша дўст орттиришга, дўстларга садоқат кўрсатишга, улардан узилмасликка тиришиб келдим ва ҳаётимда битта, иккита дўст бор экан, бу онаминг ўша ўтигларини унутмаганим ҳосиласидир. Гоҳида дўстларим борми, деган савол олдимга кўндаланг бўлади. Ё индамай ўлиб кетаверсам бўладими, дейман ўзимга ўзим. Нега мен одамларни билолмадим? Уларни кўнглини ололмадим, дейман ва атрофимдаги одамларга эътиборлироқ бўлишга, уларни ўрганишга, уларнинг юракларидаги сўзларни эшитишга ҳаракат қилдим. Ва ҳаёт сарҳадлари мен учун кенгайиб борди. Ҳаёт айнан одамларни билганинг, севганинг, юрагингдаги ришталарни уларнинг юраклари билан боғлаганинг, бу ришталар бир-бири билан боғланиб, қанча узун бўлса, тақдир йўлларинг шунчалик узун бўлганидай, умринг шунчалик узун бўлганидай гап экан.

Болалигимда онам айтиб берган ўша ривоят менга бир умрлик сабоқ бўлди. Биров тўсатдан дўстинг борми, бўлса айт, бўлмаса ўлиб кетавер, дегандай туюлаверади. Шунда дўст ахтаришга тушаман. Бу одатим бора-бора мени ёзувчиликка, инсонлар қалбини ўрганувчи фан сари етаклаган бўлса ажаб эмас.

Бу онаминг ёзувчи бўлишимдаги берган сабоқларининг дастлабкилари эди.



У пайтлар учинчи ё тўртинчи курсларда ўқирдим. Таътил чоғи уйга бордим. Эрталаб ўрнимдан турсам, онам жойларида йўқ. Мактабда пол юувчи бўлиб ишлардилар. Ростини, онаминг бу ишдан ориятим келарди. Истиҳола қилиб бўлса-да, бироз кўмаклашиш

учун мактабга бордим. Мактаб директори, фаррошларни йигиб, дағдаға қилиб турган пайти экан, мени кўриб бироз ҳовридан тушди. Туман, вилоят газеталарида унча-мунча мақолаларим босилиб турарди, шуларни инобатга олдим, «Исмоилова, сиз бораверинг», дея ҳиммат кўрсатди. Мен директор билан сўрашган бўлдим-да, онамнинг олдига бордим.

— Она, кўйинг шу ишларни. Ҳамма устимиздан кулаяпти. Очимиздан ўлсак ўлайлик, ўқишни ташласак ташлайлик, кўйинг, шу ерда ишламанг. Бизни ҳамма танийди, сиртида айтмаса ҳам, ичида айтиб устимиздан кулаяпти. Ховосга келсам, ҳамма шуни юзимга солаётганга ўхшаб кетаверади. Бош кўгаролмай қолдим. Эртага қизларингизни узатасиз. Бу туришда биров эшигимизни тақиллатиб келмай кўяди, — дедим-да, сув тўла пақирни онамнинг қўлидан тортиб олиб, отиб юбордим. — Эй, юринг, биз ҳали тирикмиз, ўлиб қолганимиз йўқ, сизни ҳам, сингилларимизни ҳам боқиб олишга кучимиз етади. Юринг, кетдик. Бизни шарманда қилманг, — дея онамнинг қўлидан тортқиладим. Бизнинг бақир-чақиримизни эшитиб, мактаб болалари тўпланиб кела бошлади.

Мен қизариб кетган, кўзимга филтиллаб ёш келаётганди. Онам, мени гап билан тўхтатолмаслигига кўзи етди шекилли, юзимга шапалоқ тортиб юборди.


— Нима, мен ўғирлик қиляпманми, бировни алдаяпманми, ориятинг келади? Нима, мен бировнинг эшигига қарз сўраб бордимми, юзинг шувут бўладиган?! Қора қозоним қайнасин, деб пешонамдаги терни сидириб ўлай деб пул топяпман. Бировдан кам емасин, бировдан кам киймасин, ўртоқлари еганда, четда лаби гезариб турмасин, деб шу пақирларни кўтаравериб, эмачам узилиб кетди-ку. Худойимни раҳми келиб, бир ёруғ кунни кўрсатар ахир. Болаларим катта бўлиб қолса, бир-бирини қўллаб-қўлтиқлаб, суяб кетар-ку. Камбағалнинг кўз ёши дўзах оловини ўчираркан, сендай отасизнинг ҳам пешонангга ёруғ кун битар-ку!

Мен аламдан ўқраб йиғлаганча ўтириб қоламан.
Болалардан бири нарида юмалаб ётган пақирни тегиб кетади.

Мактаб директори мени юпатиш учун онамга эртароқ жавоб бериб юборади.

Яхшиям онамдан мана шу сабоқни олган эканман. Бу менинг ҳаётимдаги бир умрлик дастуриламал бўлди. Ўғирлик билан, таъмагирлик билан, порахўрлик билан топилган минг сўм пулдан кўра, ҳалол меҳнат билан топилган бир сўм афзал эканлигини билдим ва доимо шунга амал қилдим. Ичимдаги кибрни ўлдирдим. Бир кунда директорликдан туширилиб, оддий ходимга айланиб қолганимда ҳам оғринмадим, қора меҳнат билан топилган сармоянинг ҳаловати, директорликда топилган даромаддан кўра баракалироқ эканлиги, доимо кўнглимга таскин берарди.

Директорликда топилган минг сўмни ҳам, худди фаррошликда бир сўмлаб йиққандай, ҳар бир сўмини меҳнат билан топишга ҳаракат қилдим. Директорлигимда ҳам деярли ҳар куни эрталаб бир марта мардикор бозорига борар, мана шу мардикорлардан ақл жиҳатдан ҳам, одоб жиҳатдан ҳам устун эмаслигимни, мен ҳам бир куннинг ичида мана шу мардикорларнинг ичига тушиб қолишим мумкинлигини, Худонинг марҳамати билан директор бўлиб турганлигимни, бунинг учун Худога минг бора шукроналар айтишим кераклигини, мардикор бир сўмни қанчалик меҳнат ва заҳматлар билан топса, мен ҳам шунча азият чекишим, ўзимни меҳнат қилишдан тиймаслигимни ҳар куни ўз-ўзимга такрорлар, бахт ҳам, барака ҳам текин даромадда эмас, ҳалол топилган кичкина сармоёда деб билар, ҳаром-хариш топилган бойликни касри бир куни ўзимга ҳам, болаларимга ҳам уришидан кўрқардим. Ўша воқеанинг бўлиб ўтганига ҳам йигирма йилдан ошяпти. Уни бир лаҳза бўлсин ҳаёлим кўзгусидан қочирганим



йўқ. Бу воқеани яна йигир-
ма йил унутмасам керак. Бу
бора-бора худди охиратга
тайёрланишга ўхшаб кета-
ди. Мен худди фаррошдай
ҳаётим остонасини ҳами-
ша тоза ва покиза сақла-
шим учун меҳнат қиламан
ва бу заҳматни шараф, деб
ҳисоблайман. Зеро, маз-
лумнинг кўз ёшлари дўзах
оловини ўчиришига ишо-
наман. Зеро, охиратга тай-
ёргарликсиз бориш, ден-
гизга кемасиз тушишдай
гап. Зеро, ўшанда онам-
нинг мактаб остонасини

ювиб-тозалашлари бизнинг ҳаёт остонамизни, ҳаёт
йўлимизни тоза ва покиза бўлиши учун пойдевор
эмасмиди? Зеро, хоҳ шоир бўлайлик, хоҳ фаррош
бўлайлик, хоҳ вазир бўлайлик биздан талаб қилина-
дигани, бор-йўғи, ризқни ҳалол йўл билан топиш-
нинг шарафли анъанасини давом эттириш, онамиз
тутган йўлдан, онамиз ўргатган сабоқлардан оғиш-
масликкина, холос.



Талабалик йилларим эди. Ейиш-ичишдан қисиб,
кийим-кечакка ўч пайтларим. Онамнинг айтганлари
ҳали-ҳамон эсимда:

— Ёмон кийинсанг кийин-у, яхши овқатлан. Яхши
еб ич. Ҳеч қачон қорнингдан аяма. Озган от аргумоқ
бўлмас. Кийим-кечак мингта, соғлиқ битта. Ҳаёт таш-
вишлари кўп, уларни енгувчи соғлиқ битта, у ҳеч
кимда иккита эмас. Борлигида энг арзон-у, йўқлигида

энг қиммат нарса — соғлиқ. Соғлиғингни асрасанг, ҳамма нарсани аста-аста энгиб бораверасан. Битта ўроқ даладаги ҳамма ўтни ўриши мумкин, авайламасанг, бир боғ ўролмаи ўтираверасан. Соғлиқ ҳам шундай. Авайласанг, манзилингга етказиб боради. Бир подшо давлат ўлпонини иккинчи давлат подшосига етказиб бериш учун, йўлга арғумоқ ҳозирлабди. Арғумоқни ясатишибди, хуржунларига тилло тўлдиришибди, пешоналарига шоҳона патлар, сағринига зардухобалар ташлашибди. Лекин, отбоқар унинг соғлиғига бепарво қарабди. Тақалаётганда, туёғига тўртта эмас, учта мих қоқибди ва элчини йўлга кузатибди.

Йўлда, туёғидан тақа чиқиб кетибди ва туёқ емирила бошлабди. Тоғ йўлида бир чўқморли тош тўғри келиб от мункиб кетибди, элчи йиқилиб ўлибди. Ўлпон ўз вақтида келмаганидан ғазабланган қўшни давлат подшоҳи, ўзига ўлпон тўловчи мамлакат устига юриш қилибди. Тақачининг битта хатоси билан минг-минглаб одам ўлиб кетган экан. Сен ҳам соғлиғингни асрамасанг, ҳамма-ҳамма ишларинг қолиб кетади, кўзлаган манзилинггача етолмайсан. Элчининг ўлими, бутун мамлакатга қирон келтирган бўлса, сенинг ўз манзилинггача етолмаслигинг, ўзинг учун фожиадир.



Бир куни, у пайтлар университетни эндигина битирган, иш излаб юрган, тузук-куруқ овқатланиш тугул, ижара ҳақини тўлашга ҳеч вақоси йўқ, лекин эртаю-кеч китоб ўқиш, ижод билан банд кунларнинг бирида мени йўқлаб қишлоқдан яқин қариндошимиз келиб қолди. У пайтлар шундай одат бор эди. Шаҳарга тушган ўзига тўқ кишилар, талаба қариндошини ўртоқлари билан йигиб ресторанларнинг бирида зиёфат берар, ўқишларига омад тилаб, қўлларига 3 — 4 сўм

пул ташлаб кетарди. Бизнинг қариндошимиз ҳам ўртоқларимни йиғиб катта зиёфат берди ва кетар олди: «Туркияга борадиган йўллар очилибди, битта йўлланма топиб бер», дея кўлимга 300 сўм тутқазди. 300 сўм ўша пайтнинг ҳисоби бўйича катта миқдордаги пул эди. «Хўп», дея олиб қолдим.

Албатта, оқибати нима билан тугашини билганимда, олиб қолмасдим.

Орадан бир ҳафталар ўтиб, саҳар чоғи ҳали ҳамма уйқуда, тонг ҳам ёришмаган пайт, эшигимиз тақиллаб қолди. Эшикни ҳамхонам очди.

Не кўз билан кўрайки, хона ўртасида ғазаб ва важоҳат билан онам турарди. Устимда кийимим бўлмагани учун, туришдан истиҳола қилиб онамнинг ошхонага ўтишини кутиб турдим. Аммо онам пол ювишга мўлжалланган таёқни олиб, ура кетдилар. Мен: «Ҳой, нима қилдим, нега урасиз», дея бақиряпман, бақиряпман. Онам эса тўхтаб демасдилар. Бошимга, қўлларимга тушган зарблардан, суяқларим синиб, майдаланиб кетди, деб ўйладим, аммо онам тўхтаб демасди. Ва охири уришдан чарчаб: «Нега, фалончини пулини олдинг, нима, мен сени қарз олиб катта қилганмидим. Бошимдан шунча қийинчилик ўтди, бировнинг эшигига сарғайиб борганимни кўрувдингми, энди ҳаммаси ўтиб, рўшнолик кўраман десам, сен бировдан қарз олиб, мени иснодга кўядиган бўлдингми, фалончи болаларини боқолмай, қарз сўрашга ўтибди, деган насоққа қолдирыпсанми мени, бу кунингдан ўлганинг яхши эмасми, бўйнимга шундай гапни ортишдан кўра, тўрва халта осиб қўйсанг яхши эмасми?» дея дод солиб йиғлай бошладилар. Мен, ҳеч кимдан қарз олмаганимни, пул ташлаб кетган қариндошимиз, ўзининг иши учун, Туркияга бориши учун ташлаб кетганини, минг бор қайта-қайта айтсам ҳам тушунмасдилар. Тушунгилари келмасди. Ниҳоят, «Қани, ўша пул?» дедилар. Мен пул турган жойни кўрсатдим. Онам пулни олиб, ҳозир олиб бор, дедилар.

Шундай қилиб, тонг отмай она-бола йўлга тушдик. Маълум бўлишича, қариндошимиз қишлоққа боргач, Тошкентдаги «валломатликлари» ҳақида мақтанган, Туркия ҳақида гапирганми-йўқми билмадим-у, лекин пул ташлаб келганини у ёқ-бу ёқда қистириб ўтган. Бу гап эса, албатта онамнинг қулоғига етиб борган.

Мен ҳозиргача онамнинг бу калтаклари учун минг бор раҳмат айтаман, минг бор миннатдорман. Ўшанда ҳеч қачон, ҳеч кимдан қарз олмайман, деб аҳд қилдим ва бу аҳдни собит сақлаган ва муҳтож онларимда ҳам, қарз олмасдан ҳам яшаш мумкин бўлган йўлларга бошлагани учун, Парвардигори оламга шукроналар айтаман.

Одам сидқидилдан ҳаракат қилса, Худо илтижоларини қабул қиларкан. Бунга мен ўз ҳаёт тажрибамда амин бўлдим. Зотан, киши ўз муҳтожлигини бировдан қарз олиш эвазига ёпмаслиги керак экан. Зотан, қарз сўраган одамнинг эшигидан муҳтожлик ҳеч қачон кетмас экан. Бу балки Оллоҳ таолонинг қонунидир. Олгувчининг бойлиги ҳеч қачон кўпаймас, бергувчиники ҳеч қачон камаймас экан. Онам: «Эшигингга ўлим тақиллатиб келса келсину, биров қарзини қистаб тақиллатиб келмасин!» — дегандилар. Шунинг учун, ҳар куни Худодан сўрайман, умримни узоқ қил, бошимга муҳтожлик мусибатини солма, бўйнимга қарздорлик бўйинтуруғини илма, мени олиб кетгани ўлим келса келсину, биров қарзини сўраб келмасин!

Онам айтиб берган ривоят бир-бир ҳаёлимдан ўта бошлади:

...Бир бола, билмай айб иш қилиб қўйган экан, қози уни ва онасини ўн даррадан уришни буюрибди. Даставвал, онасини ўн дарра урибдилар. Она индамай кўз ёши тўкибди. Сўнгра, навбат болага келибди. Она чинқириб юборибди.

Калтакловчи тўхтаб:

— Нима бўлди, шунча урдим, чидадинг, болангга биринчи дарра уришдаёқ нега бунча додлайсан? — дебди.

— Сен мени урганингда, қамчи баданимга тегарди, боламни урганингда эса тўғридан-тўғри жигаримга тегяпти, — деган экан.

Онамнинг бу сўзларини кўп хотирлайман. Бошимга тушаверган калтаклар, мендан кўра онамга кўпроқ азоб беришини, ўзимни онам учун асрашим кераклигини, бу калтаклар, менинг вужудимдан кўра, онамнинг жигарига кўпроқ азоб беришини ҳис қиламан. Ва бу туйғу мени худди тумор сингари бало-қазолардан асрайди.

Қарз

Бир куни қишлоққа борганимда жаноза устидан чиқиб қолдим. Марҳум таниш эди, бордим. Имом, фоний дунёнинг ўткинчилиги ҳақида маъруза қилди, сўнг марҳумнинг бўйнида қарзи бор-йўқлигини сўради. Тобут ёнида, раҳматлининг амакиларидан бири турарди. Одатда, бундай пайтларда, қарз берганлар индашмайди. Ҳарқалай, воз кечиб юбормаса ҳам, ҳақ талашишнинг мавриди эмаслигини билиб, сукут сақлашади. Лекин имом ҳам шу ерлик бўлгани ва марҳумнинг бўйнида жуда кўп қарзи борлигини ва қайтарилмаган қарзлар учун, марҳум қаттиқ азобланишини инобатга олибми, саволни қайта-қайта бера бошлади. Қарз бериб турганлардан бири марҳумнинг савлат тўкиб турган бой амакисидан нажот кутиб: «Марҳум мендан қарздор эди. Бунга гувоҳларим ҳам бор», — деди. Имом талабгорга қаради ва қарзи қанчалигини сўради. Талабгор бор дардини тўкиб солди. У сўзини тугатар-тугатмас унинг ёнига яна бошқа бир талабгор келди. Имом марҳумнинг амакисига қараб мурожаат этар-этмас, талабгорнинг сони ортди. Олти кишига етди. Уларнинг айтиши бўйича марҳум ўтган йили ҳамманинг пиёзини баҳолаб, насиёга олган ва вагонга ортиб Россияга олиб кетган. Йўлда пиёзларни

совуқ урган. То манзилга етиб, бозорга туширгунларича пиёз музлаб, чириб, ишлатишга яроқсиз бўлиб қолган, сасиб кетган пиёзларни сотиш тугул, ёнидан пул тўлаб, чиқинди тўкиладиган жойга ортиб бориб ташлашган. Бир ой юриб-юриб зўрға уйига қайтиб келган. Уйга қайтгач эса, пиёз берган деҳқонлар ҳар куни бирма-бир келиб ҳақларини талаб қилаверишган. Уйдаги ҳамма нарса сотиб тугалланса-да, қарзнинг ўрни қопланмаган. Орадан бир йил ўтса ҳамки, ўзини ўнглолмаган одам шу бўйи ўзини ўнгломай, юрак ўйноғи билан оламдан ўтган. Ҳозир биз ўша одамнинг жанозаси устида бўлаётган жанжалнинг гувоҳи бўлиб тургандик. Имом марҳумнинг амакисидан: «Қолган қарзларни тўлашни ўз бўйингизга оласизми, марҳум гўрида тинч ётсинми», — дея баралла овоз билан сўради. Амаки индамади. Имом яна қайта сўради. Амаки: «Бу жуда катта миқдордаги пул, мен масъулиятни бўйнимга олиб, Худо олдида ёлғончи бўлиб қолишни истамайман. Ана марҳумнинг ўғли бор, омон бўлса балки бир кун узилиб кетар», — деди. Ўртага марҳумнинг ўғли чиқарилди. У чопон кийиб, белини боғлаб олган. 10—12 ёшлардаги болакай эди. Болакай афтидан гап нима-далигини тушуниб турарди.

— Майли, мен отамнинг ҳамма қарзларини бўйнимга оламан, — деди. Одамлар орасида норози оҳангдаги гап-сўзлар эшитилди: «Бу қачон катта бўлади-ю, қачон пул топиб ҳақимизни тўлайди?»

Имом ҳам ўз вазифасини адо этиб бўлганини англаганидан елкасидан тоғ ағдарилгандай шоша-пиша жаноза ўқишга тушди. Лекин бўлиб ўтган ҳолат жуда аянчли ҳолат эди. Бундай савдо ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Ўз ҳаётини бундай яқунланишини ҳеч бир банданга раво кўрма, эй Тангрим!

Жанозадан сўнг тобутни ерга қўяр эканмиз, ҳамма бир сиқим, бир сиқим тупроқ олиб, гўрингда тинч ёт, Оллоҳ мушкулингни енгил қилсин деб, дуо қилиб, лаҳадга ташлади.

Шунда, қарз берганлардан бири баланд овозда: «Шу одам бизнинг қарзимизни тўлолмай оламдан ўтди, қарз ўрнига жонини берди, мен берган қарзимдан кечдим, шу одам гўрида тинч ётсин, қиёматда мен учун, ярим танаси куйган ҳолда тирилмасин, танаси бутун бўлиб тирилсин, Оллоҳ йўлига бағишладим», — деди. Унинг бу гапидан руҳланган кекса оқсоқоллар: «Баракалла, балли, умринг узун бўлсин, қани яна қим бор, қарздан кечалиган», — дея садо берди. Қарз берганлар биринкетин «Мен ҳам кечдим, мен ҳам кечдим, шунча пулим бор эди, баҳридан ўтдим», дея розилик беришди.

Бутун жамоат худди бошларидан тоғ ағдарилгандай энгил тортиди. Гўрга тупроқ ташловчиларнинг кетмон тортишлари жадаллашди.

Биринчи шеърим

Биринчи шеърларимни университетни битиргач, яна икки йил ижара уйга қамалиб олиб, фақат ижод билан шуғулланганимдан сўнггина чоп эттирганман. Адабий муҳитнинг талаби шундай эди. Қолаверса, биринчи чиқишимга жуда жиддий эътибор берганман ва бу фавқулодда ҳодиса бўлса керак, деб қараганман. Қолаверса, ўша пайтнинг машҳур шоирларидан бири сўз боши ёзганидан бошим осмонда эди. У пайтда адабий даврада танилиш учун бир туркум шеърлар билан чиқишнинг ўзи кифоя қиларди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида биринчи шеърларим чоп этилганда, қувончим ичимга сифмай юрганман. Ҳарқалай бу — адабиётдаги гайриоддий ҳодиса бўлмаса-да, бу — ижодий йўлимнинг очилиши, бу — илк учирмаларим, бу — шоир сифатидаги илк айтган сўзларим — шаҳодатномам эди.

Газетани қўлтиқлаб, дарҳол Ховосга йўл олдим. Уларни онамга кўрсатишим керак эди. Ҳарқалай, ўқишни битирганимга икки йил бўлган, икки йилки, биронта расмий жойда ишламас, бирон жойдан маош

олмас, нима қилаётганимни, нима иш билан машғул-
лигимни биров билмас, шеърларимнинг газетада
чиқиши, нима билан бандлигимни кўрсатувчи ашёвий
далил эди. Шу пайтгача бировга шеър ёзиб юрибман
деб айтолмас, бу юмуш, юрагимнинг туб-тубидаги
сирим бўлгани учун, шеър ёзишимни ҳаммадан
яширар, бу шеър ёзишни майда иш деб қараганимдан
эмас, энг ардоқли, энг улуғ иш деб қараганимдан,
мен учун бундан ҳам муҳимроқ, бундан ҳам азизроқ
юмуш йўқ деб қараганимдан, шеър ёзишимни айтсам,
наҳотки шу иш сенинг ҳам қўлингдан келади, деб,
устимдан қулмасликлари ва биринчи чиқишимданок
одамларнинг ҳафсалаларини пир қилмаслик учун эди.

Ховосга келганимда, менинг севинчимни кўриб,
онам мендан ҳам ортиқ севиниб кетдилар. Сингил-
ларим шеърларимни онамга ўқиб бера бошладилар.
Шеърларимни ўқиб бўлишгач, онам газетани қўлла-
рига олдилар-да, расмимни уч бора ўпиб қўйдилар ва
«Яша, ўғлим», дея алқадилар. Мен онамдан, шеър
қандай таъсир қилганини, маъноси нималигини сўрай
бошладим. Онам, шеърларимнинг маъносини айтиб
беришга қийналиб қолдилар.

Гап шундаки, у пайтлар тушунарсиз ва мураккаб
шеър ёзиш урфга айланган ва мен ҳам, «модерн»
шеърлар ёзаман деб, бор салоҳиятимни «тийиқсиз
туйғулар тасвирланган телбавор тушкунлик ташвиш-
лари тарихи»га қаратгандим. Онамнинг ўша кунги
ҳолати менга жуда қаттиқ таъсир қилди ва мен учун
энг азиз инсон тушунмаган шеърларнинг мен учун
ҳеч қандай қадри йўқлигини англаб етдим ва энди
фақат тушунарли, оддий ва содда шеърлар ёзаман деб
қатъий аҳд қилдим. Онамнинг юзларига балқиб чиққан
ифода ижодимни мутлақо ўзга ўзанга буриб юборди.
Бошқача бўлиши мумкин эмасди. Мен, ҳозиргача
нимаики ёзсам, онамга ўқиб беришга, у кишининг
фикрларини олишга, ҳеч бўлмаса, китобим ёки

менинг асарларим асосида суратга олинган видеофильмларни кўрсатиб хурсанд қилишга интиламан ва шу ҳолатгина ҳаётимга мазмун бағишлашини яхши биламан. Кўпинча ёзувчилардан, ким учун ёзасиз, дея сўрашганида, мухлисларим учун ёки адабиёт учун, юрагим буюргани учун, дея турлича жавоб беришади. Уларники ҳам тўғри. Мен эса, кўпинча онам учун ёзаман. Фарбга тақлид қилишдан, чет эллик ёзувчиларнинг услубларини ўзлаштиришдан ўзимни тияман. Онамнинг кўнглини кўтариш, онамга кўпроқ ёқиш, юрагимни тўрида, мени ҳамиша қўллаб-қувватловчи ардоқли инсон бўлгани учун ёзаман ва онамнинг жуда кўп сўзларини «ўғирлаб» асарларимга киритаман ва ҳамиша аёлларни улуғлаб ёзганим учун, ҳамма аёллар, авваламбор онамдан миннатдор бўлишлари керак, деб ўйлайман. Чунки онам аёл улуғлигининг далили сифатида ҳамиша кўз олдимда турадилар.

Ўша кунни онам, тушқунликка тушиб қолганимни кўриб, дуо қилдилар ва бу шеърларнинг тагида жуда катта маъно ётганини, шоир одамнинг нияти ҳамиша яхшиликка бўлишини таъкидлаб, бир ривоят айтиб бердилар.

— Эмишки, бир банда жаннатга тушибди. Ундан боғ яратгани учунми, иморат қургани учунми қайси хизматлари учун, бундай шарафга ноил бўлганини сўрашибди. «Ҳа, боғ яратдим, лекин савоби боғбонга кетди, иморат қурдирдим, савоби меъморга кетди. Мен бор-йўғи уларга яхши тилаклар билдирдим, ниятим ободончилик эканини айтдим, яхши истакларим учун жаннатга дохил бўлдим», — деган экан. Шоир ҳам яхши ният куйчиси, яхшилик тарафдори, бу хизматларинг, бу шеърларинг албатта эл орасида эъзоз топгай ва яратган эгам, бу интилишларингни савоби деб, марҳаматини дариг тутмас. Мен, шундан хурсандман. Энди, шоирнинг онасиман деб, ҳамма жойда мақтаниб юраман, — дедилар.

Мен яна Тошкентга қайтдим. Ўзим ёзган шеърлардан, аниқроғи, шеър ёзиш услубимдан юз ўтирдим. Ўз дунёқарашимдан воз кечдим. Ўзимда онамнинг дунёқарашини тиклашга киришдим. Бу ҳақиқий ўзбекона дунёқараш, ўзликка қайтиш эди. Мен аслимга қайтишни истар, лабларим Ҳазрат Жомийнинг ушбу сўзларини пичирларди: «Онангдан бош товлама, ошмасин дарди, шараф тожи эрур оёғин гарди».



80-йилларнинг охири эди. Ижара уйда яшардим. Сочим елкамга тушган, ҳеч жойда ишламас, куним ё пивохонада шеър ўқиш билан, ё қайсидир кутубхонада китоб ўқиш, ё устозу шогирд «шоирбачча»лар йиғилишиб баҳсу мунозара билан кунни кеч қилар, тунни тонгга улардик. Шеър учун яшардик, шеър ёзиш учун ким биландир уришардик. Ўзимизни одам эмас, шоир деб билардик. Шоир учун ҳамма нарса мумкин эди.

Қишлоқда хотиним, болаларим борлиги эсимга келмас, дунёқараш жиҳатидан улар менга, мен уларга мутлақо бегона эдим. Шу кетишда билмадим қайга борардим, аммо ўша пайтда ўша йўл мен учун энг тўғри йўл бўлиб кўринарди.

Мен билан қаттиқ курашишга бел боғлаган шекилли, ижара уйимга онам келиб қолдилар. Сумкаларида ёғдан тортиб картошка-пиёз, гўшт, хуллас, рўзғорбоп ҳамма нарса бор эди. Менинг хонам эса сигарет тутунидан буруқсаб ётар, бўшаган вино шишалари-ю, қия кесилган консерва банкалари, кир-чир сочиқлар уйилиб кетганди.

Ўшанда онам айтган гаплар ҳеч қачон эсимдан чиқмайди:

— Нега хотинингни, болаларингни ҳолидан хабар олмайсан? Эртага Худо сендан қандай шоир эдинг деб

сўрамайди, қандай эр эдинг, қандай ота эдинг, уй-
рўзгорингни қандай тутдинг, болангга қандай тарбия
бердинг, нима еб-ичқаздинг деб сўрайди. Хотинингни
никоҳингга олганмисан?! Олгансан. Эркак одамнинг
биринчи вазифаси хотинини боқиш. Хотинингни олиб
келиб, рўзгорингни бутламас экансан, ҳеч қачон
биринг икки бўлмайди. Сен аввало Худонинг олдидаги
вазифаларингни бажар. Аввало яхши одам бўл. Яхши
гап — яхши одамдан чиқади. Ўзинг ночор — йўлинг
ночор бўлса, мингта китоб ёзсанг ҳам, ҳаммаси
савдойи одамнинг васвасаси бўлиб қолаверади. Ёзсанг,
ўткинчи нарсалар ҳақида эмас, абадий нарсалар ҳақида
ёз. Шунда, ёзганинг ўткинчи эмас, абадий бўлиб
қолаверади. Ҳамма китобни ташлаб, битта китоб,
Каломуллони ўрган. Мана шу китоб то қиёматгача
туради. Ёзганларинг, қиёматгача туришини истасанг,
шу китоб кўрсатганларини, шу китоб буюрганларини,
шу китобга амал қилганларни, шу китобга амал қилиш
кераклигини ёз. Шу китобга эргашсанг, сени Худо қўл-
лайди. Сени Худо қўлласа, ҳеч ким йиқитолмайди.
Ёзганларингда Худонинг зикри бўлмас экан, бўйинг
баробар китоб ёзсанг ҳам, ҳаммаси хазондай вақт
шамолида совурилиб кетаверади. Кўзинг нури кетади,
сочинг оқаради, белинг букчаяди, охири Худога нола
қиласан: «Эй Худо, шунча ёзганларимдан, нега ҳеч
бўлмаса бир варағини қолдирмадинг!» дейсан. Худо
сенинг олдинга ўзинг ёзган бир варақни ташлайди.
Бир варақни кўтариб, у одамнинг бетига тутасан, бу
одамнинг бетига тутасан, одамлар қарамай, юзини
тескари буриб кетаверади. Чунки сенинг ёзганинг
замон хандағидан нарига ўтолмай, сен ўзинг яшаган
давр исканжасида қаро ер қаърига кириб кетади.
Шоирнинг ўз замонидан нарига ўтолмай, унут бўлиб
кетиши, ўзидан олдин болалари ўлган онанинг ҳоли-
дан яхшироқ эмас. Истеъдод шундай ноёб нарсаки, у
ҳатто подшоларда ҳам бўлмаслиги мумкин. Мабодо,

Худо сенга шундай истъдодни берган бўлса, уни асраш, тўғри йўлга солиш керак. Яхши одамдан яхши шоир чиқиши мумкин, лекин аввал шоир бўлиб, кейин яхши одам бўламан дейиш, бу, мен одамларнинг ичида оёғимни осмонга қилиб, қўл билан юравераман, дегандай, Худонинг одамни қандай яратган бўлса, унинг ҳукмига тескари иш тутганидай гап. Қўл тескари алфозга узоғи билан бир кун чидаши мумкин. Ҳали ҳеч ким оёғини осмонда қилиб яшагани йўқ. Худди шунингдек, ҳали ҳеч ким ёмон одам бўлиб, яхши шоир бўлиб кетгани йўқ. Сен ҳам балки ёмонлик тарафидамасдирсан, лекин бу «ит ётиш, мирза туриш» яхшилиққа олиб келмайди. Хотинингни олиб кел, болаларингни олиб кел, уй қил, жой қил, ичишни ташла, ишга кир, эл қатори одам бўл!

Менга бу гаплар ҳозир ақидага айланган бўлса-да, ўша пайтлар янгилик эди. Онамнинг гапларидан қанчалик ҳайратланганим эсимда.

Тез орада уй олиш тараддудига тушдим. Рўзгоримга, ҳаётимга файз, қут-барака кира бошлади.

Ичишни ташлаганим

Бир кун яқин ўртоғим уйланадиган бўлиб қолди. Ёш эдик, ўйнаб-куладиган пайтларимиз эди. Тўй роса авжига чиқди. Оз-оздан ичдик, ўртоғимга ҳурматим шу қадар баландлигидан ўртала ўйнайвериб-ўйнайвериб чарчадим. Бу фидойилигим, сидқидиллигим, жонимни берар даражадаги меҳрим, илтифот кўрсатганим учун ҳануз ўзимни кечиролмайман.

Келинни тўйхонадан олиб чиқаётганда, қоронғи бўлгани, келин-куёвга қараб ўйнаб, орқада чуқур хандақ борлигини кўрмай, зовурга тушиб кетдим ва темирга бошимни уриб, ҳушимни йўқотдим. Ҳушимга келганимда шифохонанинг реанимация бўлимида ётардим. Ёрилган бошимни тикишгач, дока билан қаттиқ танғиб боғлашган эди. Шу кўйи бир ой ётдим.

Шу бир ой ичида, уйланган ўртоғим бир марта ҳолимни сўраб келмади. Ҳатто бирор кишидан «аҳволи яхшими?» деб қўймабди. Бу қаттиқ алам қилди. Мен унинг тўйида бир ўлимдан қолсам-у, у ҳатто бир оғиз сўзини аяб, кўнглимни сўрамаса?!

Ўша кунлари ҳар куни онам бошимда ўтириб, йиғлаб чиқарди.

Одамнинг боши кетиб, мияси кирди-чиқди бўлиб, савдойи бўлиб қолиши, бу ўлимдан ҳам аянчлироқ, ачинарлироқ бўлиши ва бунга бир баҳя қолганлигини англаб етар ва «Бўлди, бошқа ичмайман», деб ўз-ўзимга ваъда берар, лекин бу ваъдалар шунчаки сўзлар эди.

Ва онам шунда ҳеч кимга, ҳеч қачон айтмаган, айгиши раҳматли отамнинг хотирасига, руҳига ҳақорат бўлиши мумкин бўлган, лекин мени ичишдан тўхтатган сирни айтиб берди:

— Бир куни Душанбе бозорига қовун олиб бордик. Кун бўйи савдо яхши бўлди. Кечқурун отанг гўшт қовуртириб, бир бутилка ароқни бир ўзи ичиб олди. Кейин совуқ бўлса ҳам, раста бошида қовунни кўриқлаб ётдик. Ярим кечаси тақир-туқурдан уйғониб кетдик. Иккита ёш бола битта-битта қовунни кўтариб қочиб кета бошлади. Отанг тура солиб қувишга тушди. Кайфи бор эмасми, музга тойганиб бетон ариққа йиқилди, қарсиллаган овоз эшитилди. Шу йиқилганда, оёқ суяги чўрт синиб кетган экан. Дарров дўхтир чақиртирдик. Ҳамма томон бақир-чақир бўлиб кетди. Мен, қовун бошида бир ўзим қолдим. Эртасига отанг мендан хавотирланиб, оёғига гипс боғлаганча етиб келди. Мусофир жой, кун совуқ, қовун ҳадеганда сотилавермай, бир-икки кун қолиб кетдик. Шу бўйи отанг вақтида даволанолмай, қорасон касалига учради. Бир йил шифохонама-шифохона юрдик. Отанг азоб торта-торта оламдан ўтди. Одамнинг жони мўрт бўларкан.

Кичкинагина бир баҳона сабаб, ҳамма иш орқага тортиб кетаркан. Мен отангни ўлганига бир ачинсам, болаларининг роҳатини кўрмай кетганига, катта-катта тўйлар қилиб, қиз узатдик, катта-катта тўйлар қилиб ўғил уйладик, Худога шукур, аканг топармон-тутармон бўлди, уй қуриб, машина олди, шуларни кўрмай кетганига, ичим бир ачийди. Агар шуларни кўрганда, юраги ёрилиб кетарди.

Мени демасанг ҳам, оилангни демасанг ҳам ҳеч бўлмаса шу отангнинг ҳурмати, умрини охирида ароқни лаънатлаб ўтган отангни хотираси учун, отанг болаларим ароқ ичмасин, деб қайта-қайта тайинлагани учун ичма, бунга ҳеч фойдаси йўқ, ичган одам шайтоннинг шериги бўлади, — дея тайинлай бошладилар. Боягина кўз ёши тўкиб турган онам бора-бора зугум қилаётган, агар таслим бўлмасам, уриб юборгудек важоҳатлари бор эди.

Ўшанда шахдим синганди, юрагимда ароққа нисбатан тийиқсиз нафрат уйғонган ва бу нафрат, ҳали ҳозиргача ўз кучини йўқотмай, менга, менинг ичимдаги шайтонга кучлилиқ қилиб туради.

Онам, сўзларининг ниҳоясида айтиб берган бир ривоятни ўз ҳаётимнинг дастуриламали қилиб олганман:

— Бир одам Ҳаж сафарига борибди. Каъбагуллони зиёрат қилибди. Навбат шайтонга тош отиш амалини бажаришга келибди. Ҳамма қатори у ҳам қўлига тош олиб отибди. Аммо отган тоши ўзига қайтиб келибди. Ҳожи ҳайрон бўлибди, яна тош отибди. Отган тоши яна ўзига қайтиб келибди. Ҳожи учинчи бор тош отибди. Тоши устунга бориб тегибди-ю, у ёқдан бир садо эшитилибди: «Ҳой бетавфиқ, ўз шеригинга ҳам тош отасанми?»

Сен ёзувчисан, шоирсан. Ёзган асарларингни одамлар ўқийди. Ҳар бир ёзган асаринг, бу шайтонга қараб отилган тошга ўхшасин. Чунки сен яхшилиқ

ҳақида, одамгарчилик ҳақида ёзасан. Одамлар, ёзувчининг асарини ўқиб, шайтоний ҳирс-ҳавасларга, шайтоний қилмишлар бўлган ёлғон-яшиққа, ҳасадга, кибрга қарши куч топсинлар, нафрат топсинлар. Агар сен ўзинг ичсанг, ўзинг шайтоннинг йўлидан юрсанг, сенинг ёзганларингни ўқиган одамлар бир куни: «Ҳой, нега ўз шеригингга тош отаяпсан», деб айтмайдиларми?


Худо сенга илм берди, ёзиш, одамларни яхшиликка бошлаш фасоҳатини берди. Аммо энди бунга ўзинг амал қилмасанг, биласанми нима бўлади? Бўлмаса билиб қўй: қиёмат куни бир одамни дўзахга ташлаган эканлар. Унинг ичаклари қорнидан отилиб чиқар экан. Тегирмон тоши бураб айлангани каби ичаклари буралиб, бутун аъзои баданига азоб бераверар экан. Шунда дўзахийлар ўраб олиб, нима гуноҳ қилгансан, деб сўрайверар экан. У одам эса инграганча: «Бировларни яхшиликка чорлардим-у, ўзим бу ёмонликлардан қайтмасдим. Ўзим билганимга амал қилмаганим учун жазоимни олаяпман», — деярд экан.

Ўша йили шифохонадан чиқар эканман, яна кўп йиллар бошим оғриб юрди, лекин ичишни мутлақо ташлаб юбордим, шу касаллигимга даво топдим ва бу касаллик менда бошқа ҳеч қайтарилмади. Уйланган ўртоғимни эса бир йилдан кейин, фарзанди туғилиб, уни «ювиш»га айтишга келганда кўрдим. Ўртоғимга оқибатсизлигини юзига солмадим, лекин ўтиришига бормадим.

Зотан, мен умримнинг охиригача етадиган сабоқ олган эдим.

— Шу билан бирга, яхшилик қилгин-у, дарров унутиб юбор, — деди онам. — Унутмасанг, ўзингни қийнаганинг қолади. Миннат азоби — оғир азоб. Зеро, бировга яхшилик қилишдан ҳеч қачон тўхтама. Зеро, бир шам бошқа шамни ёққани билан нуридан ҳеч нарса камайиб қолмайди. Қилган яхшилигинг, бари-

бир бир кунмас-бир кун қайтиб келали. У сен кутмаган жойдан келади. Оллоҳ ҳисоб-китобда ҳеч қачон алашмайди. 2397 та яхшилик қилсанг, худди шунча яхшилик ўзингга қайтади. Қилган яхшиликларингни сонини ҳам санаб юрма. Барибир адашиб кетасан. Ҳеч қачон, ҳамма нарсага ўз ақлим билан эришаман, деб ўйлама. Сендан минг бора ақлилар ҳам, Худо йўл бермаса ҳеч нарсага эришолмайди. Подшолар ҳам ўз ақлим туфайли подшо бўлдим деса, адашади. Тангри, сенинг тақдир йўлингни шундай чизиб қўйганки, балиқлар қанот чиқариб, осмондан дарёнинг боши қаерда-ю, охири қаерда тугашини кўра олмаганидай, сен ҳам тақдиринг йўлини юқоридан туриб кўраолмайсан. Зеро, кўришинг балиққа кераги йўқ. Сента ҳам!



Бир гал шеърларимни жуда қаттиқ танқид қилишди. Ишдан ҳам бўшатишди. Агар, шеърларимни йиғиб олмасам, вазият бундан ҳам жиддийлашиб кетишини, ҳамма томон ёниб кетиши мумкинлигини айтишди. Бошим карахт бўлиб, ҳеч жойга сиғмай қолдим.

Оилам бағрига ҳам, ёр-дўстлар даврасига ҳам, устозлар паноҳига ҳам сиғмай қолдим. Икки ярим миллион аҳоли яшайдиган шаҳарда битта онамга тенг келадиган одам топилмади.

Ярим кечаси уйга кириб бордим.

Онам:

— Яхши юрибсанми? — дедилар.

— Тузук, — дедим.

— Нима бўлди, ишдан ҳайдашдими? — деди онам.

— Йўқ, ҳамма ишларим жойида, — дедим.

— Сени ишдан ҳайдашибди, аҳволинг ҳам чағоқ, нима бўлди? — деди онам.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, — дедим, зўрға овозим чиқиб.

— Айтавер энди, ишинг яхшимаслигини ранг-
рўйингга қараб билиб турибман, — деди онам.

— Энди қишлоққа қайтиб келаман. Тошкентда мен
учун ҳаёт тугади, — дедим.

— Йўқ, сен ҳали Ўзбекистон халқ ёзувчиси
бўласан, номинг тарихда қолади, одамлар сен ёзган
асарларни асрлар оша ўқиб юришади. Тошкентда
ишламасанг, ишлама. Лекин ўша ерда ижод қиласан,
китоб ёзасан. Сени ҳам, болаларингни ҳам ўзим
боқаман. Ўзим ҳар ойда пул етказиб тураман. Ҳеч
нарсага зориқмайсан. Сен пулнинг кетидан қувма,
пул сенинг кетингдан қувсин. Ҳаммаям шоир
бўлавермайди. Сени ҳеч қачон бировга хўрлатиб
қўймайман. Етим одам бўлмасми, отга етиб
минмасми?! Ана, акангни машинаси турибди, обориб
сот-да, пулини еб ётавер. То ишинг ўнгангунча, Худо
пошшо. Сигир воқеаси ёдингдан кўтарилдими?!
Демак, энди ризкинг бошқа жойда. Қани, айтиб бер-
чи, қайси кўнгли қора баттол изингга тушди?

Мен, бўлган воқеаларни айтиб бердим. Ховосда
бир ойга яқин қолиб кетдим. Онам билан, азиз-авлиё-
ларни зиёрат қилдик, Самарқандга, Бухорога бордик.
Акамни машинасида жуда кўп зиёратгоҳларни кезиб,
Худодан ёмон кишиларга инсоф, яхшиларга рушду
ҳидоят сўрадик. Бир кун Тошкентдан мени йўқлаб,
қўнғироқ бўлиб қолди. Яқинларим, ҳамма хавф-хатар
ўтиб кетганини, энди ишим қайта тикланиши мум-
кинлигини айтишди. Мен сафар тадоригига тушдим.

Онам, душманларимдан ўч олмаслигимни, ин-
дамай юраверишимни, уларни кўрганда ўзимни худди
ҳеч нарса билмагандай, худди ҳеч нарса бўлмагандай
тутишимни қайта-қайта тайинладилар. Душманни
душман эканини юзига солсанг, очиқ душманга
айланади ва уни душман деб билишингни унутмай,
дўстлик қўлини чўзмайди. Душманнинг душман
эканлигини ўзига билдирмасанг, у душманлигимни

билмайди дея, дўст бўлиб келиши осонлашади. Душманнинг душман эканлигини ўзинг билсанг кифоя ва бу билишингни ҳеч кимга билдирма, дедилар ва тилга эҳтиёт бўлишим шартлигини қайта-қайта тайинладилар.

Бу таъкидлар эсимда қолиши учун, бир ривоят айтиб бердилар:

— Бир тўнғиз йўлнинг ўртасини кесиб ўтаётган экан. Уни кўрган Расулulloҳ: — Э, Худо шу махлуқнинг, йўлдан эсон-омон ўтиб олсин-да, — дебдилар. Пайғамбаримизнинг сўзларини эшитиб турган саҳобаи киромлар:

— Ё, Расулulloҳ, бу тўнғиз Худо лаънатлаган махлуқ бўлса, нега уни алқаяпсиз? — дейишса, Расулulloҳ: — Уни кўриб, тилимга ёмон сўз келмаслиги учун, тилимни асраш учун, тилимни ёмон сўзга ўргатиб қўймаслик учун, уни яхши сўз айтиб алқадим, айтганим тўнғизни асраш учун эмас, ўз тилимни бўлмағур сўзлардан асраш учун эди. Сизлар ҳам, ҳар ёмон нарсани кўрганда, ёмон сўз айтишдан тилингни тийинг, — деган эканлар. Сен ҳам ҳар ёмон нарсани кўрганда, шу нарса ёмон деб, айтишдан тилингни тий. Тилинг ҳамини яхшиликка хизмат қилсин. Ҳаёт ҳам худди катта кўчага ўхшайди. Ундан яхши ҳам, ёмон ҳам ўтаверади. Агар ёмонга бир марта ёмон десанг, иккинчи бор кўрганингда ҳам ёмон дейсан. Шу билан назаринг фақат ёмон нарсаларга тушадиган бўлиб қолади. Шоир одам бу ҳолатдан ўзини қутқариши керак. Ёмонни ёмон дейиш, ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Ёмонни, фақат яхшисан деб, яхшилаш мумкин. Ҳаёт кўчасидан тўнғизлар кеча ҳам ўтгани, бугун ҳам ўтади, эртага ҳам.

Шундан сўнг менинг ижодимда, ҳаётнинг қора томонларини кўрсатувчи лавҳалар, бировни устидан кулувчи, ҳақоратловчи чизиқлар мутлақо йўқолди. Бу онам берган илк сабоқлар эди.

Мулоҳаза

«Сиз ҳамон ўшасиз» китобим чоп этилган кезлар эди. Китобда асосан муҳаббат мавзуси ёритилганди.

— Шулар бари рост гапларми, — деди ойим, худди ўзи учун қоронғи хислатларимни кашф этгандай.

— Одамлар ҳозир кўпроқ шу мавзуга қизиқади, — дедим.

— Нимагадир одамларнинг оғир турмуши ҳақида бир оғиз сўз йўғ-а, — деди ойим, мен худди одамлардан узилиб қолгандай.

— У мавзулар бошимга қийинчиликлар олиб келиши мумкин, — дедим сириш фош бўлиб қолишидан кўрқиб.

— Эртага ўғил-қизларинг катта бўлади. Сени ёзганларингни ўқиб, улар ҳам ўлдим-куйдимга тушмайдими?

— Ёзсам, фақат ўзимни эмас, бошқалар ҳаётини ҳам ёзаман. Этикдўз фақат ўзининг этигини ямамайди-ку! Менинг ҳам касбим этикдўзникига ўхшайди. Фақат мен этик тикмайман. Ким нимани кўтариб келса, ямаб беравермайман. Кўнглимга ёққанини ямайман, янгича турдаги, янги фасондаги этикларни яратаман. Бисотимда ҳали ҳеч ким киймаган этиклар ҳам бор. Уларни эртанги кун одамлари кияди.

— Ёзсанг, фақат рост нарсаларни ёз. Ростгўйлигинг одамлар сенга бугун ҳам, эртага ҳам ишонишига кафолат. Сен ўзингни ҳаётингда бўлмаган кўп нарсаларни ҳам ёзгансан.

— Ўзимни ҳаётимда бўлмаган, лекин ҳаётда бўлган, биттаям ёлғон кўшмаганман. Ўзи, ҳаётдан олиб ёзсангиз, ҳеч ким ишонмайди, ҳеч ким ишонмадими, демак, мен ёмон ёзувчиман.

— Бир чўпон бўлган экан. Яйловда кўй боқиб юриб, «Қани, кўйларимни бўрилар бўғизлаяпти, деб дод солсам одамлар ёрдамга келармикан», — деб ўйлабди ва одамларни синаш учун ёлғондан бақира бошлабди. Биров белкурак, биров паншаха кўтариб, ёрдамга югурибди.

Яйловга одам уюлиб кетибди. Чўпон, бўрилар қочиб кетди, деб ёлғон гапирибди ва одамларни лақиллатгандан ич-ичидан завқланиб кулибди. Бир ҳафтадан сўнг бўлиб ўтган воқеаларнинг хумори тутиб, яна одамларни ёрдамга чақирибди. Мол аччиғи — жон аччиғи деганларидек яна одамлар тўпланиб келибди. Чўпон, қанчалик қудратли эканлигини ҳис қилиб, яна ўзидан гурурланибди. Лекин, бўлиб ўтган воқеадан бир ҳафта ўтмай, бўрилар ростдан сурувга ҳужум қилиб, қўйларни бўғизлай бошлабди. Чўпон дод солиб бақирибди. Одамлар, чўпон бизни бу сафар ҳам алдаяпти, деб ёрдамга шошилмабди. Чўпон нима қилишини билмай, у ёққа югурибди, бу ёққа югурибди, охири тақдирга тан берибди.

Одамлар келгач, ўзини уларнинг оёқлари остига ташлабди. Одамлар бўри қолиб, чўпонни роса савалабди.

Ёзувчининг иши ҳам шу чўпоннинг ҳою-ҳавасига ўхшайди. Одамларни ўзимга жалб қиламан, уларнинг эътиборини қаратаман, деб ёлғондан дод-вой қилса, бир кунмас-бир кун сири фош бўлади ва бор-йўғидан айрилиб, таёқ остида қолади. Агар у бўрилар ҳужум қилганда бақирса эди, зийраклиги учун одамлар олқишига сазовор бўларди, ҳам сурувини омон сақлаб қоларди.

Мен ҳаётда бировни шунчалик куйиб-пишиб яхши кўрганингга ишонмайман, агар ростдан шундай бўлганида, мен буни билган бўлар эдим, — дедилар онам.

— Муҳаббат ҳақида ҳамма ёзганларим, бу менинг орзуларим, армонларим. Бу менинг юрагимнинг исёнлари, ўз ҳаётимдан норозиликларим. Лекин қанча исён қилмай ўз ҳаётимни ўзгартиришга журъатим, жасоратим етмади.

Оилам шу қадар мустаҳкам қўрғон эканки, мингта бомба портласа ҳам бутун қолаверди.

Муҳаббат ҳақида ёзганларимнинг ҳеч ёлғони йўқ. Муҳаббатнинг менинг тақдиримни ўзгартириб юборишга қуввати етмади, холос. Шунинг учун ҳам балки сохта туюлар, лекин унсиз йиғлаётган одамни сохта йиғлаяпти, деб бўлмайди.



Катта опачам ўқишни битириб келгандан сўнг уйимизда тўйга пинҳона тайёргарлик кўрила бошланди. Акам, совчилар келиб қолади, деб уйимизни оқлаб чиқди. Онам, қўни-қўшнилари чақириб, ҳовлида пат тўқий бошлади. Сингилларим ҳар куни ҳовли супуриб, сув сепарди. Мен эса қўрадаги қўйларга ҳар доимгидан кўра кўпроқ ўт ташлардим.

Опачамни болалигиданоқ бир қариндошимизнинг ўғлига бешиккертди қилиб қулоғини тишлатиб қўйишганди. Бу ишнинг бошида катта энам тургани учун, ҳеч ким онамнинг раъйини қайтаролмас, энам, ўлар чоғи борди-келдимиз узилиб кетмасин, деб онамнинг қулоғига қўйиб кетганди. Опачам содда, қўли ҳам, кўнгли ҳам очик, кўҳлик қиз эди. Уни сўраб-суриштирганнинг кети узилмас, лекин онам урф-одатларимизга содиқ қолиб, у бешиккертди қилинган оиладан одам келишини кутиб, тонг отқизарди. Ниҳоят бир куни, онам опачамнинг йўлини бойлаб туришни истамай қариндош-уруғлар орқали ўзи оғиз солиб юборди. Қариндошимиз ўша пайтда бой, уруғимиз ичида обрў-мартабали, онам ҳам шу уруғнинг вакили сифатида, албатта унинг раъйига қарар, шу билан бирга у билан куда-анда бўлишни яширинча бўлсада, орзу қиларди. Ниҳоят, жавоб ҳам келди. Бой ота:

— Куя бойлаб, бит боқиб ўтирибди-ю, шуларни нимаси билан куда бўламан, — дебди.

Буни эшитган онам қалтираб йиғлади:

— Отаси уюб-уюб мол топганда, ҳаммаси уймалашиб ўтириб ер эди. Энди улар бой, биз камбағал бўлдикми?! Онамнинг юз-хотирини қилиб, унга қиз бераман десам, у ноз қилдими?! Кўчада қиз тугул, тезак қолмайди, камбағалнинг пешонасига мол битмайдими? Уруғимни ўйласам, ўзагимни ўйгани шуми? Қизимни шундай ерларга узатай, қизим кўрган тўйларни ўғли

қирқ йилда ҳам кўрмасин. Бориб айтинглар, бир ҳафтадан кейин бизникига тўйга келаверсин. Мен қизимни ундан бойроқ, ундан мартабалироқ хонадонга узатаман, у келиб, тўйда офтобада сув кўтариб, хизмат қилади. Ўзи ҳам, ўғли ҳам бир умр пушаймонда ўтади.


Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Бир ҳафта деганда опачамни узатдик. Унинг ўғли эса мана йигирма йилдан ортиқ вақт ўтаяпти, ҳали уйлангани йўқ.

Онам берган ўғитлар

— Ўқиган ўғил отадан улуғ. Одам куппа-кундуз бемалол, энсасини кўтариб юради. Қоқилмайди, уринмайди, суринмайди. Бу — ўқиганнинг юриши.

Одам қоронғида букчайиб, тиришиб, аланг-жалаңг юради. Узоқни кўрмайди, кўзини ердан узмайди. Бу — ўқимаганнинг юриши. Мана, ҳаётингда иккита йўл, танла.

Сенга қайсиси маъқул?!




Онам айтганди:

Биров билан ошнализингни биров билмасин, билса, ораларингни бузиш пайига тушади.



Онам айтганди:

Худо сенга шоирлик отини берди-ю, ҳали бу отга минганинг йўқ, етаклаб юрибсан, холос.



Онам айтганди:

Яхши билгинки, Ер юзидаги ҳамма бойлик ҳаммага тенг бўлиниб берилса, беш йилдан кейин яна бой бойга, камбағал камбағалга ажралиб, эски ҳолига келади. Беш қўл баробар эмас, деганнинг маъноси шу.



Онам айтганди:

Омади кулганнинг олдидан жилмагин. Худога бир қилиғи ёққанки, иқболини баланд қилган. Омадлини ёнида чопсанг, омадингни топасан. Омадсиздан ошно топсанг, омадингни олдини ёпасан.



Бир овул тулкисини овлайман десанг, шу овул тозисини топ. Ёмон кўрган душманинг бўлса ҳам, яхши дўст бўлиб ичига кир. Шу қадар яқиндан ўрганки, душманидан яширган бирор айби яширин қолмасин. Душманлари кимлигини билишингни ўзи, етарлича душманлик қилишингга етади. Чинор дарахтини бир болта чопа бошлабди. Шохлардан бири:

— Бизни чопишаяпти, — деб чинқирибди жон-қолатда.

Иккинчи шох айтибди:

— Бу чинорнинг мингта шохи бор, қайси бирини кесарди, унгача ўзи ҳам синади, — деса, биринчи шох янада ваҳималироқ қичқирибди:

— Йўқ, йўқ, у ҳаммамизни чопиб ташлайди, сопини ўзимиздан олган экан!




Бир кун аёлим, устимдан онамга арз қилиб борганда, аёлимни койиб: Пайғамбаримизнинг айтган гаплари ҳеч эсингдан чиқмасин. Агар кишига бу дунёдаги завжаси озор етказса, боқий дунёдаги хурлардан бўлган завжаси, фоний дунёдаги завжасига қараб: «Уни қийнама, у сенинг оний фурсатли меҳмонингдир, ҳадемай у сени ташлаб, бизга келади», дер экан.

Шундай бўлгинки, малаклар чорлаганда ҳам, эринг сендан кўнгил узмай турсин. Уни сендан кетишга бугун мен йўл кўймайман, сен шундай қилгинки, у эртага сендан кетмасин. Агар сен яхши бўлсанг, санқиб-санқиб яна қайтиб келади. Ўзинг, ҳеч қачон мени ўғлимнинг устидан менга арз қилиб келма, — деган эканлар.



— Доимо салом-алиқда, бирга юриб — бирга турганмиз, бирга ишлаганмиз, ҳеч ёмонлик қилмаганман. Ўша одам нега менга ёмонлик қиляпти, ҳеч тушунмаяпман, — деганимда, онам:

— Нафақат ёмонлик қилмаган одамнингдан, баъзида яхшилик қилганингдан ҳам ёмонлик қайтади. Одамни фаришта деб ўйлама. Мен ҳатто, ҳаж зиёратида юрганимда, бир одамнинг иссиққа чидолмай: «Дўзахга келиб қолибман-ку!» деган гапини эшитганман, — дегандилар.



— Одам ўз ҳаётининг эллик бир фоизини яхшилик билан ўтқазса ҳам, яхши одамдир. Яна Худо биледи. Лекин, эркак одам аёл эмаски, кўчада биров туртса, индамай кетадиган. То қайтариб туртмагунча, аёлсифат бўлиб тураверади. Унинг жавоб қайтармаслиги яхшилик аломати эмас.



— Сени намоз ўқишдан нимаики қайтарса, ўша сабабнинг тагида шайтон бор. Бундан, шайтон Худонинг рақиби экан, деб ўйлама, шайтон — инсоннинг рақиби. Агар, шайтон Худонинг рақиби бўлганда, Худо аллақачон уни йўқ қилиб юборарди. Шайтоннинг кучи ожиз одамга етади, холос.



— Бир аёл нимаики иш қилса, «Бисмиллоҳ» деб бошлар, бундан эрининг гаши келар экан. Бир кун у, бир даста пул бериб, «Ма, яшириб қўй», — дебди. Аёл, пулни сандиққа бекитиб қўйибди. Бироздан сўнг, эр келиб, яширинча сандиқдан пулни олибди ва ташқарига чиқиб кетибди.

Бироз, фурсат ўтгач, қайтиб келиб, «Пулни бу ёққа бер, керак бўлиб қолди», — дебди. Аёл, «Бисмиллоҳ» деб ўрнидан турибди, «Бисмиллоҳ» деб, калитни қулфга суқибди. «Бисмиллоҳ» деб қўлини сандиққа солибди ва ...пулни эрига узатибди. Эр шу заҳоти гуноҳини сўраб, тавба қилган экан.



Аёл киши — Оллоҳнинг неъматидир. Унинг сочлариди, қошларининг ҳар бир мўйида биттадан фаришта ўтиради. Агар аҳли аёлинг сочларини силай бошласанг, фаришталар сенга таҳсин айтиб, миннатдорчилик изҳор қилиб туради.



Онам айтгандилар:

— Шундай гап гапирки, гапингда маъно бўлсин. Олдинда юрувчи, орқадан келувчининг кўприги. Ҳар гапирганинда, одамлар билан сенинг кўнглинг ўртасида кўприк қурилсин. Агар гапингда маъно бўлмаса, бу кўприк синиқ кўприкдир. Сўз ҳам муқаддас нарса. Сўз ҳам тасбеҳ шодаларига ўхшайди. Агар ўртадаги ип — маъни бўлмаса, шодаларнинг ўзи ҳар ёққа сочилиб кетади ва тасбеҳ бўлаолмайди. Шундай гап гапирки, гапинг такрор-такрор айтиладиган гап бўлсин. Сўз — одамзотнинг сўнгги нафасигача ҳамроҳ бўладиган содиқ дўстидир. Сувнинг онаси — булоқ, сўзнинг онаси — қулоқ.



Бу воқса бир неча йил аввал бўлиб ўтганлиги. Уни эслашга юрагим бетламас, нима бўлиб ўтгани хаёлимга келаверса, ўз-ўзидан ваҳима босар, Худонинг мен ношудга қилган ўша кунги марҳамати мўъжизали туюлар, Тангрининг бу қадар карами кенглигидан кўзимга ёш қуйиларди. Ҳатто энг яқин дўстларимга, оила аъзоларимга ҳам бу фавқуллодда юз берган воқеани айта олмас, лекин бир кунмас бир кун айтишни дилимга тутиб юрардим. Бугун кўлимга қалам олишга ундаган ғайритабиий шижоат эса, мени ҳақоқатини сақлаб қолган кишилардан сизқидилдан миннатдор бўлганим ва ўз ташаккурим етмаса, ушбу ҳикояни ўқиган муштарийлар, зеро, мана шундай ошқинас одамлар шаънига мен учун офаринлар ёндирса, дегди беғубор ниятим тинч қўймагани учундир.

23 июл кечки соат етти яримларда бир оз сатқинлаш учун Бўзсувнинг Юнусободаги бошланғич қисмида дам ола бошладик.

Ёнимда аёлим, ёш боласи билан бирга эди.

Албатта, ёз кунлари мавжланиб оқётган шовулду сувнинг афсунгарона оҳанрабои бўлган.

Чўмилиш хаёлда йўқ эди. Лекин, сержиким сувни кўргач, бир неча елдим дақиқалар ичун сувни эс-хушимни йўқотганча шовулдаб оқётган даража ўзимни отдим.

Сув муздек, роҳатижон эди. Аккоин бадамни сувга мослашиб, бутун ташвиш-ўйларим сувга сиккириб чарчоқларим ўз-ўзидан ёзилди бошладим. Лекин, қўлим бу даража бўш қўйишимга, эркин сузишимга жўш жўш эди. Чунки сузишни яхши билмас, мен сузишимни ўқиб қирғоққа яқин жойда бўлишни лозим эди. Ҳар соатлардан сўнг, шу хаёлда орқани сувга сиккириб қўри оз толиққан, кўлларим ғайририхтиёрлиги учун сувга оқиб эди. Мен турган жой, чамалаб қардим.

ўртаси бўлиб, у ёққа қараб шўнғисам ҳам, бу ёққа қараб шўнғисам ҳам оралиқдаги масофа узоқлиги бир хилда узоқ эди. Жон-жаҳдим билан орқага қараб суза бошладим. Лекин, уринишларим шу қадар беҳуда эдики, қанча уринсам, шунча қирғоқдан узоқлашаётган эканман. Мен, дарёнинг бурилишида сув айланадиган жойга келиб қолгандим. Кўп ўтмай, балки икки-уч сониядир, қаттиқ толиқиб қолдим. Сув, назаримда совукдай туюла бошлади. Кўлларим акашакдай қотиб, тараша ҳолига келаётганди. Қолаверса, бутун танамни молтиб ҳаракатга келтирганда ҳам, бир жойда айланаверишдан ўзга иложим, чорам йўқ экан. Қирғоққа қарасам, бўм-бўш, кимсасиз. Аёлим эса, анча нарида бир ярим ёшли Жавҳарбекни кўлида кўтариб турибди.

Томоғимга «Ёрдам беринглар, ёрдам!» деган ўкирик келди. Бу сўзни қай даражада баланд чиққанини англай олмайман. Лекин овозим борича чинқирганим рост: «Ёрдам беринглар, ёрдам!»

Ҳозир мени шу овозгина қутқариб қолиши, шу овозгина халоскоримга айланиб ҳолимдан ўзгаларни воқиф қилиши мумкин эди. Энди акашак бўлиб қотиб қолган кўлларимдан ҳам, типирчилаётган оёқларимдан ҳам, саросимага тушган ўй-хаёлларимдан ҳам умид йўқ. Кечки пайт бўлгани учун чўмилувчилар тарқаб бўлган, қоронғи оқшом чўкиб, шаҳарнинг бир чеккасидаги бу гўша хувиллаб турарди. Энди, сувга бир ботиб, бир сузиб чиқар, ҳеч бўлмаса кўлларимни тепага кўтарар, бир бора нафас олиш учун, жону жаҳдимни аямасдим. Хаёлимга эса турли ўйлар урилар, «Одам мана шундай осонгина ўлиб кетаркан-да, шунчалик мард бўлиб юришлар, манаман дейишлар хазон япроғидан ҳам заифроқ одамзотга ярашмас экан-да», деган фикрлар ҳаётимга яқун ясамоқчи бўларди.

Кўз олдимга онам келди. «Онажон» деган ҳайқириқ бўғзимдан отилиб чиқди. «Онам, энди менинг доғимда куйиб адо бўлади, — деган фикр йилт этиб

хаёлимдан ўтди. — Ўғлим, қизим, хотиним йўлини топиб кетиши мумкин, лекин онам, менсиз яшаб кетолмайди. Онам ўзини ўзи еб қўяди. Онам адо бўлади. Йўқ, йўқ, онам яшаши керак. Онам мени деб ўлмаслиги керак. Онамни қутқаришим керак. Онам бу гаму ҳасратни кўтаролмайди». Ва яна қаттиқроқ силкиниб сув юзига чиқдим. Лекин бу илкис ҳаракат узоқ чўзилмади, яна сув остига ихтиёрсиз ботиб кетдим. Ҳаёт билан хайрлашув лаҳзалари, кинотасмасидай шириллаб жуда кўп одамларни тасаввуримга олиб келди. Мен сув ичида нафасим қайтиб, оқиб кетаётгандим. Бошим кўринмагани учун ёрдам бергувчилар мени топиб олиши энди даргумон эди.

«Қисматим мана шундай, ҳеч қандай хулосасиз, катта даъволарим номаълум бўшлиққа юз бурган равишда яқун топаркан-да, ҳасдай одам эдим, ҳасдай йўқ бўлмоқдаман, хайр, бевафо ва қудратли ҳаёт» деган мажолсиз ўй қарахт бошимда адашган шарпадай кезарди. Сўнгра бутунлай хушимни йўқотдим.

Орадан қанча вақт ўтди, билмайман, уч-тўрт киши қирғоққа мени кўтариб чиқишолмай, шовқин-сурон солаётгани қулоғимга элас-элас чалина бошладим. Бутунлай ҳолсиз, музлаган гўштдай қотиб қолганим. Бошим кўкрагимга тушиб кетган, ўпкам сувга тушишидан нафас ололмасдим. Сув тагида кўп қотиб кетганимдан қирғоқда бир-икки соат ётсам-да, ҳеч қандай ни, оёқларимни қимирлатолмас, бошим аздам ҳарикат қилмаётган эдим.

Бошимда гирдикапалак бўлиб уч-тўрт киши айланиб, гап-сўзлари қулоғимга чалинар, лекин сўзларимдан туролмасдим.

— Мен, энди чўкиб кетди, деб ўйлаган одам — қандай бошимда турганлардан бири.

— Агар, охири марта бошим сувдан қутқарилганим кўрмаганимизда, тамом эди, — дегани билан ўзимни қутқаришга ҳаракат қилдим.

Худойим, жонимни омон сизга қўйиб берди.

Фаришталаринг муҳофаза қилганига шукр! Онамни ёдимга солганингга шукр. Ҳаётимда, онамдай азиз одам борлигига шукр! Ўша, мен бақо даргоҳига юз буриб кетаётганимда ёдимга онам келмаганида бу бевафо ҳаётда мени ҳеч нарса ушлаб қололмасди. Менинг жонимни бало-қазолардан сақлагувчи фаритасиз онажон! Аниқ биламан, ўша куни ҳаётга сиз учун қайтдим. Сиз азоб-уқубатда қолмаслигингиз учун қайтдим, сиз учун ўзимни қутқараман дедим, балки ўша куни мени қутқармаганларида, бугун ҳаёт шамим сўнган бўлар эди, лекин мен сиз учун ҳаракат қилдим ва бу ҳаракатим Худога ёққани учун омон қолдим. Борингизга шукр, онажон. То бор экансиз, ўзимни ўлим чангалидан қутқариб қолавераман, онажон! То сиз бор экансиз, бу ҳаётга мени боғлаб турувчи энг улуғ риштасиз, онажон!



Бу воқеаларни бўлиб ўтганига йигирма йилдан ошди. Эсимда қолиши учун кундалик тутмаганман, қачонлардир ёзаман, деб ўйламаганман. Ўша пайтда онамнинг айтган гапларидан, бирор воқеага берган баҳосидан, чиқарган ажримидан ҳайратга тушганим ва йиллар ўтган сари, онам айтганлари нақадар ҳақ эканига қайта-қайта иқроор бўлганим учун, онамнинг сўзлари ўз-ўзидан хотирамда такрорланавергани учун, бугун уларни қийналмай эслаяпман, аниқроғи, юрагинг тубида бир умр сақланиб, йиллар синовидан ўтган гапларни ёзмасдан, яна нимани ҳам ёзардим, деган қайсар бир туйғу, туртки бўлгани учун ҳам, бир воқеани, у гарчанд шахсий ва оиламизнинг ички сири бўлишига қарамай, барибир ошкор этишга журъат қилдим.

Опачамни янги узатган йилларимиз эди. Қишлоқда ойликни ўз вақтида беришмас, кўнлар, ўзларини бо-

зорга уришган, у-бу сотиш билан рўзғор тебратиларди. Бизнинг куёв эса савдо соҳасида мутлақо нуноқ чиқиб қолди ва у-бу олиб-сотишдан ор қилди. Уйда ёш бола бор. Уйда қозон қайнамаса бўлмайди. Онам, ҳаммадан бекитиқча ёғ ташийди, картошка ташийди, пиёз ташийди, хуллас, қўлларига нима илinsa, унга ёққа кўтара жўнайди. Устига-устак, қийинчилик алаמידанми, куёв «озгина» отадиган, жаҳли чиққанда опачамни дўппослайдиган одат чиқарди.

Бир куни, сўрида ўтирсам, опачам йнглаб келиб қолди.

Кўзлари кўкарган, юзлари моматалоқ, кийимлари ҳам бир алфозда. Орқасидан эргашиган куёв фирт маст.

— Уйга қайт, деяпман... — дейди-ю, сўкинади.

Бундай пайтда ким индамай қараб тураолади. Шарт ўрнимдан туриб, куёвга ташландим. Онам таёқ билан мени савалай кетди.

Нукул: «Сен орага тушма, аралашма, ишинг бўлмасин», — дер, менинг эса туғишган жигарим хўрлангани газабимни кўзгатарди. Кейин, онам куёвни ортга қайтариб: — Тез қайтиб кетавер, ўзим эргага етказиб бораман, — деб дарвозадан чиқариб юбурдилар. Сўнгра уйга кириб, опачамни сўроққа туталар:

— Хўш, нимага келдинг.


— Ҳа, индамасам ҳам ураверади...

— Урса, ўлиб қолмайсан. Эркак киши хотинини хоҳласа уради, хоҳласа суяди. Топиб-тутиб келса, пишириб олдига қўй, опкемаса индамай ўтиравер. У йўқ, бу йўқ деб, чурқ этиб оғзингни очма. Эрни эр деб билсанг, оёғига юзингни қўй деб, бурунчилардан. Ойша онамиздан қолган гап бор. Эр қўймаса, кўчага чиқма. Уйда ўтир. Дувдинглаб келаверма. Ўқиганман деб, ўқиганингни пеш қилма. Тошкентда ўқиб, бир парча қоғоз олиб келганинг илм эмас. Худо эркак кишини рўзғорни эгаси қилиб қўйдими, хотин кишини эрининг чизган чизигидан чиқма, деб қўйди-

ми, Худонинг шу айтганига бўйин эгишни илм дейди, рўзгорни аста опкетганни, эр билан тинчиб рўзгор қилиб кетганни, илмли хотин дейди. Уйни бузган хотинни ҳеч ким ўқиган хотин демайди. Қачон эр билан мураса қилиб кетасан, кейин одам бўласан. Рўзгор бузилса, ҳеч ким эрдан кўрмайди, ҳамма биринчи хотиндан кўради. Хотининг бўлса ёмон, ундан яхшидир чаён деб, бурунгилар айтган. Ҳеч ким эрни ёмон демайди. Эр нима, чирт бурилади-да, бошқа биров билан кетаверади, ҳеч ким уни гуноҳкор демайди. Қадим-қадимдан ота-боболаримиздан «чиққан қиз чиғириқдан ташқари» деган гап келади. Пешонангга шу эр ёзилганми, шу эр билан кунингни ўтказиб кетавер. Пайғамбаримиз: «Худодан бошқага сифинманглар. Агар одам одамга сифиниши буюрилса, мен хотинларнинг эрларига сифинишини буюрардим», деганлар. Сен ҳам фаришта эмассан, эринг ҳам фаришта эмас. Лекин, эрингни хизматини қилиб, Худодан шунча кўп савоб олгинки, фаришталар ҳам, шунча савоб олганингни кўриб, ҳавас қилсин».

Бу гаплар ўшанда мени ҳайратлантирган, аммо ғазабимни сўндирмаганди. Орадан йиллар ўтди, опамнинг уйи тинчиб, мана бугун фарзандлари улғайди. Куёв ҳам жуда яхши одамга айланди. Уларнинг оиласидаги тотувликни, фаровонликни кўриб, кишининг ҳаваси келади ва уларни аҳилликка чорлаганида, онам қанчалар ҳақ бўлганига, қайта-қайта иқрор бўламан. Ўшанда жаҳлим чиққанига, калта ўйлаганимга пушаймон қиламан. Ўшанда, орага туширмай, онам мени бир балодан қутқариб қолган экан. Агар, ўшанда орага тушганимда, уларнинг бугунги бахтли ҳаётидан, балки маҳрум этган бўлармидим, ёки бир умр юзим қаро бўлиб юрармидим. Ахир уларнинг бир-биридан чиройли, ақлли, баркамол фарзандларини кўриб, уларнинг оиласидаги тинчлик-тотувликни кўриб, оила деган муқаддас кўрғон қурганларига,

бу файзли кўрғон ҳали яна юз йиллар мустаҳкам туришига, юзлаб неvara, чевара, эвараларга бош-қош бўлишига ишонаман ва бу оиланинг бузилишига йўл қўймаган Худога шукроналар келтираман, онамга тасаннолар айтаман.



Бир куни Ховосга борганимда, ёш шоирлар келиб қолишди. Шеърларини тузатиб бера бошладим. Шунда онам:

— Буларнинг шеърини эмас, ўзларини тузат. Сен ҳозир кетасан. Булар яна ёзади. Яна келиб, яна тузатасанми? Буларни ўзини тузатиб, ўзларини тўғри йўлга солиб юборсанг, ёзадиган янги шеърлари ўз-ўзидан тузалиб ёзилади. Аввало, шеърни эмас, шоирни тузатиш керак. Сен ҳозир, дўхтирнинг ўзини дўхтирликка ўргатмай, унинг касалларини тузатаётган дўхтирга ўхшайсан. Бировнинг қўли синган, биров ўпкасини шамоллатган, бировнинг ўйлаган ўйи, бировнинг фикри касалланган бўлади. Ёзувчининг касби, худди дўхтир каби фикри бузуқларни тўғри йўлга солиш. Ёзганидан одамларга фойда бўлмас экан, ёзмагани яхши. Бировнинг қўли чиқса-ю, дўхтир қийшиқ солиб қўйса, қанча маломатга қолади. Ёзувчи ҳам қийшиқ маслаҳат бериб қўйса, боши маломат тошидан ёрилгани маъқул. Сен, уларнинг шеърларини эмас, аввало қалбларини ўқи. Юракларидаги гапни ўқиб, йўл кўрсат, юракларидаги гаплардан шеър яса, юракларидаги туйғуларини ўзларига ошкор этиб бер ва қандай гулдаста ясаш кераклигини ўргат. Ҳозир буларнинг шеърларига қараб фикрлама, кўнгилларига меҳрингни бер, меҳринг қоронғуликдаги чирокдай ёниб турсин. Бир сониялик меҳр юз йил жон сақлайди. Бир йил тут эксанг, юз йил гавҳар терасан. Қаҳратонда айтилган бир оғиз илик сўз, кишини музлаб қолишдан асрайди.



Бир кун мени яна ишдан ҳайдашди. Мен, ноҳақ ҳайдалганимни, яхши ишлаганимни, пок ва бегуноҳ эканлигимни гапириб, дардимни дoston қила бошладим.

Онам: — Сен ютқаздинг! Йиқилган курашга тўймас. Энди қанчалик ҳақ бўлма, ютган одамларнинг гапи тўғри бўлиб кетаверади. Ҳақиқат ютганлар тарафида туради. Душманинг куя бўлса ҳам, туя бил. Бир сичқон кетаётса қаршисидан мушук чиқиб қолибди. Жонҳолатда югуриб, дарахт ковагига кириб кетибди. Мушук, сичқонни ушлаш учун ит бўлиб вовуллай бошлабди. Сичқон, ит вовуллаётган бўлса, мушук кетгандир, деб ўйлабди ва ковакдан чиққан экан, мушукка ўлжа бўлибди. Модомики, қўлга тушган экан, ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигини ажрим қилишдан фойда йўқ. Фалаба мушукда кетди. Мушукдан: — Нега сичқонни единг, — деб сўраса: — Қўлимга тушмасин эди, мен ҳам яшаш учун курашяпман, дейди. Ютқаздингми тамом, тан олгин-да, бошқа ишингни қилиб кетавер. Сенга тош отганинг ҳар бири билан ётиб олиб курашаверсанг, мақсадинг қолиб кетади, манзилингга етолмайсан, — деганди.



«Людовик XIV»

Бир кун ётоқ мебели оладиган бўлиб қолдик. Оила курганимизга ўн беш йилдан ошган бўлса-да, оддий каравотда ётардик. Шаҳар айланиб, ўша пайтнинг энг яхши мебели «Людовик XIV»ни танладик. Лекин дўкончи, аввал ётоқхонангизни бўшатиб келинглари, дегани учун уйга қайтдик ва эски мебелларни танишларимизга бериб юбордик. Ётоқхонамиз хувиллаб қолди. Ўша кун кечқурун бир яхши танишим, ҳозиргина машинасини уриб олганини, пул ниҳоятда зарурлигини, бўлмаса қамалиб кетиши мумкинли-

гини ёлвориб, қарз сўради. Бир ойда қайтараман деб, қасам ичди. Нима дейишни билмай, тўплаган жамғармамизни бериб юбордик. Бир ой полда ётиб турадиган бўлдик. Аммо, афсуски пул бир ойда қайтмади. Икки ойда ҳам дарак бўлмади. Полда ётиб туриш жонга теккач, секин ўртоғимнинг уйига бордим. Ўртоғим, ҳозир иложим йўқ, сал кейин бераман, илтимос, озгина сабр қилинглар, деб изимга қайтарди. Нимаям дердим. Бу ҳол икки-уч бор такрорланди. Орадан бир йил ўтгач, яна ўртоғимникига бордим. Ўртоғимнинг асаби қайнаб турган экан, болаларини ҳайдаб келди:

— Ма, мана шулар ҳаммаси сенга. Ана хотинимни ҳам ол. Ҳозир, бир қоғоз оламан-да, мени ўлимимга, мана шу сабабчи деб, сени ёзаман, кейин ўзимни ойнадан пастга ташлайман.

Мен воқеанинг кескин тус олишидан анграйиб турардим.

— Сен нима деяпсан ўзи, — дерди у ҳамон бўриқиб, — уйимга келасан, тинчимни бузасан, пулимни бер дейсан, бўлса ўзим олиб бориб бермайманми, йўқ пулни қаердан олай? Ўзи сендан пул олганим ҳақида тилхатинг борми? Жуда, жонимдан тўйдириб юбординг-ку, ошна.

Болалари айюҳаннос солиб йиғлар, хотини ҳам лўлилик қила бошлагач, пулдан умидимни узиб, уйдан чиқиб кетдим.

Орадан икки йил ўтиб ҳам, ётоқ мебелига етарли пул жамғараолмадим. Эски каравотларимиз кетгандан буён полда ётардик. Мана шуниси алам қиларди.

Онам: — Муҳтож экан, шундай қилишга мажбур бўлганда, қийинчилик кишини не кўйга солмайди, энди бошқа сўраб борма, берганингни садақа деб юбор, Ойиша онамиз ҳам, бошида рўмолларининг ямоғи бўлатуриб, садақа улашганлар. Садақа етмиш ёмоннинг йўлини тўсали, — дедилар.

Бир куни ўртоғим билан кўришиб қолганда, «Кўп сиқилма, мени кўрганда юзингни очик тут, берган

пулимдан воз кечдим, эҳсон бўлсин», — дедим. У жуда қувониб кетди. Яна аввалгидай тез-тез кўришадиган бўлиб кетдик.

Бир кун у бизни уйига таклиф этди. Ўртоғимдан кўнглим қолган бўлса-да, қаттиқ илтимос қилавергач, қиёматли дўст бўламиз деб, ялинавергач, гина-кудуратларни унутиб, аёлим билан бордик. Янада алам қиладигани шундан кейин рўй берди.

Ўртоғим, уйини таъмирдан янги чиқарган экан, хоналарни бирма-бир кўрсата бошлади. Ётоқхонага кириб, ҳангу манг бўлиб қолдик. Уйда «Людовик XIV» турарди. Қачондир мен олишни ҳавас қилган ётоқ жиҳози, энди кўзимга балодай кўринди. Чурқ этмай хонадан чиқдим.

Кейинчалик, гапдан-гап чиқиб, билишимча, ўртоғим ҳеч қанақа автоҳалокатга йўлиқмаган, мебель олиш учун пул зарур бўлиб қолган ва мана шу «Людовик XIV»га кўзи тушиб, мендан қарз сўраб борган экан.

Бу ҳақда ҳам алам, ҳам кулгу билан онамга айтиб бердим.

— Бунақа шум одамларга Худойимнинг айтгани бор. Бу дунёда ким ким билан мол-дунё учун дўст бўлса, қиёматда бир-бирига душман бўлиб қайта тирилади. Ким билан, ўғрилиқ йўлида, порахўрлик йўлида, бир-бирингни алдаш йўлида, ёлгончилик йўлида дўст бўлсанг, бу дунёда бир-биринг билан қанча аҳил, қанча яқин, қанчалик қалин, бир бурда нонни ҳам бўлиб ейдиган даражада яқин бўлма, Худо учун дўст, оғайни бўлмас экансан, қиёматда душман бўлиб қайта тириласизлар ва бир-бирларингизни бўғишдан бошқа ишларинг бўлмайди.



Онам жуда кўп мақол, ҳикоят, ривоятларни биларди. Баъзида ҳайрон қоламан, бор-йўғи тўртинчи

синфни битирганлар, бунчалик илму ҳикматни қаердан олганлар. Аминманки, ўша етти йиллик мактабла бу илмларни ўргатишмаган. Балки, ўзлари айтганларидай, қўймақулоқ бўлганлари учун, одамлардан эшитганларини ёдларида сақлаб қолганларми, балки оталари уламо бўлгани учун, оталаридан ўрганиб олганларми, билмадим, мен учун онам — ҳайрат ва ҳикмат манбаидай туюлаверади. Гоҳида, катта адабиётшунос олимлар билан суҳбатлашиб ўтириб ҳам, инсон маънавияти учун зарур бўлган бундай пурмаъно донишмандликни тополмайсан ва шунда англайсанки, саводхонлик бошқа, билимли бўлиш бошқа, ҳикмат эгаси бўлиш бошқа экан. Мен, онам, дунёдаги энг зўр она, энг донишманд она десам арзийди, зеро, ҳамманинг онаси ўзи учун, дунёдаги энг зўр она, энг донишманд, энг меҳрибон, энг улуғ онадир. Зеро, мен ҳам онамнинг айтган гапларига, неча йиллаб эътибор бермаганман, айтган гапларини ёзиб юрмаганман, ёдимда сақламаганман. Ва бугун қанчалик кўп нарса йўқотганимни англаб турибман. Аминманки, сиз ҳам бир кун мана шундай иқрорга келасиз ва ёнингизда юрган, илму ҳикматга, барча кўрган-кечирганларидан хулоса чиқариб, тажриба қаймоғига, ҳаёт моҳиятига эга доно ва баркамол онангизга таъзимда бўласиз ва унинг айтганларини келгуси ҳаётингизда дастуриламал қилиш учун, фарзандларингизга айтиш учун ёзиб бориш пайига тушасиз. Шунда бу кундалик дафтар, бошқа ҳеч кимда йўқ, китоб бўлади — Оилавий китоб. У китоб, Ўзбекистондаги ҳамма оила ўқийдиган, дунёдаги ҳамма оила ўқишига арзийдиган китоб бўлади. Чунки, сизнинг китобингизни бош қахрамони — Она бўлади. Пайгамбаримиз (с.а.в) айтганлар: «Агар Ер юзида сизиниш жоиз зот бор бўлса, агар Аллоҳ шуни жоиз деб билса, мен бундай эҳтиромга фақат оналаргина лойиқ деб билардим».

Тангри сизинмоқни одам — одамга
Жоиз деса, жоиз келса бу одат,
Фарзандларга дердим: Ҳар кун, ҳар дамда
Онангизга қараб қилинг ибодат!

Бу ҳадиси шарифдан келиб чиқадики, Оналар Ер юзидаги энг муқаррама, энг мўътабар зотдирлар. Инсон зоти ҳақида бундан буюкроқ таъриф йўқ.

Она эса, инсонларнинг гултожи деган мушарраф номга ҳамиша эзгулик ва яхшилик тарафида туриши ҳисобига ноил бўлган.


Биринчи, иккинчи китобларим чоп этилиб чиққанда, онам айтгандилар:

Ҳазрат Амир Темур ўз лашкарлари билан узоқ сафардан ҳориб-толиқиб, оч қайтаётган эканлар, бир қишлоқ устидан чиқиб қолибдилар. Қишлоқ атрофи жуда кенг боғ бўлиб, боғда мевалар ҳил-ҳил пишиб ётган экан. Қишлоқ оқсоқоллари чиқиб, дарҳол улур саркардани кутиб олибдилар. Саркарда мунозара билан бир уйда анча вақт қолиб кетибди, бир пайт ташқарига чиқиб қараса, лак-лак лашкари отдан тушиб, соялаб турган эмиш-у, бирор аскар, боғ меваларини биронтасини ушлаб кўрмаган ҳам экан.

Шунда саркарда:

— Мана бу лашкар, мен истаган, мен орзу қилган, мен тарбиялаган лашкар, — деган эканлар.

Ҳар бир ёзувчи, ўзига мана шундай китобхонни орзу қилиши, мана шундай китобхонни исташи, тарбиялаши керак. Китобхон, ўз ёзувчисидан яхшилик сабоғини олмас экан, поклик, ҳалоллик, иймон ва эътиқод сабоғини олмас экан, бундай ёзувчининг китоб чиқаришга, ўз китобхонига эга бўлишга ҳаққи йўқ. Инсоннинг илмсизликдан каттароқ душмани йўқ.



Бир куни меҳнат таътилига чиқиб, Ховосга бордим. Ховос — минг йиллик шаҳарча. Ховос, арабча «хос»

сўзининг кўплик маъноси бўлиб, шоҳнинг хос, махсус, хосиятли одамлари бу ерда яшаганлиги учун, шундай деб аталган дейишади. Бу шаҳарча ҳақидаги дастлабки маълумотлар Ибн Арабшоҳ китобида бор. Ҳазрат Абдурахмон Жомий, Ҳазрат Алишер Навоий, Шоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур жаноблари бу ерда бўлганликлари ҳақида ўз китобларида ёзиб қолдирганлар. Ховос зиёлилари бундай маълумотларни йиғиб, ўзлари туғилган жой, муқаддас қадамжолардан эканидан фахрланиб юради.

Меҳнат таътилига чиқиб — бу ерга келганимнинг сабаби шу — ўша одамлар билан учрашиб, Ховос ҳақида асар ёзиш эди.

Лекин, бир ҳафта, ўн кун ўтдики, ёзишга ўтирмас, гоҳ болалар билан футбол ўйнар, гоҳ чойхонама-чойхона юриб, ярим кечаси кириб келар эдим. Кетишимдан бир кун олдин, онам сўраб қолдилар:

— Нимага келдинг-гу, нимага кетяпсан?!

— Ховос ҳақида ёзмоқчи эдим, қийин экан. Яхшиси, тарихчи олимлар ёзсин. Мен шоир бўлсам. Шеър ёзмоқчи эдим, ўхшамай турибди. Яна келганимда ёзарман. Ховос қочиб кетяптими, бир оёғим шу ерда-ку, — дедим.

— Энди атай келган экансан, бир ишни бўлдириб кет-да, — деди онам. — Ҳў, бирда ҳам, ёзаман-ёзаман дединг-да, кетиб қолдинг, шу бўйи қолиб кетди.

— Ҳа, энди нима кўп, Худонинг кунни кўп, — дедим.

— Мадина шаҳрида ислом жамоаси пайдо бўлиб, мусулмончилик кенг тарқала бошлаганда, саҳобаларимиз:


— Энди ҳамма мусулмонлар Мадинаи мунавварага кўчиб кела бошлайдилар, — деган. Шунда, Пайгамбаримиз:

— Аҳли исломга етказинглар, ҳижрат тугади. Ҳамма туғилиб ўсган, киндик қони тўкилган жойда яшай-версин. Ўша жойни обод қилсин. Ўзи туғилган

масканни муқаддас билсин, асло ташлаб кетмасин. Оллоҳ, ўз бандаларини, улар қаерда бўлмасин кўриб туради, мазмунида гапирган эканлар. Сен ҳам ўз туғилган жойингни ҳамиша азиз бил, ардоқла, улуғла. Шу юрт одамларига эҳтиромингни доимо кўрсат!

Одам, бир ишга киришса, иштиёқ билан киришиши керак. Ўзидаги дангасаликни, ялқовликни, кўрқоқликни енгиши керак. Кўрқув ҳаммада бор. Ичингда, ўзингни ўзинг ҳамиша мақта. Фарзандларингни ҳам ҳамиша мақта. Ўзларига эшиттириб мақта, атрофдагиларга эшиттириб мақта. Кичкина фазилатларини катта қилиб мақта. Ёзув столи устига келгач, ўзингни ўзинг мақта. Ўзингни ишчанлигингни, иқтидорингни мақта. Стол устига ланж, беҳафсала, беқунт ўтириб, айбларингни ўзинг тан олиб, шу айбларингдан ўзинг кўрқиб ўтирсанг, албатта бу кайфиятда ҳеч нарса ёзолмайсан. Ҳамма катта ишлар катта жасорат, катта журъат, катта жаҳд-у шиддатдан бунёд бўлади. Кимда имкон бўлса, хоқон ўшади, дейишади. Худо, инсонни фаришталардан улуғ қилиб яратган. Худо, бандасини шундай севиб яратган экан, нега бандаси ўз улуғлигини намоёиш этмаслиги керак.

Онамнинг бу гапларидан сўнг қанчалик ночор, ёши улғайган-у, аммо ҳамон болалигича қолиб кетган кимса эканлигимни яна бир қарра ҳис этдим.



Онам ҳақида гапиришим керак бўлганда, худди юрагимдаги сирларни бирма-бир ошкор қилаётгандай, кўнглим қаъридаги ҳаммадан яширган асрорларни авра-астарини чиқариб, ёяётгандай бўлавераман. Ишонинг, бу мен учун оғриқли ҳодиса. Худди, бировлар мени мажбурлаб, юрагимни ёриб, операция қилаётгандай, бу ўз ихтиёримдаги табиий ҳолат эмас. Мен мажбур бўлаётгандай бўлавераман. Тўғриси айтсам,

мен халқ деганда биринчи ўринда онамни тушунаман. Ўзбек деганда, миллат деганда, ҳатто Ватан деганда ҳам биринчи ўринда онам кўз олдимга келади. Ҳатто ўзбек тили нима деганда ҳам аввало онамнинг гапириши, талаффузи, шеvasи, оҳанги кўз олдимга келади. Мен онамнинг гапиришини ўзбек тили шу бўлса керак, деб биламан. Қоҳирага кетаётганимда, магнитофон лентасига онамнинг гапларини ўзбек тилини соғинганимда, эшитиб юраман, дея ёзиб олганман.

Ишонаман, агар онам Сирдарёдан Тошкентга кўчиб келсалар, Тошкент мен учун киндик қоним тўкилган ер бўлиб қолади. Ишонаман, агар мен адабиётга онамнинг образини олиб кирсам, мен адабиётга яна бир ўзбек аёлининг образини олиб кирган бўламан. Лекин бу мен учун юлдузлардан-да, йироқдаги эришиб бўлмайдиган орзу бўлиб туюлади. Она халқимнинг биринчи вакили бўлган онамга ёқадиган асар ёзмайдиган бўлсам, ёзишнинг умуман кераги йўқдек туюлади. Тўғри, мен ҳам асарларим бутун дунё халқлари тилларига таржима қилинишини истайман. Бутун дунё халқлари ўқишини, менинг асарларим ҳам жаҳон адабиёти намуналаридан бўлишини истайман. Лекин ўша адабиёт сари олиб бориладиган йўл, ҳар бир йўлнинг боши бўлганидай, мен учун бу йўл, халқимнинг энг катта хазинаси — онамнинг юрагидан бошланади. Албатта, мен бу юракка кулоқ тутар эканман, ёзувчи сифатида, сизларга жуда кўп жавоҳирлар туҳфа этаман, мангу қолгувчи дуру гавҳарларни ҳаётаман.

Онам айтадилар:

— Дунёни сўз яратган! Оллоҳ таоло, «Ярал», — деди, Еру осмон пайдо бўлди. Дунёда биринчи яралган нарса сўз бўлади. Шунинг учун сўздан эҳтиёт бўл. Сўз худди афсунгарга ўхшайди. Ўзи кўринмаса-да, айтилган нарса яралаверади. Агар «мен яхшиман», десанг яхши бўлиб кетаверасан. Менинг агрофимдаги

одамлар яхши одамлар десанг, агрофингга яхши одамлар тўпланаверади. Тескарисини айтсанг, тескариси бўлаверади. Касбинг сўз экан, фақат яхши нарсаларни ният қил, фақат яхши сўзларни сўзла. Одамлар яхши сўзларингни ёд олиб, дунёга яхшилик уруғини сочсинлар. Дунёни фақат яхшилик қутқаради.

Мен, онамнинг бу сўзларини эслаб, худди гапиришни онасидан ўрганаётган гўдакдек, чуғурлайман:

— Эй Худо, онагинамнинг умрини узоқ қил, ўз паноҳингда асра, элим тинч, юртим фаровон бўлсин!



Қаҳратон қиш. Уч кундан бери узлуксиз ёғаётган қор тинай демас, совуқ қаттиқ, ҳаво музлаб қолгандай эди.


Суякни синдирувчи изғирин забти юрагимда аянчли оғриқ уйғотарди. Шундай бўронли кунларда отамни ерга қўйгандик. Эшик олдида бел боғлаб турар эканман, кўнглимни ўртаган қақшатқич мотам туфайли гўё олам ҳам совуқдан увилларди.

Кўчада кетяпман-у, кўзларимдан ёш ўз-ўзидан сизиб чиқяпти. Орадан йигирма беш йил ўтса-да, қиш ўта қаттиқ келса, мана шундай ҳақир, ўксик ва нотаваон аҳволга тушаман.

Ўшанда, изғирин ҳаприқиб, ер тепиниб йиғлаётган онамнинг бошидаги рўмолини учуриб кетганди. Ва мен онамнинг сочлари бир кунда оқариб кетганини кўргандим.

Кўчада кетаяпман-у, рутубатли совуқ руҳимни синдириб, тушкунлик чоҳига тобора қулата бошлайди. Онам ўлиб қолса-я, деган кўрқув бутун вуждимни қамраб олади. Бехосдан онам, ҳозир ўлиб қоладигандай, инграб юбораман ва у кишининг истиқболига югураман. Яхшиям дунёда онам бор. Сиз менинг бошимдаги тожимсиз, онажон! Сизсиз мен бошимдаги тождан айрилиб гадога айланаман, она-

жон! Сиз менинг кўрар кўзимсиз, сизсиз мен сўқирга айланаман, онажон! Сиз менинг қалбимдаги фиғонимсиз, сизсиз бу юрак кесакка айланади, онажон! Сизсиз мен тўғри йўлда юролмайдиган чўлоққа айланаман, онажон! Сизсиз мен нур нималигини билмайдиган чувалчангга айланаман, онажон! Сизсиз мен онаси оппоғим демайдиган кўнғизга айланаман, онажон! Мени бундай абгорликдан, бундай ночорликдан, нотаваонликдан ўзинг асра, Парвардигор! Онаминг умрини узун, сиҳат-саломатлигини бардавом қил!





ГАПНИНГ ҚИСҚАСИ ЯХШИ

Ён дафтардаги ёзувлар



Агар меҳрга ҳайкал қўйилса, у албатта аёл шаклида бўлади.

* * *

Протон ва нейтронлар атом зарраси атрофида айланади, атом издан чиқса, портлаш юз беради. Бутун коинот, Худо даргоҳида заррага ўхшайди. Бу зарранинг портлаши учун битта инсон гуноҳкор бўлиши, кифоя.

* * *

Эркакларнинг аёлларга муносабатида аёл қалби аралашса, бу муносабат муҳаббатга, аралашмаса ҳирсу ҳавасга айланади.

* * *

Агар аёл танаси олтин бўлса унинг қалби шу олтинга ўрнатилган олмосдир.

* * *

Ҳаваскор шоир аёл қалбини кашф этгачгина, санъаткор шоирга айланади.

* * *

Севиш чўққини забт этишга ўхшайди. Чўққи забт этилгач, ҳақиқий муҳаббат эгалари учадилар, сохталари қулайди.

* * *

Аёл қалби бўлмаганда, «сирти ялтироқ, ичи қалтироқ», ибораси айнан аёлларга нисбатан ишлатиларди.

* * *

Эркакнинг аҳмоқлигидан кўра, аёлнинг ахлоқсизлиги аянчлироқ.

* * *

Болакай, қанча кичик бўлмасин, шеър ёза бошлабдими, демак, эътиборини қайсидир қизалоқ торта бошлаган.

* * *

Бойлик кишига қанот бағишлайди. Шунинг учун у гоҳ бургутдай учади, гоҳ мусичадек. Афсуски, бу қанотлар вақтинча. Ҳамма қанотсиз тугилганди, қанотсиз ўлади.

* * *

Фикрлар уйсиз одамга ўхшайди. Шеърга солинганда уйли бўлади. Ер юзида уйсизлар бўлмаслиги керак.

* * *

Пахтакор пахтазорга қараб, улкан хирмонни кўрарди, шоир одамларга қараб, буюк дostonни ўйларди.

* * *

Биринчи бўлиб ўзимни севмаганимда, ҳеч ким мендан кейин навбатда турмаган бўларди.

* * *

Баъзиларнинг ким эканлиги болалигиданоқ билинади. Палағда туғилганларнинг ким эканлиги кексайганда ҳам билинмайди.

* * *

Унинг суратига тикилиш, бу юрагимдаги гулханга ўт қалашдир.

* * *

Эйнштейн атом бомбасини яратгандан кўра ҳасад оловини ўчиришни кашф этганда инсониятга кўпроқ фойда келтирарди. Зеро, ҳасад атомдан кучли.

* * *

Билимсизлик кексайганинг сари кечирилмас бўлиб бораверади.

* * *

Тақдир харитаси қўлимизда бўлганда, бунча кўп адашмаган, бунча кўп азоб-уқубатда яшамаган бўлардик. Инсон ақли бу борада қоп-қора осмонни ёрита олмаган чироққа ўхшайди. Миллион-миллион чироқлар ёниб ўчаверади.

* * *

Кексайиш, милтиғидаги ўқи тобора камаёётган овчини эслатади. Ўқ тугаган кунни бўрилар бостириб келади.

* * *

Қийналишни, йиқилишни истамайман, лекин шоир бўлишни истайман дейиш, ҳеч нарса экмай ҳосил йиғаман деган деҳқонни эслатади.

* * *

Аёл қалби мўъжиза эканлигига ишонмаган одам, инсон зотининг буюклигига ҳам ишонмайди.

* * *

Эркак ҳар қанча доно, қалби дарё, руҳан баркамол бўлмасин, у барибир аёл қалби эришган юксакликка етиша олмайди.

* * *

Агар дунё иморат бўлса, уни аёл меҳригина безаб туради.

* * *

Агар асрлар оша яшаб келаётган дostonларда аёлларнинг буюк қалби куйланмаганда, ўтган асрлардан бизга ҳеч нарса етиб келмасди.

* * *

Эркак донишмандлиги тузга ўхшайди. Ҳаётни бемаза бўлишдан асрайди. Аёл меҳри эса шакар. Ҳаёт у билан ширин.



* * *

Агар аёл қалби бўлмаганда инсоният чангалзор қонунига биноан яшар, заифлар, хасталар, кексалар ўлдирилар, кучлилар ожизлар устидан ҳукмдорлик қиларди.

* * *

Шоир, доно бўлганда шоир бўлмасди, Нодон бўлганда, шоир бўлолмасди.

* * *

Адабиётга жонини фидо қилганлар туфайли адабиётнинг жони бор, ўлмасдан яшаб келаяпти.

* * *

У адабиётни жиловлаётганини айтарди-ю, тушовлаётганини яширарди.

* * *

Нур қоронғуда ҳам ялтирайди.

* * *

Арава отдан ўтмоқчи бўларди.

* * *

Камроқ ёзиш учун, кўпроқ ўйлаш керак.

* * *

Севги сотилмаганда қиммат, сотилса арзонлиги очилиб қолади.

* * *

Инсон улуғ донишманд. Яшаш учун ўзини аҳмоқ кўрсатади.

* * *

Табассум — овозсиз айтилган ширин сўз. Ҳатто аҳмоқлар жилмайганда ҳам у ўз ширинлигини йўқотмайди.

* * *

Яхши аёлга уйланиш, яхши эрга тегишдан яхшироқ галабадир.

* * *

Вақтни беҳуда ўтказиш — ўлим остонасида яшаيدир.

* * *

Фаришталар бошқарган учун,
Қалб доимо ақлдан устун.

* * *

Ақли заифлар устидан кулма. Донишмандлар ақли олдида, бизнинг ақлимиз кулгили даражада заифдир.

* * *

Жамоага раҳбарнинг нодонлиги қанча хавfli бўлса, раҳбарга жамоа донолиги шунча хатарлидир.

* * *

Инсоннинг қўл-оёғи чоғиб ташланса, танаси ўзгаради, феъл-атвори ўзгармайди.

* * *

Ватан мавзуси — шеърларида кока-кола сингари реклама қилинади ва у бойиб борарди.

* * *

Шоир бўлиб туғилмасанг, шоир бўламан деб бир умр чиранасан.

* * *

Қирғоқ дарёни, сўз дунёни бошқаради.

* * *

Одамнинг ердаги мавқеини Худонинг кўклаги муҳаббати белгилайди.

* * *

Шоир ўз қалбининг қули, ўзгалар қалбининг хукмронидир.



* * *

Қуёшдан каттароқ олтин ҳам қуёшдан қиммат эмас.

* * *

У орзуси катталигидан, ўзи кичиклигидан кўрқарди.

* * *

Ёзувчига оқ қоғоз устидаги қора чизиклардан иборат ижодий йўлини топиши учун, юз баробар бўрттириб кўрсатувчи микроскоп керак.

* * *

Истеъдод — ёзувчининг кўзи, қулоғи, миясидир.

* * *

Истеъдод — фикрлашни ўргатувчи доядир.

* * *

Ўлим эмас, ҳаёт инсонни фариштага айлантириши мумкин.

* * *

Бир талантсиз шоирни мақташганини кўргач, мени мақтаганларга ишонмай қўйдим.

* * *

Шоир парвозга шайланади, қоғози жойнамозга айланганда, шоир бўлиб сайланади.

* * *

Шоирлар, муҳаббат фанининг олимларидир.

* * *

Шоирлар ёлғондан севган пайтларда ҳам, севганлардан кўра ростроқ ёзадилар.

* * *

Шоир онага ўхшайди. Ҳатто эркак бўлса ҳам.

* * *

Унинг юрагини даволашди. Лекин дардлари озаймади.

* * *

Улуғ шоирларни туғмаганда, ўтмишнинг ҳам, келажакнинг ҳам турқи туғмас товукдай совук бўларди.

* * *

Шоирни — халқнинг юраги туғади.

* * *

У кундалик дафтар қаъридан ўтмишни топди.

* * *

Учишга қанот бор-у, осмон йўқ.

* * *

Севимли кишинг ҳеч бўлмаса, куёшчалик яқин бўлиши керак.

* * *

Вақтни борлигида енгишинг мумкин, йўқлигида у сени албатта енғади.

* * *

Адибнинг сўнгги нафаси бўлиши мумкин, адабиётнинг эмас.

* * *

Ҳасад — шуҳратнинг эргашиб юрувчи сояси.

* * *

Фикр — воқеа қорнида туғилади.

* * *

У кўкрагига нишон тақди-ю, найзалардан омон қолди.

* * *

Денгизни ва инсон феъл-атворини пичоқ билан кесиб бўлмайди.

* * *

Инсон феълидаги микробларни микроскоп кўрсатмайди.

* * *

Шухрат тожи, шу қадар кўп меҳнат талаб қилади-ки, кийишга вақт топилмайди.

* * *

Қашшоқликни қаргаган бахшидан,
Машоқ териб, яйраган бахши яхши.

* * *

Унинг Ватан ҳақидаги шеърлари, шеърят ватанида жой тополмади.

* * *

Худо билан дўстлашсанг,
Ерда юрсанг, кўкдасан.
Зулмат аро энг ёруғ,
Энг нурафшон йўлдасан.

* * *

Муҳаббат тарк этгач, машинаси бузилган йўловчига ўхшарди.

* * *

Ёзувчининг истеъдодсиз бўлишга ҳаққи йўқ.
Кечирмайдиганлар ҳамиша топилади.

* * *

Болаларим катта бўлаяпти, мен кичиклашаяпман.
Вақтга эргашмасанг, у душманингга айланади.

* * *

Кундалик дафтар ёзиш — ялқов ёзувчининг эрмаги, яъни ўз савиясидан пастроқ учишидир.

* * *

У керагидан ортиқ уринар, ҳаракатларим кам деб югурар, ўзи кўзлаган манзил бошқа йўлда эканлигини англамасди.

* * *

У очиб, бир жумла ўқиди-ю, ўзининг гиж-гиж хатоларини кўрди ва йўлбарс ҳамласига дуч келгандай улуғ китоб юзини ёпди.

* * *

Хонадон ошхонаси, ҳар қачон
Гўё, инсондаги ошқозон.

* * *

Аввалгилар, ҳаёт учун ўлимни енганлар.
Биз, ҳаёт учун уйқудан ҳам енгиламиз.

* * *

Бойлар камбағалликдан кўрқмаганда, бой бўлмасди.

* * *

Тарихий миноралар қанчалик буюк бўлмасин,
тарих алломалари улардан кўра буюкроқдир.

* * *

Ҳоким буюк иншоотлар қад ростлашидан эмас,
буюк инсонлар қад ростлашидан кўрқади.

* * *

Ваъда — бошланаётган ишнинг эшигидир.

* * *

Дунёни билган одам — донодир.
Худони билган одам — даҳодир.

* * *

Одамнинг шоир бўлиши осон, шоирнинг одам бўлиши қийин.

* * *

Алифбо — барча сўзнинг онасидир. Ҳар бир ёзувчи алифбони ихтиро қилган бўлсайдим, дея орзу қилади.

* * *

Сўнган севги ҳақда битсанг хотирот,
Сўлган гулдастага ўхшар бу — баёт.

* * *

Ҳаётни кўрсатадиган ойна ер юзида йўқ.

* * *

Омад — ўзимизни баҳолашимизга қараб келади.

* * *

Одамлар қилган гуноҳлари учун Худо олдида жавоб беришларини билганларида, Аршга кўтарилиш тугул, самолётга чиқишга кўрққан бўлардилар.

* * *

Ҳар бир фикрнинг нархи бор. Ёзувчи бу фикрларни қоғоз пештахталарига осиб чиқаркан, нархини тўғри қўйиши керак. Баъзилари шу даражада қимматки, сотиб олишга ҳам, амалда қўллашга ҳам қурбимиз етмайди.

* * *

Бой одам камбағал бўлиб қолиши ёмон, ундан ҳам ёмони камбағал бўлиб, бой бўлмасликдир.

* * *

Табассум — ҳатто ахлоқ одамнинг юзида ҳам жозибали туради.

* * *

Чарақлаб чиққан қуёш унинг ғамгин хаёлларини тарқатиб юборди.

* * *

Агар нариги дунё ҳисоб-китоблари бўлмаганда, бу дунё саҳнасида шу қадар усталик билан ўйнаш мумкин эдики...

* * *

Бировга тақлид қилиш, ўзингга ишонмасликдан бошланади.

* * *

Замон сенга муҳтож эканлигини қанчалик англай олсанг, шунчалик истеъдодлисан.

* * *

Энг катта айёрлик, виждон қийноғига сабаб қолдирмасликдир.

* * *

Ердаги одамни хўрлаш, унинг кўкдаги ҳимоячисини инкор этишдан бошланади.

* * *

Ушоқни босиш увол, вақтни бекор ўтказиш-чи?

* * *

Киши ўз-ўзига инсоф тилашида ҳам қанчалик ватанпарварлик борлигини билсангиз эди.

* * *

Одам китоб ўқиётганда ўз ақлининг томир отаётганлигини сезиб туради.

* * *

Вақт ўткир қиличдирки, унга қўл силтаган одамнинг қўли албатта кесилади.

* * *

Унинг хатоларини кўриш учун менда душманлик этишмайди, холос.

* * *

У шу қадар қаттиқ ухлардики, ҳатто нафас олишни унутиб қўйганди.

* * *

Бизнинг хатоимиз, қиммат имкониятни арзон нархлаганимизда, холос.

* * *

Дунёда ёмон одам йўқ, ёмонлик бор, холос.

* * *

Худони инкор қилиш, қуёшни пуфлаб ўчираман дейиш билан баб-баробар.

* * *

Киши қариётганлигидан нолигандан кўра, мақсадсизлигидан нолиши ўринлироқ.

* * *

Ошиқлик — забт этиш эмас, фидойиликдир.

* * *

Ёзувчининг буюклигини ёзишга усталиги эмас, эътиқодининг пухталиги белгилайди.

* * *

Севги — ақлдан озишни истаганлар эрмагидир.

* * *

Агар фарзандларимизга ёшлигидан тарбия бермасак, улар улғайган сари тарбиясизлиги ҳам катталлашиб бораверади.

* * *

Умр — сен ҳар бир лаҳзасига товон тўлашинг шарт бўлган тирикликдир.

* * *

Нурни қўл билан ушлаб бўлмаганидек, муҳаббатни фикр билан изоҳлаб бўлмайди.

* * *

Жароҳатидаги оғриқлар уни яшашга чорларди.

* * *

Сен етиб борганинда, бахт кетиб улгурган бўлади.

* * *

Шоирни йиқилди деб ўйламанг. У ўзининг энг абгор кунларида улуғвор шеърларини ёзишга ўтиради. Шоирни ўлди деб ўйламанг, у ўлганида шеърлари ҳаётнинг ўзи эканлиги аён бўлади. Худо шоирни мана шундай азиз қилиб яратган.

* * *

Кўпинча иймонимиз дилимизда туради-ю, лекин эсламаймиз.

* * *

Илҳом меҳмон сингари келиб-кетаверади, ижод эса меҳмондўстликдир. У ҳеч қачон кишини тарк этмаслиги шарт.

* * *

Биз шунчалик эрка одамлармизки, ҳатто яшаш учун курашишни билмаймиз.

* * *

Ирода ҳам инсон танасидаги бир аъзога ўхшайди. У ҳам оғир вазият туфайли касалликка чалинса, одам бошига кўпгина қийноқларни келтиради.

* * *

Шайтон ўзи кўзга кўринмайди-ю, лекин у қилган ишларнинг ҳаммаси кўзга кўриниб туради.

* * *

Худо кечиримлилигининг яна бир сабаби, биз гоҳо ўзимиз истамаган муҳитда яшашга мажбурмиз.

* * *

Энг бахтсиз ёзувчилар, ўз асарларини шайтонлар севиб ўқишидан кўрқмайдиган ёзувчилардир.

* * *

У қуёшни уриб тушираман, деяр эди.

* * *

Бировнинг яхшилигини унутиб қўядиган қалб — тарбиясиз қалбдир.

* * *

Кунгабоқарнинг гўзаллигини кимга боқиб турган бўлса, шундан сўранг.

* * *

Менинг бутун истеъдодим унинг муҳаббати билан банд бўлиб кетди.

* * *

Яхши ҳамки, аёл ва эркак ҳақ-ҳуқуқини тенглаштириб турадиган муҳаббат бор.

* * *

Инсон ўз қадрини билиши — инсоният тараққиётига кафолат бўлади.

* * *

Бойлик, агар оқил одамнинг қўлида тўпланса, худди маънавий хазина каби хизмат қилиши мумкин.

* * *

Ҳеч нарса кишига хотирачалик хиёнат қилмайди.

* * *

Ҳаётни сев, ҳатто сенга тутса заҳар,
Заҳардан бол, шакардан лаззат ахтар.
Кетсак Куёш йиғламайди, Ой ҳам сўнмас
Тонгда кўзни очган ҳар зот хонга ўхшар.

* * *

Мен ҳали ўлишга рози бўладиган даражада бахтли бўлганим йўқ.

* * *

Қилган яхшилигини унутмаган одам, миннат азобида юрган одамдир.

* * *

Тўғри сўз чангалзорда юрган оҳуга ўхшайди. Кўзга кўриниб қолса, овлайдиган кўплаб ишқибозлари чиқади.

* * *

Бир амалдор: — Бизнинг галстукларимизнинг тиғи, ҳазрат Али қиличининг тиғидан ҳам ўткирроқ, — деганди.

* * *

Кўп гапирган, оғзи ҳамиша очиқ одамларнинг қалби хазинаси йўқлиги учун тамбаланмайдиган уйга ўхшайди.

* * *

У ўтмишдаги барча қаҳрамонларни афсонавий қаҳрамонга айлантирди ва ўзини замонавий қаҳрамон деб эълон қилди.

* * *

Қалин ўрмонда ўз йўлининг йўқотиб қўймаслик учун хушёрлигинг орта борганидек, қанчалик гавжум муҳитда яшасанг, ўз мақсадингга шунчалик кучлироқ интиласан.

* * *

Ирода синишига ихтиёр бериш, бу ўз суягингни ўзинг синдиришинг билан баробар. Бундай тушқунликка зинҳор йўл қўйиб бўлмайди.

* * *

Биз — бахт, омад, истеъдод қаерда берилаётганини билмайдиган, нўноқ талабгорлармиз.

* * *

Отанинг биринчи мағлубияти, ўз ўғлининг унга тақлид қилмай қўйишидадир.

* * *

Текис, ўнқир-чўнқир йўқ йўлда юришни истасанг, безовта ақл билан ҳеч қачон кўчага чиқма.

* * *

Бахт нималигини билиш қийин. Агар манзили аниқ айтилса, бахтсизлар Марсдан бўлса ҳам, уни албатта келтирарди.

* * *

У эллик ёшида фарзанд кўрди. Ўглининг тезроқ улғайишини истади ва ҳамиша ўзи билан олиб юрди. Ўғил маърифатли давраларда ўсди ва ҳар қадамда отасининг тарбиясини олди. Отаси етмишга тўлганида, ўғли эллик ёшли кишидай оқилона фикрлар эди.

* * *

Фазогирлардан бири Тошкентни томоша қилишга келди. Кўкалдош мадрасасини айланиб юриб, имомга деди:

— Фазога чиқиб Худони кўрмадим-ку!

У пайтда бу савол жуда қалтис ҳисоблангани учун ҳамма жим қолибди. Орани юмшатиш учун гапга фазогирнинг хотини аралашибди.

— Вася, буларнинг жиғига тегма!

Шундан сўнг имомга жон кириб:

— Хотининг сендан кўра ақллага ўхшайди, — деган экан.

* * *

Аҳмоқларгина ўз истейдодсизлигидан азобланмаслиги мумкин.

* * *

Одам тилини тийиб юриши учун ўттиз иккита тиш, иккита лаб доимо посбонлик қилиб туради. Маболо, у бурун каби очикликда ва кўриқсиз бўлганида, бошимизга ёриладиган тошларни тўхтатиб бўлмасди.

* * *

Талабалик йилларимда бир қизни қаттиқ яхши кўрардим. Бир куни у тушимга кирибди. Бурнимдан шариллаб қон келганида уйғониб кетдим. Қон, бошқаларни ўйлай бошлаганимдагина тўхтади.

* * *

Жуда кичик эди, унга Ер шари тушиб кетди, югураётиб.

* * *

Бир одамнинг дарвозаси берк экан, оғайниси:

— Эшигингни очиб қўй, ризқ келади, — деса, ҳалиги одам:

— Ҳовлимнинг усти очиқ, менга Худонинг бергани етарли, — деган экан.

Бировга муҳтож бўлмаслик қандай яхши!

* * *

Аёллар билан кўп гаплашиш, улар каби фикрлашга олиб келади. Эркаклар ўз жинсидан келиб фикрлаганда, ўн баробар мардроқ бўлишарди.

* * *

Ҳақ-ҳуқуқлар ҳақида гапирганлар бўйнида ҳақ-ҳуқуқлар эмас, мажбуриятларгина осиглиқ турарди.

* * *

— Сен, Худо битта дейсан-у, яна Худо ҳамманинг юрагида бор дейсан. Демак, Худо жуда кўп экан-да! — дебди бир одам имомдан норози бўлиб.

Имом, дарҳол ўнта пиёлани сувга тўлдирибди:

— Куёш битта, лекин пиёлалардаги акси ўнта. Бу билан Куёш ўнта бўлиб қолгани йўқ-ку, — дея далил келтирган экан.



* * *

Бир одам:

— Мен ичмайман эмас, ичаман, лекин ҳеч кимга зиёним тегмай, жим ётаман, — деса, шериги:

— Ҳа, баъзилар ичса, чўчқанинг қутурганига айланади. Сен эса энг ювоши ва беозори бўларкансан, — дермиш.

* * *

Одам Ер юзида истаганча юраверади, лекин бир сиқим тупроқ нима эканлигини ҳеч қачон билмайди. Одам кеча-ю кундуз сув ичади. Лекин бир томчи сувнинг нималигини ҳеч қачон билмайди.

Одам яшайверади. Лекин яшашнинг қондасини ҳеч қачон билмайди. Одам фикрлайверади. Лекин ҳаётнинг асл маъносини ҳеч қачон тополмайди.

Худо, одамзодга ҳамма жумбоқларни қолдириб, ҳамма жавобларни беркитиб қўйганга ўхшайди.

* * *

Агар қирқ йил шоирликни даъво қилиб, бир сатр шеър ёзолмасам, бу ўша сатрни изламаганимдан эмас, ёза олмаганимдан далолатдир. Лекин, тоғ тагида яшаб чўққига чиқолмаган, шиддати жиловланган битта менми?

* * *

Оллоҳ менга шундай умр бер,
Тинмай кўкка кўтарсин ҳаёт.
Кучоғига олганда ҳам Ер,
Кўкда қолсин, мен айтган баёт!

* * *

Бир дарахт учун барг қанча керак бўлса, инсон учун одоб шунча керак бўлади.

* * *

Муҳаббат остонасига худди ёш боладай қадам ташламоқ лозим.

* * *

Бир инсоннинг ўзгалардан улуғлигини яхши сўзидан, яхши ниятидан, яхшилиқ умидида яшашидан билса бўлади.

* * *

У ўзининг буюк туйгуларини ҳаётнинг майда икир-чикирларига аралаштириб юборди.

* * *

Унинг боши шу қадар катта эдики, ҳамманинг ҳам остонасига сиғавермасди.

* * *

У шоир бўлатуриб, шу қадар узоқ умр кўрдик...

* * *

Муҳаббатнинг қалбаки, сохта нусхалари шу қадар кўпайиб кетдики, Зайнаб билан Кумушни фарқлаш учун Арастудай доно керак бўлиб қолди.

* * *

Худонинг меҳрибонлигини қарангки, бировни бировга гийбат қилсанг, ўз-ўзингни ёмон кўра бошлайсан.

* * *

Ўзингни муҳаббат ҳақида қанча билимдон тутсанг, қариётганинг шунча билинаверади.

* * *

Мағлубиятга учраб турганингда, душманингни калтак саяётганини кўриш нақадар ёқимли.

* * *

Ҳатто муҳаббат ҳам меъеридан ошиб кетса, касофатга айланади.

* * *

Сочлари шу қадар оқарган эдики, ортиқ оқаролмайди-ку, дея юрагим эзиларди.

* * *

Дунёда бирорта одамнинг Худо бўлолмаслиги инсониятнинг бахтидир. Кимдир Худолик даъво қилиши, Худога ишонмасликдан ҳам каттароқ бахтсизликдир.

* * *

Сен ўзингни севганинг учунгина мени севасан.

* * *

У бугун шу қадар бахтиёр эдики, эртанги кунини ўйлагиси келмасди.

* * *

У ўз юрагига булбулга қарагандай қарар, мабодо сайрамай қўйса, таажжубланарди.

* * *

Одамларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, хурфикрликни бўғишнинг энг осон йўлидир.

* * *

У ўзининг хорлигини билмагани учунгина ташаккур айтарди.

* * *

Осойишта турмушимни қаттиқ силкитиб юборганингдан сўнг, кузги япроқлар сингари сочларим дув-дув тўкилди.

* * *

Мислсиз гўзаллигингни таърифлай олмагач, шоир бўлолмаслигимга кўзим етди.

* * *

Ҳар кимнинг муҳаббатида Отабек ва Кумуш қисмати бир оз бўлса-да, акс этади. Бировда бир фоиз, бировда ўн. Ўн фоиз ўхшаганларни ҳам ҳақиқий муҳаббат эгалари дейиш мумкин.

* * *

Шоирлар ҳам севадилар. Лекин уларнинг муҳаббати худди селга ўхшайди. На тўхтатиб бўлади, на экин экиб бўлади. Ваҳимаси катта, холос.

* * *

Бизнинг хатоларимиз бошқалардан кўра ўзимизни кўпроқ севишимиздан келиб чиқади.

* * *

Муҳаббат ҳақидаги қўшиқлар авжи худди пойгага қўшилган отлардай, бир-биридан ўзаман, дерди.

* * *

У шу қадар ёлғиз эдики, кўнглидаги кечинмаларни яққол тасаввур қиларди.

* * *

Агар юрагингда қайнаб ётган исёнлар ичидан кибрни топиб олсанг, билгинки, бу кибрга шайтон миниб олгандир.

* * *

Одам ўз тириклигини таъминлаш учун, ҳаёт деган аждарҳонинг оғзидан ҳар кун нон олиб ейди. Аждарҳони кўй деб ўйлаганлар, қаттиқ адашадилар ва ўз бошларини ўзлари ейдилар.

* * *

У оқ деб ўргатганларини оқ, қора деганларини қора деб билар, чизилган чизикдан чиқмас, худди

бурнидан ип ўтқазиб олингандай эди. Холбуки, ҳаёт оқ ва қора ранглардангина иборат эмас. Унинг юз хил ранги бор. Унинг юз хил рангини кашф этган инсонлар истеъдод эгаларидир. Юз биринчи рангини кашф этганлар исёнкорлардир.

* * *

Кўғирчоқларгагина ҳасад қилишмайди.

* * *

Муҳаббат — гиштлари соғинч ва ҳижрон оловита пишган, лойлари кўз ёшдан қорилган, баланглиги умид ва орзулардан кўтарилган, мардлик ва фило-йилиқдан зийнатланган ва садоқат туфайли абадиётга юз тугган минорадир.

* * *

Хасталар соғайишни қанча истасалар, кексалар ҳам ёшлиқни шунча кўмсайдилар.

* * *

Саноғи бор нарсанинг чеки ҳам бор.

* * *

Ўзини унутиб яшаган одамни эслаш қийин.

* * *

Саёҳатнинг шуниси яхшики, уйга қайтганигда ҳам узоқ-узоқларга тикилганигда, Эйфель мино-раси, Тожмаҳал қасри ёинки Сфинкс кўз олдинга келаверади.

* * *

Муҳаббат бизни ёшлар орасига етаклайди. Ўлимдан қочишнинг энг яхши йўли кексайиб қолишдан қо-чишдир.

* * *

Бир манқа бир кишини тўйга айтишга борибди.
То тушунтиргунча роса қийналибди. Бундан энсаси
қотган киши:

— Тўйга айтишга сендан дурустроқ одам йўқ-
миди, — деса, манқа:

— Д-дурустроқ одам д-дурустроқ одамларни тўйга
а-айтишга кетган, — дермиш.

* * *

У фақат сени севганида, кўлидаги телефон ҳадеб
жирингламаган, бошқалар уни чорлайвермаган бў-
ларди.

* * *

Сенинг душманларинг сенинг душман экан-
лигиндан кўрқиб, хавотирланаётган дўстларингдир.

* * *

Жамият эркин фикрларингни синаб кўрадиган
жанггоҳ эмас.

* * *

У тор доирада фикрлар, айтадиган сўзлари рўз-
горбоп эди.

* * *

Ухлаб ётган одамни дангаса деб бўлмайди.

* * *

Аёлни изга солишдан кўра, заводни бошқариш
осонроқ. Чунки завод аниқ механизм асосида, аниқ
вазифани бажаради. Аёлга ўрнатилган механизмлар
эса сирли ва у ҳамиша кутилмаган воқеа ва ҳодиса-
ларни ишлаб чиқаради.

* * *

У ҳаётни севар, яшашга иштиёқи шу қадар бала
эдики, ҳатто ухлаганда кўзойнагини ечмасди.

* * *

Сени эсласам, Наполеоннинг Куликово жан
даги мағлуб ҳолатига тушаман.

* * *

Сочларинг тўкилаётганда оқарганлари эм
қоралари кўзга кўпроқ кўринади.

* * *

Илм — қурол. Агар аёл киши бу қуролга эга бўл
уни эрига қарши ишлатса, бу оила бузилади. А
уни эр билан бирга турмуш қийинчиликларига қар
ишлатса, бу оила — гуллаб-яшнайд.

* * *

Сочларинг ўйлаётганинда эмас, ўйнаётганин
тўкилса алам қилади.

* * *

Ускунани темир қизиганда ясайдилар. Тем
совугач, ҳарчанд уринма, бефойда. Шеър ҳам ю
чўғдай қизиганда дунёга келади.

* * *

Сени вазирни мақтагандек мақташса, буни
ёмон жойи йўқ, ёмони сен ўзингни вазирдай ту
шингдадир.

* * *

Муҳаббат учун жасорат кўрсатмаган ошқон
жанг майдонида жангга тушмаган жангшишан
йўқ.

* * *

Вақт олтинга ўхшайдики, олтин эвазига истаган нарсангизга эришишингиз мумкин. Фақат олтиннинг қийматини тушириб юбормасангиз бўлди.

* * *

Дарвозангизни яшилга бўяган билан баҳор келмагандай, дўппини бостириб кийган билан мия миллийлашиб қолмайди.

* * *

Сени кўролмайдиганларга ҳатто совға берсанг ҳам мақтанаяпти, деб ўйлайди.

* * *

Ҳаётда ўзини бирор марта севдиролмаган одам, бирор марта галаба қозонмаган кўмондонга ўхшайди.

* * *

Инсон иродаси самолёт паррагига ўхшайди. Агар у синмаса, ўзидан минг карра оғирроқ юкни кўтариб кетаверади.

* * *

Сен — худди оловга ўхшайсан. Яқин борсам, куйдирасан, узоқлашсам, ҳаётимда ёруғлик қолмайди.

* * *

Шогирдлар устозга нима бераётганларини кўриб турдилар-у, нима олаётганларини ҳеч ҳисобламайдилар.

* * *

Қаҳратон совуқ одамнинг суяк-суягини зирқиратиб юборарди. Ой ҳам музлаб қолгандай эди. Борлиққа унинг хира шуъласи тушиб турар, зеро бу шуъланинг ҳеч иссиқлиги бўлмаса-да, юракни илитарди.

* * *

Станиславский айтгандики, сахнада милтиқ осиглиқ бўлса, у спектакль жараёнида албатта отилиши керак. Бизнинг сахналаримизда турган милтиқ ҳам албатта отилади. Лекин «ўқ»лари пахтадан бўлганлиги учун, ниҳоятда юмшоқ тегади, ўқ овози ўрнига эса муסיқий жаранг эшиттирилади.

* * *

Кексалик ажинларини ё катта шон-шуҳрат пардаси, ёки улкан бойлик ниқоби билан яшириш мумкин.

* * *

Муҳаббат чангалзор қонунига бўйсунди. Унда кучлиларгина ҳукмрон. У ожизларни топтайди, хўрлайди ва ташлаб кетади.

* * *

Асар хаёлда пишиб, сўнгги нуқтаси қўйилгач, биринчи сатри ёзила бошлайди.

* * *

У шу қадар қайғуга ботган эдики, овқатдан бошқа ҳеч нарсадан лаззат топмасди.

* * *

Юз ёшдан ошган Ҳакимжон қори дода йўқчилик замонлари ҳақида гапиратуриб шундай деган эдилар: «Мен, маҳси-кавушим йиртилмасин деб, Марғилондан Шоҳимардонга оёқ яланг бориб келган одамман».

* * *

Одамнинг юраги ҳам ҳавога ўхшайди. Қанчалик каттиқ сиқилса, шунчалик кучли «портлайди».

* * *

Хасислик муҳаббатни заҳарли илон чаққандай ўлдиради.

* * *

Ўзини қутқаришга уринган одамгагина, ўзгаларнинг ёрдам бериши ўринлидир.

* * *

Ноқулай вазиятда жилмайиш, ўзингни қутқаришнинг энг гўзал усулидир.

* * *

Муҳаббат одамнинг ор-номуси, шаъни, шарафи жамланган тожга ўхшайди. Шундай одамни севгинки, у сенинг қалбингнинг олий тимсоли бўлган тожни кийганда, одамлар маликага қараб, қалбингнинг нақадар улуғлигини кўрсинлар.

* * *

Истеъдод — шу қадар ноёб нарсаки, у ҳатто подшоларда ҳам бўлмаслиги мумкин.

* * *

Ўз қаҳрамонларини яратмаган замон туғмас хотинга ўхшайди.

* * *

Ўз халқи танимаган халқ шоири болалари ташлаб кетган отага ўхшайди. Унвони бор-у, эҳтироми йўқ.

* * *

Китоб сўзининг маъноси, арабчадан таржима қилинганда — мактубдир. Демак, Куръон китоби ҳам, одамларга туширилган, ҳар биримизга жўнатилган мактубдир.

* * *

Бир куни бир масжидда домладан сўрашди:
— Мажусийларнинг овқатини еб бўладими?

Домла: — Еб бўлмайди, — дея жавоб берди.

— Кийимини-чи? — дея яна сўрашди.

— Кийимини ҳам еб бўлмайди! — дея жавоб берди
домла.

* * *

Домладан сўрашди:

— Рўзадор одам, папирос чекиб ўтирган одамнинг олдида ўн-ўн беш дақиқа ўтирса, рўзаси бузилмай-дими?

— Йўқ, бузилмайди. Лекин ақли бор рўзадор, рўзаси йўқ кашанданинг оғзига қараб, ўн-ўн беш дақиқа ўтирмайди. Хуштини йиғиб, сал нари кетади, — деди домла.

* * *

Домладан сўрашди:

— Саҳобалар деб кимни айтишади?

— Пайғамбаримиз билан ҳамсуҳбат бўлганларни!

— Ундайлар ҳозир йўғ-а? — дея яна савол берди ҳалиги одам.

Домла ҳангу манг анграйиб қолди.

* * *

Домладан сўрашди:

— Шароб ҳаром дейсиз, ахир у узумдан бўлади, демак, узум ҳам ҳаром экан-да?!

— Мана бир қисм тупроқ. Юзингизга сочиб юборсам, деярли ҳеч нарса қилмайди. Лекин, шу бир қисм тупроқни лойлаб, юмалоқ қилиб, қотириб, сўнг шу гувала билан юзингизга бир солсам, нима бўлади? Орадаги фарқ шунда, яъни маҳсулотнинг нимадан нимага айланишида.

Араб ҳикояти


Кўзи ожиз одам уйланди. Хотини сергап чиқди:

— Шу қадар гўзалманки, кўрганингда оғзинг очилиб қоларди!

Унинг бу камситишларидан тоқати тоқ бўлган эр, охири деди:

— Ростдан ўзинг таърифлаганингдай чиройли бўлганингда, кўзи очиқ одамлар, сени менга қолдиришармиди!

Унинг кўзи кўр эди-ю, ақлида нуқсон йўқ эди.



* * *

Барча асарларимдан кўра, унга атаб ёзган хатларим ўн карра кўп. Хаёлан гаплашганларим эса, юз карра.

* * *

Севаман дейиш, чўкаётган одамнинг ҳайқиригдай гап, энг ёмони, сени қутқаришга келмасликлариладир.

* * *

Ҳаёт шу қадар сокин, давр шу қадар жимжит эдики, миллионлаб одамларнинг бор-йўқлиги билинмасди.

* * *

Сен Худога қапчалик ишонсанг, Худо ҳам сенга худди шунчалик ишонади.



* * *

Тоғнинг теңасидаги дарахт, юксаклиги учун ўзиданмас, тоғдан миннатдор бўлиши керак.

* * *

Хотининг — одамзодни ҳеч қачон билиб бўлмаслигининг биринчи далилидир.

* * *

Ҳаётнинг қизиқлиги шулдаки, шер бўлиб тутилганлар сичқон овлаб юрибди, қуён бўлиб тутилганлар бургутга чанг солаётти.

* * *

Ҳамма нарса нисбий. Оғришиб ташланган қадам соғиниб юрилган мишг чақирим йўлдан узунроқ.

* * *

Жамиятнинг пухталлиги замон қаҳрамонларининг машҳурлиги билан ўлчанади.

* * *

— Ақлни истайсанми, омадними? — деб сўрашганларида, омадни танлаган бўлардим. Ахир ақли бўлиш ҳам омад-да!

* * *

Шоирга ўз китобини сотиб олишларини сўраш, ота ўз қизига қуёв излашдайд ҳақоратлидир.

* * *

Дунёда ҳеч нарса севгилингизнинг юзидан гўзалроқ эмас.

* * *

Муҳаббат биз истаган пайтда келса, париқизга, биз истамаган пайтда келса, қариқизга ўхшайди.

* * *

Шундай севгинки, менга уйланса керак, деб ўйласин.

* * *

Кўринмас душман билан олишаётганимиз учун, қахрамонликларимиз кўринмаяпти.

* * *

Ўлимни шунинг учун ёмон кўрамизки, у бизни ўзимиздан ҳамда севган одамларимиздан ажратади.

* * *

Меҳнат қилиш пул топишдан кўра қимматлироқдир.

* * *

Шер қариганда ҳам овга чиқмай иложи йўқ. Очдан ўлиши мумкин. Шоир ҳам шундай. Қариса ҳам севмай иложи йўқ.

* * *

Хотиржам одамгина дунёнинг нақадар тезлик билан айланаётганини кўриши мумкин.

* * *

Аёлларни айблаёлмаган одам ё аҳмоқ, ё шоир.

* * *

Сен ўзингга подшолик қилолмаётганинг учун подшодан ўпкалама.

* * *

Келажак қаршимизда турган тоққа ўхшайди. Бизнинг хатоларимиз шу тоғнинг нариги ёғида нима турганини кўрмасликдан бошланади.

* * *

Гапнинг ҳам вазни бор. Бир оғиз гапни баъзан
эшак ҳам кўтаролмайди.

* * *

Севгилим қаримаса, сўз бераман, мен қаримайман.

* * *

Алабиёт дўстингга ўхшайди. Унга бойлик илинжида,
шон-шухрат тамасида қарасанг, сени ташлаб кетади.

* * *

Ҳақиқатни очиқ-ойдин айтиш, ёруғликка чиқиб,
душманга ўзингни рўй-рост кўрсатишдир. Бу пайт
қоронғида турганлар албатта ўқ узади.

* * *

Муҳаббат ҳақидаги шеърлар — аёлларни тарғиб
қилувчи рекламалардир.

* * *

Ёзувчи қўмондонга ўхшайди. Юрагида қанча кўп
одам бўлса, шунча кўп ўқувчини забт этади.

* * *

Эркакнинг неча ёшдалигини аёлгина тўғри айтиб
бериши мумкин.

* * *

Кўлмакда кит бўлмайди,
Кўлдан кўнглинг тўлмайди.
Кетай десанг кўкларга,
Кўлбақалар қўймайди.

* * *

Агар Ер юзидаги барча шоирлар ҳақиқий шоир бўлишганида, Ер юзида шеърий тилдан бошқа тил бўлмасди.

* * *

— Тарбияни она беради-ю, раҳматни ота эшитади. Нега?

— Чунки, она тарбияни боланинг отасидан олади-да!

* * *

У муҳаббат осмонида учиб юрар, хотини эса, узилиб кетган бўйинтуруқни ямаб ўтирарди.

* * *

Энди хато қилмайман, дея қасам ичган инсон, бошқа тўп ўтказмайман дея аҳд қилган дарвозабонга ўхшайди. У қанчалик моҳир бўлмасин...

* * *

Қизлар сени кўрганда жилмая бошласа, билгинки, сен томон шон-шуҳрат келаяпти.

* * *

Мен ақллиман дейиш томнинг тепасига чиқиб, мен ҳаммадан баландман дейишдай гап.

* * *

Олим китоб ўқиб олим бўлса, шоир гўзал қизларни таърифлаб шоир бўлади.

* * *

Одамнинг «Севаман» дейишга қодирлиги унинг ҳали кўп нарсаларга қудратлилигидан далолат.

* * *



Хотинимни бир сўз билан таърифлашим қийин. Уни Кумуш десам, Зайнабга ҳам ўхшаб кетади. Менга улар бир одам қиёфасида йўлиққан.

* * *

Кўпгина кераксиз одамлар гулистонда,
Кўпгина керакли одамлар гўристонда ...

* * *

Модомики, сен ёзган асарларни ўз ватанингдан четда ўқишмас экан, сен ёзувчи эмас, айтайлик, оққушларни хонакилаштирган фермерсан, холос. Агар ўз ватанингда ҳам ўқишмаса, ўша оққушларни кушхонага топширувчи овчидан фарқинг йўқ.

* * *

Бевақт ўлган инсон
Сўнги ёзилмаган дoston.

* * *

«Севаман» дейиш, тож-тахтинг учун зимдан курашаётган одамга шаҳар дарвозаларини битимсиз очиб беришдир.

* * *

Одам ўзи учун буюк бўлиш схемасини чизиб чиқиши керак. Бу схема шундай бўлиши керак. Ва ҳаммага керакли бўлиши керак: Кераксиз гаплар кимга керак эмас. Кераксиз гапларни керак айлантириш керак. Кераклига айланган керак

мингта кераксиз гапдан кераклироқ бўлиши керак. Керакли гапнинг кераклилигини қанча таъкидласанг, шунча керакли бўлиши керак.

Эҳтиёт чораси

Бир кун Қоҳирада, меҳмонхона ресторанига Бернора Қориева билан кечки овқатга тушдик. Овқатдан олдин турли хил мевалар келтиринди. Ҳамма битта-биттадан олма еди. Овқат келавермагач, яна биттадан олма едик. Кейин Бернора опа туриб кетди. Биз овқатлашиб кўчага чиқсак, у меҳмонхона атрофида югуриб юрган экан. Сабабини сўрасак, «Менга иккита олма кўплик қилади, ўзимни семиришдан асрашим керак», дейди.

Орият

Бу воқеа Хитойда, ҳарбий спорт мактабида юз берганди. Мактаб озода, тартиб қаттиқ, ўқувчилар ҳатто танаффусда ҳам шивирлашиб гаплашар, ўқитувчининг қораси кўриндими, ҳамма таъзимда этиларди. Кўрсатув тайёрлаш жараёнлари чўзилиб, тушликни шу ерда қилишга тўғри келди.

Ошхона олдий стол-стуллардан иборат, дафтари-нинг катак чизиқларидай текис ва бир хил, ҳатто стол устига қўйилган қошиқ ва товоқлар ҳам, бўлак-лашган нонлар ҳам бир тартибда жойлаштирилганди. Тушлик кўнғироғи чалинган, ўқувчилар ўринларига кела бошлаганди. Бир пиёладан чой ичганимиз ҳам йўқ эди, кўпчи хонадан ғайритабиий ғала-говур эшитила бошлади. Ҳаммамиз ўша ёққа ўтирилдик.

Бир бола кечикиброқ келган шекилли, олдимдаги нон қани деб, ёнидагини сўроққа тутарди. Ёнидаги бола тўғридаги болани кўрсатиб:

— Мана шу олган, — деди.

Тўғридаги бола:

— Мен олганим йўқ, кўрганим ҳам йўқ, — деди.

Унга яна бир бола қарши чиқди:

- Йўқ, сен олгансан!
- Мен олганим йўқ, деяпман!
- Бўлмаса қаёққа кетади! Сен олгансан суқ!
- Ўлай агар, олганим йўқ!
- Мана шу олган, – деди яна бири.

Шу пайт хонага ўқитувчи кириб келди. Ҳамма таъзимда эгилди.

- Нима гап? – деди ўқитувчи.
- Мана бу менинг нонимни еб қўйибди.
- Ким кўрди?
- Биз, – деди боланинг ёнидагилар.
- Мен олганим йўқ, – деди тўғридаги бола, алам ва ўтинч билан.

Ўқитувчи унга газабнок қаради.

Бола унинг қарашиларига дош беролмади. Аччиқ ўқинч билан қийқирди-да, стол устидаги ошпичоқни олиб қорнига санчди:

– Мана кўринглар, мен еганим йўқ!

Болалар унинг қўлига тирмашишди. Унинг эгнидан қон сизиб чиқди. Кимдир докторга югурди. Ўқитувчи индамай чиқиб кетди. У ишора қилган шекилли, тушлик қолдирилиб, ўқувчилар ошхонани тарк этишди.

Бирпасда улкан залга сукунат чўкди. Биз эса, ўз шаънини оқлаш учун ўлимга тик боққан бу боланинг жасоратидан ҳайратда эдик. Сўнгра, унга шифо тилаб, ўрнимиздан кўзгалдик...

Жонимни ол

Зиёфат авжида. Таом устига таом, таом устига таом.

Тун ярмидан оққан. Бўридай бўкиб, нафас ҳам ололмай қолган меҳмонлар энди турай деганда, мезбон тандирда пиширилган, устига зиравор сеппиб, қайлалари қайнаб турган катта тоғорани кўтариб келиб қолди. Унинг хуш бўйи ишпахани қитиқлаб юборди. Хонани «Оҳ, оҳ» деган ёқимли ингроқ босди. Шу чоғ бир дўстимиз мукка тушганча нидо қила бошлади:

— Эй Худо, бу кўзичоққа қараб туролмаيمان. Ё жонимни ол, ё қорнимни катта қил!

Аниғини оқсоқол айтди

Топиш-тутиши яхши йигитлардан бири Худо инсоф бериб, ичишни ташлабди-ю номозга кирибди. Аммо кўп ўтмай автоҳалокатга йўлиқибди. Маҳалладагилар ҳол сўраб шифохонага борибди.

Йигитнинг фигони фалак пайти экан, маҳалла оқсоқолини кўриб, ўшқира кетибди:

— Дуппа-дуруст юрувдим, номозга кириб, ишим ортга тортиб кетди!

Унинг арзини эшитиб, оқсоқол:

— Э, ўғлим! Эсон-омон ўлмай қолибсан, шукур қил. Балки Оллоийи-таоло сени номозга кирганинг шарофати билан, ўлимдан асрагандир. Буёғини ҳам ўйлаб кўр, — деган экан.

Шошмасам бўлар экан...

Номозга эндигина кирган ҳовлиқма йигитлардан бири етти, йигирма, қирқ сингари одатлар бидъат эканини эшитибди-ю, маҳаллада отасини еттисини қилаётган бир одамнинг ёқасидан олибди. Даҳанаки жанг давомида шошқалоқ йигит бидаътчининг юзига шаполоқ тортиб юборибди. Алал-оқибат жабрланувчининг арз-додига биноан уч йилга қамалиб кетибди.

Қайтиб келса илму-маърифат кенг ёйилиб, маҳаллада ҳам, шаҳарда ҳам еттилик, йигирмалик, қирқ сингари одатлар қолмаган экан. Шунда ўзига-ўзи: — Озгина сабр қилсам, ҳаммаси йўқ бўлиб кетар экан-у, бетоқатлик қилиб, уч йил жабр тортганим қолди — деган экан.

Ўз-ўзим билан суҳбат

— Нимани ўйлаяпсан?

— Дунёга нега келганимни.

- Дунёга нега келган экансан?
- Билсам, ўйланиб ўтирармидим.
- Барибир билолмайсан. Ахир ўз ихтиёринг билан келганинг йўқ-ку.



— Нима мақсадда яшашимни ўз ихтиёрим билан топмоқчиман.

— Нима мақсадда яшашингни сенинг ихтиёрингсиз белгилаб қўйишган.

— Пешонамдаги ўша ёзуқни ўқимоқчиман.

— Пешонамдаги ёзуқни ўқиш пешонамга битилмаган.

— Пешонамдаги ёзуқни ким ўқий олади?

— Унда кирилл ҳарфларида ҳеч нарса ёзилмаган. Зотан, сен ҳам кирилл ҳарфларида ўйланаётганинг йўқ-ку!

— Мен, қайси алифбода ўйланаётганимни билмайман.

— Пешонамдаги ёзуқ ҳатто сенинг хаёлларинг алифбосида ҳам бўлмаслиги мумкин. Ва сен учун ҳам ўйланиб қўйишганини унутма.

— Бўлмаса нега мен ўйланиб ўтирибман.

— Сени ўйланиб ўтиришингни улар режалаштириб қўйишган.

— Наҳотки ўйланиб ўтириш ҳаётимнинг мазмуни бўлса. Мен яшашдан мақсад нима деяпман?

— Сен югурмай туриб, манзилга етишни иста-япсан, холос. Хаёлни ҳаётга талбиқ этмасанг, ҳаётинг хаёлга айланади.

Ўзим ҳақимда тилхат

Мен деҳқон ўғлиман. Болалигим Мирзачўл далаларида кечган. Отам қовун-тарвуз экарди. 3—4 ёшимда

пайкалларда югуриб юрар, чўл ҳавоси, тупроқ ҳиди, палакларнинг тароватли бўйи димоғимни қитиқлаб, адоқсиз ҳузур бағишларди.

Ҳали мактаб ёшига етмай, кўпгина шаҳарларда бўлдим. Отам катта-катта «Зил» машиналарига қовун-тарвуз юклар, сотиш учун гоҳ Душанбе, гоҳ Панжакент, гоҳ Чоржўй, гоҳ Томдига йўл оларди. Мен эса тижорат асносидаги бундай сайру саёҳат учун ҳамиша шай эдим.

Бир сафар, тўртинчи ё бешинчи синф ёшида, ёзги таътил кунлари, Самарқанд бозорида узоқ қолиб кетдик. Шунда, онамга бир энлик телеграмма жўнатганим ёдимда:

«Онажон, биз яхши юрибмиз. Сизни соғиндим».

Балки менда шеър ёзиш туйғуси мана шу таасуротларга бой жараёнларда шакллангандир. Буни аниқ билмайман. Лекин ҳаммадан бекитиқча онамни соғиниб, йиғлаб олардим. Кейин-кейин эндигина эсимни таний бошлаганимда оғир хасталикка чалиндим.

Дўхтирларнинг айтган гаплари бир лаҳза хаёлимдан нари кетмасди: «Болани тузатиб бўлмайди, уч-тўрт йилдан кейин миясига қон қуйилиб ўлади».

Мен юраги жўшқин, эҳтиросли, доимо кулиб юрувчи, ҳузур-ҳаловатни, ҳаётни, яшашни, дунёни севувчи оташин бола эдим. Дўхтирларнинг ўша гаплари юрагимга машъала ёқиб юборгандай бўлди. Одам ўзида йўқ нарса учун курашар экан. Яшаш учун, омон қолиш учун зимдан, руҳан кураша бошладим. Авваллари олам деганда оиламни тушунар эдим. Ака деганда акамни, сингил деганда синглимни тушунар эдим. Кейинчалик ҳаётимда отам сингари яхшилик қилган одамлар кўп бўлди. Акам сингари менга акалик қилган, сингил сингари меҳрибонлар кўп бўлди. Бирларини акамдай кўрдим. Бирларини синглимдай қалбимга яқин олдим. Мен оила деганда оламни тушуна бошладим.

Энди битта болада бўладиган ташвишлар эмас, ён-атрофимдаги одамлар ташвиши ташвишимга айлана бошлади.

Сирдарё пахтазорларини тинимсиз яёв кезардим. Шоликорлар ҳаётдан мақолалар ёзиб, туман ва вилоят газеталарига юборардим. Пахтакорлар, завод-фабрика ишчилари: «Ҳой, кимнинг боласисан?» деб сўрар, ифтихор билан отамнинг отини айтардим. Уларнинг олқишлари бу ҳаётда яшаётганимни билдирар, ҳаёт учун яшаш учун, бу ҳаётда борлигимни, ҳали ўлмаганимни билдириш учун тинимсиз интилардим.

Шеърларим район газетасида чоп этилишида биринчи устозим Ортиқбой Султонов кўмак берди ва адабиёт ҳақидаги, журналистика соҳасидаги йўл-йўриқларини аямади. Агар бу инсон бўлмаганда бошқа соҳага ўтиб кетишим мумкин эди. Чунки, у пайтлар оловдай ёниб турган, ўзимни ўтга, чўққа уришдан тоймайдиган, бир кун актёр бўлишни, эртасига дипломант бўлишни орзу қилиб қоладиган пайтларим эди.

Мана шу шиддат, мана шу жасорат билан Миллий университетнинг Журналистика факультетига келдим. Бу ерга ўқишга кириш мен учун кўз кўриб, қулоқ эшитмаган фавқулодда бахт эди. Чунки саккизинчи синф шаҳодатномам фақат «уч» баҳолардан иборат бўлса, тўққизинчи-ўнинчи синфларни «4» ва «5» баҳо-лар билан тугатган, улар орасида «учлар» ҳам учраб турарди.

Худо одамга сўраган нарсасини берар экан. Университет таълими дунёқарашимни ўзгартириб юборди. Кўпинча «диплом» бўлса бўлгани ёки сирдан ўқиса ҳам бўлаверади, дейишади. Бу мутлақо нотўғри фикр. Имкон бўлса, ўқиш керак. Ўқитувчиларнинг сабоқларини тинглаш керак, кутубхоналарда кечаю кундуз тайёрланиш керак.



Журналистика ҳаётимнинг асосий ўзанидир. Гарчи бир қанча китобларим чиққан бўлса ҳам, асарларим асосида видеофильмлар яратилган, шеърларимга куй басталаниб, 40 дан ошиқ кўшиқ ижро этилган бўлса ҳам, ўзимни журналист ҳисоблайман. Журналистика одамлар билан бирга бўлишимга, ҳаётнинг қайноқ жабҳаларида, фавқулодда ўзгаришларда иштирок этишим учун имконият яратиб беради. Журналистиканинг шарофати билан адабий асарларимни ёздим. Журналистика туфайли, болаликдан саёҳатга ишқибозлигим уйқаш келиб, дунёнинг беш қитъасида бўлдим.

Лекин ҳамма жойда, худди болаликда онамга ичкикиб телеграмма юборганимдай, она юртим Ўзбекистонни соғиниб юрдим. Аввал телеграмма юборган бўлсам, энди репортажлар, мақолалар юбордим. Ҳеч қачон, ҳеч бир жой она Ўзбекистонимиздай азиз ва муқаррам бўлиб кўринмаган. Қайтанга, ўзга юртлар Ватанга бўлган муҳаббатимни янада оширган.

Авваллари мендан «Ҳой, кимнинг боласисан?» — дея сўрашган бўлса, у ўлкаларда «Ҳой, қайси юртнинг боласисан?» — дея сўрашади. Авваллари отамнинг отини айтардим, энди «Ўзбекистон фарзандиман» дея фахрланаман. Отамнинг оти юртнинг номи билан уйқашиб кетгани қалбимда ифтихор туйғусини уйғотади.

Мендан Озодлик ҳайкали ёнида: «Сизда аёлга эҳтиром сифатида мана шундай ҳайкал борми?» — дея сўраганида, Мен: «Бундан беш юз йил олдин, бизда Бибиҳонимга атаб муҳташам сарой қурилган ва у сарой бу ҳайкалдан кўра гўзалроқдир», — дея жавоб берганим ёдимда.

Голландияда: «Ўзбекистон қаерда жойлашган?» — дея сўраб қолишди. Мен: «Қуруқликда, ҳеч қандай

хавф-хатар бўлмаган, осуда ва ям-яшил кенгликлар қўйнида», — дея жавоб бердим. Улар индамай қолишти. Чунки, Голландия хавф-хатар, кечаю кундуз таҳдид солиб турувчи ботқоқлик устига қурилган, бутун мамлакат майдонининг ярми, денгиз сатҳидан пастда жойлашган бу ўлкани 5 минг км га чўзилган тўғонларгина ҳалокатдан асраб туради.

Мисрда битта кўчат ўтқозиш учун уч йил тагига тинимсиз равишда сув қўйиб туриш керак.

Ҳиндистонда «Сизларда ҳам биздай севишадими?» дея сўрашганида, «Биз сизга Тожмаҳални қуриб берган Бобур Мирзо авлодларимиз, ҳар ўзбек юрагида шу қасрдай муҳаббат бор!» дея жавоб бердим.

Худо илҳом берса, шу жафокаш элни, кўзим қорачиғидай азиз юртни қалбдан куйлаб, шеър ёзаман, замондошларимнинг турфа хил феъл-атворларига маҳлиё бўлиб, ҳикоялар ёзаман. Ўзбекистоннинг дарди, орзу-умидлари, интилишлари ҳаётимнинг ўзагидир. Агар, болалигимдаги дўхтир айтган, уч-тўрт йиллик умрим бир оз чўзилган экан, унинг ҳар дақиқасини шу юрт учун сарфламасликка ҳаққим йўқ.



Хуррият шиддати гушар долғали,
Тошқин ҳайқириклар, чўзилмиш кўкка.
Исёнлар гупуриб, қалбда ёнади,
Худойим, мангулик шон бер ўзбекка!



Рўза кунлари бир рўзадор: — Кўриб кел-чи, қуёш ботдимикан? — дея ўғлини ташқарига чиқариб юбо-

рибди. Ўғли: — Куёш, ҳали тиккада турибди, — деб қайтиб келибди. Бир оз ўтиб, яна қисталанг қилиб, ўғлини чиқариб юборибди. Ўғли қайтиб келиб: — Куёш ҳали жойида турибди, — дебди. Бу ҳол қайта-қайта такрорланибди. Тоқати тоқ бўлган рўзадор, жаҳл билан кўчага чиқиб: — Нима бало, сени осмонга михлаб қўйишдими, — дея куёшга қараб тош отган экан.

Рўзани бундай тутгандан, тутмаган яхши,
Қарғаб, савоб кутгандан, кутмаган яхши.



Ҳаёт гўзал. Аммо бизнинг кўникмаларимиз ачинарли. Бир киши килоси беш юз сўмдан олма сотаётган экан, Азроил келиб, ҳозир уни олиб кетишини айтибди. Савдогар ўғлига, олма нархини бир тийин туширмасдан сотишни қаттиқ тайинлаб, жон берибди.

Нега шундай? Гоҳида битта чириган олмага ачинамиз-у, соврилиб бораётган умримизга ачинмаймиз? Агар, Худо бу умрни бизга текинга бермай, жуда қиммат баҳода нархлаб берганида, уни бу қадар арзон сотмаган бўлардик.

Афсуски, ойни сотиб олиб бўлмагандай, умрнинг ҳам нархи йўқ.



Вақтинг борида, у шу қадар қадрсизки, ҳатто бир чақага олмайсан, аммо вақт-соатинг ниҳоясига етиб келгач, у шу қадар қимматбоҳо бўлиб кетадики, яна бир кун яшаш учун, бутун умр йиққан бойлигингни беришга шай турасан, шунда вақт, сенинг бутун умр йиққан бойлигингни бир чақага олмайди.






Келажакка интилган ҳар бир одамнинг умидини, ушбу сўзлар безаб туриши шарт: — Мен, яхши ўқимаслигим керак, зўр ўқимаслигим керак, мен «гениально» ўқишим керак!



Одамни ҳамиша Руҳ, Ақл, Жисм сингари аргумоқлар олдинга бошлаб юради. Улар ҳаммаси бир пайтда чопса, кўп ишларни бажаришга улгурамиз, бир пайтда чопмаса, аравани судраётган учта отнинг биттаси йиқилгани сингари, ички инқироз юзага келади.



Аллома Алоуддин Мансур, замонамизнинг бир улуг ҳофизи ҳақида ҳайрат билан деган эди: — У арабий дуоларни мендан ўн баробар кўп билади, шу қадар кўп ёдлаган, шу қадар кўп такрорлайдики, ёдлаганлари ҳатто айтган кўшиқларидан кўп. Бу одам кечаси умуман ухламайди, кундуз кунлари саккиз соатлаб, тўхтамай кўшиқ айтади, ўн икки, бирдан то тонггача ибодатда бўлади. Унда оддий одам тоқат қилаолмайдиган қудрат ва жаҳд мужассам.



Бир куни, ўша ҳофиз телевидениега келган эди, машинадан тушиши билан, лўлилар ўраб олиб, садақа сўрай бошлади. Ҳофиз садақа улашгач, ҳаммаси чуғурлашиб қолди.


- Ин ака, ашула мехонад. Телевизорба омад...
- Номаш чи?
- Номаш намедонам.
- Сураташ мўл мебинем...

— Таниш мардак.

Лўлилар бирпасда кўпайишиб кетди. Кўшиқчи ичкарига кирди. Лўлилар шошиб қолишганидан, кўшиқчини отини тополмай, бир-бирини туртишарди. Охири, садақа тегмай қолганлардан биттаси кўшиқчини тўхтатиш учун ҳайқирди: — Эй! Алишер Навоий, тўхтанг...



Бир куни бир машҳур ҳофиздан: — Сиз музиқани қандай яратасиз? — дея сўрашганида, у: — Мен музиқани нафақат хаёлан эшитаман, аввал унинг рангларини яққол кўраман ва янги куйнинг расмини чизаман, сўнгра куйлайман, — деган эди.



Шоир шиор этур,
агар ёзса шеър
Ҳар шеъри шер эрур,
наъра тортган шер.





ЭЪТИРОФ

Бадиа

Одатда, бировнинг жиндай муруввати сабаб бўгинларингиз бўшашиб кетади. Беихтиёр «раҳмат» дейсиз.

Агар кўрган яхшилигингиз каттароқ бўлса, мезонига муносиб, ихтиёрингиздаги ҳимматингизни ишга соласиз: Ё гул оласиз, ё совға-салом. Агар бу унутилмас яхшилик бўлса, юрган йўлингизда ҳамду санони жойига қўйиб, доимо шу ҳақда ҳаммага мақтаниб юрасиз. Агар бу яхшилик жуда катта, бутун умрингизга татийдиган бўлса, кўнглингизда ташақкур тасбеҳи нейтрондай айланаверади, ич-ичингиздан «раҳмат» дейсиз-у, лекин бу тавозе, бу эҳтиром миннатдор туйғуларингиз коинотида, кафтдаги олмосдай муъжаз ифодагина бўлиб қолаверади.

Шукроналигингиз эса сўнгги нафасингизгача улғайиб боради.

Улғайгани сайин, қисмат олдида ожизлигингизни, имкониятларингиз чегарасидан ўтиб кетолмаслигингизни, давр ва вақт эса тобора алмашаётганини, ўзингиз билмас иқлимларга тойиб кетишингиз мумкинлигини эзгин-эзгин сезиб юрасиз — кўнглингизда кечган саховатни қўлингиз билан бажаролмайсиз, хаёлингиздаги фидойиликни ҳаётда такрорлолмайсиз.

Шунда, кунлардан бир кун, кўнглингиз ҳам, хаёлингиз ҳам ўз эгасини топиб олади. Сизга, юксак инъом ва шафоат сифатида берилган ихтиёр туйғули, Оллоҳдан: «Илоҳо, тилакларимни ижобат эт, мени ўз яхшиликлари билан қарздор ва миннатдор этган

кишининг иймонини басаломат, ҳаётини фаровон, юзини қиёматда ёруғ қил, жаннатингни дариг тутма» дея ёлвориб сўрай бошлайсиз. Дилингиз равшан торгади. Ихтиёрингиз чексизлигидан қувониб кетасиз.

Мен дунёда жуда кўп яхшиликларни кўрдим. Зеро, бу яхшиликлар бўлмаганда, мен ҳозир ҳеч нарса ёзмаётган, эъвозланмаётган, нафас олмаётган бўлардим. Зеро... бу дунёда менга ёзишни ўргатган, яшашни ўргатган, бевақт ўлимдан қутқарган, азиз инсонлар бор.

Зеро, Сизнинг ҳам дунёда, йўлига бир умр гул тўшасангиз арзийдиган азизларингиз бор. Зеро, жону жаҳонингизни аямаслигингизга арзийдиган улуғларингиз бор.

Зеро, одам одамга қайтара олмайдиган, қайтаришга қўрби етмайдиган, қайтаришга умри етмайдиган, тақдир насиб қилмаганидан, қайтаришнинг имкони бўлмайдиган, яхшилиқни ажру савобини ёлғиз Оллоҳгина қайтара олиши мумкин бўлган барча тизгини Яратганнинг қўлида бўлган мўъжизавий ҳаёт бу...

Зеро, бу дунёнинг жами неъматлари, жами дуру жавоҳирлари, бахту саодат оламининг чексиз салтанати, истаган чўққингизга олиб чиқувчи миллион-миллион омад тулпорларининг тизгини ёлғиз Оллоҳнинг қўлида.

Зеро, бу дунёнинг сизу биз билмаган, ожиз ақлимиз тарозисига сизмаган, тасаввуримиздан ҳам поёнсиз, биз тасаввур қилган жамики улуғворликлардан ҳам улуғворроқ, зарурроқ, олийроқ неъматларни ҳам ёлғиз Оллоҳгина бошқариб турибди.

Фақат, истақлар ижобат бўлса, бас.

Фақат одамнинг одамга бўлган истақлари ижобат бўлса, бас:

— Илоҳо, тилақларимизни қабул қил, бизни ўз яхшилиқлари билан қарздор ва миннатдор этган кишиларни иймонини басаломат, ҳаётини фаровон, икки дунёсини саодатли, юзини қиёматда ёруғ қил, улардан марҳаматингни асло дариг тутма, Оллоҳим!



ШАҲОДАТ ДАФТАРИ

Бадиа

Баъзи тарихий китоблар негадир менда эсноқ уйғотади. Замондош ёзувчиларимиз тарих елкасига доимо ўз манфаатларини юклайверишади. Ўтмишдаги барча хонлар, беклар, оддий аскардан тортиб сарой маликаларигача ҳаммаси уларнинг хизматида куллуқ қилиб туришади, уларнинг гоёларига ўйнайди, айтганларини бажаради. Бундай ёзувчиларнинг ўзлари билмаган ҳолда қиладиган бу қилиқлари кишини, китобдан юз ўгиришга мажбурлайди. Лекин, кенгроқ ўйлаб қарайдиган бўлсак, бечоралар бундан бошқа нима қилишсин. Ахир биз бой тарихга эгамиз деймиз-ку, бу тарих ҳақида китоблар жуда оз миқдорда чоп этилган. Тарихнинг узилмас занжирида муҳим ўрин тутган оддий хон-у беклар, олиму-уламолар у ёқда турсин, энг буюк халқалар Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Имом Бухорий, Амир Темур ҳазратлари ҳақида муаррихларнинг китоблари кейинги юз йилликда деярли чоп этилмади. Бу жавоҳирлар хазинаси энди-энди очилиб бормоқда. Шундай экан, замондош ёзувчилардан гина кудурат қилишга асос йўқ. Ҳаво тоза бўлган пайтлар, узоқдаги тоғ яқин кўринади. Кўринмаган нарса эса, олис туюлади, ҳатто саробга ўхшаб кетади.

Қоҳира шаҳрининг сал юқорисида Хеопс эҳромидор. Эҳром зиёратига келганлар: «Ҳамма вақтдан кўрқади, вақт эса эҳромлардан кўрқади» — дейишади. Қачонлардир, Мисрни забт этишга келган Наполеон Бонапарт Сфинкс соясида от кишнатиб тураркан: «ўзимни минг йил аввалги замонда яшаётгандай сезаяпман», — деган экан.

Зеро, сиз ҳам Амир Темур бобомиз ҳақидаги китобларни ўқинг-у, Регистонга боринг. Олти юз йиллик тарих қаърига тушасиз ва бутун бўй-басти билан намоён бўладиган ўтмиш қучоғига тушиб қолсангиз, ўтмиш узоқ замонларда эмас, яқин-яқинларда бўлиб ўтганини юрак-юракдан ҳис қиласиз. Шонли тарих узоқда эмас, худди кеча ўтгандай, умрингизнинг бир бўлагидай туюлаверади.

Ғафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи яқинда «Амир Темур Европа элчилари нигоҳида» китобини чоп этди. Китоб муаллифларидан бири, Испания қироли элчиси Руи Гонсалес де Клавиходир. Китоб 1403 — 1406 йилларда ёзилган. Маълумки, элчилар кундалик дафтар тугар эканлар, ўз олдиларига бадиий асар ёзишни эмас, балки ўз қиролларига маълумотнома тўплайдилар, ўзлари юборилган диёрнинг аниқ манзарасини чизиш мақсадида қалам тебратадилар. Клавихо ҳам бундан мустасно эмас. Унинг ҳам асари содда, аниқ ва равон ёзилганки, ўқишни бошлашингиз билан сизни олти юз йиллик тарих қаърига етаклаб кетади:

«Биринчи жангда Ҳиндистон подшоҳи филлар туфайли Темурбек устидан ғалаба қозонди. (Гарчанд, сиз саркарда бўлмасангизда мана шундай ҳолатга ўзингизни солиб кўринг. Гарчанд, ҳаётлари давомида рўй берган уч юздан ортиқ жангнинг бирортасида мағлуб бўлмаган эсалар-да, бундай вазиятда бир қарорга келиш учун барибир юксак салоҳият керак). Эртаси кун жанг бошланишидан аввал Темурбек туни бўйи ўйлаб чиққан хийласини ишлатди, аскарларига туялар устига самон-хашак ортишни буюрди. Жанг бошланиши биланоқ, филларга қарши махсус туяларни кўйиб юборишди ва улар филларга яқинлашганида туялар устидаги самонни ёқишди. Филлар ёнаётган туяларни кўргач, ҳаммаси ҳар тарафга қараб қочди. Айтишларича, филларнинг кўзлари кичик бўлганлиги учун оловдан кўрқишар экан».

Клавихо ўз китобида буюк бобомиз ҳаётида бўлиб ўтган бундай воқеаларни жуда кўп келтиради. Ростдан ҳам, бобомиз гайб олами, башорат қопқалари бандалар учун беркитилганини эртанги кун нима бўлишини ёлғиз оллоҳдан бошқа ҳеч ким билмаслигини, эртанги кун учун курашиш кераклигини, йўқса, мағлуб бўлиш ҳеч гап эмаслигини яхши билганлар ва икки юксак бурж соҳибиман деб, қўл қовуштириб ўтирмаганлар. Мана шуларни назарда тутиб Клавихо у ҳам оддий одам бўлганлиги, муоммалар устида бош қотирганлиги, ғовларни енгиб ўтгани, тадбиркорлиги, ақллилигини бирма-бир кўрсатади:

«Масжид қурилишини Соҳибқироннинг ўзи назорат қила бошлади. Ўзи бу вақтда юра олмасди, уни кўтариб юришарди. Уни ҳар куни бу ерга олиб келишар, у ишчиларга қурилишни тезлатишни, кейин бу ерга қайнатилган гўшт келтириб, хандақнинг ичида ишлаётганларга ташлашни, баъзида танга пуллар сочишни буюрарди. Айрим ҳолларда пиширилган гўштни бинокор ва меъморларга ўз қўли билан кесиб берарди. Шу йўсин қурилиш кеча-ю кундуз давом этарди».

Мана, дунёнинг уч қитъасини эгаллаган императорнинг ҳаёти.

Шунингдек, китобдан ўрин олган Султония архиепископи Иоаннинг ёзганлари ҳам буюк бобомизнинг юксак заковатини ёритиб берувчи ҳикояларга тўла: «У пайтда Темур Бей ёш, эндигина тахтга ўтирган пайти эди. Аммо ҳузурига ўлдириш учун келган элчиларни кўрган Темур Бей катта макр ишлатди. Кўрпа-тўшак қилиб олди ва ўзини бетоб кўрсатди, зеро, у Мўғулистон императорининг буюк қудратини яхши биларди: у рақиби ва унинг элчиларини ғафлатда қолдиришни ўйлай бошлади ва янги сўйилган мол қонини келтиришларини буюрди ва ютди, ҳамда элчиларнинг не мақсадда келганини билиш учун ўз ҳузурига чорлади. Улар кирган чоғ, шошилиш равишида тоғора келтирдилар ва Амир Темур ютган қонни қайт

қила бошлади. Элчилар бу қонни Амирнинг қони деб ўйладилар. Бу билан у элчиларга ўз тақдиридан қочиб қутила олмаслигини ва дардига ҳеч қандай даъво йўқлигини, яъни тез орада ўлажаклигини билдирди.

Бундан хабар топган Мўғул императори кўп шодликларга тўлди. Кейин Темурбей уни айш-ишрат чоғида учратди ва маҳф этди, хотинини ўзига хотин қилиб олди, ўғилларига унинг қизларини олиб берди, сўнгра бутун Мўғул империясини қўлга киритди».

Китобда, буюк бобомиз ҳаётидан олинган бундай оддий ва ўта таъсирли ҳикоялар кўплаб келтирилган. Бу ҳикоялар, аниқ хавф-хатарга қарши аниқ чоратадбирлар қандай қўлланилгани, бобомиз афсонавий одам эмас, балки ўзларини кичик сарбоз сингари тутиб, матодан тўқилган кўйлақда жангчиларга кўшилиб, жангга кириб кетаверадиган, ҳар лаҳза бошида юзта хатар айланиб турган, лекин ақли олмослиги, заковати буюқлиги, қалби дарёлиги туфайли маҳорабалардан омон қолган саркарда сифатида тасвирланади. Қанийди, китобни ўқиб, бобомиз ҳақида ҳеч бўлмаса «Шерюрак», «Гладиатор» сингари фильмлар ишланса деган фикр хаёлга келади.

Ахир, бизга бобомизнинг ҳар бир босган қадами, ҳар бир айтган сўзи, ҳар бир воқеага муносабатини ўрганадиган пайт келди-ку. Ахир, у кишининг ҳаётларини фақат бизгина эмас, бутун дунё ўрганмоқда ва биздан яхшироқ биладиган одамлар Ер юзида сон-саноксиз-ку?!

Амир Темур бобомиз болаликларидан, кўчада ўйнаб юриб, бир ўртоғини сен фалон мамлакатга подшоҳ бўласан, бошқасига, сен фалон шаҳарни бошқарасан, яна бирига сенинг измингда фалон амирлик бўлади дея, тақсимлаб, уларни руҳлангириб юрар эканлар. Кейинчалик, мана шу ўртоқлари бир умр бобомизнинг ёнида юриб хизмат қилган ва бирлари амир, бирлари ўзга вилоятда ҳокимлик қилган эканлар. Худди, шу рағбатлангириш усулини тўрт юз йилдан

сўнг Наполеон Бонапарт ҳам қўллаб, бир ярим минг аскарга Фахрий легион орденини улашган, ўн саккиз генералга бирданига «Франция маршали» унвонини берган, қўшинини эса «Буюк армия» деб аташларини буюрган ва бу мақом ва ваколатлар Наполеонга улкан ғалабалар, сўнмас шон-шуҳрат келтирган, экан.

Амир Темур ҳаётини ўрганиш миллатимизни, мамлакатимизни юксалтиради, қалбимизга ифтихор бағишлайди, биз оддий халқ эмас, оддий миллат эмас, буюк халқ, буюк миллатлар сирасидан эканлигимизга кафолат беради.

Ахир, куни кеча эмасмиди, бобомизни «уруш худоси» деб атаганлари, бобомизнинг қабрлари очилган кун, иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетди дея, аюҳаннос солганлари, у кишидан қолган минглаб миноралар, мақбаралар, қасрларни инobatга олмай, «узилган бошлардан тепалик ясаган қонхўр саркарда» деганлари, буюк қалблари, донишманд тафаккурига урғу бермай, «оқсоқ» дея масхаралаганлари куни кеча эмасмиди? Наҳотки, шунча таҳқирлашлар, камситишлар бизга сабоқ бўлмаган, адолат қарор топган, тарихий ҳақиқатлар тикланган, ўзлигимизга қайтиш имконияти туғилган бугунги кунларда бундай улуг неъматларни қадрлашда ҳали-ҳануз лоқайд бўлсак?!

Китоб—мактуб. Олис ўтмиш қаъридан бизга юборилган мактуб. Оддий мактуб эмас, буюк бобомиз ҳақида ҳужжатнома — шаҳодат дафтари. Миллатимиз буюклиги ҳақида ёзилган дostonларнинг бири.

Бир пайтлар Расул Ҳамзатов ўтмиш ҳақида ёзиб танқид тошбўронида қолганида: «Отни айбламанглар, йўлни айбланглар!» деганди.

Бугунги кунда йўл ўзгарди, тузум янги ўзанга кирди. Энди ҳам замондош ёзувчиларимизнинг ўтмиш ҳақидаги китоблари кишида эсноқ уйғотадиган бўлса: «Йўлни айбламанглар, отни айбланглар!» дейишдан бошқа иложимиз қолмайди.



ТАСОДИФ ҰЙИНИ

Ҳикоя

Кун қизиб кетди. Жазирама иссиқда, аксига олиб, анча юришга тўғри келди. Қон томирларим бўртиб, юрагим гурсиллаб ура бошлади. Ётоқхона зинапояларига илдам чиқиб, эшик тутқичига ёпишаман. Юзимга салқин ҳаво урилишидан аввал, йўлакдаги диванда ястаниб ўтирган қизларга кўзим тушди. Индамасдан ўтиб кетарканман, уларнинг кўнгилхушлик истовчи умидвор нигоҳлари бўйнимга чиппа ёпишиб олганлигини пайқадим. Улар ўғил болалар яшайдиган ишчилар ётоқхонасига айшу ишрат иштиёқида келишарди.

Каравотга ўзимни таппа ташлар эканман, уларнинг кўзларидаги интиқлик тийинсиз истакларимни алангалата бошлади.

Ўзимни чалғитиш, эс-хушимни йиғиб олиш учун ёстиғим остида турган дафтаримнинг дуч келган жойидан ўқий бошладим.

Кундаликда қуйидагилар ёзилган эди:

1 октябрь, 1985 йил.

«Осмон, бироз муддатлик ёмғирдан сўнг, ювилган шишадай ярқираб қолди. Ҳаво енгиллашди. Олисдаги музсимон чўққилар ёнгинамизга келиб олди. Жунжиктирувчи совуқ чиллашир оёқчаларини суякка теккизади.

Ана, Сайёра рўмолини ечиб, тўзгиган сочларини қайтадан турмакляпти. Шамол у тишлаб олган рўмолни ўйноқлайди.

Болалар пахтасини топшириб, йўл ёқасига олов ёқишди. Гўзапоя хиёл ўтмай, қип-қизил чўққа айланди.

Чўғ шабада эганида алвон марвариддай товларди. Мен Сайёра келиб исинармикан, деб кутиб турдим. У келмади, ўзим эса чақира олмадим.

6 октябрь, 1985 йил.

Кечки пайт уймалашиб овқатланаётган эдик, Шопўлат қичқириб қолди:

— Шу қиз олдимдан кўп ўтяпти, менда гапи бор-ов!

— Э, қатта, у аканг қарағайни қаратиш учун ўтяпти!

— Ўл-е, қўйсанг-чи, кўлингда қурт ўлмади-ю!

— Мен учун! Гарров ўйнаимизми... — Мен жон-ҳолатда бақириб юбордим. Кейин, сирим очилишидан хижолатда, ўзимни четга тортдим. Лекин кеч бўлган эди.

— Ўйнаимиз!

— Сайёра, тўхтанг. Битта гап... савол... Э-э...

— Нима гап?

Мен Сайёрани кўз остимга олиб юрар, бир-икки бор бир-биримизга қараб қўйганимизни инобатга олмаганда, сира гаплашмаган эдик. Ҳозир, тўппатўсатдан: «Мен учун ўтдингизми», — дейишим ва голиблик даъво қилишим ақлга сиғмасди. Яхшиси...

— Сайёра, ... э, яхшиси кейинроқ, бўлди, бас... болалар, Сайёра сизларга кейинроқ анигини айтади. Ҳозир эмас.

Мен, болаларни зўрға тинчитдим. Шопўлат эса мақтанишини қўймас эди.

Кечқурунги овқатдан сўнг шийпон атрофига катта гулхан ёқилди. Кимдир шеър ўқиди, кимдир қўшиқ айтди. Давра қизигандан-қизиди. Бизнинг жўралар эса, мени етаклаб, Сайёранинг олдига судраб кетишди.

— Айт, ким учун ўтдинг?

— Ҳарқалай сизларнинг биронтангиз учун ўтганим йўқ, — деди у.

Мен завқ ва кўркув аралаш орқага тисарилдим.

9 октябрь, 85 йил.

Бугун Сайёра билан биринчи бор холи гаплашдим.
— Одамлар ёнма-ён юраверади. Тақдир учраштира-
маса бир-бирини танимайдиям. Бир марта олдинг-
лардан ўтдим-у, балога қолдимми?

— Сизга зорлар қанча...

— Зорлар кўп, мардлар борми?

— Ҳа, аста-аста чиқиб қолар.

— Битта мард чиққунча, юзта номард йўлингни
тўсади.

Мен ютиниб қўйдим. Ичимдан бир зориқиш ўтди.
Мен, «бундай мард бор, бу — мен» дегандай қўлини
кафтимга олиб, силаб қўйдим.

15 октябрь, 85 йил.

Чошгоҳда Сайёрани курсдошларимдан бири расмга
тушираётганини кўриб, жаҳлим чиқиб кетди. Юра-
гимда кучли бир қизганиш уйғонди. Аввал расмга
туширади, кейин расмни чиқариб, томоша қилади.
Хуснидан баҳраманд бўлади. Бу «меники» дейди.

— Ҳой, Тожи, олма уни расмга!

— Нега, ўзи айтяпти-ку!

— Туширма деяпман.

Сайёра олдимга келди.

— Айтинг, нега ундай деяпсиз?

— У ёмон бола. Сиз кулиб тушасиз. У менга
жилмайяпти, дейди. Келинг, шунақа ишларни пахта
тугагач, Тошкентда қилайлик.

Сайёра кўнгандай бўлди. Кейин барибир мендан
яшириб овлоқда расмга тушди. Қаттиқ аразлаб,
хаммадан четда пахта тера бошладим.

Бир вақт қарасам, эгатим бошида Сайёра турибди.

— Соатингиз неча бўлди? — сўради у.

— Сизга қанақа вақт керак, — дедим.

— Кетиш.

— Кетиш вақтингиз бўлган.

— ... Қанча пахта тергансиз?

— Наҳот сизни фақат пахтаминг оғир-енгиллиги қизиқтирса?

— Ховос бизга яқинми?

— Масофаси яқин, ораси узоқ, — дейман мен. У кулади. Яна савол берармикин?

— Булутлар қаердан келади?

— Ошиқнинг қошу қовоғидан! — Бу сафар ўрнимга курсдошим жавоб берди. Бировнинг қулоғи... аралашганини қаранг.

— Кўпроқ расмга тушинг! — деб ўрнимдан турдим-да, кета бошладим.

— Фуфайкангиз қолди, — деди у ортимдан меҳрибонлик билан.

— Сизга.

— Эй, Сайёра, булар фақат фуфайкасини, фартугини, шапкасини қолдиради, ўзини эмас, — деб ҳиринглаб кулди курсдошим.

Бу кечинмалар тун бўйи қулоғим остида жаранглади. Шунинг учун кундаликка ўз ҳолича ёздим-қўйдим.

21 октябрь, 85 йил.

Намозшомда дугонаси иккаласи бизга атай эшитиларли қилиб, қўшни баракка бориш-бормаслик режасини туза бошлади. Шопўлат билан кўз қисишдик-да, олдиларига бориб, кийимларимизни тўғрилайвердик.

— Йўл бўлсин, Маҳмуд ака.

— Ўзимиз, бир айланиб келайлик!

— Физматнинг бараги қаёқда?

— Ҳа, мен биламан, — деди Шопўлат ёлғондан.

— Биз билмаймиз (ёлғон)! Биз билан бормай-сизларми?

Шарифа ўзини адашиб қолишдан кўрқаётгандай тутади. Сайёра эса:

— Э, бормасаммикан, — дея нозланади.

Шарифа унинг қулоғига мастонавор пичирлайди. Афтидан, «Шундай чиройли кўйлагимни бердим-ку, буларнинг кўзини бир куйдириб қўймайсанми», — деди.

Физматнинг бараги жуда узоқ экан. Боришга бордигу, қайтиш йўли роса чўзилди.

Шопўлат билан Шарифа тез-тез юриб, бизни ташлаб кетди. Биз эса оғзимизга нима келса, тинмай гапирардик. Ҳатто шеър тўқирдик:

— Йўлнинг усти чанг, юрибмиз аранг, суясин аканг, лемайсизми, хўп бўлмаса бир... қофияси сиздан-да, энди, — дейман бахтиёрлик билан.

— Ҳозир мен ўлиб қолсам,
Сув пари бўлиб қолсам, —
дейди Сайёра.

— Ойга қаранг қорақош,
Ой, сувдаги оппоқ тош, —
дедим мен.

— Пахта солдим этакка,
Юк бўлсин деб, эшакка.
Сухбат ҳазил-ҳузул аралаш
давом этади. Аммо, шийпонга
яқинлашгач, Сайёра бирдан
жиддий тортди.

— Афсуски, хурсандчиликнинг умри қисқа бўлади.
— Йўқ, мен сиз билан бахтиёрман...
— Бугун шундай, эртага-чи?
— Эртага сиз мен билан бўлмайсизми? — дедим
хайрон.

— Эртага мени сиздан тортиб олишса, нима қиласиз?

— Шундай одам борми?

У баракка югуради.

— Сиз қолинг. Бир соатдан кейин кирасиз.

Барак эшиги олдида пойлаб турган домла бемаҳал юргани учун Сайёрани койий бошлайди. Мен нафасимни ютиб, домладан ғойибона узр сўрайман.

1 ноябрь.

Сайёра билан кун бўйи учрашолмай юрдим. Аксига олиб соатимнинг батареяси тугабди. Наҳотки, у энди



мендан ўзи учун келиш, кетиш, кулиш ва ҳоказо вақтларини сўрамаса. Сени кўргим келар, жоним қайдасан?

Терган пахталаримнинг ярмини Сайёранинг номига ўтказиб юбордим.

Кечқурун овқат олиш учун навбатда турсам, биров энгимдан тортади.

— Кетиб қолманг, овқатимнинг ярмини сизга бераман.

— Сиз ея қолинг. Ҳали айланишга чиққаннимизда чарчаб қолмайсиз.

— Ҳо-о, айланишга чиқмайман... Сиз билан эса умуман гаплашмайман.

— Қайси гуноҳим учун?

— Сиз ёмонсиз. Сиз билан юришга кўрқаман!

— Илтимос, бир марта.

— Йўқ, йўқ, йўқ.

Қайта-қайта илтимос қилавериб, охири кўндирдим.

Кузда ҳам худди ёздагидай ҳали кун ботмасдан юлдузлар кўрина бошлади. Бошимиз оққан томонга юра-юра йўнғичқазорга бориб қолдик. Чигирткалар оёқ остидан пириллаб учади. Бутун борлиқни қамраб олган кучли чириллаш, мана шу митти ҳашаротники эканлигига ишонгинг келмайди.

— Одамда илоҳий куч бор. Мен ҳозир худди сеҳрлангандайман, — дейди Сайёра. Фикрини тугатишга сўз тополмай кулади. Менинг ҳолим эса ўзимга аён. Уни аллақачон эшитмай кўйганман. Аллақачон ҳушимни йўқотганман. Аъзойи таним қизиган сари ўзимга қарата пичирлайман: «У меники, у бутунлай меники. Икки томчи сувдай бир-биримизга мосмиз».

Сўнгра у ҳам ночорликка маҳкум кимсанинг сукунатига чўка бошлагач, ҳеч қандай пичирлаш керак бўлмай қолди.

Унинг қўлларидан ушлаб, ўзимга тортдим. Лабларимиз бирлашди. Вужудимиз, жой-жойига тушган ошиқ-маъшуқлардай ажралмас оташга айланди...

Анча пайтгача уйқум келмади. «Тонг нега бунча тез отмоқда. Тун нега бунча қисқа? Радиони пастлатиб, кўшиқ эшита бошладим. Наводан нафас олаётгандай эдим. Шунча бахтни сезмоққа танамиз қодир-а? Ҳаёт баҳри-дилимни ҳеч қачон бунча очмаган, бунчалик қувватлантирмаганди. Олам бунча ёруғ, азизим! Бунақа лаззатдан кейин ухлаш бахтсизлик».

Кейин булутлардан ҳам юқорида, зангори осмон бағрида уча бошладим.

2 ноябрь.

Эрталаб Сайёранинг уйига кетиб қолганлигини эшитдим. Дараклашга ботинолмадим. Бизнинг муносабатларимизни ҳали ҳеч ким билмасди. Ҳар бир лаҳза ўтган сари уни соғина бошладим. Соғинганим сари юрагимда чидаб бўлмас даражада оғриқ уйғонар эди. У кўзимга шу қадар яхши кўринардик: «Сени севаман Сайёра, севаман» дердим ва бу сўзни кеча ўзига айтмаганимдан хафа бўлардим. Мабодо, ҳозир қаршимдан чиқиб қолса, шартта айтаман дердим ва бутун вужудимда уни қаттиқ севиб қолганлигимни ҳис қилардим. Сайёрани ўпганим ҳаётимдаги биринчи бўса эди.

Ўша куни тунда, қоп-қоронғида тимирскиланиб, кўрпаларимни тўшашга ҳозирлаб қоқа бошлаганимда, ёстигим остидан топиб олганим — Сайёра ташлаб кетган қоғозни ўқиб туриб, яна ҳеч нарсани тушунмадим.

Хатда қуйидагилар ёзилган эди:

«Маҳмуд ака!

Сиз билан хайрлашмадим. Менга туюладик, сиз хаёлимдан ҳеч қачон ўчмайдигандайсиз. Ҳар доим ёнимда мен биландайсиз. Лекин биз энди ҳеч қачон учрашмаймиз. Ҳеч қачон. Сиз билан ўтган дамларимиз, энг гўзал кунларимиздир. Бундайи... бундан кейин ҳеч қачон бўлмайди.

Айтишади-ку, «Асл ишқ—айрилиқ, дил—васл эрмаги» деб.

Мен мана шу айрилиқ билан ўзимни жазолайман. Мен шунга лойиқман. Бундан кейин йўлларимиз айри кетса, сиз ҳам ўкинманг. Ўтган кунларни хотирланг. Бахтли бўлганимизни унутманг. Сиз билан учрашувимиз тасодиф эди. Тасодифлигича қолсин. Мени кечиринг. *Сайёра».*

12 ноябрь.

Бугун пахта терими тугаб, Тошкентга келдик. Кун бўйи Сайёрани изладим. Уни яхши кўриб қолганлигимни, севишимни айтмоқчи эдим. У Хоразмга кетган шекилли, ётоқхонасида йўқ. Бир ҳафтадан кейин ўқиш бошланади. Балки ўшанда учрашармиз.

20 ноябрь.

Бугун Сайёрани кўрдим. Бир йигит билан гаплашиб турган экан. Ёнларига бордим. Мен билан бош силкиб сўрашди-ю, яна ўша йигитга кўз тикди. Менга нисбатан бу қадар беписандлигидан ҳайрон бўлдим. Ва ниҳоят ёнларига бориб, қўл узатдим.

— Ҳа, Сайёра, қандайсиз?

— Зўр, ўзингиз яхшимисиз?

— Нега пахтадан кетиб қолдингиз?

— Азиз акамнинг туғилган куни эди. Танишинг.

Мен истамай ёнидаги йигитга қарадим. Азизи шу бўлса керак. У энди мени таништира бошлади:

— Маҳмуд ака, бизнинг факультетда ўқийдилар.

— Сайёра, бир кўришайлик. Гапим бор.

— Билмадим, энди Азиз акам билан... вақтимиз бўлмаса керак.

Ортиқча туришга тоқат қилолмадим. Сайёра, гўё орамизда ҳеч нарса бўлмагандай, ўзини бепарво тутар, Азиздан кўзини узмас эди. Жуда дарғазаб бўлдим. Кўлидан судраб кетишнинг эпини қилолмадим. Ўзи истамаса, нима ҳам дердим.

Ҳа, Сайёра мени таҳқирлаган экан, таҳқирлаган экан, таҳқирлаган экан. Таҳқир деган ўпқон қаъридан

«дод» садоси баланд ўрлайди. Садоларга осилгин, аммо садо сени қутқаролмайди...

Сайёра, нега бундай қилди. Севгани бор экан, нега мени алдади?

30 декабрь, 85 йил.


Янги йил олди, талабалар карнавалида уларнинг қучоқлашиб турганларини яна бир бор ўз кўзларим билан кўргач, йўлларимиз айро-айро кетганини тушундим ва ортиқча изтиробларга ўрин қолмаганлигини англаб етдим.

Биринчи бўса ва биринчи хиёнат тарихи шундай яқун топди».

Кундалик ўқишни шу ерда тугатдим. Сайёра туфайли чеккан азобларим ниҳоясиз эди. Ўқишга ортиқча тоқатим қолмай, ўрнимдан кўзгалдим.

Пастда ўйин-кулгу, дилхушлик, «бир содиқи дилдорлик» истаб, диванда ноз-карашма билан ўтирганлар кетиб қолмадимикан, деган хавотирда эшик дастасига қўл югуртирдим.

Хонада ёлғиз қололмас эдим...





ШОИР

Ҳикоя

У пайтда университетни битирганимга эндигина икки йил бўлганди. Зах ва тор ижара уйда тунлар босинқираб, кундузлари мукка тушиб, ҳеч ким тушунмас савдойи шеърлар алангасида яшардим. Нашрга берсам, чоп этишмас, ижарачи кампир ачинганидан бир бурда нон ва яна у-бу егулик ташлаб кетар, талабалик даври, ўқишни битиргач, адабий жамоа тахтига ўтирамиз, деган иддаомиз пуч ва ҳардамхаёл орзуларга айланаётгани сира тинчлик бермасди. Полугим пасайиб қолган кунларнинг бирида, «Жўжанинг иқболи бўлса, товуқнинг эмчаги бўларди», деган нақлни такрорлаганча «Адабиёт» газетасига иш излаб бордим.

— Бизга шоир эмас, газетага қизиқ мақола ёздингиз журналист керак! — деди Бош муҳаррир. «Нўноқ мерган оқсоқ қуён излар», дедим ичимда шоирларни камситганидан ёзғириб. Лекин тақдирга тан бериш керак эди.

Ўша пайтда ғаройиб қобилиятли ёш шоир ҳақидаги миш-мишлар қулоғимга чалинганди. «Адабиёт» газетаси бўлганлиги, қолаверса, шоирлар бир қавм ҳисоблангани боис, зўр мақола ёзаман дедим-да, сўнгги чақаларимни йиғиб, ўша боланинг олис қишлоғига йўл олдим ва излаб топдим. Унинг бўйи узун, қўллари ингичка ва оппоқ юзидан таъби ниҳоятда нозиклиги кўриниб турарди.

— Ўғлимни етти ёшигача елкамдан туширмаганман, — деди отаси. Ҳозир ҳам деярли ҳеч ким билан ўйнамайди.

— Ўқишларинг яхшими? — дедим, кўришганимиздан бери жим турган болага. — Баҳо оласанми?

— Ҳаммаси беш. Сира тўрт олмаган, — деди отаси.

— Ҳамма фанданми?

— Дарсликларни бошдан-охир ёд билади-ю, — деди яна отаси. — Ундан ташқари тўртта тилда бемалол гаплашади.

— Зехнинг ўткир экан, — дедим болага қараб. — Яна нималарни ёдлагансан?

— Навоийни, Яссавийни, Сўфи Оллоёрнинг мингдан ортиқ ғазалини ёд билади. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовдан сўраганингизни айтиб беради, — деди отаси.

— Ўзинг ҳам ёзасанми? — дедим, отасига сиз жим туринг ишорасини кўрсатиб.

— Ҳа. Юзга яқин шеър, қасида, дostonларим бор, — деди бола мулойим ва хокисорона.

— Қани ўқигин-чи, — дедим, бир сандиқ тилла топиб олган фақирдай.

У кўзларини бир нуқтага тикиб, қироат билан ўқий бошлади. Унинг шеъри жуда узун, гоҳ XV аср назмига ўхшаб кетар, гоҳ афсонавий, гоҳ қуйма, гоҳ тушунарли, гоҳ англаб бўлмас, лекин бир нарса аён эдики, шунчаки оддий, таҳрир қилиб, «оёғини осмон»дан қилиб ташлаш мумкин бўлмаган сатрлар эдики, илоҳий илҳом билан ёзилганлигига шубҳам қолмаган, шеъриятимизнинг янги султони туғилганига гувоҳ бўлиб тургандим. Илло, унинг исми Фанишер эди. Ўзим у-бу нарсаларни қоралаб юрганим туфайли, шеърнинг қуйилиб келишига ишонар, бундай воқеа ҳаётимда бор-йўғи бир мартагина бўлган, мен ҳам ўн тўрт ёшимда, тунда шеър ёзиб ўтириб, миямга ёпирилиб келаётган туйғулар, сўзлар, фикрлар алангасида қаро терга тушиб, кўркувдан қалт-қалт титраганча ҳовлига югуриб чиққанман. Кейин онам уйғониб қолиб, бошимдан совуқ сув

қуйган. Бу ҳолат бошқа ҳеч қачон такрорланмаган. Мени, «шоирлигим ўша куни тарк этди ва қайтиб келмаяпти», — деган хулоса доимо қийнарди. Фанишернинг шеърлари, ўшандай илоҳий илҳом хуруж қилганда, шеърий оқимни бошқара олган ва юраги «минг тонна юк»ни кўтара оладиган шоир дунёга келганидан шаҳодат берарди.

— Шеърни қандай ёзасан? — дедим ҳайратланиб.

— Шеър ёзишдан олдин, ярим соат ухлайман. Кейин ўзи қуйилиб келаверади. Гоҳида тўхтамай ёзганимдан бармоқларим оғрийди. Улгурсам бўлди.

— Устозинг борми?

— Ҳа, Отам — устозим. Отам адабиёт ўқитувчиси. Китобларни у киши танлаб ёдлатганлар. Хат-саводим уч-тўрт ёшимда чиққан. Етти ёшимда «Хамса»ни ёд билардим.

— Ҳозир иккита шеър бераман. Қанча вақтдан сўнг ёд айтиб берасан.

— Бир марта ўқиб, ўн беш дақиқа мизғишим керак. Уйғонганимда ёдлаган бўламан.

Мен унга ҳеч жойда босилмаган иккита шеър тутқаздим. Фанишер уларни икки бора ўқиб чиқди-да, бир зум кўзларини юмди. Гапга яна отаси аралашди:

— Ўғлим билан фахрланаман. Бутун туманимизда, вилоятда обрўйи баланд. Жуда кўп тўйларга, йиғинларга таклиф қилинади. Туман газеталарида шеърлари қайта-қайта босилиб чиққан.


— Энди марказий газеталарда ҳам босишади, — дедим ишонч билан.

Орадан ўн беш дақиқа ўтиб, Фанишер шеърларни қайтиб берди ва ҳар иккисини ҳам ёд айтди. Мен қойил қолганимни билдириб, жилмайдим. Хайрлашув олдидан бирга чой ичдик. Отаси мендан кўра Фанишерга кўпроқ меҳрибонлик қилди. Худди у меҳмондай эди. Ҳатто, нонларнинг юмшоқ жойини олиб, оғзига тутиб турар, косадаги шўрвани ҳам пуфлаб ичирарди.

Газета Фанишер ҳақидаги мақоламни босиб чиқарди-ю, лекин мени барибир ишга олмади.

Орадан ўн йиллар ўтиб, йўлим тушганда, Фанишерларникига бирровга кирдим. Аҳвол мутлақо ўзгарган эди. Фанишернинг отаси кўрпа-тўшак қилиб ётиб олган, онаси молхонада гимирсиб юрар, ҳовлида ҳеч ким кўринмас, ёлғиз фарзанд Фанишер эса чет элга ўқишга кетганди. Беморнинг оғриқларга чорасиз чидаб ётганидан яқин орада дори-дармон сотиб олмаганлиги, аҳвол ниҳоятда танглиги кўриниб турарди.

— Аҳволингиздан Фанишернинг хабари борми, — дедим, худди унинг ярасига тегиб кетадигандай чўчинқираб.



— Ҳа, телефон қилувдим. Бир келиб кет десам, вақтим йўқ, — деди.

— Пул сўрамадингизми?

— Пули йўқ экан. Ўлимим яқин, ўзингни бир кўрай десам, унамади.

— Нима дейди?

— Ўлим Оллоҳнинг иродаси. Ҳаммамиз ҳам ўламиз. Қиёматда юз кўришгунча мендан рози бўлинг, дейди.

— Телефонлари борми?

— Бор. Ана токчада.

Ўшанда телефон рақамларини ёзиб олгандиму, лекин Мисрга бормаганимда, Фанишер билан кўришиш ҳаёлимга келмасди. Менда унга нисбатан нафрат туйғуси шу қадар кучли эдики, тутқичсиз жирканишга айланганди. Эшитишимга қараганда, мактабни битиргач, уни Қоҳирадаги «Ал-Азҳар» университетига олиб кетишган, у ерда икки йил ўқигач, университетдан ҳайдалган, яна Андижонга қайтиб келган, кейин Дубайга кетган, ўша ерда бир

бойвачча араб аёлнинг уйига хизматкор бўлиб ишга ёлланган, юқори маош эвазига, «ишқий муносабатларда шахсий гумашта»га айланган экан.

Миср сафари ҳар қанча ранг-баранг бўлмасин, бир ҳафтада ниҳоятда зерикдим. Шунча арабнинг ичида битта ўзбек чиқармикин, деб кўнглим ҳар тарафга илҳақ бўлди. Бекорчиликдан Ганишерга телефон қила бошладим. Ва, ниҳоят, икки кунлик оворагарчиликдан сўнг, телефоннинг нариги томонидан унинг овози кела бошлади:

— Ҳа, биламан, эслайман.

— Қандайсиз, соғлигингиз яхшими?

— Яхши.

— Кўришмаймизми, мен Қоҳирадаги «Шератон» меҳмонхонасидаман.

— Узоғ-у! Дубай анча олисда.

— Отангни кўрувдим. Салом айтиб юборди. Андижонга қайтмайсанми?

— Билмадим. Ҳозирча режада йўқ.

— Шеър ёзясанми?

— Йўқ. У ишларни ташлаб юборганман. Сиз келинг, бир маишат қиламиз.

— Қанақа маишат?

— Сиз унақасини кўрмагансиз!

— Отанг ўлим тўшагида ётганидан хабаринг борми?

— Ҳаммамиз ҳам ўламиз. Сиз яхшиси келинг, ҳақиқий ҳаёт нималигини кўрсатай. Шоҳона айш-ишрат, кайф-сафо, бахту саодат нимадан иборатлигини кўрсатай. Аҳмоқона ҳаётда сизга нима бор? Эрта-ю кеч эшакдай ишлайсиз. Севги ҳақида шеърлар ёзасиз. У қуруқ гаплар — бир тийин. Бу ерда мен кўрган ҳаёт олдида, бари бир чақа. Отам ўлса, мен ҳам кўшилиб ўлайми?

— Бўлмаса, отангни ҳам олиб кел. Давола. Яхши яшашни ўргат.

— Отам бу ҳаётга ҳеч қачон кўникмайди. Бу ерда яшолмайди. Бу ерда бари бошқача.

— Нима ҳам дердим. Хўп майли, хайр. Сендаги иқтидорнинг сўнганидан афсусдаман. Сендан катта кашфиётлар кутгандим, оламшумул шоир бўлишингни истагандим.

— Шеърият, бир пуллик нарса. Уйдирма, ёлгон ва сароб хаёлотдан иборат алаҳсираш. Қизларнинг орқасидан шеър ёзиб, югуриб юриш, шармандаликка олиб келмайдими? Сўнг, мана шу беҳаё сафсатани ҳаммага тарғиб қилиш қайси виждонга тўғри келади?

— Сен шеъриятни тубан қарич билан ўлчама. Бу ерда қирққа кирган бойвучча хотинга пойи-патак бўлиб яшаш мана бу — иснод.

— Бу менинг ҳаётим. Ичимда нима борлигини бир Худо биледи, бир мен. Сиз ҳукм чиқарманг.

Унинг сўнгги сўзи менга қаттиқ таъсир қилди. Узр сўраганча гўшакни қўйдим. Унга озор бердиммикан дея, кўнглимни гашлик эгаллади.

Қоҳира — Нил дарёси бўйида жойлашган, беш минг ёшли, қадимий шаҳар. Ҳавоси иссиқ ва қуруқ. Чанг-тўзон ва кўчаларга итқитилган чиқиндиларнинг ҳиди димоқни ёради. Кун бўйи шаҳар айландим. Бу ерда ёзувчи, Нобель мукофоти лауреати Нажиб Маҳфуз яшайди. Айтишларича, оламшумул шуҳратга эга бу қария, гарчанд китоблари дунёнинг барча мамлакатларида чоп этилган бўлса-да, ҳатто уруш йиллари ҳам, доимий равишда ушбу шаҳарда яшаб келган, умрида бирон марта ҳатто сафарга ҳам чиқмаган экан. Мен у зотни зиёрат қилишга жуда кўп уриниб кўрдим. Ҳатто бу иш билан вазирнинг ўзи ҳам шуғулланди. Лекин бирор натижа чиқмади. Негадир, Фанишер мана шу ерда икки йил ўқиган бўлса, шоир сифатида Нажиб Маҳфуз билан учрашишга қизиқдимикан, деган савол мени ўйлантира

бошлади. Балки ўшанда унда Ватан ҳақида ўйлаб кўришга имкон туғиларди. Ватан ҳақида ўйлаб кўриш учун Нажиб Маҳфуз билан учрашиш шартми?..

Бу ерда ҳар битга араб ўз Ватани ҳақида мағрур гапирарди. Улар мени, гоҳ Пирамидаларни кўришга, гоҳ Сфинксни кўришга, гоҳ Ўртаер денгизида чўмилишга таклиф этишарди. Аммо Қоҳирадан чиққан заҳотингиз бийдай чўл бошланади, онда-сонда учраб туралиган гўзал хурмо дарахтларини айтмаганда, бир дона гиёҳни топиш амримаҳол. Ахир бир дона кўчат ўстириш учун, тагига уч йил тинимсиз равишда сув қуйиб туриш керак.

Йўлларда ҳар қадамда постлар ўрнатилган, ҳужжатларни текширишар, ярим соатлаб ушлаб туришарди. Мисрда, доимий равишда уруш таҳликаси ҳукмрон. Балки шунинг учундир, одамларда ўз Ватанларига муҳаббат туйғуси жуда кучли. Мен эса жуда зерикдим. Уйга қайтгач, биринчи қиладиган ишим, «дом»-имнинг тагидаги бир неча йиллардан буён қаровсиз ётган бир парча ерга бир неча хил кўчат ўтказишни ният қилиб қўйдим. Ахир мен уч йиллаб тинимсиз равишда уларнинг тагига сув қуйиб турмайман-ку! Бу йил баҳорда суқиб қўйсам, янаги йил кузда ҳосилга кирарди.

Қолаверса, ким билан бўлса ҳам, ўзбек тилида тўйиб-тўйиб гаплашаман, деган соғинч юрагимни қамраб олганди.

Ўзбекча оҳанг, ўзбекча шева, талаффуз, қочиримлар, касбим сўз бўлгани туфайлими, мени жуда-



жуда соғинтирганди. Ўн беш кун қирғоқда қолган балиқдай, ўзим бино бўлган ҳаётдан мосуво бўлиб, тамоман ҳолсизлангандим. Сўнгра ҳамма-хаммаси шу қадар жонга тегдики, бир соат ичида чипталарни алмаштириб, ҳайҳайлашларига қарамай, ортга қайтдим. Хайр Сфинкс, хайр Нефертити, хайр Клеопатра, хайр Луксор, хайр Қизил денгиз, хайр Қоҳира!



Орадан анча кунлар ўтди. Фанишер ҳақида ҳеч кимга гапирмадим. Фақат шоир ва ёзувчилардан унинг отасига қандай ёрдам бериш мумкинлиги ҳақида фикр сўрадим. Ёзувчилардан бири бир ўрам пул тутди. Бу ҳимматга яна бир-икки шоир қўшилди. Яна Андижонга қараб йўл олдим. Қамчиқ довонига эндигина қор тушган. Ҳаво совуқ, тоза, тоғлар худди расмлардагидай гўзал ва ўта муҳташам эди. Киши қараб тўймасди. Яна ўша қачонлардир ғуж-ғуж одамлардан ёрилиб кетай деган, энди ҳувиллаб, мункиллаб қолган, супурилмай хазон босиб ётган уйга кириб келдим. Каравотда соқоллари ўсган, силласи қуриб ҳолсизланган, қимирламай ётаверганидан ранги унниқиб кетган бемор офтобда ётарди. Мен у одамга Фанишер ҳақида, Мисрга сафарим ҳақида ҳеч нарса демадим. Фақат гап орасида унинг ўзи сўз очди:

— Туш кўрибман. Тушимда одамлар Фанишерга қараб сажда қилишаётган эмиш. Мабодо, вақти келиб, Фанишер билан учрашиб қолсангиз, албатта этагини ўпинг, тавоф қилинг, таъзимда бўлинг ва менинг ҳам унга сажда қилишимни айтинг.

— Алҳазар. Алҳазар! — дедим, ўрнимдан сапчиб турар эканман. — Жинни бўлиб қолдингизми? Дарҳол сўзингиздан қайтинг, бўлмаса диндан чиқиб қоласиз...

У секингина кўзини юмди. Бироз орқага тисарилганимни сезиб, яна очди:

— Агар шундай қилмас экансиз, кетинг бу ердан...

— Зинҳор ундай қилмайман, — дедим ғазаб билан ва хайр-хўшни насия қилиб ташқарига отилдим. Фарзандига меҳри отани савдойи қилиб қўйганди.





АНТИҚА ДЕБЮТ

Ҳажвий теленовелла

Биринчи иш куним эди. Ишни нимадан бошлашни билмай гарангсиб ўтирдим.

— Шоир экансиз, янги идеялардан борми? — деди ўзини Комилжон деб таништирган йигит.

— Тўлиб ётибди, — дедим сир бой бермай. — Айқаш-уйқаш. Каша. Бу ғояларнинг оёғини осмондан тушириб, ерга кирганларини қулогидан тортиб, бир тепсангиз бўлди, юриб кетади.

— Ишқмасга ит боқмас. Сиз бошланг, буёғини ўзим қалпоқ қиламан. Мультимедиа супер коридор, — деди Комилжон ҳовлиқиб.

Ўша кунлари «Минг бир кеча» китоби мутоласи билан қаттиқ банд эдим. Бехос оғзимдан чиқиб кетди:

— Минг бир кеча ёхуд аёллар макри. Замонавий кўриниш ёхуд куйган кўнгиллар учун муҳаббат дарси, — дедим столни бир муштлаб.

— Зўр. Дед Мороз. Програмага киритиш керак. Масъул котиб қани? Ёлки-палки. Супер коридор.

— Шоир, шайтонни койир. Аёлларда макр нима қилади? — лабини жийирди шартаки қизлардан бири.

— Бўзчи белбоққа ёлчимайди, демоқчимисиз?! — дея ўшқирдим қизга қарата.

— Арча-арча, парча-парча, — деди Комилжон ҳам тарафимни олиб.

Орадан бир ҳафта ўтиб кетди. Талмовсираб ишга келарканман, масъул котиб йўлимни тўсди.

— Кўрсатув қани?

— Қанақа кўрсатув?

— Минг бир кеча! Програмада чикди-ку!

— Нима-а?

Югур-югур бошланди. Камерачилар куршовида кўчага отилдим. Кимга нима дейишни, ишни нимадан бошлашни билмасдим. Комилжон ҳам қаёққадир гум бўлган, мутлақо топиб бўлмасди.

Гавжум одамлар ичида ҳамқишлоғим Эркинни кўриб авлиёга йўлиққандай, эшкинлаб кетдим:

— Эркатоё, телевизорга чиқасанми?

— Чиқаман!

— Бўлмаса бошладик. Қани, манави камерага қараб айт. Яхши кўрганмисан?

— Бўлмасам-чи! Ҳақиқат бор экан-ку! Ҳой бола, яқинроқ ке. Камерангни тўғирла, яқиндан олсин. Мана бу бўйнимдаги чандиқни кўряпсизларми? Мана шу пичоқ изи бўлади. Битта қизни ўраб турувдим. Акаси келиб қолди. Кет, деди, кетмайман, дедим. Яхшилиқча кет, деди. Бақирма, дедим. Ховосликларни биласиз-ку!

Эркинбой менга қараб, гапини тасдиқлатиб олди. Сўнг давом этди:

— Синглингни оламан, дедим. Иягимга мушт тушди. Учта муштгача индамай турдим. Кейин тошиб кетдим. Бир пайт қарасам, бўйним шилқиллаб қолди. Ҳамма жойим қон. Камерани яқин олиб кел. Чандиқни кўряпсанми? Бошим шилқ этиб тушди-ю, ҳушимни йўқотдим. Олам қоронғу бўлди.

— Кейин у қиздан тониб кетдингми?

— Йўқ, шифохонада ҳушимга келсам, бошимда акаси турибди. — Синглимга яна гап отасанми? — дейди.

— Ҳа, дедим. Бошимга яна мушт тушди. Мен яна бошимни кўтардим. — Синглимга яна гап отасанми, — дея такрор сўради у. — Ҳа, ҳа, ўлгунимча. — дедим хириллаб. Яна бошимга гурзидай мушт тушди. Кейин анча вақт ўзимга келолмадим. Орадан ўн беш кун ўтиб, тузалиб чиққунимча, у баттол, гап-сўз кўпаймасин деганми, синглисини узатиб юборибди.

Эркатоининг ҳикоясидан сўнг, мен ҳам микрофонни олиб, камерага юзландим-да:

— Ҳурматли томошабинлар, «Минг бир кеча» кўрсатувимиз давом этади. Замондошларимиз орасида муҳаббат учун жонини қурбон қиладиган қаҳрамонларимиз жуда кўп, шундай эмасми? Энди навбатдаги лавҳамизни томоша қилинг, дея яқун ясаб қўйдим.

Микрофон симларини йиғиштирар эканман, Эркин қўлимдан ушлади:

— Чандиқни олдингми? Ўша қиз кўрадимми?

— Кўради. Ҳамма кўради. Мажнуннинг ҳам бўйнини ярмисигача кесиб ташлашмаган. Суймаганга суйкалма, — дея елкасига қоқдим.

— Ишқи йўқ — эшак, дарди йўқ кесак, — дея у ҳам ачитиб олди. Мен шарт ўтирилдим-да, тасвирчиларга қараб:

— Йигитлар энди қаёққа борамиз? — дедим.

— Паркка! Бунақалар ачиб ётибди.

Паркда кучоқлашган ошиқ-маъшуқлар камерани кўриб тумтарақай қочишди.

— Тортинг матоҳингизни! Бекитиқча ўтирибмиз-у, эл оғзига элак тутиб бўладими?

Бу ерда иш пишмагач, ҳаллослаганча музқаймоқ ялаб ўтирган бир суқсурнинг қошига югурдим.

— Синглим, «Минг бир кеча»ни ўқиганмисиз?

— Йўқ.

— Аёллар макри ҳақида нима дея оласиз?

— Усиз яшаб бўлмайди.

— Бошингиздан ўтганми?

— Ҳийлами?! Ҳар сонияда саксонтаси...

— Бир-иккитасини гапириб беринг.

— Больницада ётсам, иккита йигитим икки ёқдан бирданига кўргани келиб қолди. Пакет-макетларини олиб биттасини бу эшикдан, иккинчисини бошқа тешикдан чиқариб юбордим.

— Сизни тасвирга олишяпти, майлими?

— Тўхтанг, сочимни тараб олай. Чиройли чиқсин, телевизорда ўзимни реклама қилсам харидорим кўпаяди.

— Мана, — мен камерага юзландим. — Ҳурматли томошабинлар, навбатдаги қаҳрамонимизнинг кўнгил тубидаги ҳангомаси билан танишдик. Ёшлик — бебошлик деб шунини айтадилар-да. Эндиги лавҳамиз, ҳаётда оқ-қорани таниб, ўзини босиб олган замондошимиз ҳикояси билан бошланади.

Мен микрофонни йиғиштирдим-да, тасвирчиларга мурожаат қилдим:

— Энди сал ёши каттароқ эс-ҳуши жойида биронта томи кетмаганидан топайлик.

Парк йўлагига икки фарзандини етаклаб, савлат тўкиб келаётган йигит эътиборимизни тортди.

— Ака, узр. Биз янги кўрсатув очган эдик. Сизга бир савол билан мурожаат этсак, жавоб бера оласизми?

— Марҳамат, марҳамат!


— Қани, камерани тўғирланг. Тайёрмисиз? Сиз севишиб оила қурганмисиз?

— Ҳа. Йўқ, узр. Ўртада бир оз шумлик ўтган. Мана шу жойини тўғирлаб қўярсиз. Ҳа, мен армияга кетишдан олдин Фотимани яхши кўрардим. Қайтиб келсам, Зухраси жа-а очилиб кетибди. Шартга Фоти қолиб, Зухрага совчи юбора қолдим. Ҳозир яхши. Мана бола-чақаларимиз бор. Рўзгор бут. Кўнгил тўқ.

Кўрсатувга яқун яшаш учун бир мажнунтол топдим-да, юзимга ҳорғин қиёфа бериб, «стендаб» қилдим:

— «Хиёнат»га учраган шоҳ ҳар кеча бир аёл билан базму жамшид қураб, тонг отгач эса уни ўлдиртирарди. Кунлар ўтиб, навбат Шаҳризодага келди. Шаҳризода шоҳнинг рухсати билан муҳаббат ҳақида бир ҳақоят айтиб бера бошлади. Аммо ҳақоят ярмига келганда тонг отиб қолди. Шаҳризода ўзини ўлимдан сақлаш

учун, ҳар кеча янги-янги муҳаббат дostonларини айтар ва ниҳоят, бу эртақлар минг бир кечага қадар чўзилди. Шутунлар давомида шоҳ Шаҳризодани яхши кўриб қолди. Аёлларни ўлдириш тўхтатилди. Муҳаббат голиб келди. Бугунги кунда ҳам хиёнат эмас, муҳаббат голиб деб айта оламизми? У ҳаётимизни чароғон қилиб турибдими? У бизни бахт-саодатга элтаяптими? Азизлар, келинлар, замонавий «Минг бир кеча» деб номланган кўрсатувимизни кўринг. Фикр-мулоҳазаларингиз битилган мактубларни кутиб қоламиз.



Материаллар тайёр бўлганди. Камераларни йиғиштириб ишхонага отландик. Навбат монтажга!

Икки кундан кейин кўрсатув шу ҳолича эфирга чиқиб кетди.

Эртаси куни биринчи кўрсатувим эфирга кетганидан беҳад мамнун, кўкрагимни ғоз кериб ишхонага келар эканман, эшик олдида кўзларидан дув-дув ёш оқиб, бурнини тортиб турган «маккор» қизалоққа кўзим тушди.

— Ака, бекор кўрсатган экансиз. Адам юрадиган йигитинг қалашиб ётибдими, деб роса урдилар. Энди уйимизга совчи ҳам келмасмиш.

— Чатоқ бўпти-ку, қош кўяман деб...

— Қизингиз роль ўйнаган эдилар, деб бир оғиз телефон қилиб кўйинг. Йўқса, адам уйдан ҳайдамоқчилар.

Қизалоққа ваъдани куюқ қилиб қайтариб юбордим. Хонага кирсам, телефон апарати ғазабланганча жазава билан жиринглаяпти.

— Ало-о, ким бу?

— Э, одамни расво қилдингиз-ку?

— Нима бўлди?

— Божам роса чангитди-ку. Поти билан юриб-юриб бизга қистириб юборган экансан-да. Шу гапни ўзимга айтганингда суробини тўғирлардим-ку. Энди буларни ҳаммасини йиғиштириб уйингга олиб кет деяпти. Жанжални қолганини ҳозир Зухра давом эттиряпти. Қўли ёқасида, жикқамушт. Бошим тарс ёрилай деяпти. Сизда ҳам ҳеч одамгарчилик қолмабди.

— Йўғ-е, ўзингиз майли, гапираман дедингиз-ку?

— Гапирса чиқараверадими, э, ҳайф сизга...
Хунимга товон тўлайсиз, гапёяр...

Трубка шақиллаб жойига тушди. Учинчи қаҳрамонимиз Эркиннинг ҳам кейинчалик гапириб беришича тинчи анча бузилибди. Участковой ўша пичоқ кўтарган мардни топиб берасан, деб роса тиқилинч қилибди. Устига-устак уйда ўтирган хотини ҳам бош олиб кетиб қолибди.

Раҳбарларимиз томонидан менинг ҳам бошимга кўл савдолар тушди. Кўрсатувим бутунлай ёпилиб кетди.

Комилжон ҳам хонада мук тушиб ўтирарди: «Арча-арча, парча-парча... Оч биқиндан очар дарча... Даҳшат-ат! Биринчи шогирдим... тан оламан!» Мен эса нима қилишни билмасдим. Одамлар ўзлари айтган гапдан ўзлари тониб туришса, барча қилғилиқни ўзлари қилган бўлса, менда нима айб?! Телевидениеда нима айб. Ё онангни отангга бепардоз кўрсатма, деганлари шумикин? Агар шу бўлса...





ҚАЛБИМДАГИ ҚИЗИЛ АТИРГУЛ

Ҳикоя

У пайтда университетнинг сўнгги курсида ўқирдим. Кичик курсда ўқийдиган Зилола эс-хушимни ўғирлаганди. У ётоқхонада турар, ҳар куни эрталаб ўқишга келаётганимда эшигига бир дона қизил атиргул қистириб ўтардим. Атиргулларнинг ҳаммаси деярли бир хилда чиройли ва муаттар эди. Ҳар тонгда тиқилинч автобусда одамларнинг қарашидан хижолатда кўзимни деразадан узмасликка ҳаракат қилар эканман, атиргулнинг хушбўй ҳиди димоғимга урилар эди. Бир куни ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, гулни эшикка қистирмоқчи бўлганимда, ўша қиз ичкаридан чиқиб қолди.

— Вой, нима қиляпсиз? — деди у худди ҳеч нарса билмагандай.

Тўғриси, ўша пайтда қочиб кетишнинг иложи бўлганда, албатта бошим оққан томонга қочган бўлардим. Лекин, бунинг сира иложи йўқ эди.

— Ўзим, — дея гўлдирадим.

— Бу гуллар кимга ахир? — деди у бироз зардали, бироз илтижоли овоз билан.

— Наҳотки билмасангиз, — дедим кўзларим жавдираб. У бошини куйи эгди. Шунда, қайси дугонаси унинг кўнглига шубҳа солди экан, дея ўйлай бошладим. У назаримда ўша лаҳзаларда ожиз, ўксик ва чорасиз эди.

— Бу гуллар фақат сиз учун, — дедим. Мен ортиқча гапира олмасдим. Чунки, юрагимдаги энг катта сирни очаетгандим. Бу сир шу қадар ардоқли

эдики, бу сирни фақат шу қизнинг ўзигагина, у мендан илтижо қилиб сўрагандагина айтишим мумкин эди. Аммо, у хонасига кириб кетар экан, аксинча «кетинг» дея фармон берди.

Орадан кунлар ўта бошлади. Бир сония бўлсин, ортидан эргашишдан ўзимни тиёлмасдим. У қаерга борса, мен ўша ерда эдим. У ким билан нимани гаплашганини сўраб олар, нимаики истаса муҳайё қилар, фақат унинг ўзи билан гаплашишга юрагим бетламасди. У гоҳида ғамзали қараб кўяр, гоҳида умуман бепарво эди. Лекин у ҳам мени яхши кўришини ичичимдан ҳис қилардим. Гоҳида қиз бола ҳам шу қадар мағрур бўладими, дея ҳайратга тушардим.

Ёзги таътил ҳам бошланди. Ўқишим тугаб, қишлоққа жўнадим. У ҳам амалиётни ўташ учун ўз вилоятига кетди. Онам: «Мана ўқишинг битди, энди уйлантирайлик», — дея маслаҳат солдилар. Зилолани кўрмаганимга ўн кундан ошгани учун жоним ҳиқилдоғимга келиб турганди. Ойимга, «Ўйлаб кўрайлик-чи» — дедим-да, сафарга отландим.



У жуда олис қишлоқда турар экан. То унинг уйини сўраб боргунимча, келганимдан бутун қишлоқ аҳли огоҳ бўлди. У мени дарвозаси олдида кўриб, эсанкираб қолди. Ичкарига таклиф қилди. Мен бирон овлоқ жойда гапни пишитиб олармиз деган умидда, таклифига унамадим. У кийиниб чиқиш учун уйига кириб кетди. Лекин, биз борадиган, одамлар кўзидан пана жойнинг ўзи йўқ эди. Қишлоқ ўртасидан ўтган ариқ кўприги устида учрашадиган бўлдик. Мен айтадиган гапларимни ичимда такрорлаб турардим. Ҳали ўн дақиқа ўтмай, уч-тўрт қишлоқ боласи атрофимни ўраб олди. Улар нима сабабдан, кимнинг олдига келга-

нимдан огоҳ бўлишган эди. Бирпасда ёқалашиб кетдик. Мен ҳозир улар ўнта бўлса ҳам ҳеч нарсадан қўрқмасдим. Менга у қизга рўбарў бўлишдан, шу ўнта бола билан урушиш осонроқ эди. Лекин, кўп ўтмай, оғзибурним қон бўлди. Оппоқ кўйлагим қип-қизил ранга бўялди. Бу ҳолатда энди ким билан учрашаман дея, баттар жаҳлим чиқиб кетди. Катта тошни олиб, аямай ура бошладим. Болалар бирма-бир тисарилиб, ўзларини четга олишди. Мен шу бўйи, шу ғазабда, қизнинг уйига юриб кетдим. Атрофимдагилар орқамдан кела бошлашди. Кимдир гап етказган шекилли, уйдан қизнинг отаси чиқиб келди. Бир қўлимда тош, кўйлагим қон, шимим чанг-тупроққа беланган эди.

— Мен қизингизнинг олдига келдим, уни яхши кўраман. Унга уйланаман, — дедим дарғазаб.

— Уйга киринг, меҳмон, — деди отаси фарғонача илтифот билан. Мен унинг отасини ғойибдан ҳурмат қилар, у ҳақда жуда кўп яхши гапларни эшитгандим.

— Қизим менга сиз ҳақингизда ҳеч нарса демаянди-ку, — деди.

— Чақиринг қизингизни, — дедим ўзимни босолмай. Шунда, боя мен билан урушган болалар ичидан бири чиқиб:

— Чақирманг уни, — деди. — У энди меники, бизни унаштиришган!

Ишнинг бу қадар чаппа кетганидан ўзимни туюлмай қолдим.

— Мен яхши кўрган қизни-я, ахир у мени яхши кўради. Мен уни севганман, кучоқлаганман, ўпганман... — дедим, лўлилик қилиб. Аслида сўнгги гапларим ёлғон, уни ҳеч қачон кучоқламаганман, ўпмаган ҳам эдим.

— Ит сув ичган билан дарё ҳаром бўлиб қолмайди, — деди у безбетларча.

— Ҳаром билан ҳалолнинг фарқига бормайдиган ит сенсан, — дедим ўзимни туюлмай.

Шу пайт ичкаридан Зилола чиқди. Унинг кўзлари жиққа ёшга тўлганди. Отасининг ёнига келди-да, менга қараб:

— Кетинг, — деди. Бу сўз барча жанжалимизга хотима ясаган эди. Билмадим, ўшанда қандай тилим айланди, уни қаттиқ сўкиб, ортга бурилдим. Автобусда кела-келгунча йиғлаб келдим. Орадан ўн беш кун ўтиб, ўзим мутлақо билмайдиган қизга уйландим.

У тўйимдан бир кун олдин, дугонаси билан бир даста гул ташлаб кетди. Қоғозга ўроғлиқ «Ўтган кунлар» китоби ичидан қуриб, қовжираб қолган бир дона атиргул чиқди. Мен ўзим қачонлардир унга совға қилган атиргулни танидим...

Орадан йиллар ўтди. Мен қизимга Зилола деб, ном қўйдим. Унинг номини шу қадар севардимки, бу номдан гўзалроқ, жозибалироқ, айтсам, юрак-юрагим сирқираб кетадиган бошқа биронта ном мен учун йўқ эди.

Орадан йиллар ўтди. Бир куни оғир хаста бўлиб, шифохонага тушдим. Уйдагиларга ва умуман, ҳаммага сафарга кетдим, деб хасталигимни яширдим. Оғир операцияга киришим керак эди. Бундай оғир синовдан фақат бир ўзим матонат билан ўтишим, атрофимдагилар қийналмаслиги шарт эди.

Шифтга қараб ётар эканман, кўзимнинг икки томонидан дув-дув ёш тўкиларди. Наҳотки, энди бари тутаса, дердим. Танимдаги азоб бир оғриқ берса, дилимда яна бир оғриқ бор эди:

— Наҳотки, бу дунёга келиб муҳаббат нималигини билмай ўлиб кетсам, — дердим.

Шу бўйи бошим тошдай қотиб, ухлаб қолибман. Юзимни кимдир силаётганидан уйғониб кетдим. Кўзим юмуқ, кимнинг қўли эканлигини билолмасдим. Умуман, билишни ҳам истамасдим. Менга яқин одамларни бир-бир кўз олдимдан ўтказа бошладим. Эслаганларимнинг биронтаси ҳам кўзимни очишим

учун истак уйғотмасди. Менга ҳеч кимнинг қўли керакмас эди. Балки, қизим келдимикан дея, ичимда бир қувонч ярқ этди. Юзимда ўзгариш рўй бера бошлади.

— Туринг, Маҳмуд ака, — деган нотаниш овозни эшитиб, баттар ҳафсалам пир бўлди. Овоз яна ҳукм-фармо равишда янгради:

— Туринг, уйқучи!

Кўзимни очдим, қаршимда у турганини кўрдим. Кўзларимга ишонмадим. Унинг ёнида бир болакай ҳам бор эди. Мен ҳайрон бўлиб, бошимни кўтардим:

— Ия, сизмисиз?!

— Ҳа, мен. Бу ўғлим.

Биз алламаҳалгача гаплашиб ўтирдик. Мени қандай топиб келганини, ҳаёти қандай кечаётганини суриштирдим. Суҳбатимиз саккиз соатга яқин давом этди. Биз илк бор танишганимиздан то бутунга қадар неча бор кўришиб, неча бор суҳбатлашган бўлсак, ҳаммасини йиғиб келганда ҳам саккиз соат чиқмасди. Бу ўн беш йил ўтибгина илк бора бемалол гаплашиб ўтиришимиз эди. У кетар олди сумкасидан яна битта қуриб қолган атиргул олиб узатди... мен атиргулни танидим. Бу мен қачонлардир унинг эшигига қистириб кетган атиргуллардан эди.

— Мен сизга жуда кўп атиргуллар совға қилганман, ҳаммасини бирма-бир олиб келсангиз, ҳаётимнинг охиригача улгурармикинсиз, — дедим ҳазиллашиб.


— Мен улгурмасам, ўғлим қизингизга совға қилиб улгурар, — деди у.

— Айтиб қўйинг, мабодо, қизимни бошқага унаштириб қўйсам, кечикиб юрмасин, — дедим мен ҳам.

— Йўқ, уни сиздан кўра уддабуронроқ қилиб тарбияляпман. Сиз билан ҳозирдан таништириб қўяётганим ҳам бежиз эмас, — деди у.

— Илоё, шу кунлар насиб қилсин, — дедим ютиниб. У кетди. Шифохонада анча вақт ётиб чиқдим-у, лекин тўлиқ соғайиб кетишимга умид йўқ эди. У бирма-бир икки бора келтирган иккита атиргулни уйимнинг ҳеч ким билмайдиган жойида сақлаб қўйибман. Мабодо, бир кун ҳаётдан кўз юмадиган бўлсам, уларни бошим устига қўйишади.

Зилола эса, тақдир тақозоси билан фарзандларимиз бир-бирларига кўнгил қўйишса, никоҳ тўйлари куни неча йиллардан буён ўзида сақлаб келаётган атиргулларини уларнинг сандиқларига сеп сифатида солиб қўймоқчи.





СИЗ ҲАМОН ЎШАСИЗ...

Ҳикоя

— Аҳмад ака, Сизни ташқарида бир аёл кутиб турибди. Бирга ўқиганмиз, деяпти. Кириг, десам кирмади.

— Ким экан?

— Отини айтмади. Шошилиб турибман, деди.

Эринибгина ташқарига чиқдим. Менинг хонамдан кириш-чиқиш эшиги анча олис, шунинг ўзига иш вақтимнинг анчаси кетишини қизганиб истамайгина борардим.

Ташқарида эса мени кутиб... Зиёда турарди.

— Ие, Зиёда?

— Танимадингизми?

— Яхшимисиз?

— Ўзингиздан сўрасак.

— Раҳмат! Қани ичкарига кирайлик.

— Эй, йўқ, шошиб турибман. Ярим соатдан кейин самолётим учади. Мен бир нафасга, кўриб кетай деган эдим. Бирга ўқиган курсдошларни соғиндим. Биз томонга, Фарғона тарафларга бормайсизлар ҳам.

— Ҳа, бир марта бориб бўларимиз бўлган.

— Эй, қўйинг шу гапларни.

— Жуда ўзгариб кетибсиз. Кўзингиздан танидим.

— Ростданми?

— Билмадим. Менда бир расмингиз бор. Балки шунга қарайверганимданми, тасаввуримга бошқача ўрнашиб қолибсиз. Гўё ҳеч нарса ўзгармагандай. Лекин, мана, орадан ўн беш йил ўтибди.

— Ҳа, ҳаммаси бирпасда ўтди.

— Ўзингиз нима билан бандсиз?
— Ишляяпман. Ўқишни битириб боргач, 3-4 йил уйда ўтирдим. Кейин ишга тушиб кетдим.

— Юринг, четроққа чиқайлик.

— Яхшиси, мени аэропортга кузатиб кўяқолинг.

— Бугун қолмайсизми?

— Йўқ. Бу ерда Хулкарникида турдим. Асли кеча келувдим. Хулкарни эслайсизми? Биз билан ўқиган.

— Эслайман, бўйи узун, қорача қизми?

— Ҳа, ўша. Кеча тонг отгунча гаплашиб чиқдик. Ҳамма курсдошларни эсладик. Қулоғингиз роса қизигандир.

— Сиз эслайсиз-у, қизимайдими?

— Сизни роса эсладик.

— Мен... Сиз мени ҳеч қачон эсламасангиз керак, деб юраман. Агар қолишингизнинг иложи бўлмаса, қани, чиқинг машинага.

— Афсуски, иложи йўқ.

— Нега афсус деяпсиз?

— Айтаверайми?

— Айтмасангиз ишонмайман.

— Айтсам ҳам ишонмайсиз!

— Ишонмайман? Орқангиздан уч-тўрт йил соядай эргашиб юрдим. Қишлоғингизга бориб, қанча таландим. Бир марта қараб кўйишингизга йиллаб зор юрдим. Ҳали-ҳанузгача қиз бола ҳам шунча мағрур бўладими деб, ҳайратдан ёқа ушлаб юрсам-у, афсус чекишингизга ишонаманми?

— ...Бир пайтлар Сизни излаб келишни ақлимга сиғдирилмасдим. Ростини, келишим, мутлақо тасодиф. Сизнинг бу ерда ишлашингизни Хулкардан эшитдим. Кейин ярим соат вақт бор экан-у дедим-да, такси тўхтатсам, дарров олиб келди. Ростини, эшик олдида қайтиб кетмоқчи ҳам бўлдим. Лекин кетмадим.

— Зиёда, бир гап айтайми? Мен сиздан кейин сизни севганчалик ҳеч кимни севмадим. Яширмай-

ман. Ҳаёт экан, кўпчилик билан танишишга, учрашишга тўғри келди, лекин қалбим ҳеч кимга рўйхушлик бермади. Аслида, бировнинг қаршисида бутун вужуд билан изтироб чекиш, қайғуга чўкиш, ҳаяжонланиш, қувониш ҳам Худонинг марҳамати экан. Худо мана шу марҳаматини қайта ато қилмади. Зиёда, биласизми, мен буни ўша пайтда сезмагандим. Буни йиллар ўтиб, худди амалдор одам амалидан кетгач, бирин-кетин ҳамма имтиёзларидан маҳрум бўлаётганини сезгани сингари, юрагим бўшаб қолаётганида сездим.

— Аҳмад ака, қўйинг шу гапларни. Сизнинг афсусланишга асосингиз йўқ, эшитдим, яхши яшаётган экансиз.

— Тўғри, Худога шукр, яхши яшаяпман. Лекин шоир айтгандай: «Юрак санчиб қўяр баъзида»...

— ... Ўқишни битириб боргач, турмушга чиқдим. Дастлабки уч-тўрт йил билинмай ўтди. Ҳеч нарсадан афсусланганим йўқ. Фарзандлар кўрдим. Ўқиш даврларимни эсладим. Сизнинг устингиздан, бошқалар устидан қулардим. Ўзимни ғалаба қозонгандай ҳис қилардим. Йиллар ўтди. Жигарим шишиб, узоқ ётиб қолдим. Қоронғу кунларим бошланди. Дадам вафот этдилар. Ойимнинг бир қўл, бир оёғи ишламай қолди. Бу сиз билан сўнги бор учрашганимизнинг еттинчи йили эди. Ўшанда илк бор нақадар ёлғиз эканимни ҳис қилдим. Мени ҳеч ким севмаслигини, дардларимни эшитадиган одам йўқлигини, эримнинг менга бегонадай бефарқлигини, унинг муҳаббатини қозонолмаганимни сездим. Дардларимни айтишга, бир чора истаганимда йўл кўрсатадиган одам ёнимда йўқлигидан қанчалик қийналганимни билсангиз эди...

— Зиёда, наҳотки шу гапларни сиз айтаётган бўлсангиз?

— Ҳа, ҳаёт одамнинг тилини бурро қилиб қўяркан. Биласиз, авваллари жуда камгап эдим. Кеча Ҳулқар

ҳам, «Гапга шунчалик уста бўлиб кетибсанки...» деб ҳайрон бўлди. Булар ҳаммаси ўша еттинчи йилдан сўнг бошланди. Ахир, ҳаёт секин-секин қадам ташларкан-у, жуда тез ўтиб кетаркан. Нега мен умримни, мени севган, мен учун жонини аямаган кишига ҳады қилмадим? Унинг учун ўғиллар туғиб бермадим. Бир умр унинг хизматини қилмадим. Мен ўйлаб қарасам,



ўз турмуш ўртоғимга касаллигимдагина эмас, соғайганимда ҳам керак эмас эканман. Худога шукр, фарзандларимиз бор. Турмушимиз осойишга. Нолимасам бўлади. Лекин мен ҳозир сизга айтаётган гаплар кейинги беш-олти йил мобайнида мени қаттиқ қийнаган, ўйлантирган гаплар. Бу гапларни барибир айтишим керак. Айтмасам, сизнинг олдингизда қарздор эканлигимни тан олмаган, узр сўрашим лозим бўлган пайтда узр сўрамаган одамдай хижолат тортавераман. Энди бу гапларнинг фойдаси йўқдир.

— Зиёда, нега бу гапларни айтаяпсиз?

— Йўқ, мен ҳеч нарсани ўзгартирмоқчи эмасман. Сизнинг олдингизга тасодифан келиб қолдим. Бу гапларнинг сизга ҳеч алоқаси йўқ. Бу гаплар — менинг дардларим, армонларим.

— Раҳмат, мени одам қаторига кўшиб шунча гапларни очиқ айтганингиз учун.

— Нега ундай дейсиз? Мен сизни ўшанда ҳам ҳурмат қилардим.

— Ўшанда ҳурмат қилишингизга арзирдим.

— Ҳозир-чи?

— Ҳозир ҳам сизни кўп ўйлайман. Лекин сизни севганчалик ҳеч кимни сева олмадим. Сизни унутишга кўп бора ҳаракат қилдим. Кўп қизларнинг орқасидан

югурдим. Ростини айтсам, ҳеч ким мени сизчалик югуртиргани йўқ. Ҳеч ким мени сизчалик қийнагани, изтиробга солгани йўқ. Мен бир куни муҳаббат бобида армоним қолмади десам, буни ишонч билан айтган бўламан. Лекин мени қийнаётган энг даҳшатли нарса: ҳатто сизни ҳам бугун, балки ўша даврларда севганимчалик севолмайман. Балки бу гапларимни айтмаслигим керак эди. Мен инсон қадрини ҳис қилолмай қолдимми, деган кўркувдаман. Сизни севган пайтимда сиз бир мўъжиза эдингиз. Энди кўзимга ҳеч ким мўъжиза бўлиб кўринмай қолди. Энди мени ҳеч ким ҳайратга солмай қўйди. Бу мен учун фожиа эмасми?

— Ҳа, ҳақиқий муҳаббат инсонга бир марта берилар экан. У келганда, ундан юз ўгирмаслик, унга мардона пешвоз чиқиш керак экан. Ўшанда бахтимдан ўзим юз ўгирдим. Қалбимнинг ўша муҳаббат яшаши керак бўлган жойи, ҳали-ҳамон кемтик. Уни ҳеч нарса билан тўлдиролмадим. У юрагимдаги тубсиз чоҳ каби увиллайди. Бугун умрим шу чоҳни тўлдириш билан ўтди. Ўзимни қувноқ тутишга, ҳаётда каму кўсти йўқ одамдай яшашга ҳаракат қилдим, лекин бу чоҳни, бу кемтикни тўлдиролмадим. Одам бошқаларга ўзини бошқача қилиб кўрсатиши мумкин экан-у, лекин ўзи олдида ўзини бошқача, яъни бахтли қилиб кўрса-таолмас экан. Мен охири енгилдим ва ҳаётдаги ҳамма омадсизликларим, бахтсизликларим, шўрпешоналигимни мана шу, ўзим ташлаб кетган муҳаббатнинг йўқлигидан, мени суямаган, қалбимга малҳам бўлмаган, шодлантирмаган, юксакликлар сари етакламаган муҳаббатнинг йўқлигидан кўра бошладим. Лекин нима қилай, умр инсонга бир маротаба берилар экан. Биз эса бу умрни ўтаб бўлдик. Ўтаганда ҳам ношудларча ўтаб бўлдик.

Зиёданнинг кўзларидан маржон-маржон ёш томчилари оқиб туша бошлади.

— Зиёдахон, кўйинг, йиғламанг. Юрагимизда, ҳали-

ҳамон шунча дард бор экан, демак, муҳаббат ҳам бор. Бизнинг хатоимиз муҳаббатимиз учун курашмаганимизда. Биз енгилдик. Энди, йиллар ўтса ҳам, умр деган душман, бизнинг устимиздан қозонган ғалабаси туфайли, зулмини, жабрини ўтқазиб келаяпти. Агар, шундай бўлишни олдиндан билганимда, сўнгги томчи қоним қолгунча курашган бўлардим. Аниқ биламан, мен сиз билан бўлганимда, сиз менга куч берар эдингиз, мадад берардингиз ва биз биргаликда, бизлар ҳозир тушимизга кирмаган бахтларга эришар эдик. Лекин ундай бўлмади. Қаноти синган қуш учишга ярамагандай, сафдан жуда эрта чиқиб кетдик. Ҳозир эса, учиш ҳақида ўйламаймиз ҳам. Ҳаёт эса фақат учишдан иборат.

— Аҳмад ака, сизнинг олдингизга ҳақиқатан бекор келибман. Сизни бахтли одам деб юрардим. Шу хаёл таскин берарди. Ва сизни мендан биров бегоналаштирарди. Энди эса, билдимки, сиз ҳам мен сингари ўйлар экансиз. Мен сингари қийналар экансиз. Сиз менинг суянган тоғим эдингиз. Энди билсам, сиз ҳам мен сингари бир суянчиққа муҳтож экансиз. Илтимос, ғам чекманг, пушаймон бўлманг, азобланманг. Мен сизни яхши кўраман.

— Раҳмат, Зиёда! Мен ҳам сизни севаман! Сўнгги нафасимгача севаман! Ҳаётимга энг нузли лаҳзаларни ҳада этган инсон сифатида хотирлайман. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Мен ҳаётимда бир марта севдим ва мана шу севги сўнгги нафасимгача мен билан бўлади.

— Мен буни сиздан талаб қилганим йўқ. Айтдим-ку, тасодифан...

— Йўқ, йўқ, келганингиздан, Сизни кўрганимдан жуда хурсандман. Сиз ҳали-ҳамон Сизни севишимни билмаганингизда келмасдингиз. Сизни муҳаббат етаклаб келди.

— Наҳотки менинг келишим...

— Йўқ, йўқ, Зиёда, умуман... мен айтмоқчиманки, ҳаётимда бўлганингиз, қачонлардир севишга қодир

қилганингиз ва мени уч йил бир марта қараб қўйи-
шингизга зор қилганингиз ва туну кун сизни ўйлаб
азоб чекканлигим учун сизга раҳмат. Ахир, бировни
бир кун ҳам севолмай ўтиб кетишим мумкин эди-ку.

— Балки, ҳаракат қилиб кўрмагандирсиз...

— Зиёда, келинг, бир шоир айтганидай, «ўтмиш
билан кулиб видолашайлик».

— Яхшиси, ўтмишни унутмайлик.

— Унутиб бўладими?!

— Балки телефонлашармиз...— деди Зиёда, юзига
бироз табассум юритиб.

— Албатта, келинг, яхшиси барини бошдан
бошлаймиз. Ҳаёт биздан ҳар куни жасорат кутиб, ўз
тонгларини оттирмоқда. Ҳаёт ҳали нақадар ширин.

— Йўқ, ундай деманг... Мана, аэропортга ҳам
келдик. Ҳамма йўловчилар рўйхатдан ўтиб бўлишибди.

— Хайр, яхши боринг, Зиёда.

— Хайр! — Зиёда хайрлашиш учун қўл узатди.

— Умримда биринчи бор кўлингизни ушлашим.

— Бошқа ушламайсиз ҳам, — деди у қатъий. Негадир
у бир лаҳзада бошқа одамга айланиб қолгандай эди.

— Ундай деманг.

— Бошқа кўришмаймиз ҳам. Телефонлашмаймиз
ҳам. Излаб борманг.

— Ундай деманг... Сиз ҳаётимдаги энг ардоқли
инсонсиз.

— Хайр. Сизга айтадиган охириги сўзим шу. Хайр!
Зиёда, бурилди-да, тез-тез юриб кетди.

Лабларим эса титрарди:

— Сиз ҳамон ўшасиз... Қайсар ва қўл
етмас муҳаббат соҳибаси.



МУНДАРИЖА

Яралгандир хуснингиз нурдан	3
Кўксимни куйдирган аланга	24
Кутилмаган кўнғироқ	44
Ёшларга айтганларим	47
Илтижо	49
Шоир	50
Хавотир	52
Дўст	54
«Йўрға отим...»	55
Тарз	56
«Мен билмайман...»	57
Маҳкум	58
«Кетмоқдаман...»	59
«Гўзаллигинг сингари...»	60
Хато	61
Оқ йўл	63
Драматик ҳазил	65
Анжуман	67
Замон сенга боқмаса	69
Дуо	70
«Бирор-бир режани...»	71
«Кулфат улоқтирса чоғга одамни...»	72
Ташаккур	73
Ҳомилали аёл ҳақида ҳикоя	74
«Тирикликда йўқ малҳам...»	75
«То тугилдим...»	76
«Дунё ҳам қариди...»	77
«Юлдузлар ёнганда...»	78
«Айбим кўп...»	79

«Қартайған онаси...»	80
Таққос	81
«Эй Худо! Йўлимдан кетдими омад...»	82
Ривоятдан	83
«Пахтада тун бўйи...»	84
«Ёнингга бораман...»	85
«Сизни ардоқлашди...»	86
Гулхан	88
Севги бекати	89
Муҳокама	90
«Мени кучлироқ сев...»	91
Умиди умр	92
Чиройлидир, чунки у	94
Ҳарбийдан хат	95
Якка дарахт	96
Ҳалик	97
«Ўз қаърига...»	98
«Димиққан садолар...»	99
Марина Цветаевадан	100
«Дунёда яшамоқ...»	101
«Энди сўнгги тўхтама...»	102
«Шунчаки бир қизиқиб...»	103
«Аёзли кун...»	104
«Сенга қўнглимни...»	105
Хиргойи	106
«Келар кундан...»	107
Хато	108
«Мени диддан...»	109
Янги йил умиди	111
Кечки савдо	113
Қўшиқ	115
«Жоним аразлама...»	116
«Бир сир бор...»	117
Даъват	118
«Менинг ёрим қани деб...»	120

«Ошиқ аҳлига асли...»	121
Хумор.....	122
«Айбдорман айбдор...»	123
Соғинч.....	124
«Кунимнинг бор йўғи...»	125
«Эълон...»	126
СМС учун шеърлар	127
Пўписа	130
Тазарру	131
Кечиккан мактуб	133
Музаффар сарҳисоб	141
Зарнигор	148
Мени кечир, Мукеш!	153
Бошимдаги тожим — онам	158
Гапнинг қисқаси яхши	226
Эътироф	273
Шаҳодат дафтари	275
Тасодиф ўйини	280
Шоир	289
Антиқа дебют	298
Қалбимдаги қизил атиргул	304
Сиз ҳамон ўшасиз	310

Адабий-бадиий нашр

Муҳаммад Исмоил

КЎКСИМНИ КУЙДИРГАН АЛАНГА

Ҳикоялар, шеърлар, бадиалар

Нашр учун масъул муҳаррир *Азиз Саид*

Муҳаррир *Назира Жўраева*

Мусаввир *Бахтиёр Мадийёров*

Бадий муҳаррир *Анатолий Бобров*

Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*

Мусахҳиҳ *Доно Тўйчиева*

Компьютерда саҳифаловчилар

Нодир Зокиров ва Жамила Турғунова

ИБ № 4594

Босишга 11.04.08 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32.
Таймс гарнитураси. Оффсет босма. 20,0 шартли босма тобоқ.
12,0 нашр тобоғи. Адади 5000 нуска. 158 рақамли буюртма.
17-2008 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129 Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
100128 Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

Бизнинг интернет манзилимиз: www.iptdgulom.uz

Муҳаммад
ИСМОИЛ



ISBN 978-9943-03-116-6

